

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**Ф.Э.МУХАМЕДОВ  
Ғ.А.АЛИМОВ  
Р.Р.ШАКУРОВ  
А.А.РАСУЛЕВ**

**ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ НОРМАЛАРИНИ  
ҚЎЛЛАШГА ОИД МАСАЛАЛАР  
ТЎПЛАМИ**

**ТОШКЕНТ-2019**

**Ф.Э.Мухамедов, Ғ.А.Алимов, Р.Р.Шакуров, А.А.Расулев.** Жиноят қонунчилиги нормаларини қўллашга оид масалалар тўплами/Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Юристар малакасини ошириш маркази, 2019. – 300 бет.

Ушбу ўқув-амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказининг Илмий кенгашида 2019 йил 8 январь куни муҳокама қилинган ва нашр учун тавсия этилган (5-сонли баённома).

**Масъул**

**муҳаррир:** юридик фанлар доктори Б.Н.Тошев

**Такризчилар:**

юридик фанлар доктори, профессор И.Исмоилов  
юридик фанлар доктори, профессор Х.Т.Маматов

© Ф.Э.Мухамедов, Ғ.А.Алимов, Р.Р.Шакуров, А.А.Расулев, 2019 йил  
© Юристар малакасини ошириш маркази, 2019 йил

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
-------------	---

### Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси

#### Умумий қисм

I-бўлим. Умумий қоидалар.....	4
II-бўлим. Жавобгарлик асослари.....	18
III-бўлим. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар.....	61
IV-бўлим. Жазо ва уни тайинлаш.....	71
V-бўлим. Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш.....	95
VI-бўлим. Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари.....	113
VII-бўлим. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари.....	126

#### Махсус қисм

I-бўлим. Шахсга қарши жиноятлар.....	136
II-бўлим. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар.....	182
III-бўлим. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар.....	195
IV-бўлим. Экология соҳасидаги жиноятлар.....	228
V-бўлим. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар.....	238
VI-бўлим. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар.....	256
VII-бўлим. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.....	282

## КИРИШ

Ўқув-амалий қўлланмада Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисм нормаларини қўллаш амалиётини инобатга олган ҳолда жиноят қонунчилиги нормаларини қўллашга оид топшириқ, муаммоли саволлар ва масалалар келтирилган.

Ўқув амалий қўлланмадаги ҳар бир мавзулар бошида келтирилган саволлар ва топшириқлар мажмуи Жиноят кодекси бўлимларидаги энг ечими қийин, мунозарали ёхуд мураккаб муоммали масалаларни тўғри қўллашга ёрдам беришга йўналтирилган. Қўлланмада келтирилган деярли ҳар бир масалаларни ечимини топиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини чуқур ўрганишни талаб этади. Назарий мазмундаги саволларни ечимини топиш учун ҳам қўлланма якунида келтирилган тегишли ўқув ва махсус адабиётларга мурожаат қилишни талаб этади.

Қўлланмадаги аксариат мунозарали масалалар суд амалиётидан олинган аниқ мисоллар асосида тайёрланган. Ҳар бир мавзунинг якунида турли мунозарали саволлар келтирилган бўлиб, уларга тингловчи ёзма жавоб бериши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айрим ҳолатларда оралик саволлар ҳам келтирилган бўлиб, уларнинг ечими мавзу бўйича якуний хулоса чиқаришга ёрдам беради. Масалаларга жавоб беришда амалдаги жиноят қонуни нормаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларига ва суд амалиётига асосланиши лозим.

Ўқув-амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисмлари бўлимлари тузилишлари кўринишига эга.

Ушбу қўлланма амалдаги жиноят, жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларида акс эттирилган раҳбарий кўрсатмалар асосида тайёрланган.

Қўлланма амалиёт ходимлари, юридик таълим муассасалари талабалари, тингловчи ва курсантлари учун мўлжалланган бўлиб, улар томондан муайян вазиятларда жиноят қонунчилигини қўллашга оид амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

## УМУМИЙ ҚИСМ

### I-бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### Топширик:

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси, 26-моддасининг 1-қисми;

– 1993 йил 22 январдаги «Жисмоний ва юридик шахсларга Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияси;

– Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддаси;

– Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 10-моддасининг 2-қисми;

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 23-моддасининг 1-қисми;

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг учинчи бўлими («Далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар») ва 601-моддаси;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 1-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 07-сонли «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарорининг 28-банди, 29-бандининг биринчи хатбоши;

– Жиноят қонунчилиги бланкет диспозицияли моддаларни қўллашга оид Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини ўрганиш.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2012 йил 25 май 6-сонли қарори;

### **Муаммоли саволлар:**

1. Жиноят қонунини қабул қилиш ва амалга киритиш тартиби қандай?
2. Жиноят ҳуқуқининг муҳофаза қилувчи, огоҳлантирувчи ва тарбияловчи вазифалари нималардан иборат?
3. Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқидаги аҳамиятини кўрсатинг.
4. Жиноят қонунчилигини қўллаш фаолиятида қонунийлик принципининг аҳамияти қандай?
5. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципининг моҳияти нимадан иборат?
6. Демократизм принципининг мазмун моҳияти нимадан иборат?
7. Одиллик принципининг фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва инсонпарварлик принциплари билан боғлиқлиги нимада намоён бўлади?
8. Айб учун жавобгарлик принципининг жиноят-ҳуқуқий моҳияти нимада?
9. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи мажбурий жазо тайинлашни англатадими?
10. Жиноий-ҳуқуқий нормалар турлари ҳақида гапириб беринг. ЖКнинг матнидан фойдаланиб мисоллар келтиринг.
11. Жиноят қонунининг тузилиши қандай?
12. Жиноий-ҳуқуқий нормалар тузилишини очиб беринг.
13. ЖК Умумий ва Махсус қисми моддалари турлари ва тузилишини тавсифлаб беринг.
14. Жиноят қонунини шарҳлаш усуларининг амалий аҳамиятини кўрсатинг.
15. Жиноят қонуни амал қилишининг ҳудудийлик принципи мазмунини ёритиб беринг. Ўзбекистон ҳудуди деганда нимани тушунаси?
16. Жиноят қонунининг амал қилишида фуқаровийлик принципи деганда нима тушунилади?
17. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши деганда нима тушунилади?
18. «Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи» тушунчаси ва аҳамиятини ёритинг. Қайси қонунлар орқага қайтиш кучига эга?
19. Жиноят қонунини ҳудуд бўйича амал қилиш принципларидан қайсиларини биласиз?
20. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди деганда нима тушунилади?
21. Фуқаролик принципини аҳамияти қандай?
22. Жиноят қонунини ҳудуд бўйича амал қилиш принципини мазмуни нималардан иборат?
23. Универсал принципнинг мазмуни қандай ва у жиноятчи шахсларни бериш институти билан рақобатга кирадими?

24. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқига кўра республика фуқароларни бошқа мамлакатга бериш мумкинми?

### **1-масала**

Конституциянинг 13-моддасининг мазмунини ақс эттирадиган, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият деб ҳисоблайдиган принципни аниқланг.

- 1) қонунийлик принципи (ЖК 4-моддаси);
- 2) фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи (ЖК 5-моддаси);
- 3) демократизм принципи (ЖК 6-моддаси);
- 4) инсонпарварлик принципи (ЖК 7-моддаси);
- 5) одиллик принципи (ЖК 8-моддаси);
- 6) айб учун жавобгарлик принципи (ЖК 9-моддаси);
- 7) жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи (ЖК 10-моддаси).

### **2-масала**

Жазонинг содир қилинган жиноятга мувофиқ бўлиши ёки ушбу ҳолатда муҳим йўналиш сифатида намоён бўлувчи содир қилинган қилмишнинг оғирлиги, айб даражаси, айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилигини ифода этувчи принципни кўрсатинг.

- 1) қонунийлик принципи (ЖК 4-моддаси);
- 2) фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи (ЖК 5-моддаси);
- 3) демократизм принципи (ЖК 6-моддаси);
- 4) инсонпарварлик принципи (ЖК 7-моддаси);
- 5) одиллик принципи (ЖК 8-моддаси);
- 6) айб учун жавобгарлик принципи (ЖК 9-моддаси);
- 7) жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи (ЖК 10-моддаси).

### **3-масала**

Айбдор Б. янги қонун кучга киргунга қадар ўғрилиқ қилиш учун икки нафар Н. ва Г. исмли шахслардан иборат гуруҳ ташкил қилган, ҳақиқий ўғрилиқ Н. ва Г.лар томонидан янги қонун кучга киргандан сўнг бажарилган.

- айбдорлар жавобгарлик масаласини қайси қонунга мувофиқ амалга оширилади?

Жавобни жиноят содир этиш пайтини белгиловчи ЖК 13-моддаси 1-қисмида кўрсатилган қоидага мувофиқ аниқланг.

### **4-масала**

Қозоғистон Республикасининг фуқароси С. Москва-Тошкент йўналиши бўйича поездда келаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Т.га Қозоғистон Республикасининг Чимкент бекатида жанжал оқибатида баданига оғир шикаст етказди.

Ушбу поезд «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-аксиядорлик компаниясига тегишли бўлган.

– Қозоғистон Республикасининг фуқароси С. ҳаракатларига юридик баҳо беринг.

– ушбу ҳолатда жиноят қайси давлат ҳудудида содир этилган деб топилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **5-масала**

ЖК 180-моддаси «Сохта банкротлик» учун жавобгарликни назарда тутган. Унинг диспозициясида «ҳақиқатга зид равишда хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кредиторлари олдида иқтисодий жихатдан ночорлигини эълон қилиш ва уларга кўп миқдорда зарар етказиш» дейилган.

Бунда кўп миқдордаги зарар тушунчасининг моҳиятини очиб бериш учун шарҳнинг қайси туридан фойдаланиш лозим?

- 1) кенгайтирилган шарҳ;
- 2) мантиқий шарҳ;
- 3) грамматик шарҳ;
- 4) тарихий шарҳ;
- 5) сўзма-сўз шарҳ;
- 6) чекланган шарҳ.

### **6-масала**

Фуқаро Д. 2014 йилнинг 22 ноябрь куни фуқаро Г.га нисбатан ЖК 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган. Д.га нисбатан кўзғатилган жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиши давомида Г.билан ярашиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб, амалда пушаймон бўлиб, етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги сабабли терговчи С. фуқаро Д.га нисбатан кўзғатилган жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатиш тўғрисида қарор чиқарди.

– мазкур ҳолатда терговчи С. Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига риоя қилганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **7-масала**

Жорий йилнинг январ ойида 2005 йилда қурилган бинонинг фундаменти чўкиб, иморатни қулаб кетишига сабаб бўлди. Натижада иккита одам ҳалок бўлди, еттитаси эса оғир шикаст олди. Дастлабки тергов жараёнида мазкур ходиса қурилиш қоидаларининг бузилиши оқибатида рўй берганлиги аниқланди.

– масалани жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши қоидасига кўра ҳал этинг.



### **8-масала**

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Л. Бирлашган Араб Амирликлари Дубай шаҳрида 5 йил давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, иккита аёлга уйланган ва умумий рўзғор асосида бирга яшаб келган.

– фуқаро Л. ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига асосан 126-модда билан жавобгарликка тортиладими?

– жавобгарликка тортиш масаласи Жиноят қонунчилигининг қайси моддасига мувофиқ ҳал этилиши лозим?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **9-масала**

Ўзбекистон фуқароси В. Тошкент шаҳрида АҚШ миллий валютаси «беш минг АҚШ доллари»ни қалбакилаштириб Қозоғистон Республикаси Алмата шаҳрида муомалага киритишда шу ҳудуд ХМҚО ходимлари томонидан қўлга олинди.

– ушбу ҳолатда Ўзбекистон фуқароси қайси давлат қонунчилигига кўра жавобгарликка тортилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **10-масала**

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича суди томонидан фуқаро Г. турмуш ўртоғи Б.ни қасддан ўлдирганликда айбдор деб топилди, Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинланди.

Фуқаро Г. жазони ижро этиб чиққанидан сўнг, кунларнинг биридан ишдан қайтаётди собиқ турмуш ўртоғи Б. нотаниш эрақ билан кетаётганининг гувоҳи бўлди. Г. аввалига Б.ни тирик эканлигига ишонмади ва уни кузата бошлади.

Г.нинг кузатувлари натижасида турмуш ўртоғи Б. тирик эканлигига ишонч ҳосил қилди ва унинг учун 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиб чиққанлиги учун уни ўлдирди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилиб, дастлабки тергов олиб борилди ва суд жараёнида Г.нинг ҳимоячиси судьяга ҳимояси остидаги фуқаро Г. муқаддам турмуш ўртоғи Б.ни ўлдирганликда айбланиб, жавобгарликка тортилганлигини Жиноят кодексининг 8-моддасида (Одиллик принципи) ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки мартаба жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилганлигини айтиб, суддан Г.га нисбатан кўзғатилган жиноят ишини тугатишни сўради

– ушбу ҳолатда ҳимоячининг талаблари тўғрими?

### **11-масала**

Ашхобод шаҳрида жуда кўп миқдордаги фирибгарлик жиноятини содир этган Туркменистон фуқароси Д. Тошкент шаҳри аэропортида қўлга олинди. Унинг қўл юкида фирибгарлик жинояти натижасида олган 920 миллион Туркменистоннинг пул бирлиги «манат» топилди.

– фуқаро Д. қилмишида жиноят аломатлари борми?

– фуқаро Д. қайси давлатнинг жиноят қонуни бўйича жавобгарликка тортилади?

– Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши қонунга кўра масалани хал этинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **12-масала**

Туркменистон Республикасининг фуқароси Б. “Андижон-Москва” йўналиши бўйича поездда келаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси З.га Туркменистон Республикасининг ҳудуди ҳисобланмаган жойда жанжал оқибатида қасддан ҳаётидан маҳрум қилди.

Ушбу поезд “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компаниясига тегишли бўлган.

– содир этилган жиноят қайси давлат ҳудудида содир этилган деб топилди?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **13-масала**

Латвия давлатининг ҳудудида парвоз қилаётган Ўзбекистон хаво йўллари авиакомпаниясининг самолетида Россия фуқароси К. мастлик ҳолатида, унга коньяк беришни рад этган стюардессани уриб-дўппослаб унинг баданига ўртача оғир шикаст етказди. Ушбу ҳаракатларни тўхтатмоқчи бўлган Ўзбекистон фуқаролари В. ва Д.ларга эса енгил шикаст етказилди.

– фуқаро К. қайси давлат қонунчилигига асосан жавобгарликка тортилади?

### **14-масала**

«ЖК 266-моддаси 1-қисмида транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса», деган диспозиция турини аниқланг.

1) оддий диспозиция;

2) тасвирловчи диспозиция;

- 3) бланкет диспозиция;
- 4) ҳаволаки диспозиция.

### **15-масала**

«Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш (ЖК 215-моддаси)», дейилган диспозиция турини аниқланг.

- 1) оддий диспозиция;
- 2) тасвирловчи диспозиция;
- 3) бланкет диспозиция;
- 4) ҳаволаки диспозиция.

### **16-масала**

Афғонистон Республикаси фуқароси Т. 2014 йилнинг 2 сентябрь куни Туркменистон Республикаси, 2014 йилнинг 5 ноябрь куни Тожикистон Республикасида “терроризм” жиноятини содир этиб, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрида қўлга олинди.

– фуқаро Т. содир этган жинояти учун қайси давлатнинг жиноят қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **17-масала**

Фуқаро Ж. ва В.ларнинг отаси вафот этганлиги сабабли, Ж. барча мол-мулкка эгалик қилиш мақсадида укаси В.га Қозоғистон Республикасига боришини билиб унга секин таъсир этувчи захарли моддани овқатига аралаштириб беради.

В. Қозоғистонга борганида вафот этади.

– фуқаро Ж. қайси давлат қонунчилигига асосан жавобгарликка тортилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **18-масала**

Ўзбекистонга саёҳат учун келган АҚШ фуқароси Б. Самарқанд вилояти Регистон майдонида Англия фуқароси Г. билан ўзаро жанжал натижасида унинг баданига оғир тан жароҳатини етказади.

– ушбу ҳолатда АҚШ фуқароси В. қайси давлат қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортилади.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **19-масала**

Афғонистон Республикаси фуқароси С. 2014 йилнинг 2 сентябрь куни Туркменистон Республикаси, 2014 йилнинг 5 ноябрь куни Тожикистон Республикаси, 2014 йилнинг 8 декабрь куни Қозоқистон Республикасида «Терроризм» жиноятини содир этиб, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрида қўлга олинди.

– ушбу ҳолатда фуқаро С. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортиладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **20-масала**

Хорижий давлат дипломатик вакили жаноб З. ўз давлатининг фойдасига амалга оширилган жосусликда фош этилди.

– Жаноб З.нинг жиноят учун жавобгарлик масаласи қандай ҳал этилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **21-масала**

Фуқаро Б. ва В. ларга отаси вафот этганлиги сабабли, Б. барча мол-мулкка эгалик қилиш мақсадида укаси В. га Тожикистон Республикасига боришини билиб унга секин таъсир этувчи захарловчи моддасини овқатига аралштириб беради.

В. Тожикистонга борганида вафот этади.

– ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **22-масала**

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Н. турмуш ўртоғи М. билан Покистон Республикасига вақтинча ишлаш учун борди. Покистон Республикасида муқим 3 йил яшаб, Покистон Республикасида икки ёки ундан ортиқ аёл билан умумий рўзғор асосида яшашга руҳсат берилганлиги сабабли, турмуш ўртоғидан яширинча иккита аёл билан никоҳдан ўтиб умумий рўзғор асосида яшаб келган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Н. ва М.лар Ўзбекистон Республикасида қайтгач, фуқаро Н.нинг турмуш ўртоғи М. бу ҳолат бўйича ҳудудий ИИБги ариза билан мурожаат қилди.

– ушбу ҳолатда фуқаро Н. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортиладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **23-масала**

2007 йилнинг 15 март куни фуқаро У. рашқ оқибатида ҳомиладор турмуш ўртоғи Г.ни болта билан танасининг турли жойларига зарар етказиб уни ўлдирди.

Фуқаро У. жиноятни содир этиш вақтида қўшниси П. кўриб қолганлигини англаб, уни ҳам ўлдирди. Содир этилган қилмиш юзасидан фуқаро У.га нисбатан ЖК 97-моддаси 2-қисми “А” ва “о” бандлари билан жиноят иши кўзғатилди.

2007 йилнинг 15 декабрь куни қабул қилинган ва 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган қонун асосида “ўлим жазосини” бекор қилиниб, “умрбод озодликдан маҳрум қилиш” жазоси жазо тизимига киритилган эди.

Шу боис суд жазо тайинлаш вақтида фуқаро У.нинг содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлик даражасига кўра ўта шафқатсизлик содир этганлигини инобатга олиб, унга 2008 йилнинг 10 январь куни унга ўлим жазосини тайинлади.

– суднинг фуқаро У.га нисбатан чиқарган ҳукми қонунийми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

#### **24-масала**

2010 йилда фуқаро Н. ўзаро жанжал оқибатида қўшниси Б.нинг бошига темир бўлағи билан урди. Берилган зарбадан Б.нинг бошида шиш пайдо бўлди. Лекин бошидаги шиш Б.ни безовта қилмагани сабабли у шифокорга мурожаат қилмаган. 2015 йилда Б.нинг бошида хатарли шиш аниқланди. Шифокорларнинг хулосасига кўра ушбу шиш аввал бошига темир билан олган зарбнинг оқибатида пайдо бўлиши мумкинлиги аниқланди.

– Н.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

#### **25-масала**

Ўзбекистон Республикаси фуқароси А. турмуш ўртоғи М. билан Покистон Республикасига вақтинча ишлаш учун борган эди. Покистон Республикасида муқим 3 йил яшаб, Покистон Республикасида 2 ёки ундан ортиқ аёл билан умумий рўзғор асосида яшашга руҳсат берилганлиги сабабли, турмуш ўртоғидан яширинча иккита аёл билан никоҳдан ўтиб умумий рўзғор асосида яшаб келди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари А. ва М.лар Ўзбекистон Республикасига қайтгач турмуш М. ўртоғи бу ҳолат бўйича худуддий ИИБга ариза билан шикоят қилди.

– ушбу ҳолат бўйича фуқаро А. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортиладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

#### **26-масала**

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ф. Лондон шаҳрида кўп миқдорда фирибгарлик жиноятини содир этиб, АҚШ давлатига ўтиб кетди.

АҚШ давлатида ҳам фирибгарлик жиноятини содир этиб Ўзбекистонга қайтиб келди.

– фуқаро Ф. қайси давлат қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **27-масала**

Афғонистон Республикаси фуқароси Х. ўз ҳудудида кўп миқдорда “опий” наркотик моддасини ўтказиш мақсадида тайёрлаб, Қозоғистон Республикаси ҳудудига озгинадан кўпроқ миқдорда, Туркманистон Республикаси ҳудудига анча миқдорда, Тожикистон Республикасига эса кўп миқдорда ўтказди.

Натижада наркотик моддаларни ўтказиш орқали катта миқдордаги бойликка эга бўлган Х. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлга олинди.

– фуқаро Х. қайси давлат жиноят қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **28-масала**

Афғонистондан келган фуқароларнинг бирининг қўл юки божхона кўригидан ўтказилганда, унинг сумкасида 3 кг миқдорида опий ашёси топилган.

– ушбу юкни кузатиб борувчи шахс қайси давлат жиноят қонунчилиги билан жавобгарликка тортилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **29-масала**

2007 йилнинг 15 март куни фуқаро С. рашқ оқибатида ҳомиладор бўлган турмуш ўртоғи Г.ни болта билан танасининг турли жойларига зарар етказиб ҳаётдан маҳрум қилган.

Жиноятни содир этиш вақтида қўшниси П. кўриб қолганлигини англаб жиноятни яшириш мақсадида уни ҳам ҳаётдан маҳрум қилган.

Содир этилган қилмиш юзасидан фуқаро С.га нисбатан ЖК 97-моддаси 2-қисми «а» ва «о» бандлари билан жиноят иши қўзғатилган эди. 2007 йилнинг 15-декабрь куни қабул қилинган ва 2015 йилнинг 1-январидан кучга кирган қонун асосида «ўлим жазоси» бекор қилиниб, «умрбод озодликдан маҳрум қилиш» жазоси жазо тизимига киритилган эди.

Суд жазо тайинлаш вақтида фуқаро С.нинг содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ўта шавқатсизлик содир этганлигини инобатга унга 2008 йилнинг 10 январь куни унга ўлим жазосини тайинлади.

– ушбу ҳолатда суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **30-масала**

2007 йилнинг 15 март куни фуқаро С. рашқ оқибатида ҳомиладор бўлган турмуш ўртоғи Г.ни болта билан танасининг турли жойларига зарар етказиб ҳаётдан маҳрум қилган. Жиноятни содир этиш вақтида қўшниси П. кўриб қолганлигини англаб жиноятни яшириш мақсадида уни ҳам ҳаётдан маҳрум қилган.

Содир этилган қилмиш юзасидан фуқаро С.га нисбатан ЖК 97-моддаси 2-қисми «а» ва «о» бандлари билан жиноят иши қўзғатилган эди. 2007 йилнинг 15-декабрь куни қабул қилинган ва 2015 йилнинг 1-январидан кучга кирган қонун асосида «ўлим жазоси» бекор қилиниб, «умрбод озодликдан маҳрум қилиш» жазоси жазо тизимига киритилган эди.

Суд жазо тайинлаш вақтида фуқаро С.нинг содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ўта шавқатсизлик содир этганлигини инобатга унга 2008 йилнинг 10 январь куни унга ўлим жазосини тайинлади.

– ушбу ҳолатда суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **31-масала**

2014 йил 25 март куни Жиноят кодексининг 177-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган фуқаро С.нинг жиноятини енгиллаштириш мақсадида терговчи А. ундан 1 млн. сўм пул талаб қилди.

Фуқаро С. 2014 йилнинг 16 июль куни терговчи А.га айтилган пулни пора тариқасида берди. Сўнгра айбидан пушаймон бўлган фуқаро С. туман прокуратурасига терговчи А.нинг устидан арз қилди.

Суд фуқаро С.га нисбатан Жиноят кодексининг 211-моддасида назарда тутилган қилмишни содир этганлигини инобатга олиб, 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

– ушбу ҳолатда фуқаро С.га нисбатан чиқарилган суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **32-масала**

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Л. Лондон шаҳрида кўп миқдорда фирибгарлик жиноятини содир этиб, Лондон шаҳри ИИБдан жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида АҚШ давлатига ўтиб кетади.

АҚШ давлатида ҳам фирибгарлик жиноятини содир этиб Ўзбекистонга қайтиб келади.

– ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқароси Л. қайси давлат қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **33-масала**

Афғонистон Республикаси фуқароси Д. Афғонистон Республикаси ҳудудида кўп миқдорда опий наркотик моддасини ўтказиш мақсадида тайёрлаб, Қозоқистон Республикаси ҳудудида анча миқдорда, Туркменистон Республикаси ҳудудида анча миқдорда, Тожикистон Республикаси анча миқдорда ўтказди.

Наркотик моддаларни ўтказиш жиноий ҳаракати орқали жуда кўп миқдорда мулк(пул)ка эга бўлганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшириниб юрганида маҳаллий ИИБда шубҳа ўйотганлиги сабабли, қўлга олинди.

Шу билан унинг юқорида қайд этилган давлатларда содир этган жиноятлари аниқланди.

– ушбу ҳолат бўйича фуқаро Д. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортилиши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **34-масала**

2014 йил 15-март куни фуқаро Н. ЖК 177-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Фуқаро Н.ни жиноий ишини енгиллаштириш мақсадида туман ИИБ терговчиси А. Фуқаро Н.дан 1 200 000 сўм пул талаб қилган. Фуқаро Н. туман ИИБ терговчиси А.га сўралган пулни пора эвазига берган. 2014 йилнинг 16 июль куни содир этган хатти-ҳаракатидан каттиқ пушаймон бўлиб ҳамда ЖК 211-модда 4-қисмида рағбатлантирувчи норма мавжудлигини инобатга олиб туман прокуратурасига айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб борган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги Қонунига асосан Жиноят кодекси 211-модда 4-қисмида “ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилиши” таъкидлаб ўтилган.

Суд иш ҳолатларидан келиб чиқиб фуқаро Н.га ЖК 211-моддасида назарда тутилган қилмишни содир этганлигини инобатга олиб 4 фил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаган.



- Суднинг ҳукми тўғрими?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **35-масала**

Мукаддам гиёҳвандлик воситаларини экиб етиштирганлиги учун фуқаро Ж. Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг биринчи қисми билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Судланганлик ҳолати тугалланмасдан, у озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга тушган.

Дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг иккинчи қисми билан квалификация қилинган.

Суд фуқаро Ж. нинг жиноий ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинган деб топиб, ўз ажрими билан ишни қўшимча тергов юритиш учун юборган.

Суд ажрими қонунийми?

Жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш асослари моҳиятини айтиб беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т .: Ўзбекистон, 2018. - 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. –

864 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 524 б.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 452 б.

2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 260 б.

3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 1: Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2010. – 400 б.

4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 2: Жазо тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2011. – 304 б.

5. Якубов А.С., Кабулов Р. Современные тенденции в уголовной политике Узбекистана // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – 2010. – № 1. – С. 29–36.

## II-БЎЛИМ. ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ

### Топширик:

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25,26-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни 28-моддасининг иккинчи қисми;
- Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 457-моддаси биринчи қисмининг 8-банди, 468-моддаси биринчи қисмининг 3-банди;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги 23-сонли «Рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги 13-сонли «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация килишга доир масалалар тўғрисида»ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 3-банди. 19-банди;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарори 21-бандининг иккинчи хатбошиси;,
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 3.1-бандининг бешинчи хатбошиси ва 4.1-бандининг тўртинчи хатбошиси;,
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 2,3,4-бандлари, 14-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари, 20-банди, 22-банди;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 22-банди;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори 5-бандининг иккинчи хатбошиси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги 08-сонли «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан

бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарорининг 11-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 15-бандининг учинчи хатбошиси;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 37-сонли «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 5-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли «Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 8-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 9-бандининг иккинчи хатбошиси;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 2008 йил 15 майдаги 13-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2014 йил 23 майдаги 7-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2006 йил 22 декабрдаги 16-сонли қарори;

– тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган аниқ турдаги жиноятларни баҳолашга оид Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини топиш ва ўрганиш.

#### **Муаммоли саволлар:**

1. Жиноятнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тушунчаси қайси белгилар билан таърифланади?

2. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва ҳуқуққа хилофлигига нима таъсир қилади?

3. Жиноятларни таснифлашнинг аҳамияти нимада?

4. Жиноят объектларини таснифлаш асосига қандай мезонлар қўйилган?

5. ЖК Махсус қисмининг муайян моддаси мисолида асосий ва қўшимча объектларни аниқланг.

6. Факультатив объектнинг мавжудлигини назарда тутувчи жиноят таркибларининг мисолларини келтиринг.

7. Жиноят объекти ва предметининг ўзаро нисбати нимадан иборат?

9. Жиноят объектив томони зарурий ва факультатив белгиларининг роли ва мазмун-моҳияти қандай?

10. Махсус субъектларни турли асосларга кўра таснифини келтиринг.

11. Мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этишнинг шахс жавобгарлигига таъсирини кўрсатинг.

12. Жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий ва факультатив белгиларининг аҳамияти ва уларнинг роли қандай?

13. Айб жиноят субъектив томонида қандай ўрин тутади ва унинг қандай турлари мавжуд? Айбнинг қандай тури ўзида катта ижтимоий хавфни намоён этади ва нима учун?

14. Қасднинг қайси бир тури катта ижтимоий хавфни намоён этади-ю, қайси бири кичик ижтимоий хавфни?

15. Эҳтиётсизлик ўзида нимани ифодалайди ва унинг турлари қандай?

16. Жиноят мотиви ва мақсадининг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти нимадан иборат? Уларнинг фарқи нимада?

17. Жиноят ҳуқуқида юридик ва фактик хатолар деганда нима тушунилади?

18. Тамом бўлмаган жиноятнинг қандай турлари мавжуд? Уларнинг жиноят-ҳуқуқий моҳияти нимада?

19. Жиноятга тайёргарлик кўриш деганда нима тушунилади? Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир қилишга қасднинг пайдо бўлишидан нима билан фарқланади?

20. Жиноятга суиқасд жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи ҳамда тамом бўлган жиноятдан нимаси билан фарқ қилади?

21. Тамом бўлган жиноятни тавсифланг.

22. Жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш деганда нима тушунилади? Унинг ҳуқуқий оқибатлари қандай?

23. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг фаол (актив) ва суст (пассив) турлари, уларни жиноят ҳуқуқидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.

24. Жиноят иштирокчиларининг қандай турлари мавжуд?

25. Бажарувчини билвосита зарар етказиши тушунчасини изоҳлаб беринг.

26. Амалдаги жиноят қонунчиликка мувофиқ иштирокчиликнинг қандай турлари ва шакллари ажратилади?

27. Жиноят иштирокчиларининг жавобгарлиги асослари ва доирасини таърифлаб беринг.

28. Бошқа иштирокчиларнинг қасди билан қамраб олинмаган (эксцесс) қилмишни содир этишнинг жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини кўрсатинг.

29. Амалга ошмаган иштирокчиликни тушунчаси ва унинг квалификация қилиш хусусиятлари қандай белгиланади?

30. Махсус субъектли жиноятларда иштирокчилик учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

31. Жиноятга дахлдорликнинг қандай турлари мавжуд, уларнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти нимадан иборат?

32. Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томондан содир этилган жиноятларни квалификация қилиш муамоларини ёритинг.

33. Амалдаги қонунчиликда бир қанча жиноят содир этишнинг қандай турлари мавжуд?

34. Бир қанча жиноят содир этилганда ЖКнинг Махсус қисми моддасида такроран жиноят содир этиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилмаган бўлса, квалификация қилиш қоидасини аниқланг.

35. Жиноятлар мажмуини такрорийликдан фарқлаб беринг.

36. Жиноятлар реал мажмуининг жиноятлар идеал мажмуидан тафовути нимада?

37. Рецидив жиноят қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

### **1-масала**

Раислик этувчи туман судининг судьяси Р. ҳамда халқ маслаҳатчилари У. ва Ш.лардан иборат таркибда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши оқибатида одамлар ўлимига сабабчи бўлганликда айбланган фуқаро Т.нинг жиноят иши кўрилиб, у уч йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони ўташ умумий тартибли колонияларда белгиланган.

– Суд ҳукмига баҳо беринг?

– мазкур жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жиноятлар таснифига киради?

### **2-масала**

Фуқаро К. муқаддам Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг иккинчи қисми “б” банди билан айбдор деб топилиб, уч йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинган. Суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг бир кун ўтиб, фуқаро К. фуқаро Л.ни уриб, унга қасддан ўртача оғир шикаст етказиб, ЖК 105-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

– Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг биринчи қисми санкциясида уч йилгача ахлоқ тузатиш иши жазоси ва уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари назарда тутилган. Агар суд маҳкумга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим деб топса, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қандай тартибда амалга оширилади?

– мазкур жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жиноятлар таснифига киради?

### **3-масала**

Фуқаро Н. транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш ҳафвсизлиги қоидаларини бузиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилиши натижасида одам ўлимига сабабчи бўлганлиги учун суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг иккинчи қисми билан уч йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

– Суд жазо тайинлашда қандай хатога йўл қўйган?

– мазкур жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жиноятлар таснифига киради?

### **4-масала**

Судья Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг иккинчи қисми билан судланаётган Р.нинг жиноят ишини кўриб, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги тўғрисида ажрим чиқарди.

– Судья мазкур жиноят иши юзасидан тўғри қарор қабул қилганми?

– мазкур жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жиноятлар таснифига киради?

### **5-масала**

Фуқаро Р.нинг айби билан йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганлиги натижасида автомашинадаги йўловчи ҳалок бўлган. Суд томонидан судланувчи Р. Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг иккинчи қисми билан айбдор деб топилиб, тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони умумий тартибли колонияда ўташлик белгиланган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– мазкур жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жиноятлар таснифига киради?

### **6-масала**

Суд ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 267-моддасининг биринчи қисми билан айбли деб топилган фуқаро Ф. ҳукм чиққан кунга қадар эҳтиёт чораси сифатида камоқда бўлган. Суд томонидан унга нисбатан олти ой ўн етти кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони ўтаган деб ҳисоблаб, суд залидан камоқдан озод этилган. Фуқаро Ф. судланганлик муддати тугамасдан яна ўғирлик жиноятини содир қилган ва суд томонидан ЖК 169-моддасининг биринчи қисми билан айбланиб, икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

– Маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қандай турдаги колонияда ўташ белгиланиши лозим?

– мазкур жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жиноятлар таснифига киради?

### **7-масала**

Муқаддам судланмаган фуқаро О. суднинг ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг иккинчи қисми “а” банди ва 276-моддасининг иккинчи 2-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖК 270-моддасининг иккинчи қисми “а” банди билан уч йил олти ой муддатга, ЖК 276-моддасининг иккинчи қисми “б” банди билан тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони манзил-колонияда ўташ белгиланган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– мазкур жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жиноятлар таснифига киради?

### **8-масала**

Судья Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг иккинчи қисми “а” банди билан фуқаро А.га нисбатан юритилган жиноят ишини кўриб чиқиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатириши ҳақида ҳукм ўқиб эълон қилган. Эҳтиёт чорасини ўзгартириб, маҳкум А.ни суд мажлиси залида қамоқдан озод этган.

– Судья маҳкум А.ни суд залидан қамоқдан озод этиб тўғри хулосага келганми?

– мазкур жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жиноятлар таснифига киради?

### **9-масала**

Фуқаро М. Ўзбекистон Республикаси МЖТК 52-моддасининг иккинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиб, бир йил ўтмай туриб яна шу моддада кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатини содир қилган. Дастлабки тергов органи ушбу шахснинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг биринчи қисми билан квалификация қилиб, жиноят ишини судда кўриш учун юборган. Суд М.нинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг биринчи қисми билан айбли деб топган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра мазкур жиноят қандай жиноятлар таснифига киради?



### **10-масала**

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлмаган жиноятлари учун муқаддам бир неча марта судланиб, ўта хавфли рецидивист деб топилган Р. кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўзи истеъмол қилиш мақсадида сақлаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг иккинчи қисми “а” банди билан айбдор деб топилди, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташлик белгиланган.

– Сизнингча суд ҳукми қонунийми?

– Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра мазкур жиноят қандай жиноятлар таснифига киради?

### **11-масала**

Илҳомнинг нафси ҳакалак отиб, оиласи ҳали ёш ва кичик бўлишига қарамадан на оддий қармоқ, на тўрға қаноатланмасдан тақиқланган ва шавқатсиз усул бўлган электр қармоқ билан ов қилишни ихтиёр этади.

2013 йилнинг 25 февраль куни соат тунги тўққиз-ўнлар атрофида шахсий машинасида Сирдарё тумани Охунбобоев сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидан ўтадиган Шўрўзак каналаига балиқ овлаш учун йўлга чиқади.

Электр қармоқнинг ёмон жиҳати шундаки, қармоқ сувга солингандан кейин муайян ҳудуддаги балиқлар электр зарбидан ёппасига ҳалок бўлади. Ўзи билан резина қайиқ олган Илҳом электр зарбидан ўлиб, сув юзига қалқиб чиққан балиқларни териб, машинасига жойлай бошлайди. Сайхунобод тумани табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси вакиллари уни жиноят устида кўлга олади.

– Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг жиноят тушунчаси ва таснифига доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

### **12-масала**

Истанбул-Тошкент рейси бўйича учиб келган марғилонлик Марипнинг чангютгичидан 1,4 килограмм оғирликдаги кумушдан тайёрланган заргарлик буюмлари топилди.

Айни шу шаҳардан қайтган фарғоналик Дилдоранинг чўнтақларидан эса қиймати 2,5 миллион сўмдан зиёд бўлган 159 грамм оғирликдаги тилла ва кумуш тақинчоқлар чиқди. Иккала қоидабузар ҳам заргарлик буюмларини белгиланган меъёрдан ортиқча, шунингдек, Т-6 шаклидаги божхона баённомасида қайд этмасдан олиб киришга уринган.

– Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг жиноят тушунчаси ва таснифига доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

### **13-масала**

Божхоначилар Туркиядан қайтаётган йўловчилар наманганлик Муқаддас томонидан қиймати 10 миллион сўмдан ортиқ 210 грамм ҳамда самарқандлик

Феруза томонидан салкам 16 миллион сўмлик 237 грамм тилла тақинчоқлар божхона баённомасида кўрсатилмай ва божхона ходимининг оғзаки сўроғи пайтида маълум қилинмай олиб ўтишга уринганлигини фош қилди.

Бундан ташқари, аэропорт божхоначилари Истанбулга йўл олган наманганлик Замирани кўздан кечирганда, эғнидаги кийимлари остига яширинча олиб чиқиб кетиш учун қиймати 5 миллион сўмлик, оғирлиги эса 194 грамм бўлган турли шаклдаги қуйма тиллаларни бекитганлигини аниқланди.

– Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг жиноят тушунчаси ва таснифига доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

#### **14-масала**

Фуқаролар Ў. ва А. ўз уйларида «казино» очган. Улар ўнлаб кишиларни йиғиб, ярим кечагача қартабозлик қилган. Ўйинга нақд пул тикилган. Покер ўйини кўп миқдорда спиртли ичимликларни ичиш билан ўтган.

– ЖКнинг жиноят тушунчаси ва таснифига доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

#### **15-масала**

Ўтказилган тезкор тадбирда Ф.нинг яшаш хонадони кўздан кечирилганда, у ўзининг хонадонида электр тармоқлари корхонасига 19 миллион 627 минг сўмлик зарар етказиб, яширин цех ташкил қилгани, пахта хомашёсини қайта ишлаш ускунаси ўрнатганлиги, ноқонуний равишда тола ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келганлиги маълум бўлди ва ундан 9 турдаги жами 9 миллион 126 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди.

Бундан ташқари, Ф. қайта ишланган пахта толасини ўтказиш мақсадида расмий ҳужжатларни қалбакилаштириб, ўзининг жиноий шерикларига тақдим қилиб, пахта толасини такроран ўтказиб келганлиги ҳам аниқланди.

– ЖКнинг жиноят тушунчаси ва таснифига доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

#### **16-масала**

Тошкентдаги кўп қаватли уйлاردан бирида 12 ёшли бола иккита эшигидан биттаси очилган лифтга чиққан. У лифт ичига тўлиқ кириб улгурмасдан, лифт тепага юриб кетган. Натижада лифтдаги носозлик туфайли у вафот этган.

Ф.га уй-жой ширкати ўз вақтида носозликни бартараф этиш чораларини кўрсатганлиги сабаб бўлган.

– ЖКнинг жиноят тушунчаси ва таснифига доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

### **17-масала**

Косон туманида яшовчи А. учун бобоси қолдирган «мерос» анчагина оворагарчилиққа сабаб бўлди. Анвар ов қуролини тегишли рухсатномасиз уйда сақлаш қонунга зид эканлигини билса-да, 1999 йилда уни уйига олиб келиб, яшириб қўяди. Вақти келиб, унинг «сири» фош этилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва холислар томонидан унинг уйи кўздан кечирилганда, 1961 йилда «Ижевск» қурол-аслаҳа заводида ишлаб чиқарилган, ИЖ-16 русумли отишга яроқли ов қуроли топилди.

Гарчи А. мазкур қуролдан бирор марта фойдаланмаган бўлса-да, уни уйда яширин равишда сақлаб келган.

– ЖКнинг жиноят тушунчаси ва таснифига доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

### **18-масала**

Фуқаро Т. Шароф Рашидов кўчаси бўйлаб мотоциклини бошқариб кетаётганда, тўсатдан йўлига 14 ёшли ўсмир югириб чикди. Буни кўрган мотоцикл ҳайдовчиси Т. дарҳол мотоциклини тўхтатди, бироқ мотоциклнинг орқасидаги тўхташ белгисини билдирувчи чироғи йўқлиги сабабли, унинг ортидан келаётган “Тико” автомобили ҳайдовчиси К. мотоцикл тўхтаётганлигини ўз вақтида сезмади. Бунинг оқибатида “Тико” автомобили мотоциклга келиб урилди ва Т. оғир тан жароҳати олди.

- Фуқаро К. ва Т.ларнинг қилмишларини квалификация қилинг.

- Моддий таркибли ва формал таркибли жиноятларнинг фарқини айтинг.

### **19-масала**

Фуқаро С. ўз қўшниси З. билан жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида уни “чўчка” деган сўз билан ҳақоратлади.

- Бу ҳолатда фуқаро С. ўз хатти ҳаракатлари билан жиноят содир этдими?

- Масалани ечишда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси талаблари билан танишинг.

### **20-масала**

Фуқаролар К. ва Э. ўзганинг мол-мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш мақсадида олдиндан тил бириктиришган. Шундан сўнг, К. кўчадан ўтиб бораётган З.нинг бўйнидаги 1 500 000 сўмлик олтиндан тайёрланган занжирини юлиб олганида, З. унинг қўлидан ушлаб олиб, атрофдагиларни ёрдамга чақирган. Бунинг натижасида К. қўлидаги олтин занжири билан шу ернинг ўзида фуқаролар томонидан ушланган. Э. эса воқеа бўлган жойдан қочиб кетган.

Фуқаролар К. ва Э.ларнинг қилмишларини квалификация қилинг.

– Қандай жиноятлар моддий таркибли жиноятлар ҳисобланади?

### **21-масала**

Фуқаро П. Дорихона омбори мудирининг бепорволиги ва йўл қўйиши натижасида дорихона омборидан таркибида гиёҳвондлик моддаси бор дори воситаларини ўғирлади.

- Бу ерда ушбу жиноят объекти ўзгалар мулкими ёки бошқа бошқа муносабатларми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **22-масала**

Фуқаро З. ўзганинг мол-мулкани товламачилик йўли билан талон-торож қилиш мақсадида “Айдин-жол” бозорида савдо-сотик билан шуғулланаётган К.нинг ёнига бориб, унга бир кун ичида 3 000 000 сўм пул бермаса, дўконига ўт қўйиб, молларини нобуд қилишини айтиб, қўрқитаётганида, К.нинг фаол ҳаракатлари натижасида у бошқа сотувчилар ёрдамида воқеа содир бўлган жойда ушланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга топширилган.

Фуқаро З.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Қандай жиноятлар кесик таркибли жиноятлар ҳисобланади?

### **23-масала**

Фуқаро В. суд ажрими бўйича вояга етмаган фарзанди учун алимент тўлаши жоиз бўлсада, у алимент тўловларини тўлашдан бўйин товлаш мақсадида тез-тез турар жойини ўзгартириб турди, фамилиясини ўзгартирди ва бу ҳақда мажбурий ижро органларига маълум қилмади.

- Ушбу жиноятнинг турдош ва бевосита объектларини муносабатларини очиб беринг.

### **24-масала**

Фуқаро А. кўчада кетаётган вақтида, фуқаролар Б. ва Д. уни тўхтатиб, фолбин эканликларини айтиб, уни келажаги ҳақида фол кўришиб, ундан 5 000 сўм пул олган.

Шундан сўнг, А. ни уларга ишончи ортганлигидан фойдаланиб, А.ни уйига бориб, уйда ҳам фол кўриб унинг 400 000 сўмлик тилла тақинчоқларни қўлга киритганлар.

– фуқаролар Б. ва Д.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Жиноят таркиби объектив томони қўшимча белгиларини санаб, уларнинг квалификация учун аҳамиятини айтиб беринг.

### **25-масала**

Фуқаро Д. спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда фуқаро Г.нинг хонадонига тўй маросимида хизмат қилаётган фуқароларни уятли сўзлар билан ҳақорат қилади. Хонадон эгаси Г. уни тартибга чақирганида, фуқаро Д.

уни тўйхонадан четга олиб чиқиб, ёнидаги пичоқ билан унинг чап кўкрак соҳасига қасддан бир мартаба уриб, уни ўлдирган.

– фуқаро Д.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Жиноят содир этиш қуроли ва воситасини фарқи нимада?

### **26-масала**

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси бўлмаган 16 ёшли фуқаро А. амакиси Р.нинг «Nexia» русумли автомашинасини унинг рухсати билан бошқариб кетаётиб, транспорт воситасини бошқара олмай йўл четида турган йўловчи М.ни уриб юбориши натижасида, фуқаро М.га оғир шикаст етказилди.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро А. ва Р.лар томондан содир этилган қилмишнинг объектив ва субъектив белгиларини ёритинг.

### **27-масала**

Фуқаро Р. турмуш ўртоғини хиёнатда айблаб, мунтазам равишда уни уриб, калтаклаб, турли сўзлар билан ҳақорат қилиб, боғлаб қўйиш ёки уйга қамаб қўйиш орқали эркинлигини чеклаб, овқат бермасдан, умумий болалари билан учраштирмасдан келган.

- Ушбу жиноятнинг оқибатлари қандай?

### **28-масала**

Фуқаро Ж. кўчада маст ҳолда кетаётиб, ёнидан ўтаётган икки нафар нотаниш шахсдан сигарет сўраган. Улардан рад жавоби олгач, кўпол сўзлар билан уларни ҳақорат қилганлиги оқибатида улар ўртасида жанжал келиб чиққан.

Шундан сўнг, Ж. қўйнидаги ароқ шишаси билан улардан бирига оғир тан жароҳати, иккинчисига соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказган.

– фуқаро Ж.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– “Жабрланувчи” жиноят таркибининг қайси элементига тегишли белги ҳисобланади?

### **29-масала**

Фуқаролар К. ва С. ов қилиш таъқиқланган даврда 400 кг. сазан балиғини овлаш орқали кўп миқдорда зарар етказишди.

- Жиноятни квалификация қилишга жиноят содир қилиш вақти аҳамиятга эгами?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### 30-масала

Фуқаро М. ўзи чалинган касалликнинг давоси йўқлигини билиб, ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлди, аммо бу ишни бошқа кишининг ёрдамисиз қила олмади.

Шундан сўнг фуқаро М. дўсти Й.га мурожаат қилиб, унга давосиз дардга чалинганлигини, оғриқлардан қаттиқ азобланаётганлигини, шунинг учун ўз жонига қасд қилмоқчилигини айтиб, унга бу масалада ёрдам беришини сўраган.

Дўсти Й. бунга рози бўлиб, сиртмоқ ясаб бериб, унинг олдидан чиқиб кетган. Шундан сўнг фуқаро М. ўз жонига қасд қилган.

– фуқаро Й.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Ижтимоий хавfli қилмишнинг тушунчасини ёритиб беринг.

### 31-масала

Фуқаро П. уй шароитида яширинча соғлом чақолоқ туғиб, туғилган чақолоқни ўлимини истаб, уни поездда шаҳар ташқарисига олиб бориб, ўрмонда қаровсиз ташлаб кетди.

Натижада чақолоқ очлик ва совуқдан бир неча кундан кейин вафот этди.

-Фуқаро П.нинг қилмишини квалификация қилинг.

-Ушбу жиноят ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир этилганми?

### 32-масала

Фуқаро И. 17 ёшли Р.нинг номусига тегиши натижасида унга таносил касаллигини юқтирган. Бу ҳодисадан сурункали равишда оғир куйиниб, Р. ўзини ўзи ўлдирган. Унинг онаси ушбу ҳолатлар юзасидан кучли руҳий куйинишлари натижасида касал бўлиб, икки ойдан ортиқ муддат давомида касалхонада даволанди.

– фуқаро Р.нинг онасининг касалланиши ва фуқаро И.нинг қилмиши ўртасида сабабий боғланиш борми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### 33-масала

Фуқаро К. етмиш ёшли буваси Д.нинг турар жойини эгаллаш мақсадида унинг овқатига ҳаёт учун ўта хавfli бўлган заҳар қўшиб қўйди. Д. овқатлангач ўзини ёмон ҳис қила бошлади.

К.га бувасининг оғир қийналаётгани таъсир қилиб, раҳми келганидан тез тиббий ёрдам чақирди.

Д.нинг ўз вақтида зарур тиббий ёрдам кўрсатилиши натижасида ҳаёти сақланиб қолинди, лекин ошқозонида икки сантиметрлик яра пайдо бўлиб, битта буйрагининг фаолияти бузилиб, оқибатида тамоман ишламай қолди.

– фуқаро К.нинг қилмиши ва келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш борми?

### **34-масала**

Ҳарбий хизматчи Г. оилавий жанжал вақтида турмуш ўртоғини қўрқитмоқчи бўлди.

Шу мақсадда у сохта ғазаб билан, ўқланмаган деб ўйлаган тўппончасини хотинига қаратган. Г. учун қутилмаганда тўппонча отилади, аммо ўқ турмуш ўртоғига тегмаган.

Г.нинг қайнонаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига мурожаат қилиб, куёви қизининг ҳаётига суиқасд қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишни сўраган.

- фуқаро Г.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Айб шакллари ва уларнинг тарифини айтиб беринг.

### **35-масала**

Трактор ҳайдовчиси Т. одам ташиш учун мўлжалланмаган прицепга пахта теримидан қайтаётган етти нафар пахтакорларни миндириб келаётганида, бурилишда тракторнинг олдинги ғилдираги катта тошни босиши натижасида ҳайдовчи бошқарувни йўқотиб қўйган.

Натижада прицеп ағдарилиб, 2 киши вафот этиб, 2 киши оғир ҳамда ўртача оғирликдаги тан жароҳати олган.

- фуқаро Т.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- айбнинг эҳтиётсизлик шакли таърифини баён қилинг.

### **36-масала**

Фуқаро Ш. 2015 йил 4 январь куни соат чамаси 19-00 ларда ўзининг номидаги “ВАЗ-2105” русумли автомашинасини бошқариб кетаётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари” талабларини бузиб, йўлни кесиб ўтаётган йўловчи И. ни уриб кетиб, унга ёрдам бермасдан воқеа содир бўлган жойдан қочиб кетган.

Натижада И. етказилган оғир жароҳатлар оқибатида шифохонада вафот этган.

- мазкур жиноятлар айбнинг қайси шакли (қасд ёки эҳтиётсизлик) орқали содир этилган?

### **37-масала**

Фуқаро Б. 4 қаватли уйнинг томини таъмирлаётиб, ишга яроқсиз бўлган шифер бўлагини пастга ташлаб юборган.

Шифер бўлаги уй олдида ўтирган фуқаро О.га тегиб, унинг ўртача оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

- фуқаро Б.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Айб шакллари ва уларнинг таърифини айтинг.

### **38-масала**

15 ёшли К. билан 13 ёшли Н. маҳалласидаги дўкон яхши кўриқланмаслигини билиб, тунда ушбу дўконга ўғирликка кириб, 74 000 сўмлик конфет, ўйинчоқ ва бошқа нарсаларни ўғирлашган.

- Вояга етмаган К. ва Н.ларнинг қилмишларини квалификация қилинг.
- Жиноят субъектининг белгиларини санаб беринг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **39-масала**

Фуқаро А. 2014 йилнинг 13 декабрь куни Питнак шаҳрида жойлашган “Тухумбарак” ошхонаси олдида спиртли ичимликдан маст ҳолатда юрганида, ёнидан олдиндан зиддияти бўлган фуқаро З. ўтиб кетаётганини кўриб қолиб, унга “Нега менинг олдимдан рухсатсиз ўтасан?” деб, уни уриб, соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказган.

- фуқаро А.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг.

### **40-масала**

Олий ўқув юрти ўқитувчиси Л.синов имтиҳонларини ўз вақтида топшира олмаган талабалардан, имтиҳонни қайта қабул қилганлиги сабабли ўз шахсий вақтини сарф қилганлиги учун 100 дан 200 АҚШ долларигача пултамагирлик йўли билан олди. Ҳаммаси бўлиб Л. талабалардан 700 АҚШ доллари олган.

- Ушбу ҳолатда мазкур жиноятни махсус субъект томонидан содир қилган деб айтса бўладими?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **41-масала**

Давлат бошқаруви органларида бошқарма бошлиғи лавозимида ишловчи С. қўл остида, бўлим бошлиғи лавозимида ишловчи О.ни, у ўзига юклатилган топшириқларни ўз вақтида бажармаганлиги учун уриб, унга енгил тан жароҳати етказган.

- фуқаро С.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Кимлар мансабдор шахс ҳисобланади?

### **42-масала**

Ҳокимият вакили Ф. ўзининг таниши С. билан жиноий тил бириктириб, жиноий фаолият билан шуғулланиб келишган.

Ишнинг ҳолатларига кўра Ф. ўзини ҳокимият вакили «В» деб таништириб, муайян ҳаракатни моддий қимматликлар бераётган шахснинг



манфаатларини кўзлаб бажаришини айтиб, моддий қимматликларни олиб, ўзининг таниши Ж. билан ўз манфаатлари йўлида сарф этиб келишган. Улар жами 10 та фуқародан жами 24.700.000 сўм пулни таъмагирлик йўли билан олиб, ўзаро тенг тақсимлашган.

– мазкур ҳолат бўйича ҳокимият вакили Ж. ва фуқаро Ф.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– ушбу ҳолатда жавобгарликка тортиш учун махсус субъект белгилари аҳамиятга эгами?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

#### **43-масала**

Фуқаро С. спиртли ичимлик истеъмол қилиб маст ҳолда шаҳар марказида турганида, нотаниш ҳайдовчи йўл четида тўхтаб, автомобил калитини жойида қолдириб, дўконга кириб кетганлигини кўриб қолган.

Шундан сўнг у автомашинани ҳайдаб кетди ва уни ёнилғиси тугагунига қадар бошқариб юриб, машинани тўхтаган жойда ташлаб кетди.

– фуқаро С.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Агар С.нинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлса, ушбу жиноятни тугалланиш вақтини айтинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

#### **44-масала**

Фуқаро В. ўзига товламачилик қилиш йўлига ўтган жазманини ўлдиришга қарор қилди. Шу мақсадда жазмани Г.ни заҳарланган ширинлик билан меҳмон қилди.

Заҳар таъсир қила бошлагач, В. қилган ишидан пушаймон бўлиб, “Тез ёрдам” чақириб, шифокорларга, Г.ни заҳарламоқчи бўлганлигини ва заҳарли модданинг номини маълум қилди.

Шифокорларнинг ҳаракати билан Г.нинг ҳаёти сақлаб қолинди.

– фуқаро В.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Қасддан содир этилган жиноят босқичларини тушунтириб ўтинг.

#### **45-масала**

Фуқаро А. шериклари Б. ва В.лар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқаро Ш.нинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида соат 22-00 да фуқаро Ш.нинг хонадони ёнида учрашишга келишадилар.

Лекин фуқаро В. жиноят натижасида келиб чиқадиган оқибатни англаб, белгиланган жойга бормайди ва жиноятда иштирок этмайди.

– фуқаро В.нинг ҳаракатини жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб баҳоласа бўладими?

- Қасддан содир этилган жиноят босқичларини тушунтириб беринг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

#### **46-масала**

Россия Федерациясига ишлаш учун кетган фуқаро Б. маст ҳолатда ўзининг ўртоғи Ф.га портлатиш қурилмалари билан муомала қилиш усулларини ўрганиб келганлиги айтди.

Ф. нима учун бу усулларни ўрганганлигини сўраганида у Тошкент шаҳрида қўпоровчилик содир этилиши режалаштирилаётганлигини таъкидлаган. Фуқаро Б.нинг ўз вақтида ички ишлар идоралари ходимларига хабар берганлиги натижасида фуқаро Б. қўлга олинди.

- ушбу ҳолат бўйича қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

#### **47-масала**

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан фуқаро С. шахсий тинтув ўтказилаётганда унинг ички чўнтагидан маҳсус қадоқланган оқ кукун (порошок) модда топилди. Аниқланишича, фуқаро С. ўзи истеъмол қилиши учун фуқаро Б.дан 0.5 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини сотиб олганлиги тўғрисида кўрсатма берди. Ўтказилган тергов ҳаракатлари натижасида ушбу модда оддий оҳак (қурилиш ашёси) эканлиги маълум бўлди.

- мазкур ҳолат бўйича қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

#### **48-масала**

Фуқаро Қ. ва Г. улар томонидан содир этилган босқинчиликдан сўнг, олинган нарсаларни Б.дан яшириб қўйишни сўрашди ва унга бўлиб ўтган талон-торож ҳолатини айтдилар.

Бабуриин нарсаларни яшириб қўйди.

Вариант: Б. Г.га она томонидан қариндош ҳисобланади.

Вариант: Н. ва Г.лар Б.га нарсаларни ўғриланганлигини айтишмади.

- жиноятда иштирокчилик мавжудлигини аниқланг.

#### **49-масала**

17 ёшли К. ва 13 ёшли А.лар уйига қайтаётиб, ёши тахминан 15 ёшларда бўлган номаълум қизни учратиб қолишди.

Улар шу заҳоти тил бириктириб, қизнинг орқасидан пойлаб, ҳеч ким йўқ жойга келганида К. қизни ўлдириш билан қўрқитиб, жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондирди.

А. қизнинг қочиб кетмаслиги ва овозини чиқармаслиги учун унинг кўлини ушлаб, оғзини бекитиб турган.

– мазкур ҳолатда жиноятда иштирокчилик мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **50-масала**

Фуқаролар О.,Р.ва Е.лар ўзаро жиноий тил бириктиришиб, жиноят содир этиш пайтида ролларни бўлишиб олган ҳолда Я.ни уйига бостириб кириб, босқинчилик жиноятини содир қилишга келишиб олишди.

Жиноят содир қилиш жойига етиб келгач, О. кўчада атрофга қараб туриш учун қолди, Р.ва Е. Лар эса Я.ни хонадонига кириб босқинчилик жиноятини содир этишди.

Шундан кейин улар жиноят изларини яшириш мақсадида Я. қасддан ўлдиришди. Бу пайтда кўчада қолган О. Р. билан Е.ни қотиллик жинояти содир этишганини билмади. Суд ҳукмига кўра О.,Р. ва Е. лар ЖКнинг 97-моддасининг 2-қисми “ж.и.о.п” бандлари, 164-моддаси 4-қисми “а” банди билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланди.

-суднинг қарори тўғрими?

-экцесс бажарувчим деганда нимани тушинасиз?

### **51-масала**

Фуқаро И. кўшниси Д.ни ўлдириш мақсадида кўп қаватли уйнинг 5-каватидан пастга туртиб юборди. Д.нинг баданига оғир шикаст етди.

Фуқаро И. шу куннинг ўзида Қозоғистон давлатига қочиб кетди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25-м. 2-қ., 97-м. 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилган.

Орадан бир йил ўтгач И. Ўзбекистонга қайтиб келди ва Д.ни ҳеч ким йўқ жойдан ўтишини пойлаб, уни бўғиб, ўта шафқатсизлик билан ўлдирди.

– ушбу ҳолатда бир қанча жиноят содир этиш мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **52-масала**

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми «д» банди (ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш)да назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун 14 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўтаб келган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси О. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «и» бандида назарда тутилган жиноятни содир этди.

– мазкур ҳолат бўйича бир қанча жиноят содир этиш шаклини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг тегишли қарорига асосланиб беринг.

### **53-масала**

Ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарининг ўринбосари П. ишчи ходимларга хар ойда рағбатлантириш тариқасида пул мукофотларини ёзиб, кайднома вақаларига ўзи имзо чекиб, пулларни ўзлаштириб келганлиги аниқланган.

Аниқланишича фуқаро П. уч йил давомида жами 24.500.000 сўм миқдордаги пулларни ўзлаштирганлиги аниқланган.

– фуқаро П.нинг қилмишларида бир қанча жиноят содир этиш шакли мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **54-масала**

Фуқаро Ю. ўзининг таниши бўлган Л.ни маст ҳолатда учратиб қолди. Ю. у билан жинсий алоқа қилиш мақсадида Л.ни ўз уйига таклиф этди. Улар уйга келишгач яна спиртли ичимликлар ичишни давом эттиришди.

Ю. Л.га ўзининг мақсади тўғрисида айтганида Л. унга қаршилик кўрсата бошлади. Ю. Л.нинг кучли мастлик ҳолатидан фойдаланиб, унинг қўл ва оёқларини боғлаб, у билан жинсий алоқа қилди.

Эртаси куни эрталаб, Л. бўлиб ўтган воқеаларни эслаб, ички ишлар идораларига хабар бермоқчи бўлган пайтда Ю. буни пайқаб қолиб, уни ошхона пичоғи билан баданининг бир неча жойига зарб билан уриб, уни ўлдирди ва кечқурун шаҳар чеккасидаги сойга олиб бориб ташлади.

– фуқаро Ю.нинг ҳаракатларида бир қанча жиноят содир этиш шакли мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **55-масала**

Навоий вилояти Кармана туманида яшовчи Алимнинг уйида электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлиб, 1 кв. метр майдонда уй жиҳозлари ёниб зарарланган.

Ёнғин ўчириш вақтида уй эгасининг 1 ёшли қизи куйиш тан жароҳати олган ҳолда шифохонага ётқизилган.

– Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг жиноят тушунчаси ва таснифига доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

### **56-масала**

Ўтказилган тезкор тадбирда Фарғонада хўроз жангларини ташкил қилаётган Анвар ҳибсга олинди. У 500 кишига мўлжалланган зал ташкил қилиб, у ерда хўроз жангларини уюштирган.

Хўроз жанглари ташкилотчиси умумий соврин жамғармасидан 10 фоиз миқдорида улуш олган, шунингдек, томошабинлардан пул йиққан.

– ЖКнинг жиноят тушунчаси ва таснифига доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **57-масала**

Жорий йилнинг май ойида Москва шаҳридаги ер ости ўтиш йўли олдида 25 ёшли Ўзбекистон фуқароси А. аввалдан таниши бўлган С. билан жанжаллашиб, юзига бир марта мушт туширган. Оқибатда С. йиқилиб, боши ва танаси билан йўлка плитасига урилган. Шундан кейин А. жабрланувчининг машинасига ўтириб, 20 метр наридаги симёғочга бориб урган. 22 ёшли С. ўша куни жароҳат оқибатида касалхонада оламдан ўтган. Аҳмедовнинг ўзи унга қўйилган айбларни тан олмади.

– ЖКнинг жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **58-масала**

32 яшар Ўзбекистон фуқароси З. ва унинг ҳамтовоқлари 2012 йилнинг 29 сентябрь оқшомида Ленинград вилоятида вагонда истиқомат қилаётган ҳамюртлари ёнига бостириб киради.

Маълум бўлишича, ичкарида тўрт нафар Ўзбекистон фуқароси бўлган. З. уларни мажбурлаб машинага ўтирғизиб, номаълум йўналишга бошлаб кетади. З. ўрмон ичидаги йўлнинг ҳар 200-600 метрида машинани тўхтатишни тайинлаб, унинг ичидан бир нафар йўловчини мажбурлаб ўрмонга олиб кирган.

Ўрмонда у ўз ҳамюртларига пичоқ ва болта билан жуда кўп сонли тан жароҳати етказган ва ўлдирган. Шундай йўл билан З. тўрт кишини ўлдиради.

Қотилликка ҳамюртларининг З. воситачилигидаги қурилиш ишларини амалга оширишдан бўйин товлагани сабаб бўлган.

– ЖКнинг жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **59-масала**

2013 йил 2 феврал куни маҳаллий вақт билан соат 16 да Набережние Челни шаҳрининг Қозон хиёбонида “Шевролет Нива” автомобилени бошқариб кетаётган 19 ёшли Ўзбекистон фуқароси Ф. йўлкада кетаётган 8 яшар В.ни кўриб қолган.

Ф. машинадан тушиб қизчани урган ва қаршилиқ қилса яна уришга таҳдид қилиб уни машинада Татаристоннинг Заинский туманидан олиб кетиб, Мустафино қишлоғи яқинида қизчани зўрлаган. Кейин қилмишини яшириш учун қизчанинг орқасига пичоқ санчган. Жасадни эса йўл четидаги ариққа ташлаб қор билан кўмиб қўйган.

– ЖКнинг жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **60-масала**

Тошкент шаҳрида яшовчи Вадим бир неча бор судланганига қарамай, мудҳиш жиноятга қўл урди.

Одатдаги кунларнинг бирида у маст ҳолатда уйига келиб, ўзи билан никоҳсиз яшаётган Н. билан пули йўқолиб қолганини сабаб қилиб жанжаллашди. “Яхшигина” маст ҳолатда бўлган В. Н.ни ваҳшийларча дўппослашга тушди.

Полда қонга беланиб ётган хотинининг томоғидан бўғиб, анчагача қўйиб юбормади. Бироз вақт ўтгач эса, ҳеч нарса бўлмагандек, Н.нинг ёнида ухлаб қолди.

Тонг отгач, бир амаллаб кўзини очган В. одатдагидек баклажка ва макулатура йиғиш учун кўчага чиқиб кетди.

Кечқурун уйига келганида эса жонсиз ётган Н.га кўзи тушиб, жанжални эслади ва дарҳол Н.нинг жасадини қопга солиб, ахлатхонага ташлаб келди.

– ЖКнинг жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **61-масала**

Тошкент шаҳрида яшовчи А. ва С. никоҳ қийиб, қўлга ўйинчок тўппончани олиб, Д.нинг ҳовлисига бостириб кирган.

Босқинчилар хонадон эгасининг қўл-оёғини боғлаб уни калтаклашган ва уйдан катта миқдордаги мулкни ўғирлаб кетган.

– ЖКнинг жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **62-масала**

С. Ф.нинг йўлини тўсиб, зўравонлик билан пул талаб қилган. Ф.дан 10 минг сўм пулини олиб қўйган. Сатторнинг қилмишига бефарқ қараб тура олмаган Ф.нинг жияни С. ёрдамга келган.

Шу ерда жанжал бошланиб, С. бошидан жароҳат олиб ҳушидан кетган ва «жонлантириш» бўлимидан ўзига келмай вафот этган.

– ЖКнинг жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **63-масала**

Б. ва Ш.лар Ж. исмли шахс билан танишиб қолдилар. Ж. янги танишларини ўз уйига меҳмондорчиликка таклиф этди.

Кеч бўлишига қарамай, Б. ва Ш.лар янги улфатининг таклифига рози бўлиб, Ж.нинг хонадонига боришди. У ерда уларни С. ва Т.лар кутиб олди.

Спиртли ичимликлар таъсирида меҳмонлар ва мезбонлар ўртасида келишмовчилик юзага келди.

Маст бўлиб қолган А. С. ҳамда Т.га пичоқ билан ташланиб, уларга оғир шикаст етказди. Хонадон соҳиби – Ж. оғайниларига ташланаётган А.ни кўлидан пичоқни тортиб олмоқчи бўлди.

Аммо А. унга бўйсунмай, кўлидаги совуқ қурол билан хонадон соҳибига ташланиб, унинг кўкрак, қорин ва бел соҳаларига бир неча мартаба пичоқ уради. А.га кучи етмаслигини тушунган Ж. кўчага чиқиб ва ўша ерда кўп қон йўқотиши оқибатида ҳушидан кетади. Бир оздан сўнг, ўзига келиб ёнида тез ёрдам ва Ички ишлар бошқармаси ходимларини турганини кўрган.

– ЖКнинг жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **64-масала**

Италиянинг икки нафар ва Австриянинг бир нафар фуқароси Ўзбекистонда республикага психотроп моддалар олиб киргани учун қўлга олинди.

Шифокор Норберт Пескоста, рассом Арнольд Марио Далл'О ва ёзувчи Рауль Шротт Delogazepam деб номланувчи модда олиб киришда айбланмоқда.

Норберт Пескоста моддани дори сифатида олиб юришини, парвоздан кўрққани учун шу доридан фойдаланишини маълум қилган. У божхона декларациясини тўлдириш вақтида «тил билмагани туфайли» «гиёҳвандлик воситалари» катакчасига белги қўймаганини айтмоқда.

Шифокор Нукусга келтирилган. Таҳлил олиб борилаётган вақтда у ҳибсда сақланмоқда.

Шифокорнинг дўсти рассом Далл'О у билан бирга қолди, австриялик ёзувчи эса Жанубий Тиролга учиб кетишга муваффақ бўлди.

– ЖКнинг жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **65-масала**

15 ёшли С.Г.га «опагинам, тез кунларда пластингиздаги пулни нақд пулга алмаштириб бераман», – деб, унинг 4 миллион 954 минг сўм маблағи бўлган пластингани олиб, ғойиб бўлган.

– ЖКнинг жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **66-масала**

Бир гуруҳ талабалар дам олгани дарё бўйида жойлашган ўрмонга боришди.

Улар билан бирга борган Д. исмли шахс таниши С. исмли талаба қиз билан саёҳат қилишиб ўрмон ичкарасига кириб кетишди.

Д. атрофда одам йўқлигидан фойдаланиб С.га жинсий алоқа қилишни таклиф қилди.

С. унга жавобан, ҳазилни кўйсангчи, юр орқага қайтамиз деб жавоб бергач, Д. уни қўрқитиш истагида ёнида бўлган тўппонча билан 5 метрлар узоқликда уни мўлжалламасдан отганда, ўқ С. нинг елка қисмига тегиб, оғир тан жароҳати олди.

– Д. нинг ҳаракатларида айбнинг қандай шакли мавжуд?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **67-масала**

Тиббиёт институтини битирган А. исмли аёл шаҳар клиникасига врач-гинеколог бўлиб ишга кирди.

Бир ойдан сўнг унинг навбатчилик вақтида соат 06- 15 да фарзанд кўрган В. дан қон кета бошлади.

Шифокор А. унга «Атоник қон кетиш» ташхисини қўйиб, қонни тўхтатиш чораларини кўрди. Бироқ кўрсатилган муолажага қарамасдан, В. кўп қон йўқотганлиги боис ҳаётдан кўз юмди.

Суд тиббиёт экспертизаси жасадни текшириш натижасида унга шифокор А. томонидан нотўғри ташхис қўйилганлиги, агар тўғри ташхис қўйилганда В. нинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин деган хулосага келди.

– Шифокор А.нинг ҳаракатларида айб мавжудми?

– Айб мавжуд бўлса, айбнинг қандай шакли бўлади?



### **68-масала**

А. ва Л. исмли шахслар кечки пайт соат тахминан 17-30 ларда овдан қайтаётганларида А. исмли овчи шериги Л. га қаршиларидаги бутазор ичида ёввойи айиқ бор, отмасанг қўққисдан ҳужум қилиб қолиши мумкин деб, бутазор томонга ўқ узишни айтди. А. бутазор томонга ўқ узиб, бутазор ортида бўлган Ч. исмли овчини отиб ўлдирди.

– А ва Л. ларнинг ҳаракатларида айбнинг қандай шакли мавжуд?

### **69-масала**

3-курс коллеж ўқувчилари А. ва Р. лар бирга ўқийдиган В.ни тазирини бериб қўйиш мақсадида, унинг суза олмаслигини била туриб, анҳорга сувнинг чуқур жойига итариб юборишади. Яхши сузишни билмаган В. улардан ёрдам сўраб, бақира бошлайди. Улар унга парво қилмай, бироз қийналсин, кейин ёрдам берамиз деб, В. га ёрдам бермайди. Натижада В. кўп сув ютиши натижасида сувга чўкиб, вафот этди. А. ва Р. лар бўлган воқеани яқиндаги ИИБ га бориб айтишди.

– А. ва Р. ларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

### **70-масала**

Фуқаро Т. фуқаро Б. дан ўлган синглисини қасдини олиш мақсадида Б.ни меҳмонга чақириб, унинг овқатига ўткир заҳарли модда қўшиб юборади, натижада Б. ўткир ичак заҳарланиши оқибатида оғир аҳволда касалхонага ётқизирилиб, тезкор тиббий ёрдам кўрсатилиши натижасида ҳаёти сақланиб қолинди.

– фуқаро Т.нинг ҳаракатида айбинг қандай шакли мавжуд.

### **71-масала**

Фуқаро Б. га қўшни бўлган фуқаро М. ўзаро жанжал оқибатида Б.нинг кўкрак қисмига қаттиқ жисм билан уриб, оғир тан жароҳати етказди. Фуқаро Б. бир ҳафта туман касалхонасида ётиб, ўпка-нафас йўлининг қаттиқ зарб олиши натижасида вафот этади.

– фуқаро М.нинг ҳаракатларида айбнинг қандай шакли мавжуд.

### **72-масала**

Ўзаро жанжал оқибатида А. уйида турган ов милтиғи билан С.дан ўч олиш мақсадида, унга ўқ узади, лекин ўқ С.нинг фарзанди Л.га тегиб, оғир тан жароҳати олди.

– А.нинг ҳаракатларида айбнинг қандай шакли мавжуд?

### **73-масала**

Фуқаро В. ўч олиш мақсадида 25-автосаройда ишловчи фуқаро Ф.га тегишли «Мерседес-бенц» автобусининг тормоз шлангасини кесиб қўйиши

натижасида Ф. қаршисида келаётган Нексия енгил автомашинаси тўкнашиб хайдовчи Р. оғир тан жароҳати билан касалхонага ётқизилади.

– фуқаро В.нинг ҳаракатида айбнинг қандай шакли мавжуд?

#### **74-масала**

«Тўхтасин ота» фермер хўжалигига тегишли буғдой экинини фуқаро Л.га тегишли 15 та қўй пайҳон қилганлигини кўрган шу фермер ишчиси Б. фуқаро Л.га тегишли қўйларга захарли сув бериб, захарлаб ўлдиради.

– Б.нинг ҳаракатларида айбнинг қандай шакли мавжуд?

#### **75-масала**

Врач-гинеколог бўлиб ишловчи В. уйида фуқаро Г.ни ноқонуний аборт қилади.

Аборт вақтида ҳомила катта бўлганлиги боис, Г. кўп қон юқотади. В. фақат аборт қилишга келишганлигини айтиб, Г.ни уйига жўнатиб юборади. Г. қон тўхтамаслиги натижасида уйига етмасдан, йўлда вафот этади.

– Врач-гинеколог В.ни ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

#### **76-масала**

Фуқаро А. ўзининг курсдоши Б.нинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлашга қарор қилди.

Эртаси куни А. Б.ни ўғирлаш режасини тузиш мақсадида уни кун давомида кузатиб юрди.

Кечга яқин фуқаро Б. кимдир уни таъқиб қилиб юрганлигини сезиб қолди ва дарҳол ИИИга бу ҳақда хабар қилди.

Ўтказилган тезкор тадбир натижасида фуқаро А. ушланди.

– мазкур ҳолатда қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг?

– фуқаро А.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг?

#### **77-масала**

Фуқаро И. ишдан қайтаётиб маҳалласидаги спиртли ичимликлар дўкони олдида қўшнилари В. ва Р.лар маст ҳолда суҳбат қуриб туришганлигини гувоҳи бўлди ва уларни суҳбатига қўшилди.

Суҳбат давомида қўшниси В. шу маҳалладаги 22-уйда истиқомат қилувчи С. уйидаги темир қутида қонунга хилоф равишда ўқотар қурол сақлаётганлигини айтиб қолди.

Шунда И. ўзи аввалдан адоватда юрган таниши Г.ни ўлдириш мақсадида ушбу қуролни ўғирлашга қарор қилди.

Ушбу жиноий ниятини амалга ошириш мақсадида у тунда қўшниси С.ни уйига томорқа орқали кириб, темир сандиқни калит танлаш йўли билан очишга бир неча бор уринганлигига қармасдан уни оча олмади ва темир сандиқни ўзи билан олиб кетди.

Шундан сўнг И. уйига бориб темир сандиқ кулфини бузиш орқали очиб, уни ичи бўшлигига гувоҳ бўлди.

– мазкур ҳолатда қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг?

– фуқаро И.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг?

### **78-масала**

Гувоҳ В. дастлабки тергов даврида Жиноят кодексининг 118-моддаси 1-кисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда гумон қилинаётган С.га нисбатан ёлғон гувоҳлик берди.

Мазкур жиноят иши судда кўрилгунига қадар В.ни фикри ўзгариб, суд муҳокамасида иш юзасидан ҳақиқатни айтиб кўрсатма берди.

Маълум бўлишича В. жиний жавобгарликдан кўрққанлиги учун суд муҳокамасида дастлабки терговда берган кўрсатмасини ўзгартирган ва ҳақиқатни баён қилган.

– мазкур ҳолатда қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг?

– фуқаро Г.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг?

### **79-масала**

Фуқаро А. турмуш ўртоғи Г.ни ҳомиладор эканлигини билиб, ундан ҳомилани жинсини аниқлаш учун шифокорга мурожаат қилишини сўради.

Эртаси куни Г. шифокорга мурожаат қилди ва ҳомилани жинси қиз эканлиги маълум бўлди.

Г. ушбу хабарни турмуш ўртоғи А.га айтганида турмуш ўртоғи унга уч нафар қиз фарзандлари борлигини, шунинг учун ҳомилани олдириб ташлашини айтди. Г. бунга рози бўлмади.

Шундан сўнг А. ҳар куни ишдан маст ҳолатда келиб, ҳомилани олдириб ташлаши учун турмуш ўртоғи Г.га руҳий таъсир ўтказа бошлади.

Бундай азобларга чидай олмаган Г. ҳомиласини олдириб ташлашга рози бўлди, аммо шу куни Г.нинг ота-онаси бу ҳақда хабар топиб, А.га нисбатан тегишли чора кўришларини сўраб ИИИга мурожаат қилишди.

– мазкур ҳолатда қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг?

– фуқаро А.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг?

### **80-масала**

Фуқаро П. синфдоши А.ни болаликдан яхши кўрар эди, бироқ бир неча маротаба А.нинг уйига совчи кўйганига қарамасдан рад жавобини оларди.

Кунларнинг бирида П. маст ҳолда тун қоронғусида Баҳор кўчаси бўйлаб кетаётган вақтида кўшни қишлоқда яшовчи дугонасининг тўйидан ёлғиз қайтаётган А.ни кўриб қолди ва вазиятдан фойдаланиб уни номусига тегишга қарор қилди.

Ушбу ниятини амалга ошириш мақсадида А.га нисбатан зўрлик ишлатган вақтида А. унга қаршилик кўрсатди, бироқ П. бақувват бўлганлиги

сабабли А.ни қаршилигини енгиб уни ерга йиқитди ва оёқ қўлларини боғлаб кўйди.

Ушбу ҳолатдан кўрқиб кетган А. П.дан уни кўйиб юборишини сўраб ёлвора бошлади.

Фуқаро П. А.нинг кўзёшларига чидай олмай уни кўйиб юборди ва бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаслигини уқтирди.

- мазкур ҳолатда қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг?
- фуқаро П.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг?

### **81-масала**

Фуқаро Г. ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадида ўртача катталиқдаги экин майдони ҳисобланган томорқасига каннабис ўсимлиги уруғини сепеди ва уруғлар униб чиқиши учун уларни парвариш қила бошлади.

Бироқ орадан бир ой ўтсада уруғлардан фақат етти тупигина униб чиқди. ИИИлар томонидан ўтказилган «Қорадори» тадбири натижасида фуқаро Г. ўзининг томорқасида каннабис ўсимлигини етиштираётганлиги аниқланди ва Г. ушланди.

- мазкур ҳолатда қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг?
- фуқаро Г.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг?

### **82-масала**

Фуқаро Ч. ноқонуний йўл билан бойлик орттириш мақсадида янги йил байрами арафасида чет давлатдан жуда кўп миқдордаги пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кирди ва уларни уйининг ертўласига жойлаштирди.

Шундан сўнг Ч. ушбу пиротехника буюмларини бозорда яширинча сотаётган вақтда шу ерда хизмат олиб бораётган профилактика инспектори томонидан ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган тезкор суриштирув тадбирлари натижасида Ч.нинг уйи ертўласида жуда кўп миқдорда пиротехника буюмлари яширилганлиги аниқланди.

Бироқ экспертиза хулосасига асосан мазкур пиротехника буюмларининг ярми яроқсиз эканлиги маълум бўлди.

- мазкур ҳолатда қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг?
- фуқаро Ч.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг?

### **83-масала**

Фуқаро А. маст ҳолатда танишининг тўйидан уйга қайтаётганида кўчани бошида илгаридан адоватда юрган кўшнилари Ж. ва Ф.ларни кўриб қолди ва уларга эътибор бермай йўлини давом эттирди.

Шунда Ж. ва Ф.лар уни ортидан шаъни ва ғурурига тегадиган сўзлар билан ҳақорат қилиб уни жиғига тегишга ҳаракат қилишди.

Бундан жаҳли чиққан А. уларни ўлдириш мақсадида уйдан ов милтигини олиб чиқиб Ж. ва Ф.ларга қарата бир неча маротаба ўқ узди.

Олинган тан жароҳати натижасида Ж. воқеа жойида вафот этди, Ф. эса оғир тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

- мазкур ҳолатда қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг?
- фуқаро А.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг?

#### **84-масала**

Фуқаро Ш. турмуш ўртоғи Д. унга хиёнат қилаётганлигини сезиб қолди ва шундан сўнг унга раҳмсиз муомала қилар ва унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиб келар эди.

Бундай азобларга чидай олмаган Д. ўзини ўзи ўлдиришга қарор қилди ҳамда эрталаб турмуш ўртоғи Ш. ишга кетганидан сўнг дараза орқали ўзини учинчи қаватдан ташлаб юборди, ушбу ҳолатни гувоҳи бўлган қўшнилари зудлик билан тез тиббий ёрдам чиқаришди.

Натижада Д.нинг ҳаёти сақлаб қолинди.

- мазкур ҳолатда қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг?
- фуқаро Ш.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг?

#### **85-масала**

Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланиб, эҳтиёт чораси сифатида қамокда сақланаётган Б. суд муҳокамасига олиб кетилаётган вақтида у олиб кетилаётган транспорт воситаси автохалокатга учради.

Соқчиларни хушсиз ҳолдалигидан фойдаланиб Б. воқеа жойидан яширинди.

Бироқ орадан икки кун ўтгач қилмишидан пушаймон бўлиб, ўз хоҳиши билан ИИИга бориб мурожаат қилди.

- мазкур ҳолатда қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг?
- фуқаро Б.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг?

#### **86-масала**

Фуқаро Г. маст ҳолатда олдиндан келишмай юрган қўшнилари ака-ука Х. ва Ф.ларни ўлдириш мақсадида уйига бостириб кирди ва ўз хонасида ухлаб ётган Х.нинг бадани турли қисмларига бир неча бор ошхона пичоғи билан урди. Ф. акасининг хонасида қаттиқ шовқин бўлаётганлигини эшитиб, хонага кирганида Г. унинг ҳам баданига бир маротаба пичоқ санчиб олди. Ф. Г.нинг йиқилиб тушганлигидан фойдаланиб, кўчага югуриб чиқди ва бошқа шахсларни ёрдамга чақирди.

Кўрилган чоралар натижасида Г. қўлга олинди. Тергов жараёнида фуқаро Х.нинг кўп қон йўқотиши натижасида ўлим келиб чиққанлиги ва Ф.га оғир шикаст етказилганлиги аниқланди.

- мазкур ҳолат бўйича қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг.

### **87-масала**

Мактаб директори Д. фуқаро М.ни ўқитувчи лавозимига ишга жойлаб қўйиш учун бир миллион сўм маблағ сўради.

М. олти юз минг сўм пулни олиб келиб берди ва қолган пулларни икки ҳафтадан кейин беришини айтди. М. ушбу ҳолат тўғрисида ички ишлар идораларига хабар берди.

Ўтказилган тадбир жараёнида мактаб директори Д. фуқаро М.дан тўрт юз минг сўм олаётган вақтда қўлга олинди.

– мазкур ҳолат бўйича қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг.

### **88-масала**

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан фуқаро С. шахсий тинтув ўтказилаётганда унинг ички чўнтагидан маҳсус қадокланган оқ кукун (порошок) модда топилди. Аниқланишича, фуқаро С. ўзи истеъмол қилиши учун фуқаро Б.дан 0.5 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини сотиб олганлиги тўғрисида кўрсатма берди.

Ўтказилган тергов ҳаракатлари натижасида ушбу модда оддий оҳак (қурилиш ашёси) эканлиги маълум бўлди.

– мазкур ҳолат бўйича қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг.

### **89-масала**

Фуқаро Й. тунда дорихона эшигини калит танлаш усули билан очиб, таркибида гиёҳванд моддалари мавжуд бўлган дори воситаларини талон-тарож қилаётган вақтда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Дастлабки тергов давомида Й.нинг бу дори воситаларини сотиш мақсадида талон-тарож қилганлиги аниқланди.

– мазкур ҳолат бўйича қасддан жиноят содир этиш босқичини аниқланг.

### **90-масала**

М. ва Б. лар заргарлик устахонасидан ўғрилик қилишга келишдилар. М. устахонанинг эшигини лом ёрдамида бузди. Б. устахонага кириб, у ерда ухлаб ётган Р. кўриб қолди. Шовқиндан Р. уйғониб қолди, М. эса унинг бошига икки маротаба темир бўлак билан уриб, уни хушидан кетказди. Сўнг устахонадаги қимматбаҳо заргарлик буюмларни олиб М. билан бирга воқеа жойидан ғойиб бўлишди.

– М. ва Б. ларнинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– мазкур ҳолатда иштирокчилик мавжуд-ми?

### **91-масала**

Тунги пайтда И. темир йўл қисмининг моддий бойликлар сақланадиган бекати олдидан ўтиб кетаётганда, у ерда унга нотаниш бўлган шахснинг темир йўл контейнерларидан моддий қимматликка эга бўлган мулкларни

олаётганлигини кўради ва И. контейнер олдига келиб, нотаниш шахсдан рухсат олиб, хрусталли идиш-товоқлар солинган каробкани олиб у ердан кетади.

– мазкур ҳолатда иштирокчилик мавжуд-ми?

### **92-масала**

О. транспорт воситасини тўхтатиб, ҳайдовчидан уни зудлик билан аэропортга олиб бориб қўйишини сўрайди ва унга бунинг учун ўрнатилган таърифдан 5 карра ортиқ ҳақ тўлашини айтади.

Шунда ҳайдовчи рози бўлади ва аэропорт томон кетаётганида светафорнинг қизил чироғини кўриб тўхтамоқчи бўлганида йўловчи унга тўхтамасликни буюради.

Улар светафорнинг тақиқловчи қизил чироғи ёниб турган вақтда чорраҳадан ўтаётганда пиёдани уриб юбориб, унга оғир даражадаги шикаст етказди.

– мазкур ҳолатда иштирокчилик мавжуд-ми?

### **93-масала**

Фуқаролар К. ва Э. ўзганинг мол-мулкани ўғрилик йўли билан талон-торож қилиш мақсадида олдиндан тил бириктириб, шу мақсадда фермер хўжалиги даласига бораётиб, йўл-йўлакай қассоб М.нинг уйига кириб, мол ўғирлаб олиб келган тақдирда молларни сотиб олиши ҳақида ўзаро келишиб олишган.

К. ва Э. далада юрган уч бош молни яширин равишда ўғирлаб, М. нинг уйига ҳайдаб олиб келиб, унга топшириб, молларни сўйиб сотганидан сўнг пулларини олишга келишганлар.

- фуқаролар К. ва Э.ларнинг қилмишларини квалификация қилинг.
- фуқаро М. жиноят иштирокчиларининг қайси турига мансуб?

### **94-масала**

Фуқаролар А., Ю. ва Б.лар ўғирлик содир этиш мақсадида олдиндан тил бириктириб, Ж.нинг уйида ҳеч ким йўқ деб ўйлаб, тунда унинг уйига боришган. А. кўчада пойлоқчилик қилишга қолган.

Ю. гаражга машинадаги нарсаларни олиш учун кирган. Б. эса уйнинг ичкарасига кирган. Ю. гараждаги автомобилнинг магнитофонини ўғирлаб чиқиб, кўчадаги пана жойда А. билан бирга Б.ни чиқишини кутиб туришган.

Бир оз вақт ўтгач Б. чиқиб уларга уй эгаси уйда эканлигини, жиноятлари фош бўлишидан кўрқиб уни ўлдириб қўйганлигини, уйда бўлган 15 000 000 сўм пулларни ўғирлаб чиққанлигини айтиб берган.

Шундан сўнг улар воқеа жойидан яширинишган.

- фуқаролар А., Ю. ва Б.нинг қилмишларини квалификация қилинг.
- Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси қандай ҳал этилади?

### 95-масала

Терговчи Р. гумон қилинувчи Н.дан мажбурлаб кўрсатма олиш ҳақида тезкор вакил Ш.га айтган.

Шундан сўнг тезкор вакил Ш. гумон қилинувчи Н.ни уриб, унга тан жароҳати етказиб, М.исмли мансабдор шахсга пора берганлиги ҳақида ёлғон кўрсатма олган.

Сўнгра тезкор вакил Ш. гумон қилинувчини ўзининг хизмат хонасига қамаб кетган. Н. олган тан жароҳатлари натижасида Ш.нинг хизмат хонасида вафот этган.

- фуқаролар Р. ва Ш.ларнинг қилмишларини квалификация қилинг.
- Жиноят иштирокчиларининг турларини санаб беринг.

### 96-масала

Фуқаро Ҳ. яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллангани ҳолда маҳсулотларнинг бир қисмини С. исмли шахсдан арзон нархларда сотиб олар эди. Ҳ.да сотиб олаётган маҳсулотларнинг арзонлиги учун шубҳа ўйғониб, суриштириб кўрганида ушбу маҳсулотлар жиноий йўл билан топилганлиги маълум бўлди, бироқ Ҳ. маҳсулотларга қўйилган арзон нархларга учиб, маҳсулотларни жиноий йўл билан топилганлигини била туриб, сотиб олишни давом эттираверган.

- фуқаро Ҳ.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Жиноятда иштирокчиликнинг жиноятга дахлдорликдан фарқини айтиб беринг.

### 97-масала

Фуқаролар А. ва Л. олдиндан тил бириктириб, фуқаро К.ни уйига ғайриқонуний равишда кириб, ўзлари билан олиб борган пичоқ билан уни қасдан ўлдириб, унинг кўп миқдордаги мулкани талон-торож қилганлар.

- фуқаролар А. ва Л.нинг қилмишларини квалификация қилинг.
- Жиноятда иштирокчиликнинг қандай шакллари мавжуд?

### 98-масала

Фуқаро П. муқаддам Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

У жазони тўлиқ ўтамасдан туриб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорига асосан жазони ўташдан озод қилинган.

П. уйига қайтиб келгач, унинг йўқлигида турмуш ўртоғи И. томонидан ўғирлаб келинган телевизорни ўғрилик йўли билан топилганлигини била туриб сотган.

- фуқаро П.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Жиноятга дахлдорлик тушунчасини ёритиб беринг.



### 99-масала

Фуқаролар Ю. ва М. ўзганинг мол-мулкини ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш мақсадида олдиндан тил бириктириб, фуқаро И. нинг молхонасига кириб, икки бош молини ўғирлаб кетганлар.

Улар ушбу икки бош молни танишлари К.нинг уйига олиб бориб, унга моллар ўғирлик йўли билан қўлга киритилганлигини айтиб, уйда бир-икки кун сақлаб беришини илтимос қилиб, молларни унинг ховлисида қолдиришган.

Ўтказилган тезкор-тергов ҳаракатлари натижаларига кўра мазкур жинойт фош этилиб, ўғирланган моллар фуқаро К.нинг уйдан топилган.

- фуқаролар Ю., М. ва К.нинг қилмишларини квалификация қилинг.
- Жинойтга дахлдорлик тушунчасини ёритиб беринг.

### 100-масала

Фуқаро А. ўта оғир жинойт содир этганлиги учун унга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Бир неча кундан сўнг тезкор-қидирув ҳаракатлари натижасида у қўлга олинади.

Дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида тўпланган далиллар судланувчи А. ўз уйда онаси Ш. томонидан яширилганлигини тасдиқлаган.

- фуқаро Ш.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Жинойтга дахлдорликнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

### 101-масала

Транспорт воситасини ўғирлаш мақсадида Х. гараж эшигини калит танлаш йўли билан очади ва у ерда турган транспорт воситасини очишга уринади, бироқ уни оча олмайди.

Шунда Х. таниши С.га кўнғироқ қилиб, транспорт воситасини яқин қариндоши П.нинг уйига шатакка олиб, тортиб боришни илтимос қилади. П. розилик берганидан сўнг кўзланган тадбир амалга оширилади ва Х. ўғирланган транспорт воситасининг автомагнитоласи ва захира балонини П.га беради.

– мазкур ҳолатда иштирокчилик мавжуд-ми? Агар мавжуд бўлса у иштирокчиликнинг қандай тури ва шаклида ифодаланган?

### 102-масала

К. танишлари Б. ва С.ларга уларнинг бизнес бўйича собиқ таниши бўлган А.ни номусига тегишни таклиф қилади.

К. томонидан ишлаб чиқилган жинойй режага кўра, Б. ва С.лар А.нинг хонадонига кириб, уни номусига тегишлари керак бўлади.

Б. ва С.лар режа бўйича А.нинг хонадонига кириб, унга бўлган воқеани айтиб беради.

Шунда А. жиноий режаларини амалга оширмасликлари эвазига, уларга ҳақ тўлаши мумкинлигини маълум қилади. Б. ва С.лар унинг таклифига кўниб, қимматбаҳо нарсаларни олиб, у ердан кетади.

– Кўрсатилган шахсларнинг қилмишига юридик баҳо беринг.

### **103-масала**

Жиноий гуруҳ раҳбари А. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБда ушлаб турилган укасини озод қилиш мақсадида, жиноий гуруҳ аъзоларини йиғади.

Кечаси жиноий гуруҳ аъзолари 70 нафар таркибда ИИБни қуршаб олиб, ИИБ ходимларидан А.нинг укасини озод қилишни талаб қилади.

Бунга рад жавобини олганларидан сўнг, А. бинони қўлга олишга буйруқ беради.

Шунда вояга етмаганлар Х. ва Б.лар иккита транспорт воситасини ёкиб юборади. А. эса, ИИБ навбатчилик қисми навбатчисига оғир даражадаги шикаст етказиб, укасини у ердан олиб кетади.

Сўнгра таниши Л.нинг уйига бориб, ундан укасини вақтинча яшириб туришини сўрайди.

– Кўрсатилган шахсларнинг қилмишига жиноий-хукуқий баҳо беринг.

### **104-масала**

Х. кўшниси К.дан ўч олиш мақсадида ақли заиф М.ни унинг 15 ёшли кизини номусига тегишга кўндиради.

М. кизни номусига тегиш учун тажовуз қилинаётган вақтда, қиз унга фаол қаршилиқ кўрсатади. Натижада М. воқеа жойида кизни буғиб ўлдириб кўяди.

– Кўрсатилган шахсларнинг қилмишида иштирокчилик мавжуд-ми?

– Жиноят содир этилишида иштирок этган ҳар бир шахснинг қилмишига жиноий-хукуқий тавсиф беринг.

### **105-масала**

Х. 13 ёшли Г. билан билан бирга дорихонага киришиб, у ердан таркибида психотроп вомддаси бўлган таблеткаларни эгаллашди.

Бундан ташқари Х. тиш пастаси билан пакетларни қадоқлаб, Г. уларни героин ариқасида ўтказар эдилар.

– Иштирокчилиқнинг шалл ва турлари аниқланган ҳамда уларнинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **106-масала**

Б. котибаси С. билан бирга жинсий муносабатда бўлиб келган. Натижада С. ҳомиладор бўлиб қолган.

С. туғриқхонадан чиққанидан сўнг, икки кун ўтиб. Б. уни олдига бориб боладан қутилиш кераклигини айтган. Акс ҳолда Б. у билан бўлган муносабатни ўзишини маълум қилган.

С. Б. кетганидан сўнг болани буғиб ўлдирган.

– Кўрсатилган ҳолатда иштирокчилик мавжуд-ми?

– Б.нинг ҳаракатларини далолатчилик деб баҳоласа, бўлади-ми?

– Агар мумкин бўлса Б. қайси жиноятда далолатчи бўлади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **107-масала**

Акциодорлик кампаниясининг директори А. омборхона мудирини С.га 10 дона компьютер жамланмасини расийлаштирмасдан, тегишли ҳужжатларсиз К.га бериб юбориш тўғрисида кўрсатма беради.

Шундан сўнг С. тегишли ҳужжатларсиз 10 дона компьютер жамланмасини К.га беради.

– Иштирокчиликнинг тури ва шаклини аниқланг.

### **108-масала**

Қозғистон Республикаси фуқароси М. таниши К.нинг хонадонига Тошкентга келади ва у ерда АҚШ долларини қалбакилаштиради.

Қалбаки пулларни М. уларни ўтказиш билан шуғулланадиган тадбиркор Т.га беради. М. Қозғистонга кетишдан олдин қалбаки пулларнинг бир қисмини сақлаб туриш учун С.да қолдиради.

– Иштирокчиликнинг тури ва шаклини аниқланг. Жиноятда иштирокчилик ва жиноятга дахлдорлик ўртасидаги фарқни белгиланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **109-масала**

Муқаддам бир неча марта безорилик содир этганлиги учун судланган фуқаро Қ. 2015 йилнинг 10 май куни спиртли ичимлик ичиб маст ҳолатда Жиззах туман марказида яшовчи фуқаро Н.нинг ҳовлисига кириб, қўрадаги 800 000 сўмлик бир бош қўйни ўғирлаб чиқиб далага яширган.

Шундан сўнг у ўзининг жиноий ҳаракатини давом эттириб, шу туманнинг Учтепа қўрғонида яшовчи фуқаро Ш.нинг ҳовлисидаги 2 000 000 сўмлик бир бош ҳўкизни яширин равишда ўғирлаб чиқиб, ушбу ҳўкизни ҳамда қўйни Зомин туман мол бозорига олиб бориб, сотиб юборган.

– фуқаро Қ.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Бир қанча жиноят содир этиш турлари ва моҳиятини ёритиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **110-масала**

Фуқаро А. ўзганинг кўп миқдордаги мулкани ўғирлаганлиги учун 2013 йил 23 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Сардоба туман суди томонидан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг учинчи қисми “в” банди билан айбли деб топилиб, беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган.

Жазони ўташ жараёнида, А. томонидан 2013 йил 10 октябрь куни содир қилинган ўзганинг анча миқдордаги мулкани ўғирлаш жинояти фош этилган.

– фуқаро А.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Бир қанча жиноят содир этиш шакллари санаб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **111-масала**

Фуқаро С. икки марта талончилик ва бир марта босқинчилик жиноятини содир этган бўлиб, ушбу жиноятлардан бирортаси учун судланмаган.

– Унга жазо қандай тартибда тайинланади?

– Бир қанча жиноят содир этиш шакллари санаб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **112-масала**

Фуқаро Р. Тошкент шаҳридан Жиззах вилоятига боришда М.нинг “Нексия” русумли автомобилига минади.

Йўлда кетаётган ҳайдовчи М. автомобилига ёқилғи куйиш учун автомашинадан фойдаланиб, М.га тегишли пальто чўнтагидаги унинг 200 000 сўм пулини ўғирлаб олган.

Улар Пахтакор туманига етиб келганларидан сўнг Р. Ҳайдовчи М.га тегишли бўлган 400 000 сўмлик телпагини очикдан-очик олиб қоча бошлаган, бироқ М. уни қувиб етиб олади.

Шунга қарамасдан Р. Уни пичоқ билан кўрқитиб, қочиб кетишга эришган.

– Фуқаро Р.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Бир қанча жиноят содир этиш турлари ва моҳиятини ёритиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **113-масала**

Муқаддам Жиноят кодексининг 177-моддаси 1-қисми бўйича судланган фуқаро П. икки дона қалбаки 100 купюралли АҚШ долларини қонунга хилоф равишда ўтказётган вақтда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

– мазкур ҳолат бўйича бир қанча жиноят содир этиш шаклини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

#### **114-масала**

Фуқаро С. илгаридан келишмай юрган фуқаро П.ни учратиб қолди ва уни ёнида бўлган хўжалик пичоғи билан баданининг турли қисмларига жароҳат етказиб ўлдирди. Уни қўлга олиш жараёнида у ички ишлар идоралари ходими О.га оғир шикаст етказди.

– мазкур ҳолат бўйича бир қанча жиноят содир этиш шаклини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

#### **115-масала**

Фуқаро И. қўшниси Д.ни ўлдириш мақсадида кўп қаватли уйнинг 5-қаватидан пастга туртиб юборди. Д.нинг баданига оғир шикаст етди.

Фуқаро И. шу куннинг ўзида Қозоғистон давлатига қочиб кетди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25-м. 2-қ., 97-м. 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Орадан бир йил ўтгач И. Ўзбекистонга қайтиб келди ва Д.ни ҳеч ким йўқ жойдан ўтишини пойлаб, уни бўғиб, ўта шафқатсизлик билан ўлдирди.

– ушбу ҳолатда бир қанча жиноят содир этиш мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

#### **116-масала**

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми «д» банди (ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш)да назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун 14 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўтаб келган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси О. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «и» бандида назарда тутилган жиноятни содир этди.

– мазкур ҳолат бўйича бир қанча жиноят содир этиш шаклини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

#### **117-масала**

Фуқаро С. таниш бўлган А. исмли аёлни уйига меҳмонга таклиф қилиб, биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилишди.

Шундан сўнг фуқаро С. зўрлик ишлатиб ва уни ўлдириш билан қўрқитиб А. билан жинсий алоқа қилди ҳамда шу вақтнинг ўзида жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондирди.

– мазкур ҳолат бўйича бир қанча жиноят содир этиш шаклини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг тегишли қарорига асосланиб беринг.

### **118-масала**

Фуқаро З. қўшниси Е.га енгил шикаст етказганлиги учун 109-моддаси (қасддан баданга енгил шикаст етказиш) бўйича дастлабки тергов давомида жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан суднинг ажримига кўра жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Орадан бир ой ўтганидан сўнг фуқаро З. қўшниси Е. билан яна жанжаллашиб, унга енгил шикаст етказди.

– ушбу ҳолат бўйича бир қанча жиноят содир этиш мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **119-масала**

Фуқаро Ж. ва И.лар ўзаро тил бириктириб, фуқаро Г.ни қасддан ўлдиришди. Шундан сўнг Фуқаро Ж. жиноят изларини тўлиқ йўқ қилиш мақсадида ўзининг шериги И.ни ҳам қасддан ўлдирди.

Суд фуқаро Ж.нинг қилмишларини квалификация қилишда фуқаро И. ҳамда Г.ларни ўлдирганлигини ҳисобга олиб, унинг қилмишини 97-модда 2-қ. «а» банди (икки ёки ундан ортиқ шахсни қасддан одам ўлдириш) деб баҳолади.

– ушбу ҳолат бўйича суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **120-масала**

Фуқаро Б. порнографик маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин уч ой ўтгач, порнографик маҳсулотни такроран Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлиги аниқланган.

Ишни тергов қилиш давомида фуқаро Б. бир йил олдин вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатганлиги маълум бўлди.

– фуқаро Б.нинг қилмишларида бир қанча жиноят содир этишнинг қандай шакли мавжуд?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **121-масала**

Фуқаро К. муқаддам фирибгарлик жиноятини содир қилганлиги учун судланган бўлиб, бундан ўзига ижобий хулоса чиқариб олмасдан, қасддан ўғрилиқ жиноятини содир қилган.

- фуқаро К.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Такроран жиноят содир этиш тушунчасини айтиб беринг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **122-масала**

Муқаддам судланмаган Ж. ва З.лар ўғрилик қилиш мақсадида В.нинг уйига ғайриқонуний равишда кириб, баҳоси 600 000 сўм бўлган бир дона гиламини ўғирлаб чиқишган. Шундан сўнг улар мазкур уй эгалари анча муддатга сафарга кетганлигини билиб, эртаси куни яна шу уйга ўғирликка тушиб, баҳоси 700 000 сўмлик аудиомагнитофонни ўғирлаганлар.

- фуқаро Ж. ва З.ларнинг қилмишларини квалификация қилинг.
- Такроран содир этилган жиноят билан давомли жиноятни фарқловчи белгиларни таърифлаб беринг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **123-масала**

Фуқаро В. муқаддам талончилик жиноятини содир қилганлиги учун судланиб, жазони тўлиқ ўтаб чиқиб, судланганлик ҳолати тугалланмасдан, яна жиноят содир қилиш йўлига кириб, фуқаро У. нинг ўз уйи олдида турган автомашинасининг ғилдирагини ўғирлаб кетган. Дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан хавfli рецидив жиноят сифатида квалификация қилинган.

- фуқаро В. нинг жиноий ҳаракатлари тўғри квалификация қилинганми?
- Такроран жиноят содир этиш билан рецидив жиноятнинг фарқи нимада?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **124-масала**

Фуқаро В. ўзгалар мулкини талон-торож қилиш мақсадида О.нинг уйига қуролланган ҳолда бостириб кириб, О. қаршилиқ қилганлиги сабабли унинг баданига оғир шикаст етказди ва уйда мавжуд бўлган анча миқдордаги пулларини талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинди.

Орадан икки кун ўтганидан кейин фуқаро О. олган шикаст натижасида касалхонада вафот этди.

Суд фуқаро В.нинг қилмишларини Жиноят кодексининг 164-м. 3-қ. «в» ва «г» б. (уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда, баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган содир этилган босқинчилик) ҳамда 104-м. 3-қ. «д» б. (жабрланувчининг ўлишига

сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш) жиноятлари мажмуи сифатида квалификация қилди.

– мазкур ҳолат бўйича суд фуқаро В.нинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилинганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **125-масала**

Фуқаро П. жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлиги учун Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «д» банди бўйича ўн етти йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанидан кейин икки йил ўтгач кўп миқдорда босқинчилик жиноятини содир этганлиги бўйича айбдор деб топилди.

Терговчи унинг ўта оғир жиноят содир этганлиги, шунингдек илгари ҳам ўта оғир жиноят содир этганлигини ҳисобга олиб, уни ўта хавфли рецидивист деб топиб, унинг қилмишини Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми «б» банди сифатида квалификация қилди.

– мазкур ҳолат бўйича терговчининг ҳаракатлари тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **126-масала**

Фуқаро Ф. ва О. кафедра спиртли ичимликлар ичиб маст ҳолатда, ёнидаги столда овқатланиб ўтирган А.ни ҳақоратлаб, атрофдаги фуқароларнинг осойишталигини бузиб, А.ни кафедран ташқарига олиб чиқиб, уни уриб, тегиб, унга оғир тан жароҳати етказишган. Олган тан жароҳатлари натижасида А. касалхонада вафот этган. Дастлабки тергов органи томонидан Ф. ва О.ларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси учинчи қисми “д” банди ҳамда 277-моддаси иккинчи қисми “б”, “г” бандлари билан квалификация қилинган.

– Дастлабки тергов органи томонидан Ф ва О.ларнинг қилмиши тўғри квалификация қилинганми?

– Жиноятлар мажмуи тушунчасини ёритиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **127-масала**

Фуқаро И. тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг иккинчи қисми “а, в” бандлари, 228-моддасининг иккинчи қисми “б” банди, 228-моддасининг учинчи қисми билан айбланиб, унга нисбатан юритилган жиноят иши судга берилган.

Суднинг ҳукми билан И. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг иккинчи



қисми “а” банди, 228-моддасининг учинчи қисми билан айбли деб топилиб, жазо тайинланган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– Жиноятлар мажмуи тушунчасини ёритиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **128-масала**

Фуқаро П. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 100-моддаси бўйича судланиб, икки йил озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб чиқиб уйига келгач, қўшнилари унга унинг йўқлигида турмуш ўртоғи ноҳўя ишлар қилганлигини айтадилар.

Бундан ғазабланган П. турмуш ўртоғи С. билан оғзаки тортишиб қолиб, С.нинг бошига болғача билан қасддан урган.

С. ушбу зарб натижасида етказилган жароҳат сабабли вафот этган.

– фуқаро П.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Хавфли рецидив жиноят содир этиш тушунчасини ёритиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **129-масала**

Ўзбекистон Республикаси фуқароси С. Туркменистон Республикаси ЖКда назарда тутилган ўта оғир жиноятни содир қилган.

Суд ҳукми билан Туркменистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан жазодан озод қилинган. У кейинчалик Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган ўта оғир жиноятни содир қилган.

– фуқаро С. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топиладими?

– Хавфли рецидив билан ўта хавфли рецидив тушунчаларини фарқини айтиб беринг.

### **130-масала**

В. муқаддам талончилик жиноятини содир қилганлиги учун судланиб, жазони тўлиқ ўтаб чиқиб, судланганлик ҳолати тамом бўлмасдан, яна жиноят содир қилиш йўлига кириб, У.нинг ўз уйи ёнида турган автомашинасининг ғилдирагини ўғирлаб олиб кетган. – фуқаро В.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Рецидив ва хавфли рецидив жиноятнинг фарқи қандай белгиларда намоён бўлади?

### **131-масала**

Фуқаро Х. муқаддам фирибгарлик жиноятини содир қилганлиги учун уч йилга озодликдан маҳрум қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-

моддасига асосан шартли ҳукм қилиниб, 2 йил синов муддати белгиланган. Синов муддати тугаганидан бир ўтгач, у ўғирлик содир қилган.

– фуқаро Х.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Рецидив жиноят тушунчасини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **132-масала**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган К. суд томонидан амнистия асосида жиноий жавобгарликдан озод қилинганидан кейин орадан бир ой ўтиб, яна жиноятга қўл урган.

Жумладан, у фуқаро Н.нинг уйига ғайриқонуний равишда кириб, жами 27 000 000 сўмлик буюмларини яширин равишда талон-тарож қилган.

– фуқаро К.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Рецидив жиноят тушунчасини айтиб беринг.

### **133-масала**

Муқаддам талончилик содир этганлиги учун судланган Б. судланганлик муддати ўтмасидан туриб ўғирлик жиноятини содир қилди.

– фуқаро Б.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Рецидив жиноят билан такроран жиноят содир этишнинг фарқи нимада?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **134-масала**

Муқаддам ўғирлик содир этганлиги учун судланиб, жазони ўтаб чиққан фуқаро Н. яна ўғирлик содир қилган.

– Унинг кейинги содир қилган жинояти учун унга тайинланиши лозим бўлган жазога муқаддам судланганлигини кўрсатадиган таъсирни таърифланг.

– Рецидив жиноят билан такроран содир этилган жиноятнинг фарқини кўрсатинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **135-масала**

Фуқаро Ч. Мансабдор шахс ҳисобланган фуқаро И.га ўғлини обрўли олийгоҳга ўқишга киритиши эвазисга конверга солиб уч минг АҚШ доллари берди.

-Ушбу жиноятнинг объекти ва предмети айтинг.

-Мазкур жиноят объекти ва предмети муносабатларини мазмунини очиб беринг.

### **136-масала**

Фуқаро Р. Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг тўртинчи қисми “а” бандидаги жиноятни содир этиб, ўн йил муддатга озодликдан махрум этилган.

Муқаддам ЖК 169-моддасининг тўртинчи қисми “а” банди бўйича судланганлигини ҳисобга олиб, суд уни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топди.

– Р.нинг ўта хавфли рецидивист деб топилиши тўғрими?

– Рецидив жиноят турларини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир : [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашди] // Халқ сўзи. – 2017. – 10 янв. – Б. 1.

4. Ш.М. Мирзиёев. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018

5. Ш.М. Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.

6. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дустона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

#### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2018.-40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 524 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бирлашган таҳририяти, 2008. – 93 б.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 452 b.
2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 260 b.
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 1: Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2010. – 400 б.
4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 2: Жазо тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2011. – 304 б.
5. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 106 б.
6. Абдуқодиров Ш. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 89 б.
7. Матлюбов Б.Б. Жиноятлар мажмуи: квалификация: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 68 б.
8. Отажонов А.А. Жиноятга дахлдорлик институтининг жинойий-ҳуқуқий тартибга солиниши: Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 68 б.

9. Sottiev I.A. Uyushgan guruhlar tomonidan sodir etiladigan jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish. – T. : O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 43 b.

10. Қаландаров М.М. Уюшган гуруҳ: ўзлаштириш ёки растрата // Ҳуқуқшунос – Юрист. – 2010. – № 1. – 23–25-б.

11. Пайзиев Д.Ю. Жиноят қонунчилигида такроран содир этилган жиноятларни квалификация қилиш қоидалари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2010. – 119–125-б.

## **III-БЎЛИМ. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР**

### **Топширик:**

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси;

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 222-моддаси.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги (2002 йил 14 июндаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли қарори.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги 3-сонли «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори 13-бандининг иккинчи хатбошиси;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли «Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 24-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 23-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 07-сонли «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарори 9-бандининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиси.

### **Муаммоли саволлар:**

1. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар юридик табиатини ёритинг.

2. Қилмишни кам аҳамиятли деб топиш учун қайси ҳолатлар инобатга олиниши зарур?

3. Қайси ҳолатларда зарурий мудофаа вужудга келади?

4. Зарурий мудофаа ҳолатидаги ғайриқонуний тажовуз қандай талабларга жавоб бериши шарт?

5. Зарурий мудофаанинг ҳимояга тааллуқли ҳуқуққа мувофиқлиги шартлари нимадан иборат?

6. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш остида нима тушунилади?

7. Хаёлий мудофаа нима? Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларида хаёлий мудофаа ҳолатида содир қилинган қилмишнинг квалификациясига доир қандай ёндашув мавжуд?
8. Охирги зарурат ҳолати мавжудлигини қандай шартлар белгилайди?
9. Таҳдид қилаётган хавф ва уни бартараф этишга қаратилган ҳаракатларга оид охирги заруратнинг ҳуқуққа мувофиқлиги шартлари қандай?
10. Охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш мумкинми?
11. Охирги зарурат ҳолати зарурий мудофаа ҳолатидан қандай фарқланади?
12. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш остида нима тушунилади?
13. Қандай шартларда ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ҳуқуққа мувофиқ топилади?
14. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида, ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқиш нимадан иборат?
15. Жиноят кодексида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чегарасидан четга чиқиш учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни топинг?
16. Қайси шартларда буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариш жиноийликни истисно қилувчи ҳолат деб тан олинади?
17. Олдиндан жиноий буйруқни (фармойиш ёки мансаб вазифасини) бажариш деганда нима тушунилади?
18. Қандай ҳолатларда касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ таваккалчилик асосли деб топилади?
19. Қандай ҳолатларда буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш қилмишни жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида кўриб чиқилади?
20. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказиш чегарасидан чиқиш мумкинми?
21. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатининг охирги зарурат ҳолатидан қандай фарқлари мавжуд?
22. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш тушунчасини ва шартларини ёритинг.
23. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш ҳолатида жиноий жавобгарлик масаласи қандай ҳал этилади?
24. Касб ва хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликда зарар етказишнинг қонунийлик шартларини келтириб ўтинг.
25. Касб ва хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик билан оҳиғи заруратни фарқини айтиб беринг?

26.Зарурий мудофаа ҳолати тажовузнинг бошланиш хавфи мавжуд бўлган ҳолларда вужудга келиши мумкинми?

### **1-масала**

Фуқаро О. таниши Б. билан ресторанда овқатланиб ўтиришар эди. Уларнинг олдига маст ҳолатда В. келиб Б.ни уйинга таклиф қилди.

“Йўқ” жавобини олгач, В. куч ишлата бошлади ва б.нинг “тегманг” деган илтимосига қарамай, В. Б.нинг қўлидан ва кўкракларидан ушлай бошлади. Шу пайт О.Внинг юзига мушт туширади.

В. оёқда туролмай йиқилади ва боши яқин турган столнинг қиррасига тегиб оғир тан жароҳати олади.

Терговчи И.нинг ҳаракатини кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир жароҳат етказиш деб, яъни ЖКнинг 106-моддасини кўллаб квалификация қилган.

– юқорида келтирган ҳолатда ҳуқуқий баҳо беринг ва О. зарурий мудофаа ҳолатида бўлган ёки бўлмаганлигини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **2-масала**

У.нинг хонадонида (ҳовлида) бўлаётган тўйда маст бўлиб қолган К. ахлоқсизлик қила бошлайди.

Куёвжўралар К.ни тўйхонадан олиб чиқишади ва кимдир унинг орқасида тепади.

Жаҳли чиққан К.нинг “Мен ҳозир тўйни азага айлантираман”, дейди О. милтиғи билан қуролланган К. У.нинг уйига келганида дарвоза эшиги берклиги туфайли панжарадан (девордан) ошиб ўта бошлайди.

Шу пайт келиннинг акаси П.К.нинг бошига болтанинг орқа қисми билан уради. Натижада К. олган бош жароҳатидан ўша жойда вафот этади.

– ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг ва П. зарурий мудофаа ҳолатида бўлган ёки бўлмаганлигини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **3-масала**

Т. ва П.лар танишлари В. ва Г.ларни П.нинг хонадонига мусиқа эшитиш, ўйин-кулги қилиш учун таклиф қилишади.

Қизлар рози бўлишади. Спиртли ичимлик ичишган, Т.В.ни ётоқхонага олиб кириб кроватга ётқизади ва номусига тегишга ҳаракат қилади.

В. қаршилик кўрсатади ва кучи етмаслигига ақли етгач, пардоз столча устидан пардоз учун ишлатиладиган қайчини олиб, Т.га етказилган тан жароҳатини экспертлар оғир тан жароҳат деб топади.



Терговчи бу ҳаракатни – зарурий мудофаа ҳолатида оғир тан жароҳати етказиш деб, яъни ЖКнинг 107-моддаси 1-қисми билан квалификация қилади. Ҳимоячининг фикрича, В. зарурий мудофаа ҳолатида ҳаракат қилган деб баҳолайди.

– ушбу ҳолатга сизнинг фикрингиз қандай?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **4-масала**

14 ёшли М. ва В.нинг дала ҳовлисига кириб, унга тегишли автомашинанинг ғилдиракларидан никелланган қалпоқларни ечаётганида, П. милтиғидан ўқ узиб М.га оғир шикст етказди, натижада М.нинг ўнг кўлини кесиб ташлашга тўғри келди.

– П.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **5-масала**

П. уйдан чиқиб, руҳий касал (шизофреник), Т.нинг бир тўда бегона болларга қараб тош отаётганини кўриб қолади. Уларнинг орасида П.нинг ҳам 10 ёшли ўғли бор эди. П.нинг секин келиб, пишган ғиштнинг бўлагини отмоқчи бўлган Т.нинг кўлига гайка калити билан уриб Т.га ўрта оғирликдаги тан жароҳати етказди. Терговчи П.нинг ҳаракати ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан квалификация қилди.

Ҳимоячи П. зарурий мудофаа ҳолатида ҳаракат қилган ва унга нисбатан ЖКнинг 37-моддасини кўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилиш лозимлигини таъкидлади.

– ушбу ҳолат юзасидан сизнинг фикрингиз қандай?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **6-масала**

ИИБ навбатчисининг ёрдамчиси С. жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жинояти бўйича кўриклов остида бўлган М.ни ИИБ ҳовлисида жойлашган ҳожатхонага олиб чиқди. ИИБ ҳовлисида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб М.С.ни уриб йиқитиб, бошига бир неча марта тепиб, С.нинг ёнида бўлган табель қуролини олиб, девордан ошмоқчи бўлганида ППХ ходими Ю.С.ни отиб ўлдирди.

– Патруль пост хизмати ходими Ю.нинг ҳаракатларида қилимишининг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 7-масала

15 ёшли Д. велосипедда кетаётиб, йўлни кесиб ўтаётган В.нинг бошидан мўйнали телпагини юлиб олиб қочди. Буни мотоциклда кетаётган Ф.кўриб қолиб уни ушламоқчи бўлди.

Д.га етиб онгилив равишда мотоцикл билан уриб юборди ва ўртача оғирликдан тан жароҳати етказди.

Терговчи Ф.нинг ҳаракатини ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми бўйича, яъни касддан баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказиш деб квалификация қилди.

Ҳимоячи эса, Ф.га нисбатан ЖКнинг 39-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликка тортмаслигини таъкидлади.

– юқорида келтирилган ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг ва зарурий мудофаа ҳолатини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 8-масала

Шаҳар четидаги шосседа бир-бирига қараб иккита автомашина соатига 60-70 километр тезликда келар эди.

Биринчиси – юк автомашинаси ҳайдовчиси Л. гиёҳванд модда истеъмол қилган, иккинчиси – “Жигули” ҳайдовчиси Р. хотини ҳамда 2 та ёш боласи билан бўлган.

Йўл ҳаракати қоидасига зид равишда Л. автомашинани Р.нинг ёритгич орқали берган сигналига қарамай чап томондан ҳайдашда давом этган. Орадаги масофа 20-30 метр қолганда Р. автомашинани чап қаторга буради, чунки ўнг томондаги йўл торлиги туфайли бурилишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Шу вақтда Л. ҳам ўнг қаторга ўтган.

Натижада автомобиллар тўқнашиб, “Жигули”га катта зарар етади ва йўловчилар ҳамда ҳайдовчи Р. турли даражадаги тан жароҳати оладилар.

Терговчи ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми бўйича Р.га нисбатан жиноий иш кўзғатди.

– юқорида келтирилган ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг ва зарурий мудофаа ҳолатини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 9-масала

Тошкент шаҳри йўлларида бирида А. шахсий “Matiz”ини йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда бошқариб борар эди. Тўсатдан К. яқин масофада йўлни маст ҳолда кесиб ўтади. К.ни босиб кетмаслик учун А. рулни дарҳол ўнгга буради. Натижада автомобиль йўлакка чиқиб кетади ва ўтиб кетаётган пиёда В. ва унинг кўлидаги чақалоғини уриб юборади. Олинган жароҳат туфайли улар шу жойда ҳалок бўладилар.

Терговчи А.нинг ҳаракатини ЖКнинг 266-моддаси 3-қисми “а” банди билан, яъни йўл ҳаракати қондасини бузган ва одам ўлимига сабаб бўлган деб квалификация қилади.

Ҳимоячи эса А.ни охириги зарурат ҳолатида бўлгани ва ЖКнинг 38-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинишини таъкидлайди.

– мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг ва зарурий муҳофаа ҳолатини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **10-масала**

Уюшган жиноий гуруҳ аъзолари фуқаро Д.нинг вояга етмаган фарзандини гаровга олиб, ундан кўшма корхона раҳбари Н.нинг уйига босқинчилик қилиб, ундан кўшма корхона раҳбари Н.нинг босқинчилик қилиб, уйдаги барча пул маблағларини олиб келишини талаб қилишди. Фуқаро Д. тунда юзига ниқоб қийган ҳолда ўйинчоқ тўппонча ва ошхона пичоғи билан қуролланиб, Н.нинг уйига қонунга хилоф равишда кириб, унга оғир шикаст етказган ҳолда уйда бўлган 7500 АҚШ долларини олиб кетди.

– Д.нинг ҳаракатларида қилмишнинг жиноийлигини истисно қирувчи ҳолат мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **11-масала**

15 ёшли С. сотувчи Т.нинг жойида вақтинчалик йўқлигидан фойдаланиб, пештахтадан эгилиб, сотувдан тушган пулнинг бир қисмини олиб қочмоқчи бўлди.

Шу пайт иккинчи сотувчи П.С.ни ушлаб олиб, икки марта бошини деворга урган ва унга ўрта оғирликдаги тан жароҳати етказган.

Терговчи П.нинг ҳаракатини қасдан ўртача оғирликдаги шикаст етказиш деб ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмини қўллаб, айбдор деб топган.

Прокурор П. ва С.ни ижтимоий хавфли ҳаракат содир қилиш пайтида ушлаб олган ва унга нисбатан ЖКнинг 39-моддасини қўллаб, жиноий жавобгар эмас деб топади.

– бу ҳолатда прокурорнинг фикри эътиборга лойиқми?

Суд томонидан жарима сифатида жазо тайинлаш қондасига риоя қилинганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **12-масала**

Юриб кетаётган автобус ичидаги фуқаро Ш. ёнида турган кишининг чўнтагидан ҳамёнини ўғрилаб олди.

Унинг ичида эса, атиги 70 тийин пул бор экан. Қўлга тушиб ушланган пайтида, Ш. ўғрилиқни тан олиб, ҳамён ичида деярли хеч нарса йўқ бўлганлиги учун уни қўйиб юборишни илтимос қилди.

– фуқаро Ш. харакатига ҳуқуқий баҳо беринг.

– мазкур ҳолатни кам аҳамиятли қилмиш (ЖК 36-модда) деб топиб бўладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **13-масала**

Махалла посбони бўлган С. концерт залига билетсиз киришга уринган фуқаро А.ни ушлаб олди. Махалла қўмитасига хулқини муҳокама қилиш учун кетаётганда А. қоча бошлади.

Махалла посбони С. фуқаро А.га етиб олиб орқасидан уни бел қисмига қўли билан зарба берди, натижада А. йиқилиб, тротуарга боши билан урилди ва оғир шикаст олди.

– посбон С.нинг харакатларини ҳуқуқий деб баҳолаш мумкинми?

– мазкур ҳолатни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (ЖК 39-модда) деб топиб бўладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **14-масала**

Агар шахс тажовузнинг аслида йўқ ва хаёлийлигини била туриб, иш ҳолатларига кўра ҳам уни албатта билиши мумкин бўлгани ҳолда зарар етказса, унинг харакатлари Жиноят кодекс жавобгарликни назарда тутувчи қайси моддаси билан тавсифланиши лозим?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **15-масала**

Агар ҳимояланувчи иш ҳолатларига кўра тажовуз тугаган вақтни аниқ англай олмаган бўлса ёхуд ҳужум вақтида ишлатилган қурол ва бошқа ашёларнинг тажовузчидан ҳимояланувчининг қўлига ўтиб қолиши тажовуз тугаганлигидан далолат берадими?

– зарурий муҳофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **16-масала**

Тажовузнинг олди олинган ёки тугагандан сўнг ва ҳимоя воситаларини қўллаш зарурияти аниқ йўқолганда, ҳимояланувчининг тажовуз қилувчига

зарар етказганликдаги ҳаракати зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланадими?

– бундай ҳолатларда жавобгарлик масаласи қандай ҳал этилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **17-масала**

Вилоят касалхонаси жаррохи бўлиб ишловчи Иномов касални қони бузилиб кетишини олдини олиш мақсадида, беморни хушсиз ётган пайтида ундан рухсат сўрамай тиззасигача оёғини кесиб ташлади.

– фуқаро И.ни ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– мазкур ҳолатни касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик (ЖК 41-модда) деб топиб бўладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **18-масала**

Фуқаро К. етмиш ёшли буваси Д.нинг турар жойини эгаллаш мақсадида унинг овқатига ҳаёт учун ўта хавфли бўлган захар кўшиб кўйди. Д. овқатлангач ўзини ёмон ҳис қила бошлади.

К.га бувасининг оғир қийналаётгани таъсир қилиб, раҳми келганидан тез тиббий ёрдам чақирди.

Д.нинг ўз вақтида зарур тиббий ёрдам кўрсатилиши натижасида ҳаёти сақланиб қолинди, лекин ошқозонида икки сантиметрлик яра пайдо бўлиб, битта буйрагининг фаолияти бузилиб, оқибатида тамоман ишламай қолди.

– Фуқаро К.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– мазкур ҳолатни касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик (ЖК 41-модда) деб топиб бўладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **19-масала**

Агар иш ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланиши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **20-масала**

Фуқаро К. Ж.ванинг уйи ва автомашинасини эгаллаб олиш мақсадида у билан қалбаки никоҳдан ўтди. Улар орасида юз берган жанжаллар жараёнининг бирида К. Ж.вага уни севмаслигини ва унга фақатгина мулкани эгаллаб олиш мақсадида уйланганлигини айтди.

Ж.ва жаҳл устида К.га ошхона пичоғи билан ташланди, бироқ К. унинг кўлларини қайириб, унинг кўлидан пичоқни тортиб олди ва Жўраеванинг бўйин қисмига пичоқ урди. Орадан 20 дақиқа ўтгач, Ж.ва етказилган шикаст натижасида ўлди.

- фуқаро К.нинг ҳаракатларига юридик таҳлил беринг.

- К. зарурий мудофаа ҳолатида, Ж.ева эса кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлганми?

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

2. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

4. Ш.М.Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.

5. Ш.М.Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дустона ҳамкорлик эса тараққиётнинг қафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2018.-40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 524 б.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 452 б.

2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 260 б.

3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 1: Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2010. – 400 б.

4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 2: Жазо тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2011. – 304 б.

5. Чориев А. Жиноят қонунчилиги: унда охириги зарурат институти // Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. – 2012.– № 4. –17–20-б.

## IV-БЎЛИМ. ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ

### Топшириқ:

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25,26-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 30, 32, 32<sup>1</sup>,67-моддалари;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 531-моддасининг еттинчи қисми, 533-моддасининг иккинчи қисми, 539-моддаси, 541, 542-моддасининг учинчи қисми, 545-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 5-боби («Жарима тариқасидаги жазони ижро этиш»), 6-боби («Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш»), 8<sup>1</sup>-боби («Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш»), 25-боби («Хизмат бўйича чеклаш ва қамоқ тариқасидаги жазоларни ижро этиш»), 26-боби («Интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони ижро этиш»), IV бўлими («Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш»), V бўлими («Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш»), 161-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги ПФ-1572-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида интизомий қисм тўғрисида»ги низом.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ-257-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги низомнинг 317 ва 318-моддалари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги 346-сонли «Маъмурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомни ҳамда Мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 7, 8, 15, 16, 17, 25<sup>1</sup> - 25<sup>6</sup>, 26-30, 37-39-бандлари, 41-бандининг биринчи, учинчи хатбошиси, 42, 51, 52, 53, 54-59-бандлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 41, 43-бандлари, 47-бандининг биринчи хатбошиси, 51-бандининг бешинчи хатбошиси, 56<sup>1</sup>-банди;



– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 15-сонли «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 07-сонли «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарорининг 28-банди.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 18-23-бандлари;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 6-бандининг иккинчи хатбошиси.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 2006 йил 3 февралдаги (2018 йил 19 майдаги 16-сонли қарори таҳририда) 1-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2014 йил 23 майдаги 7-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2007 йил 14 ноябрдаги 15-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 27 декабрдаги 29-сонли қарори.

#### **Муаммоли саволлар:**

1. ЖКнинг 43-моддасида жиноий жазолар тизимини тузишда қандай принципга амал қилинган?

2. Жазонинг қандай турлари асосий жазоларга, қайсилари қўшимча жазоларга киради?

3. Жарима тарзидаги жиноий жазо нимадан иборат?

4. Жарима шаклидаги жазони ижро этмаслик уни озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштиришга имкон берадими?

5. ЖКнинг моддасининг санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган бўлса ҳам суд мазкур жазо турини тайинлашга ҳақлими?

6. Маҳкум шахсларнинг қандай тоифаларига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қўлланилмайди?

7. Маҳкум шахс ахлоқ тузатиш ишларининг жазосини ўташдан бўйин товлаганида нималар юз беради?

8. Хизмат бўйича чеклаш жазо турини тайинлашнинг хусусиятлари қандай?

9. Интизомий қисмга жўнатиш шаклидаги жазо маҳкум шахсларнинг қайси тоифасига нисбатан қўлланиши мумкин?

10. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазонинг қайси турлари келтирилган?

11. Озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасасини танлаш қайси омилларга боғлиқ бўлади?

12. Озодликдан маҳрум этишга маҳкум этилганларнинг қайси тоифалари турмада сақланиши мумкин?

13. Қайси ҳолатларда озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазоларга йўл кўйилмайди?

14. Қайси жиноятлар учун озодликдан маҳрум этишнинг узоқ муддатлари тайинланиши мумкин?

15. Маҳкум шахсларнинг қайси тоифаларига узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури қўлланиши мумкин эмас?

16. Маҳкум шахсларнинг қайси тоифаларига умрбод озодликдан маҳрум этиш жазо тури қўлланиши мумкин эмас?

17. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазо тури муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишдан нима билан фарқ қилади?

18. Жазони тайинлашнинг асослари ва мезонларини ёритинг.

19. Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни нималар ифодалайди?

20. Суд томондан энг енгил жазонинг тайинланиши нималарда ифодаланиши мумкин?

21. Жазоларни қамраб олиш ва йиғиндиси принциплари нимадан иборат?

22. Бир неча жиноятлар содир этганликда ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг қонунчилик чегаралари қандай?

23. Жазоларни кўшишнинг ҳисоблаш қоидаларини ёритинг.

24. Ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки уй қамоғи вақтини ҳисобга олиш қоидалари қандай?

25. Жазо муддатлари қандай ҳисобланади?

### **1-масала**

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан фуқаро Б. гиёҳвандлик моддасини ғайриқонуний равишда сақлаганлиги аниқланиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётганида, унинг гиёҳвандлик касалига чалинганлиги ва гиёҳвандликдан мажбурий даволанишга мухтожлиги маълум бўлди.

– Б.га нисбатан жазо тайинлашнинг қандай ўзига хос жиҳатлари мавжуд?

– Жазо тайинлашдан кўзланган мақсад нима?

### **2-масала**

Божхона майори М. Ўзбекистон Республикаси ЖК 210-моддасининг учинчи қисми “в” банди билан айбланиб, ўн икки йилга озодликдан маҳрум

этилган ва жазо қаттиқ тартибли колонияда ўталиши белгиланиб, майор унвони бекор қилинган.

– Суд томонидан колония турини белгилашда ва махсус унвонни бекор қилишда қонун талабларига риоя қилинганми?

– Асосий ва қўшимча жинойт жазо турларини санаб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **3-масала**

Жиноят ишлари бўйича туман суди вояга етмаган Ш.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг биринчи қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда, икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига жазоси тайинлаган.

– Суд ҳукмининг қонунийлигига баҳо беринг.

– Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси кимларга нисбатан тайинланиши мумкин эмас?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **4-масала**

Фуқаро Г. Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг иккинчи қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланиб, унга нисбатан юритилган жиноят иши судга юборилган.

Суд муҳокамаси даврида Г.нинг хомиладорлиги аниқлаган.

Суд томонидан унга нисбатан шу модда билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қандай муддатлар доирасида тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **5-масала**

Фуқаро Т. Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг иккинчи қисми “а” банди билан айбланиб, уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қилинган.

– Суднинг қарори қонунийми?

– Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қандай муддатлар доирасида тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **6-масала**

Ўғрилиқ жиноятини содир этган ҳарбий қисм муддатли ҳарбий хизматчиси П.га Ҳарбий суд томонидан бир йил муддатга хизмат бўйича чеклаш жазоси тайинланган.

– Суднинг қарори қонунийми?

– Хизмат бўйича чеклаш жазоси қандай муддатлар доирасида тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **7-масала**

Суд ҳукмга кўра, ҳарбий қисм мансабдор шахси капитан Т. ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганликда айбдор деб топилиб, унга икки йил муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазоси тайинланган.

– Суд ҳукмининг қонунийлигига баҳо беринг.

– Интизомий қисмга жўнатиш жазоси қандай муддатлар доирасида тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **8-масала**

Суд 16 ёшли фуқаро О.ни Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятда айбдор деб топиб, унга ўн беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташни белгилаган.

– О.га нисбатан қонуний жазо тайинланганми?

### **9-масала**

Жиноят ишлари бўйича туман суди вояга етмаган Ш.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг биринчи қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда, икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига жазоси тайинлаган.

– Суд ҳукмининг қонунийлигига баҳо беринг.

– Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси кимларга нисбатан тайинланиши мумкин эмас?

### **10-масала**

Фуқаро Г. Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг иккинчи қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланиб, унга нисбатан юритилган жиноят иши судга юборилган. Суд муҳокамаси даврида Г.нинг хомиладорлиги аниқлаган. Суд томонидан унга нисбатан шу модда билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қандай муддатлар доирасида тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **11-масала**

Фуқаро Т. Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг иккинчи қисми “а” банди билан айбланиб, уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қилинган.

– Суднинг қарори қонунийми?

– Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қандай муддатлар доирасида тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **12-масала**

Ўғрилиқ жиноятини содир этган ҳарбий қисм муддатли ҳарбий хизматчиси П.га Ҳарбий суд томонидан бир йил муддатга хизмат бўйича чеклаш жазоси тайинланган.

– Суднинг қарори қонунийми?

– Хизмат бўйича чеклаш жазоси қандай муддатлар доирасида тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **13-масала**

Суд ҳукмга кўра, ҳарбий қисм мансабдор шахси капитан Т. ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганликда айбдор деб топилиб, унга икки йил муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазоси тайинланган.

– Суд ҳукмининг қонунийлигига баҳо беринг.

– Интизомий қисмга жўнатиш жазоси қандай муддатлар доирасида тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **14-масала**

Фуқаро О. турмуш ўртоғи (эри) С.ни қасддан ўлдирганлиги учун суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг биринчи қисми билан ўн беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташни белгиланган.

– О.га нисбатан қонуний жазо тайинланганми?

– Аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашнинг қандай ўзига хос жиҳатлари бор?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **15-масала**

Фуқаро Б. ЖК 126-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун унга 80 баравари миқдорда жарима жазосини тайинлади. Суд фуқаро Б.нинг илтимосномасига асосан жарима жазосини кечиктириб тўлаш шарти билан унга имкон берган. Фуқаро Б. жарима жазосини 64 бараварини ижро этиб, қолган қисмини тўлашдан бўйин товлаган. Суд фуқаро Б.нинг тайинлаган жарима жазосини ижро этишдан бўйин товлаганини инобатга олиб, жариманинг қолган миқдорини 1 ой қамоқ жазоси билан алмаштирди.

– Суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **16-масала**

Тошкент шаҳрида жойлашган 8-автокорхона ҳайдовчиси Ф. белгиланган йўналишда йўловчи ташиш автобусини бошқариб кетишида белгиланган тезликни ошириб йўл четида турган фуқаро Ж. ва унинг фарзанди Ю.ни туртиб юбориши натижасида Ф.нинг баданига оғир, Ю.нинг баданига ўртача оғир шикаст етказди.

Содир этилган ҳолат юзасидан суд фуқаро Ф.га ЖК 266-моддаси 1-қисмига асосан 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари ва қўшимча жазо тариқасида 3 йил 2 ой муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларини тайинлади.

– Суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **17-масала**

Фуқаролар С. ва Х.лар ўзаро тил бириктириб фуқаро Я.нинг хонадонига қалит танлаш йўли билан кириб ЖК 169-моддаси 2-қисми «в» бандида назарда тутилган ўғрилиқ жиноятини содир этишади.

Суд жазо тайинлашда фуқаро С.нинг хомиладорлигини инобатга олиб унга нисбатан 2 йил 7 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, фуқаро Х.га 2 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди.

– Суднинг фуқаро С.га нисбатан тайинлаган жазоси тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **18-масала**

Муддатли харбий хизматни ўтаётган У. ЖК 291-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун суд унга муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн икки фоизи бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан хизмат бўйича чеклаш жазосини тайинлаган.

– Суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **19-масала**

Харбий хизматни контракт бўйича ўтаётган харбий хизматчи О. ЖК 292-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун суд унга муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўттиз икки фоизи бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан бир йил беш ойга муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини тайинлади.

– Суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **20-масала**

Муддатли харбий хизматни ўтаётган Ғ. ЖК 283-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун унга икки саккиз ойга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Шу билан бирга суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллади.

– Суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **21-масала**

17 ёшли Е. акаси Ф. билан ўзаро жанжал оқибатида уни хаётдан маҳрум қилиб, ЖК 97-моддаси 2-қисми «ж» бандида назарда тутилган жиноятни содир этган. Суд фуқаро Е.ни содир этган қилмишига нисбатан ЖК 97-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида, жазо тайинлашнинг умумий асосларига кўра унга 22 йил 10 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

– Суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 22-масала

Фуқаро В. 2014 йилнинг 15 ноябрь куни тунги соат 23:00ларда қўшниси бўлган фуқаро П.нинг хонадонига яширин равишда кириб унга тегишли бўлган 2.500.000 сўм пул, қиммат баҳо соати билан LG телевизорини яширин равишда талон-торож қилгани учун суд унга ЖК 169-моддаси 2-қисми «б» банди назарда тутилган жиноятини содир этганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баравари миқдорда жарима жазосини тайинлади. Аммо фуқаро В. ҳеч қаерда ишламаслигини инобатга олиб суд унга бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берди.

Суд фуқаро В. тайинланган жарима жазосини бўлиб-бўлиб тўлаш мунтазам равишда бузиб келганлигини инобатга олиб ЖК 44-моддаси 2-қисмига асосан унга тайинланган жарима жазосини ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштирди. Ахлоқ тузатиш ишлари ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридagi жаримага тенглаштирилиб, уч йил 2 ойга алмаштирилди.

– Суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 23-масала

Фуқаро У. дуконда озиқ-овқат махсулотини харид қилиш вақтида таниши бўлган М.ни учратиб қолади. Улар ўтган дамларни эслаш учун У.нинг хонадонига учрашишга келишади.

М. У.нинг хонадонига келиб, мактаб даврида қолган хотираларини эслаб суҳбатлашади. У.ни М.да мактабда ўқиб юрган даврида кўнгли бўлганлиги сабабли М.ни номусига тегиш мақсадида унинг қахвасига уйқу келтирувчи дорини кўп миқдорда қўшиб беради. М.ни қахвани истеъмол қилиши билан ўзини бошқара олмай хушдан кетади.

Бу ҳолатдан фойдаланган У. М.нинг ожизлигидан фойдаланиб унинг номусига бир неча марта тегади. М.нинг қахвасига кўп миқдорда қўшиб берилган дори таъсирида кўриш қобилиятини йўқотади.

Суд У.нинг содир этагн жиноятини ЖК 118-моддаси 3-қисми «д» бандига асосан унга 14 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, тайинланган жазо муддатини каттиқ тартибли колонияда ижро этиш тўғрисида ҳукм қилади.

– Суднинг ҳукми тўғрими?

## 24-масала

Фуқаро Г. АҚШ давлати ташкилоти хисобланган «STARTS»га давлат сирларини етказганлик учун МХХ ходимлари томонидан қўлга олинган. Г. Давлатга хоинлик қилиш ЖК 157-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинояти учун айбдор деб топилган.



Суд Г.га жазо тайинлашда унинг аёл эканлигини инобатга олиб унга 19 йилга озодликдан махрум қилиш ва тайинланган жазо муддатини ЖК 50-моддаси 8-қисмига асосан умумий тартибли колонияда ижро этиш тўғрисида хукм чиқарди.

– Суднинг хукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **25-масала**

2001 йил 10 ноябрь куни туғилган М. 2017 йил 9 ноябрь куни қўшниси Д. билан одиндан келишмай юриб ундан ўч мақсадида унинг хонадонига тунги соат 23:30ларда кириб, унинг ётоқхонасига кириб, унинг ухлаб ётганидан фойдаланиб баданинг турли жойларига бир неча маротаба зарба бериб уни хаётдан махрум қилган.

Д.нинг ўлганини англаганидан сўнг соат 23:45да хонадонининг қўшни хонасига кириб Д.нинг 13 ёшли В. исмли қизининг номусига тегиб уни ҳам хаётдан махрум қилган. 11 ноябрь куни соат 00:03да М. содир этган жиноятларини яшириш мақсадида Д. ва унинг қизи В. жасадларини турли қисмларга ажратган ҳолда шу маҳаллада оқиб ўтувчи каналга ташлаб юборган.

Олиб борилган тезкор-қидирув ишлар натижасида М.нинг содир этган жиноятлари фош этилиб унинг ҳаракатлари ЖК 97-модда 2-қисми «а», «ж», «з» бандлари билан квалификация қилиниб, сун унга жазо тайинлашнинг умумий асосларига кўра умрбод озодликдан махрум қилиш жазосини тайинлади.

– Суд фуқаро М.га умрбод озодликдан махрум қилиш жазосини тайинлаши мумкинми?

– Суднинг хукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **26-масала**

Фуқаро Л. қўшниси бўлган О.нинг уйига меҳмонга бориб Л.нинг учта вояга етмаган фарзанлари мактабда бўлганлиги сабабли, унга таниши таниши бўлган Э.билан жинсий алоқа қилиш учун унинг хонадонидан 2 соатга 150.000 сум эвазига бўшатиб беришини илтимос қилади.

О. Фарзандларига қишки мавсумга кийим олиб бериш мақсадида рози бўлади. Фуқаро Л. таниши Э. билан жинсий алоқага киришганида шу ҳудуд профилактика инспектори П. хизмат вазифасини олиб бориш вақтида О.нинг хонадонига текшириш мақсадида кирганида нотаниш овозларни эшитиб, Л. билан Э.ни қўлга олади. Ҳолат юзасидан фуқаро О.га ЖК 131-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилади.

Суд О.га жазо тайинлаш вақтида унинг қаромоғида учта вояга етмаган фарзандлари борлиги ва қилмишни ночорлигидан содир этганлиги инобатга олиб О.га нисбатан ЖК 57-моддани қўллаб, ЖК 131-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жарима жазосини ўн баравари миқдорда тайинлайди.

– Суд ушбу ҳолатда енгилроқ жазо тайинлаши мумкинми?

– Суднинг ҳукми тўғрими?

### **27-масала**

«Транс сервис МЧЖ» корхонаси хайдовчиси Е. Юк машинасини катта тезликда бошқариб кетаётганида транспорт воситасини бошқара олмай йўл четида турган фуқаро Э.ни туртиб юборади.

Натижада йўл четида ётган Э.ни беҳуш ётганини кўриб, жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида воқеа жойидан кетади. Олинган тан жароҳати натижасида Э. воқеа вафот этади. Хайдовчи Е. олиб борилган тезкор-қидироув ишлар натижасида қўлга олинади.

Суд хайдовчи Е.ни содир қилган жиноятлари, яъни 266-моддаси 2-қисми ва 117-моддаси 2-қисми билан уни айбдор деб топиб биринчи қилмиши учун 6 йил озодликдан маҳрум қилиш иккинчи қилмиши учун 2 йил 10 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди.

Бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлаш қоидасига мувофиқ жазоларни тўла қўшиш йўли билан унга узил-кесил 8 йил 10 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

– Суднинг ҳукми тўғрими?

### **28-масала**

2010 йилнинг 2-сентябрь куни жиноий ишлар бўйича суди томонидан Л.га ЖК 210-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун унга 9 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазони ўташ давомида, яъни 2014 йилнинг 10 ноябрь куни Л.нинг 2009 йили ЖК 118-моддаси 4-қисмида назарда тутилган номусга тегиш жинояти содир этганлиги аниқланди.

– Суд ушбу ҳолатда Л.га жазо тайинлашнинг қайси қоидасига кўра жазо тайинлаши мумкинлигини аниқланг.

– Суд Л.га жазо тайинлашда озодликдан маҳрум қилишнинг қанча муддатигача жазо тайинлаши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **29-масала**

2004 йил 6 март куни ЖК 119-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят учун 13 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган З. жазо ўташ давомида 2016 йилда ўзаро чиққан жанжал оқибатида махбус Е.ни баданининг турли жойларига ўтқир тиғли жисм билан жароҳат етказиши

оқибатида уни хаётдан махрум қилиб ЖК 97-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этади.

– Суд қайси қоидага кўра 3.га содир этган жинояти учун жазо тайинлайди.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **30-масала**

Муқаддам ЖК 97-моддаси 2-қисми «и» банди билан судланган фуқаро П. ЖК 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ўғрилик жиноятини содир этган.

Содир этган жинояти юзасидан туман ИИБга айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, шу билан бирга чин кўнгилдан пушаймон бўлиб етказилган моддий зарарни ихтиёрий равишда бартараф этган.

– Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш шартларини айтиб ўтинг.

– Суд ушбу ҳолатда фуқаро П.га ЖК 169-модда 1-қисмида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаган ҳолда жазо тайинлаши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **31-масала**

Туман суди фуқаро Ш.ни Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг иккинчи қисми билан айбли топиб, унинг айбига иқдор ва пушаймон эмаслигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиб, тегишли жазо тайинлаган.

– Суднинг бу масаладаги тўхтами қонунийми?

– Жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни қўллаш тартибини тушунтиринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **32-масала**

Фуқаро 3. олдиндан ўйланган режага асосан тунда фуқаро М.ни ишдан қайтаётган вақтда унинг қимматбаҳо тақинчоқларини зўрлик билан эгаллаш мақсадида унга ташланган, лекин унга М. қаттиқ қаршилик кўрсатади.

Шунда 3. ёнида бўлган ошпичоқни М.нинг кўкрак қисмига икки марта уриб, унинг ёнида бўлган пул ва тилла тақинчоқларини олиб воқеа жойидан яширинади. М. кўп қон йўқотиши натижасида шифохонада вафот этган.

– фуқаро 3.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– 3.нинг қилмишида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **33-масала**

Фуқаро Ж. қасддан одам ўлдирганликда гумон қилиниб ушланган. У химоячи иштирокида сўроқ қилинганида, жуда маст ҳолда бўлганлиги сабабли ушбу жиноятни содир қилганлигини, агар хушёр бўлганида бундай ишни қилмаган бўлишини билдирган.

Экспертиза хулосаси фуқаро Ж. ушбу жиноятни содир этиш вақтида кучли мастлик ҳолатида бўлганлигини тасдиқлаган.

– фуқаро Ж.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Мастлик ҳолатида жиноят содир этиш қандай ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **34-масала**

Олий ўқув юрти талабаси Ш. спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда ўзи яшайдиган ётоқхонанинг бошқа қаватида турувчи талаба Г.нинг хонасига кириб, номусига тегиш мақсадида уни полга йиқитган. Бироқ Г. унга фаол қаршилик кўрсата бошлаган.

Унинг қаршилигини енгиш учун Ш. чўнтагидан пичоқ олиб, Г.нинг томоғига тираб, ўлдириш билан қўрқитган. Ҳаёти хавф остида қолган Г. қаршиликни тўхтатган. Ш. бундан фойдаланиб унинг номусига теккан.

– фуқаро Ш.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Мастлик ҳолатида жиноят содир этиш қандай ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **35-масала**

Фуқаро Ж. қасддан одам ўлдирганликда гумон қилиниб, қўлга олиниб, химоячи иштирокида сўроқ қилинганида, у жуда маст ҳолда бўлганлиги сабабли ушбу жиноятни содир қилганлигини, агар хушёр бўлганида ушбу жиноятни содир қилмаган бўлишини баён қилган.

Экспертиза хулосаси ҳам унинг ушбу жиноятни содир этган вақтда кучли мастлик ҳолатида бўлганлигини тасдиқлаган.

– Мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг.

– фуқаро Ж.нинг маст ҳолда бўлганлиги, содир қилинган жиноятнинг малакасига ёки тайинланадиган жазога таъсирини таърифланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **36-масала**

Фуқаро Л. ишдан қайтиш вақтида синфдошининг синглиси бўлган 15 ёшлик Ф.ни кўриб қолиб, унинг номусига мақсадида унинг акаси Л.нинг кутиб туриши ва кечроқ олиб кетиши баҳонаси билан алдаб уйига олиб кетади.

Л. Ф.ни ўзининг уйига олиб келганида Ф.га зўрлик ишлата бошлайди. Юзага келган шовқиндан Л.нинг қўшниси ИИИ ходими бўлган К. Л.нинг эшигини бузиб унинг уйигша киради. Ф.нинг қаттиқ кўрқанлигини сезиб Л.ни қўлга олади.

– Тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлаш шартлари ва асосларини кўрсатинг.

– Суд ушбу ҳолатда Л.га нисбатан 58-модда тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлаш қондасини қўллаши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **37-масала**

Фуқаро Ш. ЖК 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ўғрилик ва 126-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган.

Суд Ш.нинг биринчи жинояти учун 2 йил 7 ой озодликдан махрум қилиш, иккинчи жинояти 1 йил 11 ой озодликдан махрум қилиш жазоларни тайинлаган.

– Суд бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш қондасига кўра қандай муддатгача озодликдан махрум қилиш жазосини тайинлаши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **38-масала**

2003 йил 15 февралда ЖК 131-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган жинояти учун 4 йил 8 ойга ҳукм қилинган Ю. 2009 йил 8 март куни жазони биргаликда ижро этган Ч.га нисбатан ЖК 119-моддаси 3-қисми «д» бандида назарда тутилган жиноятни содир этган.

– Суд ушбу ҳолатда жазо тайинлашнинг ыайси ыоидасига қўра жазо тайинлайди. Жазоларни тўла, қисман қўшиш, оғирини енгил қоплаш орқали узил-кесил қанча муддатгача озодликдан махрум қилиш жазосини тайинлаши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **39-масала**

Фуқаро Ш. ЖК 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ўғрилиқ, ЖК 120-моддасида назарда тутилган бесоқолбозлик жиноятлари учун айбдор деб топилган. Ўғрилиқ жинояти учун 1 йил 11 ой ахлоқ тузатиш ишлари, бесоқолбозлик жинояти учун 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоларини тайинлади.

– Ҳар хил турдаги асосий жазоларни қўшиш қондасига кўра суд жазо турлари муддатларини қўшади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **40-масала**

2014 йилнинг 26 июнь куни фуқаро Қ. ЖК 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган безорилик жиноятини содир этган, шу йилнинг 27 июнь куни фуқаро И.нинг хонадонига калит танлаш йўли билан кириб унга нисбатан ЖК 164-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган босқинчилик жиноятини содир этган. Суд Қ.нинг содир этган жиноятлари, яъни безорилик учун 1 йилга озодликдан маҳрум қилиш, безорилик учун 9 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоларини тайинлади. Тайинланган жазоларни тўла қўшиш йўли билан узил-кесил 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, тайинланган жазо муддатини умумий тартибли колонияда ижро этиш учун ҳукм қилди.

– ушбу ҳолатда суд қйаси қоидага кўра жазо тайинлайди?

– Суднинг ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **41-масала**

Фуқаро Р. ноқонуний тадбиркорлик қилганлиги (ЖК 171-модда) учун ҳукм қилинган. Суд фуқаро Р.га 4 йил муддатга тадбиркорлик фаолияти биланшуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

– Суднинг тайинлаган жазоси тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **42-масала**

Муқаддам судланмаган фуқаро К. спиртли ичимлик истеъмол қилиб, уйига маст ҳолатда келганида ўғли Ж.ни қўшниси Д. уриб, тан жароҳати етказганлигидан хабар топиб, жаҳл билан қўшниси Д.нинг уйига бориб, у билан тортишиб қолишган. Шундан сўнг у Д.дан ўч олиш мақсадида тегишли рухсатномасиз сақлаб юрган ов милтиғини олиб чиқиб, Д.нинг уйига бориб унга қарата ўқ узган. Натижада Д. ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати олиб вафот этган. Бу ҳаракатлари учун К. дастлабки тергов органи

томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 248-моддасининг биринчи қисми, 97-моддасининг биринчи қисми билан айбланган.

Суд ишни кўриб чиқиб, суд ҳукми билан К.ни Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг биринчи қисми, 248-моддасининг биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, ЖК 97-моддасининг биринчи қисми бўйича ўн икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 248-моддасининг биринчи қисми бўйича икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддасига мувофиқ енгилроқ жазо оғирроғи билан қопланиб, ўзил-кесил ўн икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган.

– Суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси талаблари тўғри қўлланилганми?

– Маҳкумга жазо ўташи учун қандай колония тури белгиланади?

#### **43-масала**

Муқаддам судланмаган фуқаро С. Ўзбекистон Республикаси ЖК 25, 97-моддасининг иккинчи қисми “а” банди билан ўн беш йил муддатга, 248-моддасининг биринчи қисми билан икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57 ва 59-моддалари қўлланилиб ўн бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– Унга нисбатан қандай колония тури белгиланади?

#### **44-масала**

Фуқаро Н. муқаддам Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланиб, мазкур жазони ўташдан бўйин товлагани учун тайинланган жазо озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

У ушбу жазони ўтагач, судланганлик ҳолати тугалланмасдан яна ўғрилиқ жиноятини содир қилганлиги учун ЖК 169-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан айбли деб топилган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– Унга жазони қандай турдаги колонияда ўташ белгиланиши лозим?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **45-масала**

Фуқаро Э.га суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг иккинчи қисми билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 167-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси

ЖКнинг 59-моддасига асосан жиноятлар мажмуи бўйича олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– Маҳкумга жазони қандай тартибли колонияда ўташ белгиланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **46-масала**

Муқаддам судланмаган фуқаро Б. 2013 йилнинг май ойида ўз уйининг қаршисидаги томорқасига қонун билан тақиқланган гиёҳвандлик воситаси бўлган икки туп кўкнор ўсимлигини экиб, парваришлаб, баргларини йиғиб олиб, қуритиб, ўзи истеъмол қилиб, қолган қисмини қонунга хилоф равишда сақлаб келган. 2014 йил 20 ноябрь куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланиб, шахсий тинтув ўтказилган вақтда, кийиб юрган кийимининг чўнтагидан 3 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси топилиб, ашёвий далил сифатида олинган.

Суд ҳукми билан Б. Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг биринчи қисми, 276-моддасининг иккинчи қисми “а” банди билан айбдор деб топилиб, ЖК 270-моддасининг биринчи қисми бўйича уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ЖК 276-моддасининг иккинчи қисми “а” банди бўйича тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 59-моддасига асосан жазолар қисман кўшилиб, узил-кесил олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

– Суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси талаблари тўғри қўлланилганми?

– Маҳкумга нисбатан қандай колония тури белгиланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **47-масала**

Фуқаро Е. муқаддам ўғирлик жинояти содир қилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг иккинчи қисми “в” банди билан айбланиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазонинг бир йилини ўтагандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорига мувофиқ жазони ўташдан озод этилган.

Орадан бир йил ўтгач яна ўғирлик жиноятини содир этиб, М.нинг уйига ғайриқонуний равишда кириб, анча миқдордаги нарсаларини ўғирлаб олиб кетганлиги учун айбланган.

– Е.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– Унга жазони ўташи учун қандай колония тури белгиланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.



#### **48-масала**

Фуқаро И. вояга етмаган уч ёшли О.ни кўчада ёлғиз ўйнаб юрганлигидан фойдаланиб, унга: “Ойинг қулоғингдаги олтин зиракни олиб кел деб мени сенинг ёнингга тайинлаб юборди, сенга бир нарса сотиб олмоқчи экан, шунга пулнинг ўрнига вақтинча гаровга бериб турмоқчи,-” деб алдаб, унинг 500 000 сўмлик олтин зирагини ечиб олиб кетиб, ўзлаштирган.

Орадан икки кун ўтганидан сўнг фуқаро И. фуқаро А.нинг уйига ғайриқонуний равишда кириб, унинг 1 800 000 сўмлик нарсаларини ўғирлаган.

- фуқаро И.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Унга нисбатан жазо тайинлаш тартибини айтинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **49-масала**

Фуқаро С. оғир ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилганлиги учун уч марта судланганлигидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, икки йил ўтгандан сўнг, хомиладорлик таътилида бўла туриб, кўшниси Г.нинг ишончига кириб, фирибгарлик йўли билан 43 000 000 сўмлик тилла тақинчоқларини кўлга киритганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг иккинчи қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

- Суд ҳукми қонунийми?
- фуқаро С.га нисбатан қандай жазо тайинланиши мумкин?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **50-масала**

Фуқаро У. кундузи одам гавжум бўлмаган кўчада кетаётиб, фуқаро К. сумкасига кўп миқдорда чет эл валютаси солаётганини кўриб қолиб, ушбу валюта қимматликларини кўлга киритиш фикри туғилади. Шундан сўнг У. ўз мақсадини амалга ошириш учун К.ни кузатиб бориб, унинг кўлидаги сумкани куч билан тортиб олиб, воқеа жойидан яширинади.

- фуқаро У.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Унга нисбатан қандай жазо турлари тайинланиши мумкин?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **51-масала**

Фуқаро Ш. олдиндан ўйланган режа асосида фуқаро К.нинг хонадонига ўғирликка кириб, мол-мулкни талон-торож қилаётган вақтда фуқаро К.нинг ўғли А. келиб қолади. Натижада Ш. билан А. ўртасида олишув бошланиб кетади. Ш. мушти билан А.га ташланганда, А. унинг кўкрак қисмига

ошхонада турган ошпичоқ билан бир марта урган. Ш. воқеа жойида кўп қон йўқотиши натижасида вафот этади.

– фуқаро А.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Унга нисбатан қандай жазо тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **52-масала**

Фуқаролар С. ва Ж. ўғирлик содир қилиш ҳақида олдиндан тил бириктириб, фуқаро И. нинг уйига ғайриқонуний равишда киришиб, унинг баҳоси 1 400 000 сўмлик кийим-кечакларини ўғирлаб олиб кетишган. Эртаси куни улар фуқаро М.нинг уйига ғайриқонуний равишда кириб, баҳоси 2 000 000 сўмлик нарсаларини ўғирлаб кетишган.

– фуқаролар С. ва Ж.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Уларга нисбатан жазо тайинлаш тартибини айтинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **53-масала**

Маҳалладошлар И. ва С. томорқасини ариқдан суғориш вақтда ўзаро жанжаллашиб қолиб, фуқаро И. қўшниси С.ни уятли сўзлар билан ҳақорат қилган. С. уни тартибга чақириб, огоҳлантиришига қарамай И. уни ҳақорат қилишда давом этган. Шунда С. ариқда ётган тошни олиб, уни бошига бир марта уриб, ерга йиқитган. Фуқаро И. олган тан жароҳати натижасида вафот этган.

– фуқаро С.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Унга нисбатан қандай жазо тайинланиши мумкин?

### **54-масала**

Фуқаро Ж. ва А.лар турмуш қургач куёвнинг онаси М. келини А.ни ёқтирмай қолади ва унга доимий равишда рухий азоб бериб, ҳақоратлаб келади. Бунинг натижасида келин А. бу азобларга чидай олмай ўзини-ўзи осиб, ўз жонига қасд қилган.

– фуқаро М.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Унга нисбатан қандай жазо тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **55-масала**

Дастлабки тергов органи баъзи жинойт ишлари юзасидан айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб этилган шахсларга бир қанча моддалар билан айб эълон қилиб, жинойт ишини судга оширади. Ушбу жинойт ишини судда кўриш жараёнида судланувчининг қилмиши қайта

малакаланиб, айбига асосиз киритилган жиноятлар аниқланган тақдирда, ҳукмда ушбу жиноятлар назарда тутилган моддаларни “айбдан чиқарилсин” деб суд томондан ҳулоса қилинди.

Суд томондан бундай ҳулоса қилиниши мумкинми?

### **56-масала**

Фуқаро З. турмуш ўртоғи Т.ни фуқаро И. билан ишқий муносабатини билиб қолиб, унга “бир неча кунга хизмат сафарига кетяпман” деб ёлғон гапириб уйдан чиқиб кетиб, кечкурун қайтиб уйига келганида турмуш ўртоғи Т. фуқаро И. билан тўшақда бирга ётганлигини кўриб, ҳар иккаласини ўлдиришни мақсад қилиб, ўзи билан олиб келган пичоқни аввал турмуш ўртоғи Т.ни юрак соҳасига, сўнгра И.ни юрак соҳасига уриб, уларни ўлди деб ўйлаб уйдан чиқиб кетган.

Т. воқеа жойида вафот этган, бироқ И.нинг ҳаёти тиббиёт ходимлари томонидан сақлаб қолинган.

- фуқаро З.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Унга жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатларини баён қилинг.

### **57-масала**

Маҳкум Ж. озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш жойида жазони ўташ даврида қочмоқчи бўлди, лекин жазони ижро этиш муассасаси ходимлари томонидан қўлга олинди.

- Маҳкум Ж.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- мазкур ҳолатда унга нисбатан жазо тайинлаш қай тартибда амалга оширилади?

### **58-масала**

Ҳарбий суд, дезертирлик жиноятини содир этган судланувчи Н.га нисбатан юритилган жиноят ишини мазмунан кўриб, унга мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазонинг максимал миқдоридан юқори жазо берган.

- Суд ҳукми адолатлими?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **59-масала**

Фуқаро Р. икки марта оғир жиноят содир қилган бўлиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинлашда енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш қоидаси татбиқ қилиниши мумкинми?

- Бир неча жиноят содир этганлик (ЖК 59-м.) ҳамда бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш (ЖК 60-м.)нинг фарқларини тушунтириб беринг.

### **60-масала**

Суд фуқаро Б.га муқаддам ўғирлик жиноятини содир қилганлиги учун беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қилиб, икки йил синов муддати белгилаган. Бироқ фуқаро Б. синов муддати тугамасдан, ўзганинг уйига ғайриқонуний равишда кириб, анча миқдордаги мулкни яширин равишда талон-торож қилганлиги учун суд Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг иккинчи қисми “а, г” бандлари ва 169-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддасига асосан жиноятлар мажмуи тариқасида олти йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгилаб, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташни белгилаган.

– Суднинг ҳукмининг қонунийлигига баҳо беринг.

- Бир неча жиноят содир этганлик (ЖК 59-м.) ҳамда бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш (ЖК 60-м.)нинг фарқларини тушунтириб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **61-масала**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 283-моддасининг биринчи қисми билан айбланган оддий аскар А.га нисбатан юритилган жиноят ишини суд ҳайъатида кўриб, уни шу модда билан уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилган.

Мазкур модда санкциясида ҳам жазонинг юқори миқдори уч йил озодликдан маҳрум этиш қилиб белгиланган.

– Суднинг ҳукмининг қонунийлигига баҳо беринг.

– Қандай жиноят ишлари якка тартибда, қандай жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **62-масала**

Фуқаро И. суднинг 2011 йил 15 сентябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан тайинланган ўн йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ вақтида ЖК 105-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Суд томонидан мазкур жиноят учун бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиб, унга ЖКнинг 60-моддасига асосан бир неча ҳукмлар юзасидан ўн бир йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгилаган.

– Суд ҳукмига баҳо беринг.

– Бир неча жиноят содир этганлик (ЖК 59-м.) ҳамда бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш (ЖК 60-м.)нинг фарқларини тушунтириб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **63-масала**

Фуқаро Б. жабрланувчиларни алдаш йўли билан уларнинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиб ўзлаштирганлиги учун, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан айбланган.

Келтирилган моддий зарар суд тергови давомида судланувчи томонидан тўлиқ қопланган.

Суд Б. муқаддам фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун судланганлиги ва судланганлик муддати ўтмасдан туриб мазкур жиноятни содир этганлигини инобатга олиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан олти йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарган.

– Суднинг ҳукми адолатлими?

– Жиноят ҳуқуқида рағбатлантирувчи норма деганда нимани тушунаси?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **64-масала**

Фуқаро М. савдо-сотик билан шуғулланиш учун тегишли рухсатнома олмасдан, рўйхатдан ўтмасдан, дўкон очиб, савдо қилиб, фуқаро С.га жуда кўп миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини улгуржи сотиб, савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузганлиги учун дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддаси билан айбланган.

Иш судда кўрилиб, суд фуқаро М. савдо-сотик билан шуғулланиш учун тегишли рухсатнома олмаганлиги ва рўйхатдан ўтмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўла олмайди деб ҳисоблаб, фуқаро М. белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида савдони амалга оширган ҳаракатлари учун у Ўзбекистон Республикаси ЖК 188-моддаси субъекти бўлиши мумкин эканлигини, лекин унинг савдо-сотик билан шуғулланганидан тушган фойдаси кўп миқдорни ташкил қилсада, у шундай ҳаракатлар учун олдин маъмурий жавобгарликка тортилмаганлиги сабабли, суд ҳукми бўйича фуқаро М. ЖК 189-моддаси билан оқланган.

Суд томонидан қонуний қарор қабул қилинганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 65-масала

Ҳукмлар мажмуи бўйича олтмиш ёшдан ошган эркаклар ҳамда аёлларга нисбатан белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазо қанча муддатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас?

- 1) йигирма беш йилдан;
- 2) ўн беш йилдан;
- 3) ўн уч йил тўрт ойдан.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

#### Раҳбарий адабиётлар

1. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. Ш.М. Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.

4. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дустона ҳамкорлик эса тараққиётнинг қафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

#### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т .: Ўзбекистон, 2018. -40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (2012 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2012. – 200 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 524 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15-сонли қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бирлашган таҳририяти, 2007. – 28 б.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 452 б.

2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 260 б.

3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 1: Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2010. – 400 б.

4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 2: Жазо тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2011. – 304 б.

5. Қурбонов Н. Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар: унда содир этилган одам савдоси жиноятини квалификация қилиш масалалари // Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. – 2012.–№ 5. –43–49-б.

## **V-БЎЛИМ. ЖАВОБГАРЛИКДАН ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

### **Топширик:**

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 2-бандлари, 84-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлари, 84-моддаси бешинчи қисмининг 1-банди, 463-моддаси учинчи қисмининг 3-банди, 528-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 534-моддаси, 542-моддасининг бешинчи қисми, 536-моддаси, 536<sup>1</sup>-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 15-моддасининг биринчи қисми, 32-боби («Шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назорат»), 112-моддасининг учинчи қисми, 140, 166-моддалари, 164-моддаси, 165-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ-5439-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низом;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 15-сонли «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 8-банди;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 2-бандининг иккинчи хатбошиси, 31-36<sup>1</sup>-бандлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 4-сонли «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 3-бандининг иккинчи хатбошиси,
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 16-банди;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги 20-сонли «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 13<sup>1</sup>-банди;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 16-сонли «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги 23-сонли «Рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 4-банди;



– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 18 сентябрдаги 13-сонли «Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 16-сонли «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 6 ва 7-бандлари;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 07-сонли «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарори 15-бандининг иккинчи – бешинчи хатбошилари;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 2002 йил 25 октябрдаги 27-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги (2016 йил 27 декабрдаги ўзгартиш ва қўшимчалар билан) 2006 йил 22 декабрдаги 16-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 27 декабрдаги 29-сонли қарори.

#### **Муаммоли саволлар:**

1. Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг қандай турлари мавжуд?
2. Жавобгарликдан озод қилишнинг шартсиз ва шартли турлари деганда нима тушунилади?
3. Жиноятни содир этишдан ихтиёрий воз кечишни жавобгарликдан озод қилишнинг институтига киритиш мумкинми?
4. Қонун чиқарувчи жиноятлар учун ҳар хил жавобгарликка тортишнинг муддатларини белгилаганда нимадан келиб чиқади?
5. Қилмишни ижтимоий хавфини йўқотган деб тан олишнинг асослари қандай?
6. Шахсни ижтимоий хавфини йўқотган деб тан олишнинг асослари қандай?
7. Айбдор шахснинг чин кўнгилдан пушаймон бўлиши муносабати билан жавобгарликдан озод бўлишининг асослари ва шартлари қандай?
8. Етказилган зарарни қоплаш деганда нимани тушуниш лозим?
9. Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш нимада ифодаланади?
10. Шахснинг жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериши нимада намоён бўлади?
11. Шахснинг чин кўнгилдан пушаймон бўлишининг жиноятдан ихтиёрий воз кечишидан фарқи нимада?
12. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари ва шартлари қандай?

13. Шахсни касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилишнинг асослари ва шартлари қандай?
14. Амнистиянинг шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида жиноий-ҳуқуқий аҳамияти нимадан иборат?
15. Жазодан озод қилишдан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг фарқи нимада?
16. Жазони ижро этиш муддати ўтганлиги деганда нима тушунилади?
17. Қандай белгиларига қараб жазони ижро этиш муддати ўтганлиги аниқланади?
18. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги муносабати билан жазодан озод қилишнинг асослари қандай?
19. Шартли ҳукм қандай вазиятларда қўлланилмайди?
20. Муддатидан илгари озод этиш ўзида нимани ифодалайди? Уни қўллашнинг асослари қандай?
21. Касаллик бўйича ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида жазодан озод қилишнинг жиноий-ҳуқуқий аҳамияти нимада?
22. Афв этишнинг амнистиядан фарқи нимада?
23. Судланганликнинг умумҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий оқибатлари деганда нима тушунилади?
24. Қайси вақтдан бошлаб шахс судланган ҳисобланади?
25. Судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш шартлари қандай?
26. Судланганлик ҳолати олиб ташланишини шахсни реабилитация қилишдан нима билан фарқланади?

### **1-масала**

Фуқаро Э. укаси Д. билан уй-жой масаласида юзага келган жанжал оқибатида ошхонада турган пичоқ билан унинг юрак қисмига бир неча марта зарба бериб, уни ҳаётдан маҳрум қилиб, ЖК 97-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган. Жиноий жавобгарликдан қутилиш мақсадида Қирғизистон Республикасига келган. Фуқаро Э. тергов ёки суддан яширинмаган.

– Фуқаро Ж.нинг содир этган жиноятининг ЖК 64-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилиш муддатининг ўтишини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **2-масала**

Дастлабки тергов органи томонидан Ш. Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг иккинчи қисми “г” банди билан айбланиб, жиноят иши мазмунан кўриш учун судга юборилган. Суд томонидан Ш.нинг ҳаракатлари ЖК 277-моддасининг биринчи қисмига қайта квалификация қилинган. Судланувчи Ш. судда айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймон бўлиб, жабрланувчи М. билан ўзаро ярашиб, етказилган зарарни тўлиқ

қоплаганлигини маълум қилиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув асосида ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига биноан тугатишни сўраб ариза билан муурожаат қилган.

– Суд юқорида кўрсатилган асосларга кўра ишни ярашилганлик муносабати билан тугатиши мумкинми?

– Ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни баён этиб беринг.

### **3-масала**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Амнистия тўғрисидаги қарорига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир қилганларнинг судда кўрилмаган ишлари ҳаракатдан тугатилиши кўрсатилган бўлса-да, ушбу Қарор қабул қилингунига қадар шу тоифадаги жиноят ишлари судда кўрилиб бошланган ҳолатда юқоридаги амнистия Қарори талаби қандай қўлланилади?

Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинган шахс судланган ҳисобланадими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **4-масала**

Фуқаро У. фуқаро Ю. ни алдаб, унинг ишончига кириб, ун олиб беришини айтиб, 600 000 сўм пулини олиб кетиб, пулларни ўзлаштирганлиги учун дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг биринчи қисми билан айбланиб, жиноят иши судда кўриш учун юборилган. Суд мажлисида судланувчи У. айбига тўлиқ иқроор бўлиб, пушаймонлик билдириб, жабрланувчидан кечирим сўраб, жабрланувчи билан ярашганлигини маълум қилиб, судга уларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан ишни ҳаракатдан тугатишни сўраб ариза берган. Суд томонидан тарафларнинг ярашганлиги тасдиқланмасдан, иш бўйича ҳукм чиқарилиб, судланувчига жазо тайинланган.

– Суднинг ҳаракатлари тўғрими?

– Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш шартларини баён қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **5-масала**

Суднинг 2011 йил 21 май кунидаги ҳукми бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, жарима жазосига судланиб, жаримани тўлиқ тўламаган И. 2012 йил 14 февраль куни ўзининг уйида жанжал чиқариб, турмуш ўртоғини уриб,

унга соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳат етказганлиги учун, ЖК 109-моддасининг иккинчи қисми билан айбланган.

Иш суд мажлисида кўрилаётганда судланувчи айбига иқрор бўлиб, чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб, жабрланувчидан кечирим сўраб, жабрланувчи билан ярашганлигини маълум қилиб, судга уларнинг ўзаро ярашганликлари сабабли ишни ҳаракатдан тугатиш ҳақида ариза берган. Суд томонидан томонларнинг ярашганлиги тасдиқланмасдан, иш юзасидан ҳукм чиқарилиб, судланувчига жазо тайинланган.

– Суд ҳаракатлари қонунга мувофиқ олиб борилганми?

– Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни баён қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **6-масала**

Гумон қилинувчи О.га нисбатан юритилган ярашув иши бўйича жабрланувчи Х. маълум муддатга кўшни республикага хизмат сафарига кетганлиги аниқланди.

– Суд, ярашув ишини жабрланувчи Х.нинг иштирокисиз кўриб, ярашувни тасдиқлаб, ишни тугатиш ҳақида ажрим қабул қилиши мумкинми?

– Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **7-масала**

Гумон қилинувчи К. га нисбатан юритилган ярашув иши бўйича у муқаддам ҳам ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинганлиги аниқланди.

– Суд, ушбу ярашув ишини яна ярашувга асосан тугатиши мумкинми?

– Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **8-масала**

Фуқаро Ж. Амакиси Т. билан уй-жой масаласида юзага келган жанжал оқибетида ошхонада турган пичоқ билан унинг юрак қисмига бир неча маротаба зарар етказиб, уни ҳаётдан маҳрум қилиб, ЖК 97-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган. Жиноий жавобгарликдан қутилиш мақсадида Россия Федерациясига кетган. Фуқаро Ж. Тергов ёки суддан яширинмаган.

– фуқаро Ж.нинг содир этган жиноятининг ЖК 64-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилиш муддатининг ўтишини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **9-масала**

Фуқаро У. бойлик ортириш мақсадида 2002 йил 21-март куни қўшниси П.нинг хонадонига қуролланган ҳолда ниқоб остида бостириб кириб ЖК 164-моддаси 4-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этган. Олиб борилган суриштирув ишлар натижасида ушбу жиноят фош этилмаган.

Бу ҳолатдан фойдаланган фуқаро У. жиний шериклари билан ўзаро тил бириктириб 2010 йилнинг 26 июнь куни «Нафиса» МЧЖ хусусий фирма бош ҳисобчиси томонидан шу корхона ходимларининг ойлик маошини олиб келаётганда унга нисбатан очикдан-очик ҳужум қилиб ЖК 166-моддаси 2-қисми «в» банди ва 4-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлар.

–Фуқаро У.нинг содир этган жиноятларининг жавобгарликдан озод қилиш муддатини аниқланг ва асослаб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **10-масала**

Муқаддам ЖК 167-моддаси 1-қисми билан судланган О. ҳамкасби Л.га ЖК 140-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган. Содир этган жиноятдан қаттиқ пушаймон бўлиб айбини бўйнига олиш тўғрисида туман ИИБга арз қилган, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, ҳамкасби Л.га келтирилган маънавий зарарни қоплаган.

– фуқаро О.ни ҳаракатларида ЖК 66-моддасида назарда асослар мавжудлигини суд инобатга олиб, уни жиний жавобгарликдан озод қилиши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **11-масала**

«Мадад ООО МЧЖ» бош ҳисобчиси бўлиб ишлаган Ч. банкдан корхона ходимларига навбатдаги ойлик маошини тарқатиш мақсадида 150.000.000 сум пулни олиб, ушбу пулга жиний тажовуз бўлмаслиги мақсадида «LACETTI» автомобилни тезлигини ошириб бошқариб кетаётганида пиёдалар ўтиш йўлагидан ўтаётган фуқаро С.ни кўриб транспорт воситасини бошқаришни эплай олмай натижада уни туртиб юборади. Юзага келган ҳолат юзасидан укаси Р.ни чақиртириб унинг транспорт воситасида С.ни шифохонага биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун олиб боришини илтимос

қилади. Шифохонада шифокор С.нинг баданига оғир тан жароҳати етказилганлиги ҳақида хулоса беради.

Ч. содир этган ҳаракатидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб ИИБ га айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб, С.га шифохонада даволаниш учун зарур бўлган дори-дармонлар билан таъминлайди. Фуқаро Ч. С.дан содир этган ножўя ҳатти-ҳаракатидан қаттиқ пушаймон эканлигини айтиб, унга зарур бўлган ҳар қандай ёрдам зарур бўлса ёрдам беришини айтиб ўтади. Лекин С. Ч.ни ўзи шифохонага етказиб келмаганлигини рукач қилиб у билан ярашишни истамайди.

– Ч. С.га шифохона ҳаражатларини қоплаганлиги, ўз айбини бўйнига олиш тўғрисида ИИБга арз қилганлиги, амалда пушаймонлиги ҳолатлари юзасидан ЖК 66<sup>1</sup>-моддаси асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **12-масала**

Фуқаро Г. фуқаро М.га нисбатан ЖК 164-моддаси 4-қисми «а» банди, фуқаро У.га нисбатан 113-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган.

Жазо тайинлаш вақтида Г. У. билан ярашиб, амалда пушаймон бўлиб, етказилган зарани қоплаганлиги ҳамда айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилганлиги суд инobatга олиб, фақат 113-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинояти учун ЖК 66-1-моддаси асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **13-масала**

Фуқаро Ш. 2008 йил 14 август куни таносил кассалиги билан касал эканлиги била туриб фуқаро У. билан жинсий алоқага киришиб ЖК 113-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган. Ш.га нисбатан тергов ишлари амалга оширилиши давомида у ўз ақл-идрокини бошқара олмайдиган даражада рухий касаликка чалиниб қолади.

Суд психиатрия экспертиза хулосасига асосан у ақли норасо деб топилиб, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари кўлланилади. 2011 йилнинг 13 август куни фуқаро Ш. шифокорларнинг берган хулосасига асосан соғлом деб топилади.

– фуқаро Ш. жиноий жавобгарликдан озод қилиниш муддатини аниқланг.

### **14-масала**

«ФАЗО» хусусий корхона раҳбари Х. 2014 йил якуни бўйича ҳисобот тайёрлаш мақсадида бош ҳисобчиси бўлган П. ва котибаси А.дан ҳисоботни

тайёрлаб бўлишганидан сўнг уйга кетишлари мумкинлигини буйруқ сифатида айтиб ўтади.

Хисоботни тайёрлаш вақтида кечки соат 20:35ларда бош хисобчи П. сув ичиб келиш учун дўконга чиқиб кетади.

Бу ҳолатдан фойдаланган корхона раҳбари Х. котибаси А.нинг хонасига кириб эшигини қўлфлаган ҳолда унинг номусига тегади.

Корхона котибаси А. Содир бўлган ҳолат юзасидан туман ИИБга арз қилиб боради.

Корхона раҳбари Х. содир этган ҳаратидан қаттиқ пушаймон бўлиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида ИИБга арз қилади ва котибасидан уни кечиришини сўраб унга уйланишга ваъда беради.

Бу шартга корхона котибаси рози бўлиб раҳбари Х.ни кечиради.

– ушбу ҳолатда корхона раҳбари ЖК 66<sup>1</sup>-моддаси асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **15-масала**

Фуқаро Ш. ота-онасидан алоҳида чиқиб, турмуш ўртоғи ва фарзанди билан бошқа уйда яшай бошлади. Ш.га суд ота-онасини моддий таъминлаш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аммо Ш. 4 ой муддат давомида ота-онасидан хабар олмай, уларни моддий таъминламаган. Бунинг натижасида Ш.нинг отаси В. Судга даъво аризаси билан шикоят қилган. Мазкур ҳолат юзасидан Ш.га нисбатан ЖК 124 моддаси бўйича жиноят иши қўзғатилган. Ш.ни содир этган ҳатти-ҳаракати юзасидан суд иши кўрилишидан икки кун олдин унинг ота-онаси вафот этган.

– мазкур ҳолат юзасидан Ш. ЖК 65-моддаси асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **16-масала**

Фуқаро Ж. 2014 йилнинг 18 ноябрь куни фуқаро П.га нисбатан ЖК 111-моддасида назарда тутилган ва 24 ноябрь куни фуқаро З.га нисбатан ЖК 115-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган.

Ж.га нисбатан содир этган ҳар иккала жинояти юзасидан тергов ишлари олиб борилиши давомида П. ва З. билан ярашиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб, амалда пушаймон бўлиб, етказилган зарани тўлиқ қоплаган.

– мазкур ҳолатда фуқаро Ж. ЖК 66<sup>1</sup>-моддаси асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинми? Асос ва шартларини кўрсатинг.

### **17-масала**

Фуқаро Р. турмуш ўртоғи К. билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, уни уриб ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган. Фуқаро Р.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг биринчи қисми билан юритилган жиноят ишини судда кўриш жараёнида эр-хотиннинг ярашганликлари, биргаликда яшаётганликлари, шунингдек Р.нинг муқаддам судланмаганлиги аниқланди.

– ушбу ҳолат судланувчи Р.нинг ҳуқуқий ҳолатига қай тартибда енгиллик яратади?

– Ярашув институти қонунчилигимизга қачон жорий этилган?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **18-масала**

Фуқаро К. муқаддам унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун судланиб, жазони тўлиқ ўтаб бўлиб, судланганлик ҳолати тугалланмасдан фуқаро А.ни уриб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

– мазкур ҳолатда томонлар ярашса ва ярашув шартлари тўлиқ бажарилса, суд томонидан фуқаро К. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига кўра жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинми?

– Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни баён қилинг.

### **19-масала**

Фуқаро Ю. 2001 йилнинг 22 август куни ЖК 166-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган, 2005 йилнинг 20 август ЖК 168-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этган.

– Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш шартлари ва асоларини кўрсатинг.

–Мазкур ҳолатда фуқаро Ю.нинг жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **20-масала**

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилиб, жазони амалда 20 йил 4 ойини ўтаган Ц. ўзини авф этиш тўғрисида илтимоснома тақдим этди. Аниқланишича, у илгари икки мартаба ички тартиб-қоидаларни бузганлиги учун интизомий жазоланган.

– Маҳкум Ц. умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосидан авф этиш бўйича илтимоснома тақдим этиши мумкинми?



– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **21-масала**

Фуқаро Е. Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилаб, унга нисбатан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 73-моддаси асосида тайинланган жазодан озод этилди ва унга 3 йил синов муддати белгиланди.

Синов муддати давомида Е. Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «в» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилаб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

– фуқаро Е.га нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазонинг энг юқори миқдорини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **22-масала**

Фуқаро Д. Жиноят кодексининг 248-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди.

Суд айбдорнинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан уни жазодан озод қилди.

– Мазкур ҳолат бўйича суднинг қарори тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **23-масала**

Фуқаро И. Жиноят кодекси 246-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Тайинланган жазонинг 8 йилини ўтаганидан кейин Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди.

– фуқаро И. жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **24-масала**

Фуқаро А. аёл киши бўлишига қарамасдан жинойи гуруҳга кўшилиб қолди ва шу гуруҳ тақибда Жиноят кодекси 135-моддаси 3-қисм «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун Тошкент шаҳар Миробод тумани жиноят ишлари бўйича судининг ҳукмига асосан 6 йил

муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ЖКнинг 72-моддасига асосан ушбу жазони шартли ҳисоблаб, 3 йил синов муддати белгиланди.

– Суднинг фуқаро А.га нисбатан чиқарган ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **25-масала**

Муқаддам бир неча мартаба судланган В. таниши А.га биргаликда жиноят содир қилишни таклиф қилди. А. ушбу таклифга рози бўлди.

Бироқ орадан бир ой ўтгандан сўнг А.ни фикри ўзгариб, содир этган жиноятларидан пушаймон бўлиб, бошқа жиноят содир этмасликка қарор қилди ҳамда туман ИИБга бориб айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилди ва жинойи шериги В.ни фош қилишга ёрдам берди.

Бу вақтга келиб улар биргаликда иккита жиноят, яъни ЖКнинг 164-моддаси 3-қисм «б» банди ҳамда 169-моддаси 2-қисм «в» ва «г» бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этган эдилар.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани жиноят ишлари бўйича суди фуқаро А.ни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан Жиноят кодекси 71-моддасига асосан жазодан озод қилди.

– Суднинг фуқаро А.га нисбатан чиқарган ҳукми тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **26-масала**

Фуқаро Р. туман судининг 2014 йил 12 сентябрь кунидаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг иккинчи қисми билан айбли деб топилиб, шу модда билан энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида жарима жазосига тортилган.

Апелляция инстанцияси суди содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, унга нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллаб шартли ҳукм қилиб, бир йил синов муддати белгилаган.

– Апелляция инстанцияси суди қарори қонунийми?

– Шартли ҳукм қандай жазолар тайинланганда қўлланиши мумкин?

### **27-масала**

Фуқаро С. муқаддам талончилик жиноятини содир этганлиги учун суд ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг биринчи қисми билан икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Ушбу жазони тўлиқ ўтаб чиқиб, судланганлик ҳолати тугалланмасдан, у бозорда фуқаро Ж.нинг чўнтагидан 50 000 сўм пул ўғирлаб яна жиноят содир этган.

Суд томонидан С. ЖК 169-моддасининг иккинчи қисми “а” банди билан айбдор деб топилиб, унга уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб жазо шартли ҳисобланиб, бир йил синов муддати белгиланган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– Маҳкумга нисбатан шартли ҳукм қандай ҳолларда қўлланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **28-масала**

Фуқаро Б. Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган, ўта оғир жиноятни содир қилиб, жазони ўтаб чиқиб, судланганлик ҳолати тугалланмасдан туриб, ЖК 169-моддасининг учинчи қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Биринчи инстанция суди уни Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддасининг иккинчи қисми “а” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топиб, ЖК 169-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 14 ноябрдаги қарорига асосан жазодан озод этган.

– Суд томонидан Амнистия акти тўғри қўлланилганми?

– Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддасининг иккинчи қисми “а” бандига кўра “ўта хавфли рецидивист” деб топиш масаласи тўғри белгиланганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **29-масала**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Амнистия тўғрисидаги қарорига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир қилганларнинг судда кўрилмаган ишлари ҳаракатдан тугатилиши кўрсатилган бўлса-да, ушбу Қарор қабул қилингунига қадар шу тоифадаги жиноят ишлари судда кўрилиб бошланган ҳолатда юқоридаги амнистия Қарори талаби қандай қўлланилади?

– Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинган шахс судланган ҳисобланадими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **30-масала**

Фуқаро Ф. муқаддам жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда касдан одам ўлдириш жиноятини содир қилганлиги учун судланиб, жазо муддатини учдан икки қисмини ўтаганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган.

– фуқаро Ф.нинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганлиги тўғрими?

– Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озол қилиш кимларга нисбатан қўлланилмайди?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **31-масала**

Н. муқаддам безорилик жинояти содир этганлиги учун суд ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси иккинчи қисми “б” банди билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия ҳақидаги Қарорига мувофиқ жазони ўташдан озод қилинган. Бироқ Н. яна жиноят содир қилиш йўлига кириб, А.нинг тўйида, меҳмонларга ҳурматсизлик кўрсатиб, уларнинг кўз олдида А. билан жанжаллашиб, уни уриб, унга соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган энгил тан жароҳати етказган.

– фуқаро Н.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Судланганликнинг ҳуқуқий аҳамиятини тушунтиринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **32-масала**

Фуқаро А. муқаддам жиноий жавобгарликка тортилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига кўра икки йил синов муддати билан шартли ҳукм қилинган. Синов муддати тугаганидан сўнг туман суди томонидан унга нисбатан олиб борилган бошқа жиноят иши юзасидан ЖК 169-моддасининг учинчи қисми билан айбли деб топилиб, тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташлик белгиланган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– Судланганликнинг ҳуқуқий оқибатини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **33-масала**

Муқаддам тақиқланган экинларни экиб етиштирганлиги учун Ж. Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг биринчи қисми билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган. У

судланганлик ҳолати тугалланмасдан, озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинган. Дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг иккинчи қисми билан квалификация қилинган. Ж.нинг қилмиши нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли суд ўз ажрими билан жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтарган.

– фуқаро Ж.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Судланганликнинг ҳуқуқий аҳамиятини тушунтириб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **34-масала**

Фуқаро Ҳ. муқаддам ўғирлик жиноятини содир қилганлиги учун 2010 йил 20 апрель кундаги суд ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг учинчи қисми “в” банди билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ЖК 72-моддаси қўлланилиб, бир йил синов муддати белгиланган. Шундан сўнг, Ҳ. 2011 йил 18 декабрь куни яна жиноят содир этиш йўлига кириб, А.нинг чўнтагидан 50 000 сўм пулини ўғирлаган.

– фуқаро Ҳ.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Судланганлик ҳолатининг тугалланиш асосларини санаб ўтинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **35-масала**

Судланган Ж. озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан сўнг судланганлик муддати тугалланмасдан яна қасддан жиноят содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

– У жазони қайси турдаги колонияда ўташи лозим?

– Судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатларини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **36-масала**

Фуқаро О. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, амнистия актига асосан жазони амалда 4 йилини ўтаб бўлганидан сўнг озодликка чиқарилди.

Озодликка чиқиб, 14 ой ўтганидан сўнг Жиноят кодекси 104-моддаси 3-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди ва тайинланган жазони амалда 6 йилини ўтаб озодликка чиқарилди.

– фуқаро О.нинг судланганлик муддатлари қайси қоидага асосан ҳисобланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **37-масала**

Фуқаро Ф. Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми «д» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони 3 йил 6 ойини ўтаганидан сўнг ЖКнинг 73-моддасига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди.

– фуқаро Ф.нинг судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатини аниқланг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **38-масала**

Фуқаро П. Жиноят кодексининг 210-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Жазони амалда 2 йилини ўтаб бўлганидан сўнг озодликка чиқарилди.

– фуқаро П.нинг судланганлик муддатлари қайси қоидага асосан ҳисобланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **39-масала**

Фуқаро И. Жиноят кодексининг 166-моддаси 3-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, амнистия актига асосан жазони амалда 4 йилини ўтаб бўлганидан сўнг озодликка чиқарилди.

Озодликка чиқиб, 28 ой ўтганидан сўнг Жиноят кодекси 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди ва тайинланган жазони амалда 3 йилини ўтаб озодликка чиқарилди.

– фуқаро О.нинг судланганлик муддатлари қайси қоидага асосан ҳисобланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **40-масала**

Фуқаро А. Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони амалда 4 йилини ўтаб бўлганидан сўнг озодликка чиқарилди. Озодликка чиқиб, 15 ой ўтганидан сўнг фуқаро А. судга судланганлигини олиб ташлаш бўйича илтимоснома киритди. Суд унинг илтимосномасини инобатга олиб, А.нинг судланганлик муддатини олиб ташлади.

– Суд мазкур ҳолатда фуқаро А.нинг судланганлигини олиб ташлаши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **41-масала**

Фуқаро Д. ЖКнинг 248-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди. Суд айбдорнинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан уни жазодан озод қилди.

– мазкур ҳолат бўйича суднинг қарори тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **42-масала**

Фуқаро Ч. Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг қирк саккиз баравари миқдорида жарима жазосига ҳукм қилинди. Ч. жазони ижро этишдан бош тортганлиги учун суд жарима жазосини 3 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирди.

– фуқаро Ч.нинг судланганлик муддатлари қайси қоидага асосан ҳисобланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **43-масала**

Фуқаро Г. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «ж» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони 13 йил 2 ойини ўтаганидан сўнг жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалиниб қолди ва ЖКнинг 75-моддасига асосан жазодан озод қилинди.

– фуқаро Г.нинг судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатини аниқланг?

#### **44-масала**

Фуқаро С.га нисбатан суд томондан ҳукм чиқарилиб, унга олти ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Бироқ, суд амнистия актини

қўллаган ҳолда ҳукмда С.ни ушбу жазони ўташдан озод қилиш тўғрисида қарор қилди.

– фуқаро С. Судланган деб ҳисобланадими?

#### **45-масала**

Фуқаро Б. совуқ қурол (чуст пичоғи) олиб юриш жинояти учун судланган эди. Б. жазони утаб бўлгач судланган деб ҳисобланган эди. Жиноят қонуни ўзгариши натижасида совуқ қурол олиб юриш жиноят ҳисобланмай қолди.

– фуқаро Б.дан судланганлик олиб ташланадими? Агар ҳа бўлса, қандай асосларга кўра?

#### **46-масала**

Судланувчи Ю. Жиноят ишини амнистия актига мувофиқ тугатишга эътироз билдирди. Суд жиноят ишини юритиш мумий тартибда олиб бориб, етарли асослар мавжудлигини таъкидлаб, судланувчи Ю.га жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукмини чиқарди.

– суд ҳукми тўғрими?

– бундай ҳолда суд оқлов ҳукмини чиқаришга ҳақлими?

– қонунга кўра амнистия актини қўллаш учун айблов томонининг, шу жумладан, жабрланувчининг розилиги талаба этиладими?

### **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

#### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси] // Ишонч. – 2017. – 17 янв.

2. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилidir : [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда Прокуратура органлари ходимлари қуни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашди] // Халқ сўзи. – 2017. – 10 янв. – Б. 1.

3. Ш.М. Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.



4. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дустона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

#### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2018.-40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (2012 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2012. – 200 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 524 б.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 452 б.
2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 260 б.
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 1: Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2010. – 400 б.
4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 2: Жазо тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2011. – 304 б.
5. Қурбонов Н. Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар: унда содир этилган одам савдоси жиноятини квалификация қилиш масалалари // Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. – 2012.–№ 5. –43–49-б.

## **VI-БЎЛИМ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **Топширик:**

Куйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64,65,66-моддалари;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 536, 539, 541-моддалари, 542-моддасининг учинчи қисми, 545, 564-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 5-боби («Жарима тариқасидаги жазони ижро этиш»), 8<sup>1</sup>-боби («Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш»), IV бўлими («Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш»), 15-моддасининг учинчи қисми ва 34-боби («Вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш»), 112-моддасининг учинчи қисми ва 164-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги низом;
- Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг 5-боби («Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тартиби»);
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сонли «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги 346-сонли «Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомни ҳамда мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги (2017 йил 29 ноябрдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 12, 15, 16, 17, 26-30-бандлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 29 ноябрдаги 46-сонли қарори.

### **Муаммоли саволлар:**

1. Қандай мақсадда 1994 йили Жиноят кодексига вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятларини белгиловчи бўлим киритилди?

2. Вояга етмаганлар учун жазо тизими жазонинг қандай турларини назарда тутади?

3. Вояга етмаганларга озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазо тайинлашнинг шартлари қандай?

4. Вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг хусусиятлари нимадан иборат? Вояга етмаганларга нисбатан шартли ҳукм қўлланишига йўл қўйиладими?

5. Қандай ҳолларда вояга етмаганни жиноий жавобгарликдан озод қилиб материалларни вояга етмаганлар иши бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун топширилади?

6. Қандай ҳолатларда вояга етмаганларга тарбиявий таъсир этувчи мажбурлов чоралари қўлланиб жазодан озод этилишига йўл қўйилади?

7. Содир этган қилмиши аҳамиятини тўла ўлчамда англаш хусусиятидан маҳрум этувчи вояга етмаганни ёши бўйича ривожланишидан сезиларли орқада қолиши.

8. Вояга етмаганларга қўлланиладиган мажбурлов чораларининг қандай турлари мавжуд?

9. Жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда судланган шахс вояга етган тақдирда у қайси қоидалар (ЖК 73- ёки 89- моддаси) бўйича озод этилади?

10. 18 ёшгача бўлган ёшда содир этган жинояти учун судланган шахсга жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг қандай хусусиятлари мавжуд?

11. ЖК Умумий қисми XII ва XIII бобларида назарда тутилган умумий асосларда вояга етмаганни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш мумкинми?

### **1-масала**

Суд ҳукмига кўра вояга етмаган А. соат 11-00 ларда жамоат жойида юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан фуқаро Б. билан ўзаро келишмовчилик натижасида қўлиги пичоқ билан Б.нинг қорин қисмига енгил шикаст етказиб, жанжалнинг олдини олиш учун келган фуқаро Ш. билан ҳам ўзаро жанжаллашиб қолиб, унга ҳам енгил шикаст етказган.

Вояга етмаган А. суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг учинчи қисми “г” банди билан айбли деб топилиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган ҳамда унга нисбатан ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли деб ҳисобланиб бир йил синов муддати белгиланган.

– Суд ҳукми қонунийми?

– Вояга етмаган маҳкумларга нисбатан қандай жазолар тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **2-масала**

Суд 15 ёшли вояга етмаган К.га нисбатан ЖКнинг 97-моддаси 2-қисм “л” бандида назарда тутилган жинояти учун 10 йилу 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

– суд томонидан К.га тўғри жазо қўлланилганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **3-масала**

Вояга етмаган 17 ёшли А. отасининг номида бўлган транспорт воситасини бошқариб бораётиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилиб, фуқаро Ш.нинг ўлимига сабабчи бўлган.

– Суд, вояга етмаган А. га нисбатан қўшимча жазо чораси қўллаши мумкинми?

– Вояга етмаганларга нисбатан қандай жазо турлари тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **4-масала**

Суд ЖК 169-моддаси 2-қисми “г” бандидаги жинояти учун вояга етмаган Б.га нисбатан 3 ой 15 кун муддатга қамоқ жазосини тайинлади.

– суд томонидан Б.га тўғри жазо тайинланганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **5-масала**

Жиноят ишлари бўйича туман суди вояга етмаган О.га нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

– фуқаро О.га нисбатан тайинланган жазо тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **6-масала**

Жиноят ишлари бўйича туман суди 17 ёшли вояга етмаган Г.га жиноятлар мажмуи тариқасида 12 йилу 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

– суднинг ҳукми қонуний асосга эгами?

## **7-масала**

Суд оғир турдаги жиноятни содир этган вояга етмаган Л.га нисбатан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

– суд жазо қўллаш қондасига риоя қилганми?

### **8-масала**

17 ёшли М. ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан судланиб, иш жойида маошидан 20 фоизини давлат ҳисобига ўтказган ҳолда икки йилга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган.

– суд жазо қўллаш қондасига риоя қилганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **9-масала**

Вояга етмаган 17 ёшли А. суд томонидан бировнинг уй-жойига ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг анча миқдордаги мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиб ўғрилик жиноятини содир қилганлиги учун суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг иккинчи қисми “б, г” бандлари билан айбли топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 85-моддаси билан икки йилга озодликдан маҳрум қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қилинган.

– Суд А.га қонуний жазо тайинлаганми?

– Вояга етмаганларга нисбатан қандай жазо турлари тайинланиши мумкин?

### **10-масала**

Вояга етмаган 17 ёшли А. отасининг номида бўлган транспорт воситасини бошқариб бораётиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилиб, фуқаро Ш.нинг ўлимига сабабчи бўлган.

– Суд, вояга етмаган А. га нисбатан қўшимча жазо чораси қўллаши мумкинми?

– Вояга етмаганларга нисбатан қандай жазо турлари тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **11-масала**

Суд ЖКнинг 117-моддаси 1-қисми назарда тутилган жиноятни содир этган вояга етмаган Т.га нисбатан 2 ой қамоқ жазосини тайинладию.

– суднинг ҳукми қонунийми?

### **12-масала**

Вояга етмаган Д. Чимбой бозорида жабрланувчи Н.нинг сумкасидан ҳамёнини олмоқчи бўлганида, унинг ҳаракатларини Н. сезиб қолган. Натижада Д.фуқаролар томонидан ушланиб, ички ишлар идоралари ходимларига топширилган.

– Вояга етмаган Д.нинг қилмишини квалификация қилинг.

- Унга жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатларини баён қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **13-масала**

Суд ЖКнинг 267-моддаси 1-қисми назарда тутилган жиноятни содир этган вояга етмаган С.га 3 йилу 5 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

- суднинг ҳукми тўғри қўлланилганми?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **14-масала**

Суд 16 ёшли Ф.га энг кам ойилик иш ҳақининг 11 бараварида фуқаро Л.га зарар етказганлиги учун ЖКнинг 88-моддаси 2-қисм “б” бандини қўллаб ўз маблағи ҳисобидан тўлаш мажбуриятини юклади.

- суднинг қарори тўғрими?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **15-масала**

17 ёшли У. ЖКнинг 118-моддаси 2-қисми кўрсатилган номусга тегиш жиноятини содир этган.

Бу жиноят учун етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланади. Суд айбдорни саккиз йилга озодликдан маҳрум этиш ҳукм чиқарди.

- суд жазо тайинлашда қоидага риоя қилганми?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **16-масала**

Суд ЖКнинг 166-моддаси 1- қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган вояга етмаган Н.га ЖКнинг 87-моддаси 2-қисми қоидаларига маҳрум қилди.

- суднинг ҳукми қонунийми?

### **17-масала**

Вояга етмаган 17 ёшли Ш. оғир жиноят содир қилганлиги учун суд ҳукми билан саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони ўташ учун тарбия колониясига юборилган.

- Вояга етмаган Ш. га нисбатан жазо тўғри тайинланганми?
- Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятларини ёритиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **18-масала**

Вояга етмаган Я. таниши С. билан ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш ҳақида олдиндан тил бириктириб, Нукус шаҳридаги дам олиш боғидан ўтиб бораётган вояга етмаган А. ва Т.ларни тўхтатиб, уларни уриш билан кўрkitиб, қулоқларидаги тилла зиракларини ечиб олган.

Бу ҳаракатлари учун вояга етмаган Я. суд ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг иккинчи қисми “а, в” бандлари билан айбдор деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 85-моддасига асосан икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

– Суд томонидан вояга етмаганга нисбатан жазо тайинлашда қонун талабларига риоя қилинганми?

– Маҳрумга нисбатан қандай колония тури белгиланади?

### **19-масала**

Суд ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаган А. жазо муддатининг 9 ойини ўтади.

Жазони ўташ вақтида белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган ҳамда меҳнатга ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлиб келган.

Суд А.га нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилмади.

– суднинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **20-масала**

Суд ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган вояга етмаган К.ни 6 йилга озодликдан маҳрум этган. К. тайинланган жазонинг 17 ойини ўтагандан сўнг, суд унга ЖК 90-моддаси 2-қисмига кўра, жазони ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирди.

– суднинг қарори тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **21-масала**

Суд ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноят учун 9 йилга озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаган Е.га умумий жазонинг 3 йилини ўтаганлиги учун ЖК 89-моддаси 2-қисмига асосланиб, ўталмай қолган қисмини жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилди.

- суднинг ҳал қилув қарори қонуний асосга эгами?

### **22-масала**

Суд вояга етмаган М.га ЖК 166-модда 1 қисм, 164-модда 1 қисм, 97-модда 2-қисм “а” бандида назарда тутилган жиноятлари учун 15 йил 7 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

– суд жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинлаш қоидаларига амал қилганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **23-масала**

Суд вояга етмаган 16 ёшли Л.га содир этган жинояти натижасида етказилган энг кам ойлик иш ҳақининг 12 баравари миқдоридаги зарарни ўз маблағи ҳисобидан бартараф этиш мажбурлов чорасини қўлади.

– суд Л.га нисбатан мажбурлов чорасини тўғри қўлаганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **24-масала**

Суд вояга етмаган 17 ёшли П.га содир этган жинояти натижасида етказилган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдоридаги зарарни ўз маблағи ҳисобидан бартараф этиш мажбурлов чорасини қўлади.

– суднинг қарори тўғри қўлланилганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **25-масала**

Суд ЖКнинг 164-моддаси 2-қисм “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган вояга етмаган Т.ни махсус ўқув-тарбия муассасига жойлаштириш тўғрисидаги мажбурлов чорасини қўлади.

– суднинг қарори тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **26-масала**

16 ёшли М. В.ни қайирма пичоқ билан кўрқитиб, унинг кроссовкасини ечиб олмоқчи бўлди, аммо В. ундан қочиб кета олди.

Шу куни вояга етмаган М. Д.ни ҳам қайирма пичоқ билан кўрқитиб, унинг курткасини ечиб олди.

– Вояга етмаган М.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– М.га нисбатан қандай жазо турлари қўлланиши мумкин?



### **27-масала**

Вояга етмаган, 16 ёшли Ш. ўртоқлари билан темир йўлда ҳаракатланиб келаётган поездлар ойнасига қарата тош отиб, уларни синдиришни одат қилиб олган эди.

Шундай кунларнинг бирида вояга етмаган Ш. ҳаракатланиб келаётган поезд ойнасига тош отганида, тош поезднинг устидан ўтиб, темир йўлнинг нариги томонида кетаётган фуқаро Ж.нинг бошига теккан.

Фуқаро Ж. ушбу тан жароҳати натижасида шифохонада вафот этади.

– Вояга етмаган Ш.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **28-масала**

17 ёшли К. ва 13 ёшли А.лар уйига қайтаётиб, ёши тахминан 15 ёшларда бўлган номаълум қизни учратиб қолишди.

Улар шу заҳоти тил бириктириб, қизнинг орқасидан пойлаб, ҳеч ким йўқ жойга келганида К. қизни ўлдириш билан қўрқитиб, жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондирди.

А. қизнинг қочиб кетмаслиги ва овозини чиқармаслиги учун унинг кўлини ушлаб, оғзини бекитиб турган.

– мазкур ҳолатда жиноятда иштирокчилик мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **29-масала**

15 ёшли фуқаро С. Г.га «опагинам, тез кунларда пластингиздаги пулни нақд пулга алмаштириб бераман», – деб, унинг 4 миллион 954 минг сўм маблағи бўлган пластинини олиб, ғойиб бўлган.

– ЖКнинг жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **30-масала**

Судья Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан судланаётган вояга етмаган Ш.нинг жиноят ишини кўриш жараёнида судланувчининг ҳимоячидан воз кечганлигини инобатга олиб, суд мажлисини ҳимоячи иштирокисиз олиб борган.

– Судья томонидан судланувчининг ҳимоячидан воз кечганлик ҳолати тўғри ҳал этилганми?

– Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **31-масала**

Х. 13 ёшли Г. билан бирга дорихонага киришиб, у ердан таркибида психотроп вомддаси бўлган таблеткаларни эгаллашди. Бундан ташқари Х. тиш пастаси билан пакетларни қадоқлаб, Г. уларни героин ариқасида ўтказар эдилар.

– Иштирокчиликнинг шалл ва турлари аниқланган ҳамда уларнинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

– ЖКнинг жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **32-масала**

3-курс коллеж ўқувчилари А. ва Р. лар бирга ўқийдиган В.ни табирини бериб кўйиш мақсадида, унинг суза олмаслигини била туриб, анҳорга сувнинг чуқур жойига итариб юборишади. Яхши сузишни билмаган В. улардан ёрдам сўраб, бақира бошлайди. Улар унга парво қилмай, бироз қийналсин, кейин ёрдам берамиз деб, В. га ёрдам бермайди. Натижада В. кўп сув ютиши натижасида сувга чўкиб, вафот этди. А. ва Р. лар бўлган воқеани яқиндаги ИИБ га бориб айтишди.

– А. ва Р. ларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

– бу вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **33-масала**

Суд ЖКнинг 173-моддаси 3-қисм “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган вояга етмаган И.ни 3 йил 8 ойга озодликдан маҳрум этган. И. тайинланган жазонинг 8 ой 8 кунини ўтагач, суд унга ЖК 90-моддаси 2-қисмига асосан, жазони ахлоқ тузатиш алмаштирди.

– суд И.га нисбатан тўғри қарор қўллаганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 34-масала

Вояга етмаганларга жазо тайинлаш пайтида ЖК 54-моддасида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, суд томонидан аниқланадиган ва баҳоланадиган ҳолатларга нималар киради?

- 1) вояга етмаганнинг ривожланиш даражаси;
  - 2) вояга етмаганнинг турмуш шароити ва тарбияси;
  - 3) вояга етмаганнинг тарбияси, соғлиғи (жумладан, рухий ривожланиш даражаси);
  - 4) жиноятни содир этиш мотивлари;
  - 5) катта ёшдаги шахсларнинг вояга етмаганнинг хулқ-атвориға салбий таъсири ҳақидаги маълумотлар;
  - 6) вояга етмаганнинг шахсига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар;
  - 7) юқоридагиларнинг барчаси аниқланиши ва баҳоланиши лозим.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 35-масала

Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ўғирлик жиноятини содир этган К. иши судда кўрилаётган вақтда вояга етган.

– айтингчи, К.га нисбатан тайинланаётган жазо муддати ёки миқдори ЖК қайси моддаларига мувофиқ белгиланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 36-масала

Вояга етмай туриб толончилик жиноятини содир этган Д.га жиноятлар мажмуи ёки бир неча ҳукм юзасидан узил-кесил жарима жазоларини тайинлашда унинг миқдори қанчани ташкил этади?

1) энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ўн бараваригача миқдорда;

2) энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда;

3) вояга етмаганларга жарима жазоси қулланилмайди.

– қонунга мувофиқ жазо тариқасида тайинланган жаримани ўн саккиз ёшга тўлмаган маҳкум неча ой мобайнида ихтиёрий равишда тўлаши лозим?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 37-масала

Вояга етмай туриб 15 ёшда оғир жиноятни содир этган Н.га озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда унинг муддати қанчани ташкил этади?

1) олти йил;

2) ўн йил;

3) ўн беш йил.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **38-масала**

Вояга етмай туриб 17 ёшда ўта оғир жиноятни содир этган Ж.га озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда унинг муддати қанчани ташкил этади?

- 1) ўн йил;
- 2) ўн беш йил;
- 3) йигирма йил.

– ҳукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қайси колонияларда ўташ тайинланади?

### **39-масала**

Суд вояга етмаганларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш масаласини ҳал этаётганда нималарга эътибор қаратиши лозим.

- 1) содир этилган жиноятнинг хусусияти;
- 2) содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси;
- 3) шахсларга оид маълумотлар;
- 4) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар;
- 5) жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар;
- 6) барчаси инобатга олиниши керак.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми раҳбарий кўрсатмаларида таъкидлаганидек, қайси ҳолатларда суд вояга етмаган айбдорга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаши мумкин.

### **40-масала**

Биринчи марта жиноятни содир этган, вояга етмаган Л.нинг ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолганлиги ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаганлигини аниқлади. Бироқ, прокурор Л. томондан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлигини таъкидлаб, протест келтирди. Суд, протестни инобатга олиб вояга етмаган Л.га бир йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

– суд ҳукми тўғрими?

– жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш шартларини кўрсатиб ўтинг.

### **41-масала**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятини биринчи марта содир этган вояга етмаган Д.га суд уни жазо қўллагандан туриб ҳам тузатиш мумкин деган ҳулосага келиб, ишни кўриш учун тайинлаш босқичида ишни тугатиш

ва уни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга юбориш хақида ажрим чиқарди.

– суд қарори асослими?

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажагимиз, табдиркор халқ-фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.

3. Ш.М. Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.

4. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (2012 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2012. – 200 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 524 б.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 2008 йил 7 январь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1–2. – 1-м.; 2009. – №52. – 554-м.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2010. – №39. – 341-м.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. – T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 452 b.

2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 260 b.

3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 1: Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2010. – 400 б.

4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 2: Жазо тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2011. – 304 б.

5. Тўйчиева Б. Судланганлик ҳолати: уни олиб ташлаш тартиби ҳақида // Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. – 2012. – № 5.–31–32-б.

## **VII-БЎЛИМ. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ**

### **Топширик:**

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддаси,
- Ўзбекистон Республикасининг «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуни 44-моддасининг тўртинчи қисми;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 181, 182, 194-моддалари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 майдаги 195-сонли қарори билан тасдиқланган «Сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари тўғрисида»ги низом;
- «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва захарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги»ги низом (рўйхат рақами: 2591, 03.06.2014 й.);
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги 23-сонли «Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги 23-сонли «Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 3, 4, 5-бандлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 07-сонли «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарори 11-бандининг тўртинчи хатбошиси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 16-сонли «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори 27-бандининг биринчи хатбошиси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан

қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 32-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 15-банди.

#### **Муаммоли саволлар:**

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўзида нимани ифодалайди?
2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазодан нима билан фарқ қилади?
3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг мақсадлари қандай?
4. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралар қайси тоифа шахсларга қўлланилади?
5. Руҳий касал деб кимларга айтилади?
6. Мажбурий даволаш лаёқатлилиги мустасно қилинмаган руҳий касалликка чалинган шахсларга қўлланилиши мумкинми?
7. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлашнинг умумий асослари қандай?
8. Мажбурлов чораларининг қандай турлари мавжуд?
9. Мажбурий даволаш муддатлари ким томонидан ва қандай аниқланади?
10. Кимга умумий типдаги руҳий шифохонанинг махсуслаштирилган реабилитация қилиш бўлимида сақлаш билан мажбурий даволаш тайинланади?
11. Касални умумий тартибли руҳий шифохонадан кузатув кучайтирилган руҳий шифохонага ўтказишга йўл қўйиладими?
12. Қандай шароитларда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тўхтатиш содир этилади?
13. Қандай вазиятларда ушбу чоралар узайтирилади?
14. Мажбурий даволашни узайтириш тартиблари қандай?
15. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўзгартириш учун нима асос бўлади?
16. Алкоголизм, гиёҳвандлик ва захарвандликка йўлиққан, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларига судланган шахсларни мажбурий даволаш қаерда ўтказилиши лозим?
17. Алкоголизм, гиёҳвандлик ва захарвандликка йўлиққан шахслар руҳий аҳволини тиббий экспертлар томонидан белгилашда қайси масалаларни аниқлаш лозим?

#### **1-масала**

Фуқаро Р. ўзганинг мулкини ўғирлаганликда айбланиб, ушланган. Дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётганида унинг руҳий касаллиги ва ақли норасолиги аниқланган.



Фуқаро Р.нинг ақли норасолиги унинг жинойий жавобгарлигига кўрсатадиган таъсирини таърифланг.

– Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турларини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **2-масала**

Жиззахнинг «Желлиғулли» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро марихуана истеъмол қилгани учун судланди. Бу ҳақда Жиззах шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати хабар бермоқда.

Шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Г.Ҳ.нинг маълум қилишича, «суд унинг гиёҳванд моддаларга тобе бўлиб қолганини ҳисобга олиб, мажбурий даволашни тайин этиб, бир йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарган».

Айни вақтда, гиёҳванд шахс суд мажлиси давомида марихуанани Дўстлик туманидаги «Мевазор» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи шахсдан сотиб олганини маълум қилган.

Қамалган гиёҳванднинг тўрт нафар, марихуана сотган шахснинг эса уч нафар фарзанди бор.

– ЖКнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлашга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **3-масала**

Жорий йилнинг 13 ноябрь куни “Қадамжой – автомобиль йўли” ўтиш пунктида божхона хизмати ходимлари томонидан контрабанда юк – Тянь-Шань қорақарағайларини олиб кетаётган алкоголизм касаллигига йўлиққан Ўзбекистон фуқароси А. ушланди.

Ўзбекистон фуқароси А. бошқарувидаги “КамАЗ” автомашинасига 176 дона Тянь-Шань қорақарағайлари юкланган бўлиб, қоидабузар бу юкни Ўзбекистонга олиб ўтмоқчи бўлган.

Контрабанда юкнинг қиймати 2,5 миллион сўмга баҳоланди.

– ЖКнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлашга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **4-масала**

Кечки пайт Тошкент вилояти Янгийўл туманидан бўлган шахс шаҳарга бориш учун Matiz русумли автомашинага йўловчи сифатида ўтирди.

Машина Халқобод қишлоғига келганида кутилмаган ҳолат юз берган – автомобиль ҳайдовчиси гиёвандлик касаллигига йўлиққан А. янгийўллик шахсга пичоқ ўқталиб, унинг уяли телефони ҳамда 345 минг сўм пулини тортиб олган, йўловчини машинадан тушириб, воқеа жойидан яширинган.

– ЖКнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлашга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **5-масала**

Гиёвандлик касалига чалинган фуқаро Ш. муқаддам гиёвандлик жиноятини содир этиб судланган фуқаро Б.дан гиёвандлик моддасини сотиб олаётганда қўлга олинди. Суд жазо тайинлашда унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлламасдан жазо тайинлади.

– суднинг ҳукми асослими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **6-масала**

Алкоголизм касаллигига чалиққан фуқаро А. 2014 йилнинг 13 декабрь куни Питнак шаҳрида жойлашган “Тухумбарак” ошхонаси олдида спиртли ичимликдан маст ҳолатда юрганида, ёнидан олдиндан зиддияти бўлган фуқаро З. ўтиб кетаётганини кўриб қолиб, унга “Нега менинг олдимдан рухсатсиз ўтасан?” деб, уни уриб, соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган энгил тан жароҳати етказган.

– фуқаро А.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **7-масала**

Алкоголизм касаллигига чалиққан фуқаро С. спиртли ичимлик истеъмол қилиб маст ҳолда шаҳар марказида турганида, нотаниш ҳайдовчи йўл четида тўхтаб, автомобил калитини жойида қолдириб, дўконга кириб кетганлигини кўриб қолган. Шундан сўнг у автомашинани ҳайдаб кетди ва уни ёнилғиси тугагунига қадар бошқариб юриб, машинани тўхтаган жойда ташлаб кетди.

– фуқаро С.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Агар С.нинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлса, ушбу жиноятни тугалланиш вақтини айтинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **8-масала**

Заҳарвандлик касаллигига йўлиққан Носир Муборак туманида истиқомат қилувчи фуқаро Д. хонадонидан 5 миллион сўм пул, 600 АҚШ доллари ва икки турдаги заргарлик буюмларини зўрлик ишлатиб тортиб олиб кетган.

– ЖКнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлашга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **9-масала**

“Тошкент-Москва” йўловчи поезде билан юртимиздан чиқиб кетаётган қаршилик гиёвандлик касаллигига йўлиққан Д. амалдаги тартибларга мувофиқ, холислар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказилганда, кийимлари остидан 12 минг АҚШ доллари ҳамда 20 минг Россия рублини белига боғлаб олгани аниқланди.

– ЖКнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлашга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **10-масала**

25 август куни Самақанд вилояти Пастдарғом тумани ички ишлар бўлимининг ёнғин қисмига Тошкент кўчасидаги уйда ёнғин бўлаётгани ҳақида телефон орқали хабар берилган. Ёнғин зудлик билан етиб келган ўт ўчирувчилар томонидан бартараф этилгач, уй хоналаридан бирида устига бир нечта кўрпача ёпиб қўйилган эркак киши жасади топилган.

Аниқланишича, ҳалок бўлган шахс уйнинг эгаси – 1945 йилда туғилган О.Н. бўлиб, у Самарқанддаги олий таълим муассасаларидан бирида дарс берган. Оиласи билан Самарқанд шаҳрида яшаган О.Н. дам олиш кунларини ота-онасидан мерос бўлиб қолган Пастдарғом туманидаги уйда ўтказган.

Мархумнинг алоқаларини ўрганиб чиқиш натижасида воқеа содир бўлган куни ўқитувчининг уйига рафиқасининг 1994 йилда туғилган гиёвандлик касаллигига йўлиққан Д. исмли жияни ташриф буюргани маълум бўлди. Шу боис айнан Д. мазкур жиноий ишда асосий гумондор шахсга айланиб, қўлга олинди.

Гумондор сўзларига кўра, у кечки овқатни поччаси билан истеъмол қилишга келишиб, униқига ташриф буюрган. Иккови ҳам анчагина спиртли ичимлик ичган ва икки ўртада жанжал юзага келган. Оғзаки тортишувдан сўнг, жиянининг бир неча бор берган зарбаси натижасида ўқитувчи йиқилиб,

нафас олишдан тўхтаган. Д. одам ўлдириб қўйганини тушуниб, унинг устига кўрпачалар ёпган ва керосин қуйиб, уйни ёқиб юборган.

Шундан сўнг, жиноятчи уйдан югуриб чиқиб, девордан ошиб ўтган.

– ЖКнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлашга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **11-масала**

2013 йилнинг март ойида гиёҳвандлик касаллигига йўлиққан фуқаро С. ва О.лар таниши муқаддам судланган фуқаро Т.дан “героин” топиб беришини илтимос қилган. Т. “героин”ни уларга етказиб бериш вақтида қўлга олинган.

Суд Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилган С.га 8 йил, О.га 8 йилу 5 ой, Т.га 10 йилу 7 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

– суд томонидан айбдорларга нисбатан чиқарилган жазо асосли тайинланганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **12-масала**

Заҳарвандлик касаллигига йўлиққан Е. фуқаро Д. хонадонидан 5 млн. сўм пул, 600 АҚШ доллари ва икки турдаги заргарлик буюмларини зўрлик ишлатиб олиб кетган.

–ЖКнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлашга доир нормалар таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **13-масала**

Тошкентда хонадон «сотувчи» фирибгарлар гуруҳи қўлга олинди. Вилоятдан Тошкентга келган эр-хотин Д.лар пойтахтда ўғли учун хонадон сотиб олишни истади.

Улар танишларидан бири орқали муаммони ҳал қилишда кўмак берувчи аёл билан танишади ва икки ўртада давлат фойдасига мусодара қилинган хонадонни бозор нархидан арзонроққа харид қилиш мумкинлиги борасида суҳбат бўлиб ўтади.

Ўзини «мансабдор шахснинг қизи» деб таништирган гиёвандлик касаллигига йўлиққан Д.га Д. оиласи хонадонни расмийлаштириш учун

аввалига 2000 доллар, хонадоннинг ўғиллари номига ўтгани ҳақидаги ҳокимнинг буйруғини қўлга олгач эса, 15 минг доллар беради.

Яхши нархга пойтахтдан хонадон харид қилганига ишонган Д.лар уй калитини олиш учун шаҳар ҳокимиятига боради. У ерда эса уй расмийлаштирилгани тўғрисидаги ҳужжатнинг сохта экани маълум бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат қилиб, бўлган воқеани айтиб берган Д.лар оиласи улар мазкур гуруҳ фирибгарларига алданган учинчи оила эканидан хабар топди.

Фирибгарлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳибсга олинди. Аниқланишича, улар «мижозларга ишлов бериш»ни бирга ташкиллаштирган. Фирибгарлар бир соатга қора Mercedes 600 автомобилни ижарага олган.

Кўриқчи, мансабдор шахснинг қизи, мижоз топувчи даллол, сохта ҳужжат тайёрловчи шахс сингари роллар гуруҳ аъзолари ўртасида бўлишиб олинган.

– ЖКнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлашга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **14-масала**

Гиёҳвандлик касаллигига йўлиққан Б. йўл четида турган автомобиль ойнасини синдирган ва салондаги бешта пластик карточка, машина эгасининг фуқаролик паспорти, иккита уяли алоқа воситаси, парфюмерия маҳсулоти ва 250 АҚШ доллари миқдоридаги пулни ўғирлаган.

– ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **15-масала**

2013 йилнинг март ойида ўз жиноий мақсадлари йўлида юрган гиёҳвандлик касаллигига йўлиққан Сурхон А. ва О.А. бухоролик Б.С. билан танишиб, ундан героин топиб беришини илтимос қилган. Муқаддам бир неча марта судланганига қарамай, Б.С. Самарқанд вилояти Ургут тумани Жарқишлоқ ва Мўминобод қишлоқлари кесишмасида айтилган буюртмани етказиб берган. Опа-укалар гиёҳванд моддани 3 миллион 600 минг сўмга сотиб олган. Савдогарлар наркотик моддани Бухоро шаҳрида Э. Н.га 4 миллион 800 минг сўмга сотган.

Шундай қилиб, улар Самарқанд билан Бухоро ўртасида воситачиликни йўлга қўйган. И.С. ҳам бу тармоқда фаол иштирок этган.

Орадан кўп вақт ўтмай жиноятчиларнинг кирдикорлари фош этилган. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари

билан айбдор деб топилган. И.С. 11 йил, С.А. 10 йил, О.А. етти йил, Э. Н. саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

– ЖКнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлашга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **16-масала**

Гиёвандлик касаллигига йўлиққан А. йўл четида турган автомобиль ойнасини синдирган ва салондаги бешта пластик карточка, машина эгасининг фуқаролик паспорти, иккита уяли алоқа воситаси, парфюмерия маҳсулоти ва 250 АҚШ доллари миқдоридаги пулни ўғирлаган.

– ЖКнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлашга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **17-масала**

«Ғишткўприк» божхона комплексида пиёда келаётган фуқаро гиёвандлик касаллигига йўлиққан Х.Х.нинг безовталаниши зийрак божхоначиларда шубҳа уйғотди. Ушбу шахс холислар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказилганда, оёғига кийиб олган маҳсиси ичида целлофан халтача яширилгани аниқланди. Фуқаро Х.Х. қиймати салкам 7,4 миллион сўмлик 73,47 грамм оғирликдаги тилла тақинчоқларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда халтача орқали олиб ўтишга урингани фош бўлди.

Худди шу божхона комплекси орқали кўшни давлатдан кириб келаётган пиёдалардан бири Д. М. ҳам шахсий кўрикдан ўтказилганда, у қўл сумкаси ва кийимлари орасига 22 дона заргарлик буюмларини яширгани маълум бўлди. Қиймати салкам 14 миллион сўмлик тилла тақинчоқларнинг оғирлиги 125,74 граммни ташкил қилди.

Шунингдек, мазкур постда ўрнатилган тартибда шахсий кўрикдан ўтказилган фарғоналик У.А.нинг қиймати салкам 5 миллион сўмлик 43,64 грамм оғирликдаги тилла буюмларни божхона баённомасида қайд этишни «унутиб» қўйгани аниқланди.

«Ғишткўприк» божхона чегарасини кесиб ўтиш вақтида нукуслик А. А. 197,54 грамм оғирликдаги заргарлик буюмлари ҳақида Т-6 божхона баённомасида ҳам, ходимларнинг оғзаки сўрови пайтида ҳам маълум қилмади. У қиймати салкам 20 миллион сўмлик 64 турдаги тақинчоқларни эғнидаги кийимлари орасига беркитгани маълум бўлди.

– ЖКнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлашга доир нормаларининг тахлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **18-масала**

“Тошкент-Москва” йўловчи поездида кетаётган гиёҳвандлик касаллигига йўлиққан Б. холислар иштирокида шахсий кўриқдан ўтказилганда, кийимлари остидан 12 минг АҚШ доллари ҳамда 20 минг Россия рублини белига боғлаб олгани аниқлади.

– ЖКнинг тегишли нормалари асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **19-масала**

1994 йилда туғилган гиёҳвандлик касаллигига йўлиққан Ж. исмли фуқаро тоғаси фуқаро Н.нинг уйида ўзаро жанжал натижасида уни ўлдириб кўяди ва жиноятни яшириш мақсадида Н.ни устига кўрпа ёпиб уйни ёқиб юборади.

– жазо тайинлашга доир нормалар тахлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.

3. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дустона ҳамкорлик эса тараққиётнинг қафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 ноябрдаги «Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида тўғрисида»ги 23-сонли қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бирлашган таҳририяти, 2009. – 47 б.

### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 452 b.
2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – 260 b.
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 1: Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИLM ZIYO, 2010. – 400 б.
4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 2: Жазо тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИLM ZIYO, 2011. – 304 б.



## МАХСУС ҚИСМ

### I-БЎЛИМ. ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### **Топширик:**

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18, 27-моддасининг биринчи қисми, 31, 32,3 5, 37-моддасининг биринчи қисми, 63-моддасининг иккинчи қисми, 117-моддалри;
- Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунининг 43-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 65-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 49-моддаси.;
- Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги ЎРҚ-42-сон «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг 61, 62-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 397-II-сон «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг (янги таҳрири) 5, 39-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-II-сон «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунининг (янги таҳрири) 45-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни 30-моддасининг иккинчи қисми;
- Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги 269-II-сон «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг тўртинчи – олтинчи хатбошилари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июндаги 171-сон қарорига илова сифатида тасдиқланган «Болалар уйлари тўғрисида Низом» 25-бандининг тўртинчи хатбошиси;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарорига 1-илова сифатида тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом»нинг 23-банди;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги 269-сон қарорига 3-илова сифатида тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида Низом»нинг 19, 20-бандлари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги низом биринчи бўлимнинг («Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш») 18-банди;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 20-сонли «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли «Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги қарорининг 6, 8 ва 9-бандлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 12-сонли «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;
- Ўзбекистон Республикасининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 9-бандининг иккинчи хатбошиси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 13-бандининг иккинчи хатбошиси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 5.2-банди 5.2.2-кичик бандининг бешинчи хатбошиси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги 21-сонли «Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 7-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 19 июндаги 5-сонли «Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида»ги қарори 8-бандининг учинчи хатбошиси;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 27 декабрдаги 29-сонли қарори.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 29 ноябрдаги 46-сонли қарори.

### **Муаммоли саволлар:**

1. Жиноятларни квалификация қилишнинг умумий ва махсус қоидалари тушунчасини аниқланг.

2. Жиноятларни квалификация қилишнинг ягона қоидалари тушунчасини аниқланг.

3. Жиноятларни квалификация қилишнинг Жиноят кодекси принципларидан келиб чиқувчи қандай қоидалари мавжуд?

4. Қайси ҳолатларда қасддан одам ўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жавобгарлик вужудга келади?

2. «Тўсатдан пайдо бўлган кучли руҳий ҳаяжонланиш» деганда нима тушунилади?

3. Баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш тушунчалари қандай баданга шикаст етказишларни қамраб олади?

4. Қасддан одам ўлдириш қайси белгиларига кўра жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган баданга оғир шикаст етказишдан фарқ қилади?

5. Қасддан одам ўлдириш жиноятидаги «ўта шафқатсизлик билан», «тамагирлик ниятида», «безорилик оқибатида» ва «киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг аъзоларидан фойдаланиш мақсадида» деган тушунчаларни қандай тушуниш керак?

6. Қасддан одам ўлдиришда ҳам оғирлаштирувчи (ЖК 97-м. 2-қ.), ҳам енгиллаштирувчи (ЖК 98-101-м.м.) ҳолатлар мавжуд бўлганда қилмиш қандай квалификация қилиниши керак?

8. Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш деганда нима тушунилади?

9. Ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш (ЖК 103-м.) учун жиноий жавобгарликка тортишнинг қандай шартлари мавжуд?

10. Қайси ҳолатларда номусга тегиш, жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир қилинган деб баҳоланади?

11. Иштирокчиликда содир этилган номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш жиноятларини квалификация қилишнинг қандай ўзига хос жиҳатлари назарда тутилган?

12. Номусга тегиш жиноятида «оғир оқибатлар» деганда нима тушунилади?

13. Номусга тегиш жиноятида бевосита қатнашмаган, бироқ бошқа шахсларга ёрдам берган шахснинг ҳаракатлари қандай квалификация қилинади?

14. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятини квалификация қилишда аниқланаши лозим бўлган ҳолатлар нима?

15. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш деганда нималар тушунилади?

16. Агар шахсда норматив ҳужжатларга асосан ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам бериш мажбурияти юклатилмаган бўлиб, шундай аҳволдаги шахсга ёрдам бермаган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 117-моддаси билан квалификация қилинадими?

17. Номусга тегиш (ЖК 118-модда) жинояти Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (ЖК 121-модда) жиноятдан қандай фарқланади?

18. Қайси ҳолатда суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиши Жиноят кодекси 122-моддаси билан бирга, Жиноят кодекси 232-моддаси билан қўшимча квалификация қилинади?

19. Болани алмаштириб қўйиш (ЖК 124-модда) жиноятнинг одам ўғирлаш тариқасида (ЖК 137-модда) жиноятдан фарқи нимада?

20. ЖКнинг 125<sup>1</sup>-моддасида (Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) назарда тутилган жиноятнинг жиний жавобгарликка тортиш шартини кўрсатинг.

21. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (ЖК 112-м.) жинояти бўйича жиний жавобгарликка тортишнинг қандай шартлари мавжуд?

22. Жиний равишда ҳомила тушириш (аборт) (ЖК 114-м.) жинояти қачондан бошлаб тугалланган ҳисобланади?

23. Хавф остида қолдириш (ЖК 117-м.) жинояти бўйича жиний жавобгарликка тортишнинг қандай шартлари мавжуд?

24. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (ЖК 121-м.) жиноятининг субъекти ким бўла олади?

25. Тухмат (ЖК 139-м.) қайси белгисига кўра ҳақорат қилиш (ЖК 140-м.)дан фарқ қилади?

26. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш (ЖК 141-м.) жиноятининг объектив томонини қандай қилмишлар ташкил этади?

### **1-масала**

Агар айбдор қилмишида Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек Жиноят кодексининг 98–101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи

ҳолатлар мавжуд бўлмаса, қилмиш Жиноят кодекснинг қайси моддаси билан квалификация қилиниши лозим?

— жавобни тегишли Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосан беринг.

### **2-масала**

Икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдиришга нисбатан қасд мавжуд бўлганда жабрланувчилардан фақат биттаси ўлиб, бошқалари айбдорга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ўлмай қолган бўлса, қилмишни Жиноят кодекси 97-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш тариқасида квалификация қилиб бўлмаслиги маълум.

– Бундай ҳолларда, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг қайси моддаларига кўра квалификация қилиниши керак?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **3-масала**

Қасдан одам улдириш жинояти бўйича квалификация қилиш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг қандай ҳолатлари эътиборга олинishi лозим?

- 1) жиноят содир этиш усули ва қуроли;
- 2) баданга етказилган жароҳатлар сони;
- 3) баданга етказилган жароҳат хусусияти ва ўрни;
- 4) жинойий ҳаракатлар тўхташи сабаблари;
- 5) айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари;
- 6) айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти;
- 7) юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг барчаси.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **4-масала**

Жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, уни ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаракатлари, агарда иштирокчилардан бири жабрланувчининг қаршилигини бартараф этиб, уни ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этган, бошқаси эса, унга ҳалок этувчи шикаст етказган бўлса, айбдорларнинг қилмишлари қандай квалификация қилиниши лозим?

— Айбдорларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– Бунда ўлимга сабаб бўлган шикаст иштирокчиларнинг ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шартми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **5-масала**

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (ЖК 101-м.) жинояти бўйича жавобгарликка тортишда қайси ҳолатларни аниқлаш лозим?

Ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деганда, ушлаш воситаларининг ва усулларининг:

- 1) ушлаш шароитига мос келмаслиги;
- 3) қилмишнинг хавфлилик даражасига мос келмаслиги;
- 4) қилмишни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига мос келмаслиги;
- 5) ушлаш шароитига мос келмаслиги;
- 6) ушлаш зарурат тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасддан зарар етказиш;
- 7) фақат 1, 3 ва 6-бандлари тўғри;
- 8) барчаси тўғри.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **6-масала**

Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (ЖК 102-м.) жинояти бўйича бепарволик мавжудлиги, айбдорнинг одам ўлими келиб чиқиши мумкинлигига асоссиз умид қилишига келтириб чиқарувчи сабабларни кўрсатинг:

- 1) ўзининг тажрибаси, қобилияти, моҳирлигига ишончи;
- 2) ижтимоий хавфли қилмиш содир этилаётган вазиятга тегишли ҳолатлар;
- 3) субъектнинг бошқа шахслар ҳаракати;
- 4) табиат ҳодисаларини ҳисобга олинган ҳолатлар;
- 5) фойдаланилаётган қурол ва воситалар билан боғлиқ ҳолатлар;
- 6) буларнинг барчаси тўғри.

### **7-масала**

Жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб берадиган қўпол, бешафқат муомала қилиш, (масалан, калтаклаш, уриш, уй-жойдан, иссиқликдан, овқатдан, сувдан, тирикчилик воситаларидан маҳрум қилиш, ишдан асоссиз бўшатиш) ҳоллари ЖКнинг қайси моддасига кўра баҳоланиши лозим?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **8-масала**

Ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш (ЖК 103-моддаси) жинояти бўйича айбдор томонидан жабрланувчига нисбатан бошқа оғирроқ жиноят содир этилганлиги оқибатида юз берганда, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишдаги айбдорнинг ҳаракатлари қайси ҳолатда қўшимча тавсифлашни талаб қилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **9-масала**

Ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш (ЖК 103-моддаси) жинояти бўйича айбдорнинг ҳаракатини ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган ҳолларда Жиноят кодексининг 25-моддаси билан қўшимча тавсифлаш талаб қилинадими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **10-масала**

Баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни тўғри квалификация қилиш ҳамда айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун қайси ҳолатлар аниқланиши лозим?

- 1) айб шакли;
- 2) баданга шикаст етказиш мотиви;
- 3) баданга шикаст етказиш мақсади;
- 4) баданга шикаст етказиш усули;
- 5) айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги;
- б) юқорида келтирилганларнинг барчаси.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **11-масала**

Фуқаро П. томондан Л.га баданнинг тузалмайдиган даражада хунукланиши билан боғлиқ, жумладан, жарроҳлик аралашувисиз бартараф этиб бўлмайдиган инсон қиёфасига ёқимсиз, сескантирадиган кўриниш берувчи жароҳат етказиди.

– айбдорнинг ҳаракати ЖКнинг қайси моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **12-масала**

Айбдор томондан жабрланувчига механик таъсир, олов, агрессив моддалар ва бошқалар таъсирида юз симметриясининг, мимиканинг бузилиши, чуқур чандиқлар, кертиклар пайдо бўлиши, баданнинг яра босиши, бурун, лаб, қулоқнинг ажратилиши ва бошқа шуларга ухшаш нуқсонлар келтириш қилмиши ЖКнинг қайси моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **13-масала**

Фуқаро З. турмуш ўртоғи Х.ни рашқ қилиб бир неча бор қорнига оёғи билан тепди. Бу қилмиш Х.нинг ҳомиласининг тушишига олиб келди.

– айбдор З.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **14-масала**

Қилмишнинг содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлиши, кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолиши, руҳий касалга чалиниши, умуман соғлиғи бузилиб, умумий меҳнат қобилятининг ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолиши, ҳомиланинг тушиши, баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши, ЖКнинг қайси модданинг зарурий белгилари сифатида назарда тутилган?

– ЖКнинг 104-моддаси;

– ЖКнинг 105-моддаси;

– ЖКнинг 109-моддаси.

– ЖКнинг 104 ва 105-моддаларида;

– кўрсатилган моддаларнинг барчасида.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **15-масала**

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-м.) жинояти бўйича баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши деганда нима тушунилиши лозимлигини кўрсатинг.

1) инсон қиёфасига ёқимсиз, сескантирадиган кўриниш берувчи жароҳат;

2) механик таъсир, олов, агрессив моддалар ва бошқалар таъсирида юз симметриясининг, мимиканинг бузилиши;

3) чуқур чандиқлар, кертиклар пайдо бўлиши;

4) баданнинг яра босиши;



5) бурун, лаб, кулоқнинг ажратилиши билан боғлиқ нуқсонлар;

б) юқорида келтирилағнинг барчаси.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **16-масала**

Баданга қасддан безорилик туйғусида етказилган оғир шикаст Жиноят кодекси 104-моддаси иккинчи қисмининг «е» банди билан квалификация қилинади ва Жиноят кодекси 277-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

– Қайси ҳолатларда айбдорнинг содир этилган қилмиши Жиноят кодекси 104-моддаси иккинчи қисмининг «е» банди ва 277-моддасининг тегишли қисмида кўрсатилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **17-масала**

Фуқаро Ж. жабрланувчи С.нинг ҳомиладор эканлигини англамасдан, унинг баданга қасддан шикаст етказган.

Бу ўз навбатида С.нинг ҳомиласининг тушишига сабаб бўлди.

– фуқаро Ж. қилмишини квалификация қилинг.

– агар айбдор жабрланувчининг ҳомиладор эканлигини англамаган бўлса, унинг баданга қасддан етказилган ва ҳомиланинг тушишига сабаб бўлган қилмиши қандай квалификация қилиниши лозим?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **18-масала**

Фуқаро Г. безорилик сабабли Э.нинг юзига ир маротаба мушти билан урди. Натижада жабрланувчи Э. бир ҳафтадан сўнг касалхонади вафот этди.

— фуқаро Г.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– қайси ҳолатларда айбдорнинг қилмишини жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш деб квалификация қилиниши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **19-масала**

Фуқаро Ф. 2013 йил 17 июль куни укаси Р. Яшайдиган уйга маст ҳолда бориб, “мен қурган уйимдан чиқиб кетинглар,-”деб, ўзи билан олиб борган ва ўқланган “Револьвер” ўқ отар қуролини намойиш қилиб, уни қўллаш билан кўрқитган.

- фуқаро Ф.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **20-масала**

Фуқаро К. турмуш ўртоғи М. билан оилавий низолар юзасидан ўзаро жанжаллашиб қолишган.

Бунинг оқибатида фуқаро К. турмуш ўртоғи М.нинг юзига бир марта шапалоклаб урган.

Жанжалдан сўнг, фуқаро М. ўзини хўрланган ҳисоблаб, ўзига ўт кўйиб, ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган.

- фуқаро К.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **21-масала**

Фуқаро М. деҳқон бозорида сотувчилик қилаётган фуқаро Н.дан картошканинг нархини сўраган.

Нархини эшитгач, картошкани қиммат сотаётганлигини айтиб, уни уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, унинг баданига шикаст етказмаган ҳолда юзига бир шапалок урган.

- фуқаро М.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **22-масала**

Фуқаро Б. таниши П. билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст бўлиб қолишгач ўзаро жанжаллашиб қолишган.

Шундан сўнг Б. таниши П.нинг сон қисмига бир марта пичоқ урган. Фуқаро П. ушбу тан жароҳати натижасида вафот этган.

- фуқаро Б.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **23-масала**

Фуқаро Ш. муқаддам жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятини содир этганлиги учун судланганлигидан ўзига тегишли ижобий хулоса чиқариб олмасдан, 2014 йил 8 июнь куни Оқтош қишлоғида спиртли ичимлик ичиб маст ҳолатда фуқаро Ч.ни кўлларида ушлаб, унинг қаршилигини енгиш ва кўркитиш учун уни уриб, унга ўртача оғир шикаст етказиб, эгнидаги кийимларини йиртиб, номусига тегиш мақсадида уни ҳеч ким яшамайдиган бино ичига унинг олиб кирмоқчи бўлган вақтда, буни кўриб қолган фуқаролар бунга йўл қўймаганлар.

- фуқаро Ш.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Номусга тегиш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **24-масала**

Жабрланувчининг қонунда рухсат этилган спорт мусобақаларида ихтиёрий иштирок этиши натижасида унинг баданига шикаст етказилиши қайси ҳолатларда жинойий жавобгарликни вужжудга келтиради?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **25-масала**

Бокс бўйича спорт мусобақасида қатнашаётган В. ўз рақиби Т.ни ютиш мақсадида бокс кулқопининг олдинги қисмининг ичига танга шаклидаги курғошиндан ясалган мосламани ўрнатган. Ушбу кулқоп билан ўриш натижада мусобақада қатнашган рақиби Т.нинг жағи синди ва унга икки ой касалхонада тиббий ёрдам кўрсатилди.

— фуқаро Г.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

— – жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

– қайси ҳолатларда мусобақада рақибга тан жароҳати етказиш гайриқонуний ҳисобланмайди?

#### **26-масала**

Агар Жиноят кодекси 105-моддасида назарда тутилган оғирлаштирувчи белгилар мавжуд бўлса-да, улар кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилса айбдорнинг ҳаракати қандай баҳоланиши лозим?

1) қилмиш Жиноят кодекси 106-моддаси билан квалификация қилинади;

2) қилмиш Жиноят кодекси 105 ва 106-моддалари билан квалификация қилинади;

3) қилмиш Жиноят кодекси 105-моддаси билан квалификация қилинади;

4) тўғри жавоб йўқ.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **27-масала**

Фуқаро К. фуқаро У.нинг соғлиғининг қисқа муддатга ёмонлашувига сабаб бўлмаган енгил шикаст етказди.

- айбдор К.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **28-масала**

Фуқаро Д. фуқаро В.нинг меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлмаган енгил шикаст етказган.

- айбдор Д.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **29-масала**

Маълумки, объектив томондан қийнаш жинояти (ЖК 110-модда), биринчидан, муттасил равишда дўппослаш, иккинчидан, ҳуқуққа хилоф равишда жисмоний оғриқ берувчи қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқача зўравонлик ҳаракатларида ифодаланади.

– Мазкур модда бўйича квалификация қилиш учун, ЖК 110-моддаси диспозициясида назарда тутилган шартларни келтиринг;

– Қайси ҳолатларда қийнаш жиноятини содир этган шахснинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 104 ёки 105-моддаси билан квалификация қилинади ва унда қилмишни Жиноят кодекси 110-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди?

- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **30-масала**

Фуқаро Т. жабрланувчи Р.нинг баданига енгил шикаст етказди. Бироқ бундай зарбадан сўнг Р. йиқилиб унинг баданига оғир шикаст етказилди.

- айбдор Т.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг;
- айбдор Т.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда объектив ва субъектив белгиларни ёритинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **31-масала**

Вояга етган фуқаро Қ. хазиллашиб дазмол билан жабрланувчи Э.нинг баданига ўртача оғир шикаст етказди.

- айбдор Қ.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **32-масала**

Фуқаро Л. ўзида таносил касаллиги мавжудлигини билмаган ҳолда фуқаро З. билан жинсий алоқага киради.

Натижада З. таносил касаллигига дучор бўлади.

– фуқаро Л.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жабрланувчини таносил касаллигини юқтириш учун розилик берганлиги шахсни жинсий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **33-масала**

Фуқаро Ж. ўзида таносил касаллиги мавжудлигини била туриб фуқаро Л.га куч ишлатиб унинг номусига тегкан. Натижада Л. таносил касаллигига дучор бўлади.

– айбдор Ж.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **34-масала**

Туғриқхона шифокори С. таниши В.дан қасд олиш мақсадида, унинг турмуш ўртоғи ҳомиладор Н.нинг розилигини олмасдан сунъий равишда ҳомиласини туширган.

– айбдор С.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **35-масала**

Фуқаро А. турмуш ўртоғи М. томондан ўз ҳомиласини туширишни мажбурлади.

Амалга оширилган ҳомилани тушириш мажбурлаш ҳаракати натижасида М.нинг баданига оғир шикаст етказилди.

– айбдор А.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **36-масала**

Тиббиёт муассасаси ходими Э.нинг зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналарнинг йўқлиги сабабли жабрланувчи У.га тегишли тиббий ёрдам кўрсата олмаган.

– тиббиёт муассасаси ходими Э.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– қайси ҳолатлар ёрдам бермасликни узрли сабаблар сифатида тан олиниши мумкин.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **37-масала**

Айбдор Ч. фуқаро О.га зурлик ишлатиб бир неча марта у билан жинсий алоқа қилган.

– айбдор Ч.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– мазкур ҳолатда такроран содир этилган номусга тегиш жинояти мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **38-масала**

Маст ҳолатда К. уларнинг хонадонига меҳмонга келган Н.нинг номусига тегмоқчи бўлган. Зурлик билан жинсий алоқага киришган К.га унинг турмуш ўртоғи Х. куч ишлатиб кўмаклашган.

– айбдорларнинг ҳаракатларини ЖКнинг тегишли моддаларига кўра квалификация қилинг.

– Жиноят қонунига кўра, номусга тегиш жиноятида иштирокчиликда қатнашаётган шахс аёл жинсига ҳам мансуб бўлиши мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **39-масала**

Вояга етган С. вояга етмаган И.ни ўғрилиқка жалб қилган. Лекин С. И.нинг вояга етмаганлигини билмаган.

– Бундай ҳолларда, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг қайси моддаларига кўра квалификация қилиниши керак?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **40-масала**

Фуқаро Г. унга олдиндан таниш бўлмаган фуқаро Е. билан танишиб, у билан жинсий алоқага кирди. Жинсий алоқага киргандан сўнг Е. ёши 15да эканлигини айтди.

– Бундай ҳолларда, фуқаро Г.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **41-масала**

Наманган шаҳри педагогика коллежи талабаси, расман турмуш қурмаган Ф.Ҳ. номаълум шахсдан кўрган ўғил фарзандини қасддан ўлдирган, яъни тириклайин ҳожатхонага ташлаб юборган.

Ф. кўпинча уйда ёлғиз қолган. Ўзининг айтишича, номусини ўз уйда йўқотган. Лекин тергов давомида у айбдор санаган йигитнинг айби исботланмади.

– ЖКнинг ҳаётга қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **42-масала**

Фуқаро З. ва Б.лар доимий равишда жинсий алоқада бўлиб, келишган. Фуқаро Б. хомиладор бўлиб қолганлигини ва тезда никоҳдан ўтишмаса одамлар орасида шарманда бўлишини айтганида, З. унга уйланишни хошлашни, лекин уйдагилар бунга рози бўлмаслигини айтган. Фуқаро З. бир неча марта илтимос қилиб, уни шармандалиқдан қутқаришини сўраб илтимос қилиб юрган ва З.нинг доимий рад этганидан кейин, бу тўғрисида З.нинг ота-онасига тушунтириш мақсадида унинг уйига борганида, фуқаро З.нинг қонуний никоҳдан ўтганлигини ва унинг иккита фарзанди борлигини билган. Шу вақтда фуқаро З. уйига келиб қолиб, Б.нинг фоҳишалигини таъкидлаб, уни қаттиқ ҳақоратлаган. Бўлиб ўтган воқеаларга чидай олмаган Б. ўзини ўзи ўлдирган.

– ушбу ҳолат бўйича фуқаро А.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **43-масала**

Қонуний никоҳдан ўтмасдан биргаликда яшаб келган Ш. Ф.нинг хомиладорлигини билиб, хомилани сотишни ният қилди. Таниши А. билан мазкур масала юзасидан гаплашганида А. унга «харидор» топиб бериши мумкинлигини, эвазига сотилган нархнинг тўртдан бир қисмини бериши айти. Фуқаро Ш., Ф. ва А.лар икки ойдан кейин туғилиши куталаётган хомилани 1000 АҚШ долларига эвазига сотишаётган пайтда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлган олинди.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро Ш., Ф. ва А.ларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **44-масала**

Корхона раҳбари Я. ўз қўл остида ишлаган А.нинг мастлик ҳолатидан фойдаланиб, унинг номусига теккан. Я. А.ни ички ишлар идораларига хабар бермаслигини ва бунинг учун 2000 АҚШ доллари беришини ҳамда Я.нинг хохишига кўра у билан доимий жинсий алоқада бўлишини, акс ҳолда «танишлари» орқали бўлсада, бу ишни «тинчитиши» ва унинг ўзини

«қаматвориши» мумкинлигини айтган. Фуқаро А. корхона рахбари М.нинг дўқ пўписаларидан қўрқиб, у билан икки йил давомида жинсий алоқада бўлиб келган.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро Я.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **45-масала**

Фуқаро Р. ўзининг курсдоши Н. билан ўқиш даврида эр-хотин бўлиб яшаб юришган ва Н.нинг ҳомиладорлиги маълум бўлган. Таътил вақтида фуқаро Р.нинг ота-онаси фуқаро Н.нинг уйига совчиликка бориб, бўлиб ўтган воқеани Н.нинг ота-онасига тушунтиришган. Фуқаро Н.нинг ота-онаси ўзини ҳақоратланган хис қилиб, унинг эрга тегишига қарши эканлигини билдириб, қизининг ўқишга боришини ва кўчага чиқишини, Р. билан учрашишни катъиян таъқиқлаб қўйган. Бир неча бор тушунтиришига қарамасдан Н.нинг ота-онаси қизининг эрга тегишига қаршилик кўрсатиб келишди. Фуқаро Н. кўрган барча чораларнинг бефойда эканлигини билгач, ички ишлар идораларига Н.нинг ота-онаси қизининг эрга тегишига қаршилик кўрсатаётганлигини билдириб, уларга қонуний чора кўришни сўраб ариза билан мурожат этган.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро Н.нинг ота-онасининг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **46-масала**

А. уйига танишларини чақириб, зиёфат уюштирди. Зиёфат якунида А. танишларидан бири Ф. билан ўзаро жанжаллашиб қолди ва кўлидаги хўжалик пичоғи билан Ф.нинг қорин қисмига бир неча марта зарба берди. Яраланган Ф. ерга йиқилиб, ётган жойида одамларни ёрдамга чақира бошлади. Бироқ А. Ф.га ёрдам бермоқчи бўлган шахсларга ҳам пичоқ билан таҳдид қилиб, Ф.нинг ёнига яқинлаштирмади. Кейинчалик А.ни қуролсизлантиришга муваффақ бўлишди, бу жараёнда яна икки киши жароҳат олди. Шифохонага олиб кетилаётган вақтда Ф. кўп қон йўқотганлиги сабабли вафот этди.

– Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **47-масала**

А ва Б.лар фоҳишалик билан шуғулланишарди. Кечкурун уйга қайтишаётганда йўл четида маст ҳолатда ҳушсиз ётган эркак жинсидаги Т.ни кўриб қолишди. Шунда А. сумкасида бўлган ингичка арқон билан Т.ни қўл-



оёғини боғлаб, Б.га Т.ни ечинтириш кераклигини айтди. Б. нима учун ечинтириш кераклигини сўраганида А. унга ушбу шахс билан жинсий алоқа қилмоқчилигини билдиради. Б. ва А.лар Т.ни ечинтириб жинсий алоқа қилишаётганда Т. уйғониб кетиб уларга қаршилик кўрсатади. Шунда А. Т.нинг бош қисмига ерда ётган тош билан бир неча марта зарба бериб, унга оғир шикаст етказди ва Б. билан бирга воқеа жойидан яширинишади.

– фуқаро А ва Б.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **48-масала**

Фуқаро Д. исмли шахс кафедра нотаниш бўлган Х.исмли қиз билан танишиб қолди. Х.ни ташқи кўринишидан 20-23 ёш кирганга ўхшасада, бироқ ўн олти ёшга тўлмаган эди. Фуқаро Д. шу Х.исмли қиз билан унинг хоҳишига кўра бир неча мартаба жинсий алоқа қилди. Бундан хабар топган Х.нинг қариндошлари ИИБга ариза билан хабар берди. Терговчи ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг 128-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўғатиш ҳақидаги қарорни чиқарди.

– мазкур ҳолат юзасидан терговчининг чиқарган қарори тўғрими.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **49-масала**

Андижонда ёш аёл ўз фарзандини ўлдирди. Маржона исмли ёш аёл туғруқхонага мурожаат қилганидан сўнг муассаса ходимлари 17 май куни ички ишлар органига қўнғироқ қилган. Аёл шифокорларга 12 май куни опасининг уйига келиб, у ерда ўғил фарзанд дунёга келтиргани, сўнг чақалокни целлофан халтага ўраб, ҳожатхона учун қазилган ўрага ташлаб юборганини маълум қилган. Ички ишлар органига берилган хабардан сўнг жасад олиб чиқилган.

– ЖКнинг ҳаётга қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **50-масала**

Тунда Олмалиқ шаҳри 5/3-дахасидаги кўп қаватли уйлардан бирининг олдида пайдо бўлган Э. Абдурашулов ўзи нишонга олган хонадонга балкон орқали киради ва хонадон эгаларига темир труба билан зарб беради. Бунинг оқибатида икки киши вафот этади ва бир киши жароҳатланади.

Э. Абдурашулов шунча ишдан кейин ҳам ўзининг асосий мақсадидан чекинмай, хонадондан иккита уяли алоқа телефон аппарати, икки дона тилла узук ва бир жуфт зиракни қўлга киритиб, қочиб қолади.

- Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **51-масала**

Ўзларини коммунал, тиббиёт ёхуд ижтимоий таъминот хизмати ходимлари сифатида таништириб, кекса ёшдаги фуқароларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, хонадонларига тўсиксиз кириб, уларга нисбатан қотиллик, босқинчилик ва бошқа оғир турдаги жиноятларни қасддан содир этган уюшган жиноий гуруҳ аъзолари Ж.Қосимов ва Н.У.га нисбатан қўзғатилган жиноят иши юзасидан Бош прокуратуранинг жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилди ва 2014 йилнинг 27 июнь куни Ж.Қ. ва Н.У.ларга нисбатан суд ҳукми чиқарилди.

- ЖКнинг ҳаётга қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **52-масала**

Андижон вилоятида пана-пастқамда киракашларни ўлдириб юборган жиноий гуруҳ устидан маҳкама жараёни якунига етди.

М.Р., М.Н. ва М.Ҳ.дан иборат жиноий гуруҳ такси ҳайдовчиларини алдаб-авраб овлоқ жойга олиб бориб, бўғиб ўлдирган ва машинасини ўғирлаб қочган. Ўғирланган машиналар Андижоннинг турли ҳудудларидаги бозорларда арзонгаровга пулланган.

Тафсилотларга қараганда, жиноий гуруҳ иккита “Тико” ва битта “Нексия” автомобили эгаси жонига қасд қилган.

Жиноятчилар вазифаларни аниқ тақсимлаб иш кўрган. Орқа ўриндикда ўтирган жиноятчи ҳайдовчини сим билан бўғади, олд ўриндикда ўтирган шериги эса жабрдийданинг оёқларидан ушлаб туради.

Жиноят кодексининг бир неча моддасига асосан айбдор деб топилган М.Н.га 20, М.Р.га 19 ва М.Ҳ.га 17 йил қамоқ жазоси тайинланган.

- ЖКнинг ҳаётга қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **53-масала**

Бош прокуратуранинг жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан кекса ёшдаги ёлғиз яшовчи фуқароларга нисбатан содир этилган қотиллик ва босқинчилик ҳолатлари бўйича қўзғатилган жиноят иши юзасидан дастлабки тергов тамомланди. Тергов давомида, уюшган жиноий

гуруҳ аъзолари Ж.Қ. ва Н.У. ўзларини коммунал, тиббиёт ёхуд ижтимоий таъминот хизматлари ходимлари сифатида таништириб, кекса ёшдаги фуқароларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, хонадонларига тўсиксиз кириб, уларга нисбатан қотиллик, босқинчилик ва бошқа оғир турдаги жиноятларни қасддан содир этганлиги аниқланди.

– ЖКнинг ҳаётга қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

#### **54-масала**

Бош прокуратура бошқарма бошлиғи А.Н. «Ҳуқуқ» газетасидаги мақоласида бир йил олдин катта шов-шувга сабаб бўлган суд жараёни ҳақида айрим тафсилотларни ошкор қилди. Назаров жиноятчиларнинг исмларини ошкор қилди. Унинг айтишича, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди қотиллик жиноятида айбланган А.О. ва П.П.ларни умрбод озодликдан маҳрум этди. «Икки шахс 2011-2012 йилларда Тошкент шаҳри ва вилоятида 7 нафар, Қозоғистон Республикаси ҳудудида эса 4 нафар – жами 11 аёлнинг жонига қасд қилган. Икки қотил «Mercedes Benz 180-С» автомобилида киракаш қиёфасида юриб, ёлғиз аёлларни кимсасиз жойга олиб бориб зўрлаган, сўнг ўлдириб, уларга тегишли қимматбаҳо буюмларни ўзлаштирган.

Ушбу жиноий иш юзасидан 2000 дан ортиқ шахс гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган, 500 дан ортиқ «Мерседес Бенц» эгалари жиноятга алоқадорлик юзасидан текширилган, уяли алоқа операторларига қарашли 50 мингдан ортиқ рақам таҳлил қилинган», – дейди Назаров.

– ЖКнинг ҳаётга қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

#### **55-масала**

Фуқаро Б. ни жазманининг ҳомиладорлигини билиб қолиб, унга аборт қилдиришни таклиф қилди ва рад жавобини олди. Туғиладиган боладан кутулиш мақсадида, Б. туғириқхонада шифокор бўлиб ишловчи таниши Қ.нинг маслаҳатига кўра ўйнаши касал бўлган пайтда унга ҳомиладорлар учун тақиқланган дорини берди. Бунинг натижасида жабрланувчининг ҳомиласи тушди.

– мазкур ҳолат юзасидан шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **56-масала**

Фуқаро Н. «Nexia» русумли автомашинасини йўл ҳаракати қоидаларининг барча талабларига амал қилган ҳолда бошқариб кетаётганда йўлда кетаётган пиёда Р.ни уриб юборди.

Ушбу воқеадан саросимага тушган ҳайдовчи Н. пиёда Р.га ҳеч қандай ёрдам кўрсатмасдан воқеа жойидан кетиб қолди.

Пиёда олган тан жароҳатлар натижасида касалхонада вафот этди.

– мазкур ҳолат юзасидан Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **57-масала**

Фуқаро Н. муқаддам икки маротаба яъни биринчи маротаба унча оғир бўлмаган иккинчи маротаба оғир жиноятни содир этиб судланиб жазосини ўтаб чиққан.

Кунларнинг бирида Н. билан унинг қўшниси Ф. орасида ўзаро келишмовчилик юзага келди. Ушбу келишмовчиликка барҳам бериш мақсадида Н. уйдаги катта ханжарини олиб чиқиб қўшниси Ф.га ўқталаиб агар яна товуши чиқадиган бўлса ушбу ханжарни қорнига тикиб ичаг чавоғини суғуриб олишини маълум қилди.

Ф. кўп йиллар ҳарбий бўлиб ишлагани учун Н.нинг қўрқитишларидан умуман қўрқмасдан унга самбо усулини қўллаб ерга йикитди ва уйига кириб кетди.

– мазкур ҳолат юзасидан Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **58-масала**

Фуқаро Ж. ўзини таносил касаллиги билан касалланганлигини била туриб ўзининг турмуш ўртоғи Қ.га бу ҳақида ҳеч нима демасдан у билан бирга жинсий алоқа қилди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач Қ. таносил касаллиги билан касалланганлигини ва бу касалликни ўзининг турмуш ўртоғидан юқтурганлиги билди.

Касалликни даволаш учун касалхонага борди ва бу ҳақида врачга айтди. Ўз навбатида врач эса бу ҳақида ИИБ га хабар берди.

Дастлабки суриштирув натижаларига кўра Қ.га ушбу касалликни турмуш ўртоғи Ж. юқтирганлиги сабабли уларга нисбатан ҳеч қандай жавовгарлик йўқлигини маълум қилишди.

– мазкур ҳолат юзасидан шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **59-масала**

Фуқаро Б. ни жазмани О.нинг ҳомиладорлигини билиб қолиб, унга аборт қилдиришни таклиф қилди ва рад жавобини олди. Туғиладиган

боладан қутулиш мақсадида Б. жазмани О.га боладан қутилмаса унга ҳеч қандай моддий ёрдам хатта уйдан чиқариб юборишини малиум қилиб унга тазиқ ўтказди. Чорасиз қолган О. ўзининг травматолог бўлиб ишловчи таниши Д.ни ишхонасига борди ва ундан ёрдам сўради. Д. шифокор бўлганлиги учун хомилани сунъий туширишдан хабари бор эди, шу сабабли ушбу жараён Д. учун оғир кечмади.

– мазкур ҳолат юзасидан шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **60-масала**

Шифокор акушер бўлиб ишловчи Ч. фарзанди Р. хомиладор бўлиб қолганлигини билиб қолди. Турмушга чиқмаган қиз хомиладор бўлганлигини қўшнилари хабар топишидан ваҳимага тушди. Шу сабабли кизи Р.ни мажбурлаб уйда сунъий равишда хомиласини туширишди.

– мазкур ҳолат юзасидан шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **61-масала**

Фуқаро Н. «Nexia» русумли автомашинасини йўл ҳаракати қоидаларини бузиб 120 км/с тезликда бошқариб кетаётганда йўлда бир тўда одамлар автомашинани тўхтатишди ва Н.га бир шахсни тан жароҳати олганлиги уни зудлик билан касалхонага олиб боришлигини айтишди.

Н. тан жароҳати олган шахсни ҳамма жойи қонга беланиб ётганлигини кўриб машинага ўтказмасдан ёрдам бермасдан кетиб қолди.

Касалхонага кеч олиб борилганлиги сабабли тан жароҳати олган шахс вофот этди.

– мазкур ҳолат юзасидан Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### **62-масала**

Марказий касалхонада хамшира бўлиб ишловчи Н. касалхонага навбатчи бўлиб тушди. Н. навбатчиликга тўйдан чарчаган ҳолда келганлиги учун беморларнинг бирига қилиниши зарур бўлган муолажани ухлаб қолганлиги сабабли қилмаганлиги натижасида бемор С.га оғир шикаст етди.

– мазкур ҳолат юзасидан Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### **63-масала**

Фуқаро Б. нинг турмуш ўртоғи О.нинг хомиладор бўлди. О.нинг фарзандлари уч нафар бўлганлиги учун турмуш ўртоғи Б.нинг қаршилигига қарамасдан сунъий равишда хомиласини туширди. Ушбу воқеадан хабар

топган Б. жахли чиқиб О.га нисбатан қонуний чора кўриш учун ИИБга ариза билан муружат қилди.

– мазкур ҳолат юзасидан шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **64-масала**

Шифокор акушер бўлиб ишловчи Ч.ни уйига кўшниси Х. чиқиб, хомиладор турмуш ўртоғини тоби қочиб қолганлигини ва ёрдам беришини сўради. Ч. кўшнисини Х.ни уйига чиқиб уни турмуш ўртоғи хомиладор С.ни текшириб кўрди. С.ни соғлиғи жуда ёмон даражадалигини касалхонага етиб боролмаслини, шу сабабли хозироқ хомиласини олиш кераклигини маълум қилди. Х. турмуш ўртоғини ҳаётини сақлаб қолиш кераклигини ўйлаб Ч.дан илтимос қилди.

Шифокор Ч. кўшниси С.ни хомиласини сунъий равишда туширди.

– мазкур ҳолат юзасидан шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **65-масала**

Фуқаро Д. исмли эркак жинсидаги шахс кечқурун соат 22-00 ларда ишдан қайтиб келаётган вояга етмаган Е. исмли қизни номусига тегиш мақсадида унга ташланди ва унинг кийимларини йиртиб уни ялонғоч қилиб, ўзи ҳам кийимини ечаётган вақтда шу атрофда юрган одамларни товушларини эшитиб қолди ва воқеа жойидан қочиб кетди.

Ушбу ҳолат юзасидан терговчи Я. фуқаро Д.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 128-моддаси 1-қисми билан жиноят ишини кўзғатган.

– Терговчи Я.нинг ҳаракатлари тўғрими.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **66-масала**

Фуқаро Қ. исмли эркак жинсидаги шахс тунги 23-30 ларда қоронғу кўчаларнинг бирида пиёда кетаётиб, қаршисидан унга нотаниш бўлган Ж.исмли аёл жинсидаги шахсга кўзи тушди.

Шу вақтда Қ.ни ҳаёли бузулиб Ж.ни номусига тегиш нияти пайдо бўлди ва ўзини ёвуз ниятини амалга ошириш учун Ж.ни йўлини тўсиб, қўли билан Ж.ни оғзини ёпиб пана жойга судрай бошлади.

Қ.ни чангалидан чиқиш мақсадида Ж. қаршилиқ қилиб Қ.ни қўлини жон жахти билан тишлаб олди.

Бундан ғазабланга Қ.ни Ж.ни юзига қўлини муштуми билан икки уч маротаба уриб ўртача оғирликдаги тан жарохати етказиди ва ўзини ёвуз ниятини амалга ошириб воқеа жойидан яширинди.

– фуқаро Қ.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **67-масала**

Фуқаро А ва Б исмли аёл жинсидаги шахслар тунги 23-30 ларда қоронғу кўчаларнинг бирида пиёда кетаётиб, қаршиларидан уларга таниш бўлган Ч.исмли эркак жинсидаги шахсга кўзлари тушди.

Шу вақтда А ва Б ларни хаёли бузулиб Ч. билан жинсий алоқа қилиш нияти пайдо бўлди ва ниятларини Ч.га билдирдилар. Бундай таклифдан хаяжонланган Ч. рад жавобини бериб йўлини давом эттириб кетти.

Ч.ни рад жавобидан А. ва Б.ларни жахли чиқиб ўзларни ёвуз ниятларини амалга оширишлари учун Ч.ни ортидан бориб унга ташланишди ва Ч.ни пана жойга судраб олиб боришди ва уни оёқ-қўлларини арқон билан боғлаб ўзларини ёвуз ниятларини амалга ошириб бир неча маротаба жинсий алоқа қилишди.

Шундан сўнг воқеа жойидан қочиб кетишди.

– фуқаро А ва Б.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **68-масала**

Вояга етмаган 16 ёшли Г. исмли йигитнинг синглиси Р.ни 14 ёшга тўлиши муносабати билан 30 декабрь куни уйда туғилган кунини нишонлаётган эди. Ушбу туғилган кунга Р.ни бир нечта дугоналари келди, уларнинг ичида Р.ни акасига ёқадиган Ш. исмли дугонаси ҳам бор эди. Туғилган кун авжига чиққан вақтда Г. ўзини анчадан буён амалга оширмакчи бўлган ниятини амалга оширди. Яъни синглисини дугонаси Ш.ни алдаб уй ичкарасидан ховлига олиб чиқди. Ховли совуқ бўлганлиги учун у ерда ҳеч ким йўқ эди.

Шундан фойдаланган Г. Ш.га зўрлик ишлатиб, кўрқитиб унинг номусига тегди.

– фуқаро Г. ва Р.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **69-масала**

Вояга етган 21 ёшли С. исмли йигит ўзининг П. исмли вояга етмаган 13 ёшли жиянини уйига мехмонга келган вақтда, жиянининг кўшни қиз Ф.га кўзи тушди.

Ф. билан кўриб қди. қизқириб у билан олдиндан тил бириктириб, ёнма-ён бўлиб яшовчи вояга етмаган Ф.ни овқатни тузини билиб беришини бахона қилиб ўз уйига таклиф қилишди.

Қўшни қиз Ф. уйга кирганидан сўнг П. эшикни ичкаридан қулифлаб қўйди. Ф. ниманидир сезгандай бўлиб бақирмоқчи бўлганида С. унга ташланиб оғзин махкам ёпиб ётоқхонага олиб кирди.

С.ни жияни П. уларнинг орқасидан кириб қўшни қиз Ф.ни қўлларини махкам ушлаб оғзига мато тикиб қўйди. Бу вақтда С. Ф.нинг номусига тегди.

– фуқаро С. ва П.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### **70-масала**

Фуқаро О. исмли эркак жинсидаги шахс фохишаларга қарши курашиш мақсадида кечкурун фохишаларни аниқлаб уларни тақиб қилиб қоронғу кўчаларнинг бирида пиёда кетаётган фохишалик билан шуғилланувчи Э.ни учратди.

Фохиша Э.ни орқасидан бўйнига пичоғини тираб ўлдириш билан кўрқитиб овлоқ ерга олиб борди. У ерда фуқаро О. фохиша Э.ни зўрлаб номусига тегди шу билан бирга жинсий эҳтиёжини ғайритабий усулда қондирди.

Орадан икки ҳафта ўтгач фуқаро О. яна фохишаларга қарши курашиш мақсадида Ш. исмли фохишани уриб унга оғир тан жарохати етказиб, уни зўрламоқчи бўлган вақтида одамларнинг товушини эшитиб қолиб воқеа жойидан қочиб кетди.

– фуқаро О.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **71-масала**

Фуқаро Қ. исмли эркак жинсидаги шахс қоронғу кўчаларнинг бирида пиёда кетаётиб, қаршисидан унга нотаниш бўлган гавдали ташқи кўринишидан 22-25 ёшларга ўхшаган аслида 17 ёшли Ж.исмли қизга кўзи тушди.

Шу вақтда Қ.ни хаёли бузулиб Ж.ни номусига тегиш нияти пайдо бўлди ва ўзини ёвуз ниятини амалга ошириш учун Ж.ни йўлини тўсиб, қўли билан оғзини ёпиб пана жойга судрай бошлади.

Қ.ни чангалидан чиқиш мақсадида Ж. қаршилиқ қилиб Қ.ни қўлини жон жахти билан тишлаб олди.

Бундан ғазабланга Қ.ни Ж.ни юзига қўлини муштуми билан икки уч маротаба уриб оғирликдаги тан жарохати етказиди ва ўзини ёвуз ниятини амалга ошириб воқеа жойидан яширинди.

– фуқаро Қ.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.



### 72-масала

Олийгоҳ талабалари Р. ва К.лар бошқа гуруҳда тахсил олаётган С. ва Ю.лар билан жинсий алоқа қилиш мақсади борлигини, лекин қандай қилиб ушбу мақсадни амалга оширишларини билишмаётганлигини айтиб маслаҳат сўрашди. Шунда У. Курсдошлари Р. ва К.ларга С. ва Ю.лар спиртли ичимликларни жуда яхши кўришларини ва уларни меҳмонга чақириб маст холга келгунларича ичириб ундан сўнг бемалол улар билан жинсий алоқа кишлари мумкунлигини айтди. Шундан сўнг Р.ва К.лар С.ва Ю.ни кечи овқатланиш учун кафега таклиф қилишда ва курсдоларининг маслаҳатига амал қилган холда қизларни мастлиги ошгунча спиртли ичимликларни истемол қилишди. Қизларни мастлигини билишгач уларни Р.ни уйига олиб боришди ва шу ерда улар билан жинсий алоқа ва жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондириш жиноятини содир этишди.

– фуқаро Р. , К., ва У.ларни ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 73-масала

Фуқаро О. исмли эркак жинсидаги маст холда уйига келди ва қонуний никоҳида бўлган турмуш ўртоғига нисбатан зўрлик ишлати у билан жинсий алоқа қилди. Шундан сўнг улар қонуний тартибда ажрашиб кетиши. Орадан бир ой ўтгач фуқаро О. собиқ турмуш ўртоғини уйига бориб уни ўлдириш билан қўрқитиб зўрлик ишлатиб жинсий алоқа қилди.

– фуқаро О.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 74-масала

Фуқаро Т. исмли эркак жинсидаги шахс кечқурун соат 22-00 ларда ишдан қайтиб келаётган вояга етмаган Е. исмли қизни номусига тегиш мақсадида унга ташланди ва унинг кийимларини йиртиб уни ялонғоч қилиб, ўзи ҳам кийимини ечаётган вақтда шу атрофда юрган одамлар уни ҳаракатини кўриб қолишди. Шундан сўнг фуқаро Т. воқеа жойидан қочи кетди. Бу воқеадан хабар топган Е.ни онаси Л. рухий касалликка чалинди.

Ушбу ҳолат юзасидан трговчи Х. фуқаро Т.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 118-моддаси 3-қисми “д” банди билан жиноят ишини кўзгатган.

– Терговчи Я.нинг ҳаракатлари тўғрими.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **75-масала**

Фуқаро Ғ. исмли эркак ва Я. исмли аёл никоҳни суд тартибида бекор қилдилар ва уларнинг ўғли Ж. онаси қарамоғида қолди. Бироқ, фуқаро Я. собиқ турмуш ўртоғига Ғ.га, ўғлини, отаси билан бўлган учрашувлардан сўнг тажанг бўлишини ва ҳеч нарса емасдан, ухلامасдан азоб беришини баҳоналарни рўкач қилиб, ўғли билан учрашишга йўл қўймаслигини маълум қилди. Бундан жаҳли чиққан фуқаро Ғ. унга жавобан 3 ярим ой мобайнида алимент тўламади.

– Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **76-масала**

Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қайтган Н. ўзи билан қўшниликда яшовчи 15 ёшлик А. ва 13 ёшлик В. каби ўсмирлар билан танишди. Ўсмирларнинг ота-оналари уларнинг тарбиясига бефарқлиги сабабли, уларнинг тарбияси билан фуқаро Н. шуғуллана бошлади. Уларни бошқа ўсмирлардан «ҳимоя» қилар эди. Кунларнинг бирида у ўсмирларга «ООО»нинг офисидан ўғирлик содир қилишга қизиқтирди ва уларга калит танлаб берди. Натижада, у ердан 1 дона видео иккилик, чарм кресло ва 2 дона компьютер ўғирланди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **77-масала**

Фуқаро Н. ўзининг касал бўлган ўнг томон буйрагини олиб ташлашга розилик берди.

Операция давомида у юрагининг тўхташи оқибатида ўлиб қолди.

Операция қилаётган врач М. беморнинг иккинчи соғлом буйрагини кесиб олди ва уни Англиянинг фуқароси бўлган жаноб Клейтонга бериш учун тайёрлаб қўйди.

Илгари жаноб Клейтон врачдан буйрак илтимос қилиб мурожаат қилган эди.

– мазкур ҳолат юзасидан М. ва К.ларнинг жавобгарлигини аниқланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **78-масала**

К. исмли шахс ўзининг дугонаси бўлган Ж.га бир неча мартаба квартирасининг калитини берарди. Ж. калитни нимага кераклигини айтмасда, бироқ К. уйда Ж. ўзининг таниши билан учрашишини сезарди.

Кунларнинг бирида Ж. К.дан калитни сўраб олди, сўнгра дугонаси Р.га калитни берди ва ундан К.га беришим керак деб 50 АҚШ доллари олди.

– Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **79-масала**

Ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро У ва Ф.лар онсон пул топиш мақсадида қабрларни қазиб, қабир ичида кўмилган жасадларнинг тилла тишларини ечиб олишарди. Шу усулда улар 22 та қабрни очишди ва 490 гр. тилла орттиришди.

– мазкур ҳолат юзасидан У. ва Ф.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **80-масала**

Она ва бола марказида кўзи ёриган Х.исмли аёл фарзандидан воз кечиб туғриқхонадан қочиб кетди, шу куни шу туғриқхонада кўзи ёриган Л.ни фарзанди нобуд бўлди. Л.ни ўзи ва уни турмуш ўртоғи ачинарли ахволга тушиб қолганлигини кўрган шу туғриқхонада ишловчи шифокор Д. уларга Х.исмли аёл ташлаб кетган чақалокни бериб гўёки Х.ни фарзанди нобуд бўлгандай хужжатларни расмийлаштирди. Орадан бир қанча вақт ўтгач Х.исмли аёл шу туғриқхонага келиб фарзандини қайтариб олмоқчилигини айтиб мурожат қилди. Бунинг оқибатида шифокор Д.ни сири фош бўлди.

– мазкур ҳолат юзасидан шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **81-масала**

Фуқаро П. маст ҳолда кўчада кетаётган вояга етмаган синглисини дугонаси Р.га нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этди.

– мазкур ҳолат юзасидан П.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **82-масала**

Фуқаро Д. исмли шахс кафедра нотаниш бўлган Х.исмли қиз билан танишиб қолди. Х.ни ташқи кўринишидан 20-23 ёшдагиланикига ўхшасада, бироқ у хали ўн олтига тўлмаган эди. Фуқаро Д. шу Х.исмли қиз билан унинг хоҳишига кўра бир неча маротаба жинсий алоқа қилди. Бундан хабар топган Х.нинг қариндошлари ИИБга ариза билан хабар берди.

Терговчи ушбу ҳолат юзасидан Ўз.Рес. ЖКнинг 128-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўғатиш ҳақидаги қарорни чиқарди.

– мазкур ҳолат юзасидан терговчининг чиқарган қарори тўғрими.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **83-масала**

Фуқаро Р.ни хонадонида вилоятдан келган бир нечта қизлар яшар эдилар, улар кундизи ўқишар кечқурунлари тунги капалаклар сингари фохишалик билан шуғулланишар эди. Р.ни уйида турганлари учун унга ҳақ беришар эди.

– мазкур ҳолат юзасидан Р.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **84-масала**

Фуқаро Ж. исмли шахс ўзи содир этган қасддан одам ўлдириш жинояти қурбонининг мурдасини яришиш мақсадида унинг танасини майда бўлақларга бўлган ҳолда ўрмонга олиб бориб кўмиб ташлади.

– мазкур ҳолат юзасидан Ж.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **85-масала**

Жорий йилнинг 16 август куни А. шаҳар марказий кўчаларидан бирида юрган О.ни унга уйланиш мақсадида машинага солиб ўғирлаб кетган. А. ўғирланган қиз билан аввалда таниш бўлмаган.

О.ни А. уйига олиб борган ва у ерда икки кун сақлаб ўтирган.

Уни эрга тегишга мажбурлаган, унга нисбатан зўрлик ишланган, мажбурлаб уйланган.

А., қизини олиб қочганлигини ҳақида жабрланувчининг онасига хабар берган.

– ЖКнинг шахсининг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **86-масала**

Фуқаро Тўхлининг Пастдарғом туман тиббиёт коллежи мансабдор шахслари ҳаракатидан норози бўлиб ёзган мурожаати текширилганда, ундаги важлар ўз тасдиғини топмаган.

Унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилиб, суд томонидан огоҳлантирилган.

Тўхли маъмурий жавобгарликка тортилганидан тегишли хулоса чиқармаган ҳамда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганликда айблаб, тўхмат қилиш, шикоят қилишни ўзига касб қилиб олган.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **87-масала**

Сирдарё вилояти Оқолтин тумани Фарғона шаҳарчасида истиқомат қилувчи фуқаро Ўзбекистондан Россияга ишчи олиб келиб ишлатиш режасини тузиб, икки танишини Россиянинг Оренбург шаҳрига чақириб олади.

Сирдарёлик шахс танишларига колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи цехда ишлашлари, ҳар ойда 500 АҚШ доллари миқдорида иш ҳақи олишлари ҳамда яшаш жойи билан иш берувчи таъминлашини айтади.

Бунга ишонган икки фуқаро 2012 йилнинг 31 май куни йўлга чиқиб, 2012 йил 2 июнь куни Оренбург шаҳрига етиб боради.

Бироқ одамфуруш ҳамюртларини ўзига тегишли қурилиш жамоасида ишлашга мажбур қилади.

Жабрдийдалар эрталаб соат 8:00 дан тунги соат 23:00 га қадар ишласа-да, 2012 йилнинг октябрь ойига қадар ойлик иш ҳақларини ололмай, уйларига қайтишга мажбур бўлади.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **88-масала**

Тошкент шаҳри Чилонзор туманида яшовчи С.Р. ва Н.Ю. одам савдосида айбланиб ҳибсга олинди.

Жиноятчилар мунтазам равишда қизларни араб давлатларига етказиб бериш орқасидан пул топган. Улар барчага «тоза» иш – бадавлат эркакларга зиёфат ва бошқа кўнгилочар тадбирларда ҳамроҳлик қилишни ваъда қилган.

Улар уч нафар ёш қиз – Н., Е. ва Р.ни у ерга жўнатишга тайёрлаган. Уларни манзилга етиб боргач, виза, авиачипта ва яшаш учун пул тўлашлари ҳақида огоҳлантирган. Булар учун талаб этиладиган 27 минг дирҳам (тахминан 7500 доллар)ни қизлар бир ой ичида тўлаб, сўнг фойдани ўзларига олиб қолиши мумкин бўлган. Фақат белгиланган фоизни хўжайинларга тўлаб

туришлари керак бўлган. Мана шундай ғалати шартларга ҳам қизлар рози бўлган.

Манзилга учиб боргач, меҳмонхонага жойлаштириш баҳонасида уларнинг паспортларини олиб қўйишган. Меҳмонхона ўрнига уларни ишратхонага келтириб, ишнинг асл мағзини тушунтириб беришган.

Орадан бироз вақт ўтиб, бахтли тасодиф туфайли қизлар Тошкентга қочиб келишга муваффақ бўлади. Улар бу ерда зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилади. Кўп ўтмай С.Р. ва Н.Ю. қўлга олинади. Айки пайтда тергов ишлари яқунланиб, иш судга топширилган.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

### **89-масала**

Бектемир туманида истиқомат қилувчи Нилуфар танишув сайтида Қозоғистонда қизлар учун иш борлиги ҳақида эълон берди.

У қизларга Қозоғистонда энагалик ёки официантлик каби ишлар билан таъминлаш ҳақида ваъдалар берди. 20-ёшли Галина ва 23-ёшли Барно бу таклифга қизиқиб қолишди.

Жиноят қидирув бўлими ходимларининг сўзларига кўра, уларда Н. исмли аёлнинг энагалик касбини топиб бериш ниқоби остида Туркия ва араб давлатларига “жонли товар” етказиб бериши ҳақида маълумот бўлган. Бироқ сўнги вақтларда одам савдогари “товар” етказиб беришни Қозоғистонга ўзгартирган.

Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Н. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Г. ва Б. исмли қизларни ўзбек-қозоқ чегара пости орқали Қозоғистонга олиб ўтаётган вақтда қўлга олинган.

Шунга ўхшаш йўл билан пойтахтда яшовчи 25-ёшли Ж.Д. ҳам жиноий иш билан шуғулланган.

У ҳам танишув сайтлари орқали Қозоғистонга фоҳишалик учун етказиб бериш мақсадида қизларни излаган. Жиноятчи ҳозирда қўлга олинган. ИИВнинг “Постда” газетасида ёзилишича иккала аёлга нисбатан жиноий иш кўзгатирилган, тергов ишлари давом этмоқда.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

### **90-масала**

Ўзбекистоннинг уч нафар фуқароси Чимкентдаги жинсий қулликдан озод этилди. Бу ҳақда, Total.kz’нинг ёзишича, «Сана Сезим» аёллар ташаббуслари ҳуқуқ маркази томонидан ташкил этилган семинар давомида маълум қилинди.

Маълум бўлишича, Ўзбекистон фуқаролари ҳисобланган аёллар, уларга катта даромадли иш таклиф қилингани учун, Жанубий Қозоғистон вилоятига келишган.

Чимкентга келишганидан сўнг аёллардан ҳужжатларини олиб қўйиб, уларни тижорий фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбур қилишган. Ўзбекистонлик аёлларни икки ойга яқин вақт давомида тутқунликда сақлаб туришган.

«Сана Сезим» раҳбари Х.А.нинг сўзларига кўра, жинсий қуллик жабрланувчилари марказнинг ишонч телефонларига қўнғироқ қилишга муваффақ бўлишган.

Марказ ходимлари уюшган жиноятчиликка қарши бошқарма билан ҳамкорликда қизларни асирликдан қутқаришга муваффақ бўлган. Ҳозирги вақтда ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

### **91-масала**

Россия Ўзбекистонга одам савдоси билан шуғулланувчи Ўзбекистон фуқароси У.Ф.ни топширди. Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан Ф.га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси «г» банди бўйича (уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш) қидирув эълон қилинган.

Маълум бўлишича, 2012 йилда у ўзига ҳамюрт бўлган икки ёш қизни официантлик билан шуғулланиб катта пул топиш ваъдаси билан Таиланд Қироллигининг Паттайя шаҳрига келтирган ва уларга жисмоний зўравонлик ўтказиб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилган.

2013 йил ноябрида давлатлараро қидирувда бўлган Ф. Россия ИИВ шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинган ва 2014 йил баҳорида Ўзбекистонга топширилган. У 8 йилдан 12 йилгача қамоқ жазосига маҳкум этилиши мумкин.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **92-масала**

Жиззахлик Ф.Б. никоҳсиз дунёга келтирган болани сирдарёлик опасингил Н.А. ва Н.Ҳ.сотмоқчи бўлди.

Улар Дўстлик тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлим мудири Т.Х.дан 400 АҚШ доллари эвазига Ф.Б. қолдириб кетган чақалоқни ҳеч

қандай ҳужжатларсиз сотиб олишади. Чақалоққа чирчиқлик И.Т. ва Ж.Т. харидор эди.

Бироқ улар фикридан қайтиб, Миллий хавфсизлик хизматиға мурожаат этишди ва болафурушлар 10 миллион сўм эвазига чақалоқ сотмоқчи эканлигини билдиришди.

Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорлигидаги тезкор тадбирда опа-сингиллар чақалоқни мўмай пулга сотаётганида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди Чирчиқ шаҳар суди биносидан ўтказган мажлисида ушбу жиноий ишни атрофлича кўриб чиқди. Судланувчиларга қилмишларига яраша маълум муддатдан қамоқ жазоси тайинланди.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматиға қарши жиноятларға доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатға ҳуқуқий баҳо беринг?

### **93-масала**

Россия Тергов қўмитаси Санкт-Петербург шаҳрида ўзбекистонлик она-бола янги туғилган чақалоқни сотишға уринганини маълум қилди.

Ўзбекистонлик 24 ёшли аёл 18 февраль куни Санкт-Петербургдаги туғруқхоналардан бирида ўғил фарзандни дунёға келтирган, бироқ 50 ёшли онаси билан келишган ҳолда чақалоқни сотишға қарор қилган. 21 февраль куни шаҳарнинг Оржоникидзе кўчасида буви ўз неварасини 80 минг рубльға сотишға уринган маҳал қўлга олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан Россия Жиноят кодексининг “одам савдоси” моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилган.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматиға қарши жиноятларға доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатға ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **94-масала**

Ромитанлик С.Р. тумандошлари Ҳ.О. ва Ш. А. Россияға олиб бориб ишлатиб, ҳақини бермаган.

Ҳ.О. ва Ш.А. Москва, Воскресенск, Подольск шаҳарлари яқинларида қурилиш объектларида ишлашади. Аммо С.Р. томонидан ваъда қилинган пул – 600-700 доллардан дарак бўлмайди. С. бажарилган иш учун буюртмачидан тегишли ҳақни олган бўлса-да, турли баҳоналар билан тумандошларини алдаб юраверади.

Ҳатто уларнинг иш бошлашларидан олдин олиб қўйган паспортларини россиялик ҳамтовоғи В. исмли кишиға топширади. В. иккала мусофирни уйида ҳам ишлашға мажбур қилади.



Йигитлар бир амаллаб юртга қайтгач, вилоят ички ишлар бошқармасига муурожаат қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига (Одам савдоси) биноан С.Р. устидан жиноий иш қўзғатилди. Қидирув эълон қилинган С.Р. Свердловск вилоятида қўлга олинди, Ўзбекистонга келтирилди. Бухоро вилояти прокурори халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчиси Ҳ.Ф.нинг «Бухоронома» газетасига маълум қилишича, С.Р. суд ҳукмига биноан муайян муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **95-масала**

Қашқадарё вилояти ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан «YOQUT SHIFO DAVO» хусусий клиникасининг гинекологи М.Р. янги туғилган чақалоқни 1000 АҚШ долларига сотаётган маҳал қўлга олинди.

Ўзбекистон Бош прокуратурасининг маълум қилишича, мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 135-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

### **96-масала**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди қарорига биноан Жанубий Кореяда ишлашни таклиф қилган фирибгарлар гуруҳи қамалди.

Фирибгарлар 15 кишини алдаб, уларнинг ҳар биридан 6 минг АҚШ долларидан олган. Гуруҳга етакчилик қилган Г.В. уларга Жанубий Кореяга боришларини тезлаштириб беришга ваъда қилган.

Суд қарорига кўра, Г.В. ва Б.О. – 7, Ғ.С. ва Р.А – 6,6, Б.И. – 5,6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **97-масала**

Тошкент шаҳар Сергели туман жиноят ишлари бўйича суди қизларни Малайзияга фоҳишалик билан шуғулланиш учун жўнатган Л.Хни 8 йил 6 ойга, М.Т., Л.И. ва М.А. 8 йилдан озодликдан маҳрум этди.

Л.Х. бир неча йил давомида қизларни фоҳишалик қилишлари учун Малайзияга жўнатиб турган ва ҳар бири учун камида 100 доллар олган.

Алданган қизлардан бири ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилганидан кейин жиноий гуруҳ қўлга тушган. М.Т.ва Л. И. Л.Х.га ёрдам беришдан ташқари қизларни Хитойга ҳам жўнатиб тургани маълум бўлди.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **98-масала**

Одам савдосида айбланиб қўлга олинган Ўзбекистон фуқароси З. Р. шу йилнинг ноябрида Россиядан ватанига экстрадиция қилинди.

Москва вилояти прокуратураси матбуот хизматининг 6 декабрь куни маълум қилишича, З.Р. 2012 йил мартдан бери Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ жиноятларда гумонланиб қидирилаётган эди. Маълумотларга кўра, З.Р. 2010-2011 йиллари ўз юртдошларини алдаб, Россиядаги қурилишларда катта маош ваъда қилган. Таклифга рози бўлганларни Россияга олиб келиб, уларга жисмоний ва рухий тазйиқ ўтказган, ҳужжатларини олиб қўйиб, ишлашга мажбурлаган.

Халқаро қидирувда бўлган З.Р. шу йилнинг июлида Москва вилояти Орехово-Зуево тумани полицияси томонидан қўлга олинди. З.Р. ишини прокуратура кўриб чиққач, уни Ўзбекистонга экстрадиция қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **99-масала**

Тошкент шаҳар Сергели туман суди ўзбекистонлик қизларни алдов йўли билан Малайзияга жўнатган тўрт аёлни одам савдосида айблаб, узоқ йиллик камоқ жазосига ҳукм этди.

Судланган аёллар 23 ёшгача бўлган қизларни чиройли турмуш ҳақидаги уйдирмалар билан алдаб, Малайзияга боришга кўндирган ва уларнинг барча харажатларини кўтарган ҳолда Куала-Лумпурга учириб юборишган.

Малайзияга келган бу қизларни Пинанг ороли бандаргоҳидаги хусусий исловотхонага олиб келишиб, паспортларини олиб қўйишган ҳамда уларга берилган йўлқира ва бошқа харажатларни қоплаш учун фоҳишалик билан

шуғулланишга мажбурлашган. Бу ишдан бош тортган қизларни эса кўрқитишган.

Тил билмаган ва ёнида ҳужжати бўлмаган қизлар исловоthонадан қочиш ёки маҳаллий расмийларга мурожаат қилишга муваффақ бўлолмаганлар.

Қўшмачилар айтган пулни ишлаб топиб берган қизлар кейинчалик уйга қўйиб юборилган. Улар Ўзбекистонга қайтгач, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилганлар.

Суд пайтида малайзиялик қўшмачиларнинг Ўзбекистондаги шериклари ҳар бир қиз учун 200 доллардан 500 долларгача пул олгани маълум бўлган. Пировардида одам савдосида гумонланмиш Р., Л., Ф. ва Д. исмли аёллар Ўзбекистон Жиноят кодексининг 135-моддаси билан айбланиб, саккиз йилдан озодликдан маҳрум қилинганлар.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **100-масала**

Тошкентда фуқаро М.Т. одамфурушлик қилгани, қалбаки паспорт тайёрлатгани учун 8,6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

“Адолат кўзгуси” газетаси Мирзо Улуғбек тумани прокурори ёрдамчиси К.А.га таяниб билдиришича, М.Т. бир неча ўзбекистонлик аёлларни мўмай даромадли иш топиб бериш ваъдаси билан Туркияга сотиб юборган, уларни фоҳишалikka мажбурлаган.

Туркияга юборилаётган аёлларга жинойий гуруҳнинг бошқа шериклари ёрдамида Қирғизистон Республикасидан сохта паспорт олиб берилган. Маълум қилинишича, ушбу жинойий гуруҳнинг бошқа фаол аъзоларига нисбатан жиноят иши алоҳида юритувда олиб борилмоқда.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **101-масала**

Қашқадарё вилояти Қарши туманида истиқомат қилувчи аёл ўз фарзандини сотгани учун қамоққа олинди.

З.А. (исм-шарифлар газета томонидан ўзгартирилган) 2012 йил декабрь ойининг сўнгида Қарши шаҳар туғруқ мажмуасида ўғил фарзандни дунёга келтиради. Замира шифокорларга ҳеч қаерда ишламаслиги, турмуш ўртоғи хорижга кетиб узоқ вақтдан буён пул жўнатмайотгани, бошқа боласи ҳам борлигини айтиб, чақалоқдан воз кечмоқчилигини маълум қилади.

Бу гап шифокорлар орасида тарқалиб кетади ва асаб касалликлари шифохонасида ишловчи А.А.га етиб боради. А.А. эса бу хабарни қарийб 21 йилдан буён фарзандсиз бўлган ҳамқишлоғи И.Т.га етказди. Янгиликдан қувонган Т. янгиси Э.Р. билан Қаршига келади ва шифокор гувоҳлигида З. А.дан болани олиш ҳақида келишиб олади.

Шундан сўнг Р. Қарши тумани ФНДЁ бўлимига бориб, 2012 йил 27 декабрда туғилган чақалоққа гувоҳнома ёздириб олади. Шифохонадан чиққан куни А. Т.дан 800 минг сўм олиб, фарзандини бериб юборади.

Аммо З. эртаси куниёқ А.га қўнғироқ қилиб, фикридан қайтганини ва болани қайтариб олишини айтади. Орадан бир соатлар ўтиб, гўдак керакмаслигини, чет элга кетмоқчилигини билдиради ва чақалоқни янги ота-онасига расмийлаштириб бериш учун 500 минг сўм талаб қилади. Т. З. «Менга бола керак эмас» мазмунида тилхат ёздириб олади ва аёлга 300 минг сўм беради.

Бироқ А. ўз ва'дасида турмайди ва Т. боласини қайтариб бермайотгани ҳақида вилоят ИИБга арз қилади.

Ушбу вазият юзасидан суриштирув олиб борилганда гўдак тўрт кишининг ўзаро келишувига кўра сотилгани маълум бўлди ва бу шахслар одам савдосига қўл урганликда айбланиб, қўлга олинди. Норасида гўдак эса меҳрибонлик уйига топширилди.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **102-масала**

Россия Федерациясининг Волгоград вилояти бўйича тергов кўмитаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси Д.М.га нисбатан ҳукм чиқарди.

2014 йил январида оғир оилавий вазият ва ўз қариндошларидан ҳомиладорлигини яшириш зарурияти туфайли, аёл боласини дунёга келиши билан бегоналарга сотиб юборишга қарор қилади.

Март ойида ўғли туғилгач, ўз танишлари орқали харидор қидира бошлайди.

Бир ярим ойдан сўнг полициянинг тезкор ходимлари харидор сифатида келиб, чақалоқни «сотиб олади».

Фарзандини 35 минг рублга пуллаганидан икки ой ўтиб, М.ва хибсга олинди. Суд аёлни уч йилга озодликдан маҳрум қилди.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **103-масала**

Самарқан вилояти Ургут туманидаги “Афросиёб” корхонасининг иш вақти соат 09:00дан 17:00гача белгиланганлига қарамасдан, корхона раҳбари В. қўл остидаги тожик миллатига мансуб ишчиларига иш вақтининг белгиланган вақтидан кеч келиб эрта кетишларига индамасди ва уларга шундай шароитлар яратиб берарди.

Лекин корхонадаги бошқа миллатга мансуб ишчиларни доим иш келиш-кетиш вақтларини таъқиб қиларди ва иш вақтлари тугагандан кейин ҳам 1 соатдан ошиқ вақт ушлаб қолиб ишлатарди.

– Айбдорнинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **104-масала**

Тошкент шаҳар Миробод тумани “Хонабод” маҳалласи Интизор кўчаси 20 уй эгаси Р. якшанба куни 15 ёшлик қизи Л. ва 17 ёшлик ўғли Н.ларни уйда қолдириб, уй рўзғори учун “Миробод” деҳқон бозорига бориб сабзаватлар олиб келиш учун кетди.

Р. бозор кетган вақтида Миробод тумани Ёнғин хавфсизлик хизмати инспектори Б. ва “Сувсоз” корхонасининг ходими Г.лар келиб уйни текширмоқчи бўлиб, уй эшигини очишни талаб қилишади.

Лекин Р.нинг 15 ёшлик қизи Л. ва 17 ёшлик ўғли Н.лар онаси бозордан келмагунча очмаслигини айтишига қарамасдан, уйнинг кўча томондан жойлашган деразасининг ойнасини синдириб киради ва уйнинг ёнғин хавфсизлик ҳолати ва иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичини текшириб чиқиб кетишди.

– Айбдорларнинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **105-масала**

“Хумо” қандолатчилик корхонаси томонидан фуқароларни ишга қабул қилиш бўйича берилган эълон асосида фуқаро М. ариза билан мурожаат қилади ва ишга қабул қилиш бўйича ҳужжатларини расмийлаштираётганида корхона директори унинг бир ойлик ҳамиладорлигидан хабардор бўлиб қолди. Шундан сўнг уни ҳомиладорлигини ва туғриқдан кейин яна икки йилгача бола парвариши билан шуғулланишини баҳона қилиб, ишга қабул қилишни рад этди.

– Айбдорнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **106-масала**

“Фирдавс” жомеъ масжидининг имомхатибининг ёрдамчиси А. ўзининг икки йил давомида ўзининг яшаш маҳалласида вояга етмаган ёш болаларни тарбияси бузилиб кетаётганлиги ва уларга ислом динини чуқурроқ ўргатиш мақсадида диний мазмундаги сабоқлар бера бошлади. Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари бунга норозилик билдиришига қарамасдан, уларга “Сизлар ёш болаларни тарбиясига бефарқсизлар, иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга қаршилиқ кўрсатаяпсизлар ва уларни ўзлигини англашга йўл қўймайпсизлар” деган сўзлар билан ота-оналарини қойиб қаршилиқ кўрсатарди.

– А. ва вояга етмаган болаларнинг ота-оналарининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **107-масала**

“Адолат” таҳририятининг муҳбири Ш. “Ижтимоий фикр” журналида туман ҳокимининг ўз вазифаси ва халқ олдидаги мажбуриятларини бажармаётганлиги, доим халқнинг ишончини суийсътмол қилиб келаётганлигини акс эттирувчи “Мансаб – бу маъсулият демакдир” номли мақоласини чоп эттирди.

Орадан ўн кун ўтгандан кейин туман ҳокими бу мақолани ўқиб, Ш.ни чақиртириб оила аъзоларининг билан сени “қуритиб юбораман”, “энди сени руҳий касаллар шифохонасига жойлаштириб қўяман” – деб таҳдид қилди. Шундан сўнг “Адолат” таҳририятининг директорини чақиртириб муҳбир Ш.нинг “хато-камчиликлари”ни топиб ишдан бўшатишини тайинлади.Орадан икки ой ўтгандан кейин таҳририят директори сунъий равишда Ш.ни ўз-ўзидан таҳририят ходимлари билан жанжал чиқариб уришаётганлиги, ўзини номуносиб тутаётганлиги ва ша каби ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб, ишдан бўшатди.

– Айбдорнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **108-масала**

Илмий тадқиқотчи Т. докторлик иши бўйича илмий раҳбар хулосасини олиши учун илмий раҳбари Э.га тақдим этади, лекин Э. докторлик иши учун илмий хулоса бериш эвазига, докторлик иши бўйича чоп эттириш учун тайёрланган ўқув қўлланмасига ўзининг муаллифлигини қўшишни талаб

қилади ва муаллифлигини қўшмаса, илмий хулоса бермаслигини маълум қилди.

– Э.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **109-масала**

Олмазор тумани Тергов бўлими терговчиси И. “Терговчининг ҳуқуқий мақоми” номли ўқув қўлланмасига тақриз олиш учун Ўзбекистон Миллий университети “Жиноят процесси” кафедраси бошлиғи Д.га тақдим этади.

Ўзбекистон Миллий университети “Жиноят процесси” кафедраси бошлиғи Д. тақдим этилган ўқув қўлланмага тақриз беришни атайлаб вақтини кечиктириб юради ва мазкур ўқув қўлланмани ўз номдан “Шарк нашриёти”да нашрдан чоп этади.

– Айбдорнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **110-масала**

С. ҳамшаҳарлари Ҳ. ва А.ларни чет давлатга олиб бориб ишлатиб, ҳақини бермаган. Маълум бўлишича, Ҳ. ва А.лар чет давлатда олти ой давомида қурилиш объектларида ишлашади.

Аmmo С. томонидан ваъда қилинган пулдан дарак бўлмайди. С. бажарилган иш учун буюртмачидан тегишли ҳақни олган бўлса-да, турли баҳоналар билан ҳамшаҳарларини алдаб юраверган.

Ҳатто уларнинг иш бошлашларидан олдин олиб қўйган паспортларини ҳамтовоғи В.га топширади. В. эса Ҳ. ва А.ларни уйида ҳам ишлашга мажбур қилади.

Ҳ. ва А.лар бир амаллаб юртга қайтгач, шаҳар ички ишлар бошқармасига мурожаат қилишди.

– ЖКнинг шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга доир нормаларининг таҳлили асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **111-масала**

Р. 15 ёшлик қизи Л. ва 13 ёшлик ўғли Н.лар билан бирга яшар эди. Р. уйда йўқлигида ёнғин хавфсизлиги хизмати инспекторлари Б. ва В.лар уйдаги ёнғин хавфсизлиги ҳолатини текширмоқчи бўлиб, вояга етмаган Л. ва Н.лардан уй эшигини очишни талаб қилишади. Лекин Л. ва Н.лар онаси Р. Н. келмагунча очмасликларини айтишларига қарамасдан, Б. ва В.лар кун якунида қилинган ишлар бўйича ҳисобот беришлари лозимлиги, бўлмаса,

раҳбарлари томонидан интизомий жазо қўлланилиши мумкинлигидан кўрқиб, уйнинг кўча томондан жойлашган деразаси ойнасини синдириб ичкарига киришади ва уйнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини текшириб чиқиб кетишади. Бундан хабар топган Р. туман прокуратурасига Б. ва В.ларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, ариза билан мурожаат қилади.

– Б. ва В.ларнинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

### **112-масала**

Фуқаро П. ўзининг қўшниси 17 ёшли Э.нинг руҳий касаллигидан фойдаланиб, у билан жинсий алоқада бўлган ва уларни доимий равишда видеолавҳага тушуриб келган. Ушбу тайёрланган маҳсулотларни бозорда ўзи сотаётган вақтда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинган.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро П.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **113-масала**

Фуқаро А. қушни хонадонда яшовчи Р.га келган буюртма хатни олиб, очади ва унинг мазмуни билан танишмоқчи бўлади.

Бироқ, хат чет тилида ёзилганлиги сабабли, уни ўқишга имкони бўлмайди.

– фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **114-масала**

Фуқаро Э. кўчада кетаётганда номалум шахсга тегишли хатни топиб олади ва унинг мазмуни билан танишади. Буни кўриб қолган таниши В. бу ҳақда ички ишлар идораларига хабар қилади.

– фуқаро Э.нинг ҳаракатида ЖК 143-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби борми?

– Жиноят кодекси 143-моддасининг биринчи қисми бўйича шахсни жиноий жавобгарликка тортиш шартини кўрсатинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **115-масала**

Давлат корхонаси директори У. фуқаро З. томондан иш бўйича қонунда белгиланган талаб ва мезонларга мувофиқ келувчи ўзининг ишбилармон сифатлари намоён этиганига қарамасдан, унинг ёш болани парвариш қилаётганлигини билиб қолди ва уни ишга олишдан бош тортди.

– айбдор У.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;



– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **116-масала**

Фуқаро З. Ж.дан 1000 АҚШ долларини қарзга олиб, 10 кундан сўнг қайтариб беришни ваъда қилди.

Бироқ, ваъда қилинган муддат ўтгандан сўнг ҳам З. пулни қайтармади ва Ж.дан турли баҳоналар билан қочиб юрди. Ж. З.ни ўлдираман деб қўрқитди.

Орадан бир ой ўтгач, бир неча огоҳлантиришлардан сўнг Жасуров З.ни ўлдирди.

Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, З. кечқурун ўз уйининг ёнида танасининг турли қисмларига пичоқ билан етказилган 19 та тан жароҳатлари натижасида ўлган.

- фуқаро Ж.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **117-масала**

Фуқаро Б. ва Э.лар никоҳдан ўтиш учун ариза беришди. Рўйхатдан ўтиш учун зарур бўлган муддатнинг ўтишини кутмасдан Б. Э.нинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, у билан жинсий алоқа қилди.

Кейинчалик эса Б. Э.нинг касаллигини баҳона қилиб унга уйланишни ва қонуний никоҳдан ўтишни рад этди.

Никоҳдан ўтишни бир неча маротаба илтимос қилиб ва бўлиб ўтган воқеадан саросимага тушган Э.ва ўз жонига қасд қилди.

- фуқаро Б.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **118-масала**

Бокс бўйича машқларнинг бирида Қ. Г.нинг қорин қисмига зарба берди.

Г.га етказилган оғир шикаст - нозик ичак пайларининг бир неча жойидан йиртилиши, қорин бўшлиғининг яллиғланишига, яъни перитонит касаллигига олиб келди ва бунинг натижасида у касалхонада ўлди.

- фуқаро Қ.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **119-масала**

13 ёшлик К. ота-оналарининг спиртли ичимликларни истеъмол қилаётганликларини кўриб, кўчага сайр қилишга чиқиб кетди.

У уйига қайтиб келганида ота-оналари ўртасида жанжал чиқиб, отаси онасини дўппослаётган эди.

Онаси ўғлини кўриб ундан ёрдам сўради.

Вояга етмаган К. отасининг ёнига келиб унинг бошига болға билан урди. Етказилган шикаст оқибатида К.нинг отаси ўлди.

- Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларига юридик баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **120-масала**

Фуқаро О. таниши С..нинг бурнига мушт билан урди ва бунинг натижасида бурун суякларини очик ҳолдаги синишига сабаб бўлди.

Пластик жарроҳлик операцияси натижасида, мушт билан уриш сабабли келиб чиққан 2,5 см ҳажмдаги чандиқ ва бурнидаги букрлик йўқолди.

- фуқаро О.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **121-масала**

Фуқаро Ғ. ва Я.валар никоҳини суд тартибида бекор қилдилар ва уларнинг ўғли Жамшид онаси билан қолди.

Бироқ, Я.ва Ғ.га, ўғлини, отаси билан бўлган учрашувларидан сўнг тажанг бўлишини ва ҳеч нарса емасдан, ухламасдан азоб беришини баҳона қилиб, ўғли билан учрашишга йўл қўймаслигини айтди.

Бундан жаҳли чиққан Ғ. унга жавобан 3 ярим ой мобайнида алимент тўламади.

- Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

### **122-масала**

Фуқаро Н. буйрагини олиб ташлашга розилик берди. Операция давомида у юрагининг тўхташи оқибатида ўлиб қолди.

Операция қилаётган врач М. беморнинг иккинчи соғлом буйрагини кесиб олди ва уни Англиянинг фуқароси бўлган жаноб К.га бериш учун тайёрлаб қўйди.

Илгари жаноб К. врачдан буйрак илтимос қилиб мурожаат қилган эди.

- врач М. ва жаноб К.ларнинг жавобгарлигини аниқланг.

### **123-масала**

Фуқаро Х.ва ўлик бола туғди, бироқ врачлар ортиқча шовқин кўтармаслик учун бу ҳақда Х.га билдиришмади.

Касалхонадаги врач Л. ўлик чақалоқни шу вақтда туғилган ва онаси томонидан рад қилинган чақалоққа алмаштириб қўйишга қарор қилди.

- врачларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **124-масала**

Фуқаро П. ва Е.лар анчадан бери учрашиб юрардилар. Бироқ Е. П.нг олдин уйланганлиги ва ўғлига алимент тўлашини рўқач қилиб унга турмушга чиқишни рад қилди.

Кунларнинг бирида П. Е.ни дам олиш учун ўз уйига таклиф қилди. Кечқурунги овқатдан сўнг П. Е.га унга турмушга чиқишга розилик бермаса уйдан қўйиб юбормаслигини айтди. Е. розилик бермади.

Шунда П. Е.ни 2 сутка давомида ушлаб турди ва унга ўзи овқат тайёрлар еди.

- фуқаро П.нинг жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **125-масала**

Фуқаро К. ўзининг дугонаси бўлган Ж.га бир неча маротаба квартирасининг калитини берарди.

Ж. калитни нимага кераклигини айтмасада, бироқ К.ва уйида Ж.ва ўзининг таниши билан учрашишини сезарди.

Кунларнинг бирида Ж.ва калитни сўраб олди ва уй эгаси К.га беришим керак деб 10 АҚШ доллари эвазига дугонаси Р.га берди.

- юқоридаги шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **126-масала**

Фуқаро У. ва Ф.лар қабрларни қазиб олиб улардаги жасадларнинг тилла тишларини ечиб олишарди.

Шу усулда улар 22 та қабрни очишди ва 490 гр. тилла орттиришди.

- фуқаро У. ва Ф.ларнинг ҳаракатлари қандай квалификация қилинади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **127-масала**

Фуқаро П. турмуш ўртоғи билан боғда сайр қилаётганида, маст ҳолатда бўлган икки нафар йигит П.нинг турмуш ўртоғини ҳақоратлади ва тегажоғлиқ қила бошладилар.

П. кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида турмуш ўртоғини химоя қилиб, тажовузчи бир нафар йигитга оғир тан жароҳатини етказди.

– айбдор П.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

## 128-масала

Тиббиёт ходими Ю. ўзининг мансаб ваколатига тегишли бўлмаган, бироқ ўз касби юзасидан вазифаларни лозим даражада бажармаган. Жумладан, у беморга нотўғри ташхис қўйган. Нотўғри даволаш натижасида беморнинг баданига ўртача оғир шикаст етказилди.

– айбдор Ю.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Раҳбарий адабиётлар

1. Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

4. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018

5. Ш.М. Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.

6. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дустона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 524 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2018 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 288 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: (2018 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 200 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2017 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2017. – 560 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда кондирришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бирлашган тахририяти, 2010. – 32 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 2008 йил 7 январь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – № 1–2. – 1-м.; 2009. – №52. – 554-м.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрель қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008. – №16. – 118-м.

### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Maxsus qism: Darslik / R. Kabulov, A. Otajonov va boshq. Mas'ul muharrir Sh.T. Ikramov. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 824 b.
2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 260 b.
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. Т. 3: Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ILM ZIYO,

2011. – 312 б.

4. Отажонов А.А. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 294 б.

5. Абдурасулова Қ.Р. Давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ҳақида айрим мулоҳазалар // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари (Илмий амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДЮИ, 2010. – 43–47-б.

6. Отажонов А.А. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2012. – № 4. – 66–70-б.

## II-БЎЛИМ. ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### Топширик:

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси.
- «Ёлланма жиноятчиларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиявий таъминлаш ва ўқитишга қарши кураш тўғрисида Халқаро Конвенция» (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 26 декабрдаги 555-I-сон «Ёлланма жиноятчиларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиявий таъминлаш ва ўқитишга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги қарорига асосан қўшилган).
- Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 1, 10-моддалари,
- Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сон Қонуни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси»нинг 5-банди тўққизинчи хатбошиси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасининг биринчи қисми;
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 184<sup>3</sup>-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 сентябрдаги ПФ-2712-сон «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида» Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги 275-сон қарори билан тасдиқланган «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом»нинг 7-банди учинчи хатбошиси;
- «Халқаро қуролли низолар қурбонларини ҳимоя қилишга оид 1949 йил 12 августдаги Женева конвенциясига қўшимча протокол»;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946-XII-сон «Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси ҳамда Халқаро ва халқаро характерга эга бўлмаган қуролли низолар қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциясига Қўшимча протоколга қўшилиш ҳақида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августдаги 835-І-сон «Геноцид жиноятининг олдини олиш ва бундай жиноят учун жазо тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 10-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом»нинг 18-банди.

– Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майдаги 849-ХІІ-сон «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тўғрисида»ги қарори 2-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 5.4-банди 5.4.3-кичик бандининг бешинчи хатбошиси.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;

#### **Муаммоли саволлар:**

1. Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятларнинг объектини қандай муносабатлар ташкил этади?

2. Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар объектив томонининг қайси белгиси билан ухшашдир?

3. Субъектив томоннинг айб белгисига кўра, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар нима билан характерланади?

4. Урушни тарғиб қилиш қандай ҳаракатларни ўз ичига қамраб олади?

5. Урушни тарғиб қилишни агрессияга далолатчилик (ЖК 151-м.) қилишдан нима билан фарқланади?

6. Агрессия (ЖК 151-м.) жинояти қачондан тугалланган деб топилади?

7. Урушнинг қонун ва удумларини бузиш (ЖК 152-м.) объектив томондан қандай ҳаракатларда намоён бўлади?

8. Урушнинг қонун ва удумларини бузиш (ЖК 152-м.) жиноятини квалификация қилишга мотив ва мақсаднинг таъсири борми?

9. Геноцид (ЖК 153-м.) жиноятининг мотив ва мақсадларини ёритиб беринг.

9. Геноцид (ЖК 153-м.) жиноятининг фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қасд қилувчи жиноятлардан нима билан фарқланади?

10. ЖК 154-моддасида назарда тутилган «Ёлланувчи» тушунчасини ёритган Женева конвенциясига қўшимча протоколни аниқланг ва таърифланг.



11. Чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш (ЖК 154<sup>1</sup>-м.) жинояти субъекти хусусиятларини ёритинг.

12. Терроризмнинг бевосита ва қўшимча объектларини аниқланг.

13. Терроризм (ЖК 155-м.) жинояти объектив томондан қайси ижтимоий хавфли ҳаракатларда ифода бўлади?

14. Терроризм (ЖК 155-м.) жинояти бўйича куч ва зўрлик ишлатиш деганда нима тушунилади?

15. Террорчилик ҳаракатларини содир этиш таҳдиди оғзаки, ёзма, бевосита ёки турли алоқа воситалари орқали маълум қилиниши мумкинми?

16. Террорчилик ташкилотларининг мавжуд бўлиши, фаолият юритиши, молиявий қўллаб-қувватланишини таъминлашга йўналтирилган фаолият деганда нима тушунилади?

17. Террорчилик ҳаракатини тайёрлашда иштирок этган шахс, қайси ҳолатда жиноий жавобгарликдан озод этилади?

18. Жиноят кодекси 155<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган “Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик” жинояти узокқа чўзилган жиноят ҳисобланганлиги сабабли қачон тугалланган деб ҳисобланади?

19. Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш (ЖК 155<sup>2</sup>-м.) жиноятнинг объектив томони қайси ҳаракатларда ифодаланади?

20. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатиш (ЖК 156-м.) жиноятини мансабдор шахс томондан содир этилишида квалификация қилиш хусусиятларини ёритинг.

21. Давлатга хоинлик қилиш (ЖК 157-м.) жинояти субъектининг хусусиятини ёритинг.

22. Давлатга хоинлик қилиш (ЖК 157-м.) жинояти объектив белгисини ташкил этувчи жиноий оқибат турларини санаб утинг.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (ЖК 158-м.) жиноятининг бевосита объектларини қайси муносабатлар ташкил этади?

23. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш жиноятининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят қачон тугалланган ҳисобланади?

24. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (ЖК 158-м.) жиноятининг субъектив томонини ёритинг.

25. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш (ЖК 159-м.) жиноятининг бевосита объектини ташкил этувчи конституцион тузум деганда нима тушунилади?

26. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш (ЖК 159-м.) жинояти қандай ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин?

27. Жосуслик (ЖК 160-м.) жинояти предметини нималар ташкил этади?

28. Жосуслик (ЖК 160-м.) жиноятини содир этган шахс, қайси ҳолатда жиноий жавобгарликдан озод этилади?

29. Қўпоровчилик (ЖК 161-м.) жиноятининг объектив томонини ёритиб беринг. Қайси ҳолатда

30. Қайси ҳолатда қўпоровчилик (ЖК 161-м.) жинояти ЖКнинг 157-моддаси (Давлатга хоинлик қилиш) билан бирга квалификация қилинади?

31. ЖК 162-моддасида назарда тутилган жинояти предмети ташкил этувчи давлат сирларига нималар киради?

32. Давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш (ЖК 163-м.) жиноятининг субъектив томонини ёритинг.

33. Давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш (ЖК 163-м.) жинояти бўйича оғир оқибатлар сифатида нималар тан олинishi лозим?

### **1-масала**

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ж. чет эл давлати полицияси хизматида ишга кирди.

Орадан беш йил ўтгандан сўнг у Ўзбекистон Республикасига қайтиб келди ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига бу ҳақда ўз ихтиёри билан хабар берди.

– Ж.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **2-масала**

А. шахрининг фуқароси Л. Б. шахрида сафарда бўлганида, бир неча хусусий дўконларда унинг ўзбек тилида берган саволларига ва мурожаатларига сотувчилар томонидан тожик тилида жавоб олди ёки умуман уни тушунмаганликка олишганининг гувоҳи бўлди. Бундай ҳолатдан камситилган Азимов ўз шахрига келиб ҳамшаҳарларини тожикларга қарши йўналтира бошлади.

Сўнгра Л. бир гуруҳ фуқароларни тўплаб, уларни қуроллантириб, 2 та автобусда тожикларни «тўғри йўлга қўйиш» мақсадида Б. шахри томон йўлга чиқишди. Бироқ, йўлда бу гуруҳ ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

– Айбдорларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **3-масала**

Ироқ давлатининг мудофаа вазири Р. Туркияда яшовчи “Курд” миллатига мансуб фуқаролар давлатимиз раҳбарига “фитна тайёрлапти” деган сохта маълумотларни важ қилиб, давлат Қуролли кучлари армиясининг ҳарбий тайёргарлигини оширади.

Орадан икки ой ўтгандан кейин Ироқ давлатининг муҳофаа вазири Р. Туркияда яшовчи “Курд” миллатига мансуб фуқаролар яшайдиган ҳудудни тутқинликка олиб, барча аҳолини қириб ташлади.

– Айбдорларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **4-масала**

Ўзбекистон Республикаси фуқароси М. Эрон давлати Қуроли кучлари қумондони Б.га Исроил давлати Қуроли кучлар армияси билан бўлган урушда 5 та профессионал мерганларни тайёрлаб бериш эвазига 5000 АҚШ доллари олди. Шу тариқа фуқаро М. Эрон давлати Қуроли кучлари қумондони Б.га 5 та Ўзбекистонлик бешта ёлланма профессионал мерганни ўқитди ва тайёрлаб берди.

– Айбдорларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **5-масала**

Ҳиндистон Қуроли кучлар армияси қумондони Ф. Покистон ислом Республикасидан қадимда Ҳиндистонга тегишли бўлган иккита вилоятини қайтариб олиш учун ўз армиясини ҳарбий тайёргарликдан ўтказиб, Покистоннинг Ҳиндистон билан чегарадош иккита вилоятига бостириб кириб ўққа тутди ва тинч аҳолини, Покистон чегара қўшини армиясининг аскарлари ва қумондонларини қириб ташлайди.

– Айбдорларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил қилинг.

#### **6-масала**

Германия ва Япония ўртасида ўзаро уруш ва қуроли тўқнашувда Германия Қуроли кучлари армияси қумондони З. Германия ҳукумат раҳбарига Японияга қарши кимёвий “Ядро” бомбасини қўлламас, уруш бой берилишини айтади. Бу таклифга жавобан Германия раҳбари кимёвий “Ядро” бомбасини қўллашга руҳсат беради. Кимёвий “Ядро” бомбасининг қўлланилиши натижасида Япониянинг учта вилояти аҳолиси кимёвий захарланди.

– Айбдорларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **7-масала**

Украина давлати чегара қўшини армиясининг қўмондони С. Россия федерацияси “Украинани босиб олиб, ўзига буйсиндирмоқчи” деган ғоялари билан Украина халқи ва қуролли кучлар аскарларини Россияга қарши уруш бошлаш ва қуролли тўқнашувларга тайёргарлик кўришга даъват қилиш мақсадида давлат оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ва итервьюлар беради.

– Украина давлати чегара қўшини армиясининг қўмондони С.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

### **8-масала**

Чет эл фуқаролар П. ва Р.лар Ўзбекистонга келиб, ўзларига жиноий шерикларини тўплаб, Андижон вилояти Прокуратураси ва Вилоят ҳокимияти биноларидаги ходимларни тутқинликка олиб, ҳукумат раҳбарияти томонидан гаровга олинган ходимларни озод қилишни сўралганида, кўп миқдорда пул, ўқ отар қуроллари ва Ўзбекистондан чиқиб кетиш учун самалёт беришни талаб қилади, акс ҳолда талаблари бажарилмаса, гаровга олинган барча ходимларни ва биноларни портлатиб юборишини таъкидлади.

– Айбдорларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **9-масала**

Чет фуқаролари А. ва Н.лар Ўзбекистон ҳудудидаги муҳим объектлар, яъни шимолий темир йўл вокзали ва халқаро аэропорт биноларини портлатиш режасидан фуқаро Э. хабардор бўлиб қолади.

Бундан хабардор бўлган чет эл фуқаролари А. ва Н.лар бу ҳақда тегишли органларга хабар берсанг ёки режамизни фош этсанг “сени ва оила аъзоларингни қириб юборамиз” деб таҳдид қилди.

Бу дўқ-пўписалардан кўрқиб кетган Э. бу ҳақда ҳеч кимга айтмайди ва хабар қилмайди.

Чет фуқаролари А. ва Н.лар Тошкент шаҳридаги шимолий темир йўл вокзали ва халқаро аэропорт биноларини портлатмоқчи бўлган пайтда Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлган олинади ва дастлабки тергов пайтида айбдорлар сўроқ қилинганида, уларнинг мазкур режасидан фуқаро Э. ҳам хабардорлиги аниқланди.

– Юқорида келтирилган айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **10-масала**

Фуқаро М. ўзининг ўртоқлари Б. ва С.лар билан биргаликда қурилиш объектида ишлаш учун Россия Федерациясига кетди.

Қурилиш объектининг қоравули И. уларнинг ўқ отар қуролларга қизиқиши борлигини сезиб қолиб, уларга “ўқ отар қуролларга қизиқсангизлар менинг бир танишим бор. У ҳарбий хизматда “кучли мерган” бўлган” деб қизиқтиради ва қоравул И. мерган дўсти В. билан таништиради.

Мерган В. аслида террористик оқими аъзоси бўлиб, М., Б. ва С.ларни ўқ отар қуролларини қўллашни ва улардан фойдаланишни ўргатади ҳамда уларни ўзининг террористик оқимига хизмат қилишга кўндиради.

Ўқ отар қуролларини қўллаш ва улардан фойдаланишни ўрганган М., Б. ва С.ларни Ўзбекистондаги муҳим объектларни чуқур ўрганиб келиши учун Ўзбекистонга қайтариб юборади ва улар Ўзбекистонга келганларида ХМҚОлари ходимлари томонидан қўлган олинади.

– Юқорида келтирилган айбдор шахсларининг жавобгарлик масалалсини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **11-масала**

Чет эл разведкаси ходими Ж. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари С. ва К.ларнинг ҳар бирига 50.000 АҚШ доллари миқдорида мукафоти бериш эвазига Ўзбекистон Республикасида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари биноларни портлатишни таклиф қилди.

Улар шу тариқа Тошкент шаҳрида жойлашган 2 та ва Тошкент вилоятидаги 1 та ишлаб чиқариш заводини портлатиб юборди.

– Айбдорларнинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **12-масала**

Ўзбекистон Республикаси Президент девони ходими М. давлат сири билан боғлиқ ҳужжатлар билан шуғулланаётганида, хонасини тозалаш учун келган Б. исмли фаррош хонани тозалашини айтади ва ундан хонадан чиқиб туришини таклиф қилади.

М. хонадаги давлат сири ҳисобланган махфий ҳужжатларни хизмат темир сандиғига солиб хонадан чиқиб кетади.

Шундан кейин Б. исмли фаррош хонани тозалаётганида стол устида турган ҳужжатни давлат сирига оид махфий ҳужжат деб ўйлаб, уни яширин равишда олиб хонадан чиқиб кетади ва Англия давлат хавфсизлик хизмати ходими Н.га 100 АҚШ доллари эвазига сотиб юборади. Дастлабки тергов

жараёнида аниқланишича, мазкур ҳужжат махфий ҳужжат эмаслиги аниқланди.

– Айбдорларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг?

### **13-масала**

Чет эл фуқароси физика ва математик фанлари доктори жанов К. Ўзбекистонлик олимлар билан ҳамкорликда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида илмий тадқиқот ишларини олиб боради. Жанов К. илмий тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида ишлаб чиқариш ва савдо-сотикқа оид давлат сири ҳисобланган ҳужжатлардан нусха олиб ўзининг давлатига юбораётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қўлга олинади.

– Жанов К.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **14-масала**

Сурхандарё вилояти чегара қўшинининг ходими Р. ўзининг таниши бўлган П.нинг туғилган кунини нишонлаш маросимида, кучли алкоголь мастлик ҳолатида барча меҳмонларга яқин кунларда юз бериши мумкин бўлган республика чегарасидаги қўшинларнинг махфий ўрин ўзгартиришлари ва террористик гуруҳларни ушлаш режаси ҳақида гапирди.

– В.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **15-масала**

Андижон вилоятида истиқомат қилувчи бир гуруҳ шахслари ўзларига “Янги ислом” давлати қуришни мақсад қилиб бирлашишди. Улар икки йил давомида ўзларига 150 дан ошиқ йигит-қизларни жалб қилди ва уларни ўқитиб, жангавор тайёргарликдан ўтказишишди.

Мазкур йигит-қизларга тегишли вазифаларни бериб, республиканинг турли ҳудудларида ўзларига гуруҳлар тузишни топширади. Лекин гуруҳ аъзоларидан бири А. Ўзбекистон Республикаси МХХга ўзларининг фаолияти ва ҳукумат раҳбарларига нисбатан тайёрланаётган фитналари ҳақида хабар беришди.

– Айбдорларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **16-масала**

Ҳарбий ҳаво кучлари учувчиси Ч. янги қирувчи самолётида ўқув-машқ учишларини бажараётганида, самолётда юзага келган носозликлар туфайли давлат чегарасини бузиб ўтиб, чет давлат ҳудудига қўнди. У ердан ҳарбий ҳаво кучлари учувчиси Ч.ни ўлдириш билан таҳдид қилади ва унга нисбатан руҳий ва жисмоний азоб бериб, ҳарбий хизматга оид махфий маълумотларни олиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтариб юборади. Натижада давлатнинг мудофаа салоҳиятига катта зиён етказилди.

– Айбдор Ч.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **17-масала**

Миллий хавфсизлик хизмати ходими П. ўзига берилган топшириқни ўз вақтида тугата олмаганлиги сабабли, берилган топшириқни охирига етказиш учун уйига олиб кетади. П.нинг уйига номаълум шахслар кириб, давлат сирига оид махфий ҳужжатлар ва 100.000 сўм пулини олиб кетади. Номаълум шахслар давлат сири ҳисобланган махфий ҳужжатни 200 АҚШ доллари эвазига чет эл разведкаси ходими Н.га сотиб юборади.

– Айбдорларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **18-масала**

Президент Девони хизматчиси метрода кетаётган вақтида ухлаб қолди. Бу вақтда С. унинг дипломатини яширин равишда олиб қўяди.

Натижада муҳим давлат ва мудофаа аҳамиятига эга бўлган ҳужжатлар йўқолди.

– Айбдорнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **19-масала**

Чет эл давлати элчихонасининг ишчиси З.ни ушбу давлат разведкасига хизматга ёллади. З. бир йил давомида элчихона ишчисига 10.000 АҚШ доллари эвазига бизнинг давлатимиз манфаатларига зиён етказмайдиган ва катта қийматга эга бўлмаган маълумотларни бериб турди.

Сўнгра З. Миллий хавфсизлик хизматига чет эл разведкаси билан ҳамкорлиги ҳақида хабар берди, бироқ олган моддий рағбатлантиришларини яширди.

– З.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

## **20-масала**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролар В. ва С.лар давлат Президентининг олиб бораётган давлат сиёсатидан нарозилиги ва давлат бошқарувини издан чиқариш мақсадида Президент шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни интернет провайдерлари орқали тарқатиб юбораётганида ДХХ ходимлари томонидан қўлга олинди.

– Айбдорларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **21-масала**

Ҳарбий ҳаво кучлари учувчиси С. янги қирувчи самолётида ўқув-машқ учишларини бажараётганида, давлат чегарасини бузиб, чет давлат ҳудудига қўнди ва у ердан сиёсий бошпана сўради.

Бунинг натижасида давлатнинг мудофаа салоҳиятига ва иқтисодига катта миқдарда зиён етказилди.

– Шахснинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **22-масала**

Мудофаа вазирлигининг ходими В. ўзининг таниши бўлган Пирназаровнинг туғилган кунини нишонлаш маросимида, кучли алкоголь мастлик ҳолатида барча меҳмонларга яқин кунларда юз бериши мумкин бўлган республика чегарасидаги қўшинларнинг махфий ўрин ўзгартиришлари ҳақида гапирди.

– В.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **23-масала**

Фуқаро Ж. ўз мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда ўз ходими З.га нисбатан миллий адоватни тарғиб қилувчи маълумотнома ёзиб уни ташкилотнинг барча ходимлари олдида эшиттирди.

– айбдор мансабдор шахс Ж.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **24-масала**

Фуқаро О. христиан динига эътиқод қилаётган қушниси Э.ни маҳалладан ҳайдаб чиқиш мақсадида унга нисбатан диний адоватни қўзғашга қаратилган ҳаракатларни содир этиб, Э.га оғир шикаст етказди.



- айбдор О.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- мазкур ҳолатда Жиноят кодекси 104-моддаси бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилинадими?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **25-масала**

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Н. хорижий ташкилот вакиллари буйруғига биноан Ўзбекистон давлат хавфсизлигига путур етказиш мақсадида қўпоровчилик ҳаракатини содир этди.

- айбдор Н.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- мазкур ҳолатда айбдор Н. Ҳаракатлари бир неча жиноят бўйича квалификация қилиниши мумкинми?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **26-масала**

Ўзбекистон фуқароси А. тасодифан давлат сирларига эга бўлди. Жумладан, А. метродан тушаётганида давлат сирларини ташкил этувчи махфий ҳужжатларни топди ва уларнинг сирлигини билиб, хорижий давлатга ошкора этди.

- айбдор А.нинг қилмиши Жиноят кодекснинг қайси моддаси бўйича жиноий жавобгарликка лойиқдир?
- тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **27-масала**

Ш. исмли мансабдор шахс ўз ишхонасидан чиқа туриб, стол устида давлат сиридан иборат ҳужжатларни қолдириши оқибатида бу маълумотларни билишга рухсати бўлмаган ушбу ташкилот ходимига маълум бўлди.

- айбдор Ш.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- Вариант: давлат сиридан иборат ҳужжатлар бегона кишилар қўлига тушди.
- айбдор Ш.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

### **28-масала**

Мансабдор шахс Р. иш тугагандан сўнг махфий ҳужжатларни сейфга солмасдан, иш столининг устида қолдиради. Хонани тозалаётган фаррош буларга эътибор бермайди.

- айбдор Р.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **29-масала**

Мансабдор шахс Е. давлат сиридан иборат ҳужжатларни эҳтиётсизлик натижасида бошқа қоғозлар билан ёқиб юборди.

– айбдор Е.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **30-масала**

Мансабдор шахс Д. давлат сиридан иборат ҳужжатларни белгиланган қоидаларга хилоф равишда бегона киши қушниси Г.га вақтинча сақлаш учун топширди.

Натижада Г.нинг хотини ҳужжатларни тандирни ёқиш учун ишлатган.

– ушбу материалларни ҳуқуққа хилоф равишда бериб қўйган Д. жиноий жавобгарликка тортиладими?

– тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. -40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил

1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (Янги тахрири): Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2016. – 576 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – №1–2. – 15-м.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Maxsus qism: Darslik / R. Kabulov, A. Otajonov va boshq. Mas'ul muharrir Sh.T. Ikramov. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 824 б.

2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 260 б.

3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. Т. 3: Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2011. – 312 б.

4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. Т. 5: Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2011. – 312 б.

5. Таджиханов Б.У. Терроризм: уголовно-правовой аспект: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2004. – 22 с.

### III-БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

#### Топширик:

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 29-моддасининг иккинчи қисми;

– Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декбардаги 439-П-сон «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси;

– Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддаси;

– Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси;

– Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддаси;

– Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддаси;

– Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 421-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари кўриқлаш хизмати ҳақида Низом»нинг 14, 15-бандлари;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарори билан тасдиқланган «Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш» қоидалари;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 49-сонли қарори билан тасдиқланган «Қора ва рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сақлаш, эҳтиётлаш ва топшириш» тартиби ва «Таркибида қимматбаҳо металллар мавжуд бўлган парчалар ва чиқиндиларни тайёрлаш, қадоқлаш, етказиб бериш тартиби, қабул қилиш топшириш шартлари, шунингдек истеъмолчилар билан улардан қимматбаҳо металлларни парчалар ва чиқиндилар кўринишида қабул

қилганлик учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами: 107, 12.10.1994 й.);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш»қоидалари, «Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш» қоидалари, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида газдан уй-рўзғорда фойдаланиш» қоидалари (рўйхат рақами: 370, 14.10.1997 й.);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 сентябрдаги 444-сонли «Спирт, алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6 ва 7-бандлари, 8-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо» қоидаларининг V бўлими («Алкоғоль ва тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш хусусиятлари»);

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сонли «Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 мартдаги 89-сонли «Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотлар сотиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сонли «Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо» қоидалари ва «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш» қоидалари;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли «Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш» қоидалари (рўйхат рақами: 1323, 15.03.2004 й.), «Маълумотларни узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» қоидалари(рўйхат рақами: 3038, 10.07.2018 й.), «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш» қоидалари (рўйхат рақами: 2219, 18.04.2011 й.), «Таксофон орқали телефон алоқа хизматларини кўрсатиш» қоидалари (рўйхат рақами: 2140, 06.09.2014 й.);

–Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сонли қарори билан тасдиқланган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари»нинг рўйхати;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли «Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги 20-сонли «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 15 мартдаги 9-сонли «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 4-сонли «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги Қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги 08-сонли «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 8-сонли «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги 3-сонли «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори 6-бандининг биринчи хатбошиси, 7-бандининг иккинчи хатбошиси,

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2013 йил 31 майдаги 09-сонли қарори.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 27 декабрдаги 29-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 29 ноябрдаги 46-сонли қарори.

**Муаммоли саволлар:**

1. Олдиндан яроқсизлиги аниқ бўлган қуролдан фойдаланиб ёки уни намойиш этиш билан қўрқитиб содир этилган талон-торож қандай квалификация қилинади?

2. Товламачилик жиноятининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат ва мазкур жиноят босқинчилик жиноятидан қайси белгиларига кўра фарк қилади?

3. Талончилик жинояти босқинчиликдан қайси белгиларига кўра фарк қилади?

4. Фирибгарликнинг алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказишдан фарқи нимадан иборат?

5. Давлат мулкни ноқонуний равишда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштирган мансабдор шахснинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак?

6. Қайси ҳолатларда жиноий йўл билан топилган мулкни олган айбдор шахснинг ҳаракатлари талон-торож деб квалификация қилинади?

7. Ўзганинг пул маблағларини ўғирланган ёки қалбакилаштирилган кредит ёки ҳисоб картасидан фойдаланган ҳолда талон-торож қилиш, агар нақд пул маблағлари банккомат воситасида амалга оширилган бўлса, қилмиш қандай квалификация қилинади.

8. Ўзганинг банкдаги ҳисобида турган пул маблағларини ўғирланган ёки қалбакилаштирилган кредит ёки ҳисоб картасидан фойдаланган ҳолда кредит, савдо ёки сервис ташкилотининг ваколатли ходимини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан янглиштирган ҳолда талон-торож қилиш қандай баҳоланиши лозим.

9. Ижтимоий тўлов, нафақа, бошқа пул тўловларини ёки бошқа мулкни содир бўлиши қонунга кўра тўловлар ёки мулкни олиш учун асос бўладиган ҳолатлар мавжудлиги тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилиш учун ваколатли ижро ҳокимиятига, била туриб, ёлғон маълумотлар такдим этиш йўли билан ушбу тўловларни олиш ҳаракатларини қандай квалификация қилиш лозим.

10. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖК 184-м.) учун жиноий жавобгарлик шarti нимадан иборат?

11. Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг қандай шакллари мавжуд ва иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни квалификация қилишда уларнинг аҳамияти қандай?

12. Қайси ҳолатларда жиноий йўл билан топилган мулкни олган айбдор шахснинг ҳаракатлари талон-торож деб квалификация қилинади?

13. Олдиндан яроқсизлиги аниқ бўлган қуролдан фойдаланиб ёки уни намойиш этиш билан кўрқитиб содир этилган талон-торож қандай квалификация қилинади?

14. Талончилик жинояти босқинчиликдан қайси белгиларига кўра фарк қилади?

15. Давлат мулкани ноқонуний равишда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштирган мансабдор шахснинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак?

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорига кўра, «соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш» деганда қандай ҳаракатлар тушунилади?

17. Фирибгарлик йўли билан корхона, муассаса, ташкилотлар мулкани талон-торож қилиш учун жинорий жавобгарлик қайси ҳолатда вужудга келади?

### **1-масала**

Фуқаро С. босқинчилик жиноятини содир қилиш мақсадида, қонунга хилоф равишда ўқотар қуролни эгаллади, лекин ўзига боғлиқ бўлмаган сабабга кўра босқинчилик жиноятини содир эта олмади.

– Фуқаро С.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Босқинчилик жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **2-масала**

Фуқаро Ю. спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда дўконга кириб, харидорларни тинчлигини бузиб, сотувчи М.ни уриб, унга соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказиб, ундан турли хил товарлар беришни талаб қилган. Сотувчи М. ундан кўрқиб қочиб чиқиб кетганидан сўнг, У дўкондан 500 000 сўмлик маҳсулотларни олиб чиқиб кетган.

– Фуқаро Ю.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Босқинчилик жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **3-масала**

Фуқаро М. ва Ф.лар соат 13.00ларда компания раҳбари Б.нинг хонадонига ўзларини ёнғин хавфсизлиги ходимлари деб таништириб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қандай риоя қилинаётганлиги бўйича ўтказилаётган текширувлар бўйича келишганлигини билдиришган.



Фуқаро Б. уларга хонадонига киришга рухсат берганидан сўнг М. ёнида бўлган сумкадан қирқма милтиқни чиқариб, Б.ни отиб ўлдириш билан кўрқитиб, пул ва моддий қимматликлар талаб қилган.

Б. хонадонига пул ва моддий қимматликлар йўқлигини билдирганида Ф. унинг бош қисмига оёғи билан тепиб, дўппослаган. Б. ҳушидан кетиб қолганидан сўнг М. ва Ф. ётоқхонадаги диван остига жойлашган сейфдан 12.000 АҚШ доллари ва 6.000.000 сўмни, стол устидан “Toyota” русумли енгил автомобилнинг калити ва ҳужжатларини олишиб, хонадондан чиқиб кетаётган вақтларида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **4-масала**

Фуқаро А. ва Б.лар «Чорсу» бозори директори В.дан уларга ҳар ойда 5.000.000 сўмдан беришини талаб қилишди ва акс ҳолда, унинг уйига ўт кўйишларини билдиришди.

Бир ойдан сўнг, А. ва Б.лар В.нинг олдига келишди ва ўз талабларига рад жавобини олдилар.

Шунда А. ёнида бўлган пичоқ билан В.нинг оёғига зарба берди ва унга оғир шикаст етказди.

Улар кетаётганларида В.нинг кўлида бўлган тилла соатини тортиб олишди ва бир ойдан сўнг яна «хабар оламиз» деб огоҳлантиришди.

– А. ва Б.лар томонидан содир қилинган ҳаракатларни квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **5-масала**

Ю. бекатда автобус пойлаб турган пайтда, бекатдаги дўконни ёнига Р. келиб қолди. Р. харид қилиш учун чўнтагидан пул олаётган пайтда унинг мобил телефони тушиб қолди. Бу ҳолатни кўриб қолган Ю. Р.ни кетишини пойлаб, тушиб қолган телефонни олиб кетди.

– Ю.нинг қилмишларини квалификация қилинг.

#### **6-масала**

Фуқаролар С. ва Ж. ўзганинг мол-мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш мақсадида олдиндан тил бириктириб, тунда кўчада кетаётган Ж. ни тўхтатиб, уни уриб, тепиб, баданига “соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати” етказиб, Ж. нинг 500 000 сўмлик телпагини,

эгнидаги 450 000 сўмлик курткасини ва 50000 сўмлик соатини олиб кетганлар.

– фуқаролар С. ва Ж.ларнинг қилмишларини квалификация қилинг.

– Талончилик ва босқинчилик жиноятларини фарқловчи белгиларни санаб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **7-масала**

Фуқаролар К. ва С. фуқаро Ф.нинг уйига ғайриқонуний равишда кириб, мол-мулкни талон-торож қилиш қилиш мақсадида уни уриб, қимматбаҳо тақинчоқларини беришни талаб қилаётган вақтда, Ф.нинг қўшнилари келиб қолишган.

Натижада К. ва С.лар бирор мулкни қўлга кирита олмасдан воқеа содир бўлган жойдан қочиб кетганлар, бироқ Ф.га соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жарохати етказилган.

– фуқаролар К. ва С.нинг қилмишларини квалификация қилинг.

– Талончилик ва босқинчилик жиноятларини бир-биридан фарқловчи белгиларни айтинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **8-масала**

Фуқаро М. спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолатда темир-йўл вокзали ёнидан ўтиб бораётган фуқаро С. нинг олдига бориб, унинг бўйнидан қисиб, судраб пана жойга олиб кириб, шу ерда турган автомашина ёнида унинг елкасидан ушлаб, автомашина капотига юзини босиб туриб, “ўлдираман” деб кўрқитиб, устидаги жемперининг чўнтагидаги 60 000 сўм пулини олиб кетган.

Фуқаро М.нинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг иккинчи қисми “а” банди билан квалификация қилинган.

– Суд ишни кўриб чиқиб, фуқаро М. нинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддасининг биринчи қисми билан квалификация қилиниши лозим деб, ишни қўшимча терговга юборган. Суд томонидан қонуний қарор қабул қилинганми?

– Талончилик жинояти билан босқинчилик жиноятини фарқини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **9-масала**

2014 йилнинг 2 декабрь куни соат 16-30 ларда фуқаро Б. Жиззах шаҳридаги Тинчлик кўчаси 26-уй олдида кетаётган фуқаро Ў.нинг орқасидан бориб, кўчада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, уни тўхтатиб, уриб тан жароҳати етказиш билан кўрқитиб, унинг бўйнидаги 750 000 сўмлик тилла занжирини юлиб олиб қочиб кетган.

- фуқаро Б.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Талончилик ва босқинчилик жиноятларини фарқини айтинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **10-масала**

Устав фондида давлат улуши бўлмаган кўшма корхона ишчиси Ж. корхона цехидан тикув машинаси эҳтиёт қисмларини яширин равишда олиб чиқиб кетиш мақсадида хўжалик сумкасига жойлаштираётган вақтида цех бошлиғи Р. томонидан ушланди.

Шунда Ж. Р.нинг оёқ қисмига темир бўлағи билан уриб, қиймати 2.000.000 сўм бўлган тикув машинаси эҳтиёт қисмларини корхонани орқа томонида кутиб турган шериги Ф.га олиб бориб берган ва ўзи номаълум томонга қочиб кетган.

Суриштирув ишлари натижасида Ж. ҳамда Ф. ушланган ва Ф.дан қиймати 2.000.000 сўм бўлган тикув машинаси эҳтиёт қисмлари ашёвий далил сифатида олинган.

- Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **11-масала**

Қалбаки ҳужжатлар тайёрлаганлиги учун муқаддам судланган фуқаро Д., унга тайинланган жазони ўтаб бўлганидан сўнг ҳам ўзининг жиноий фаолиятини давом эттирган.

Жумладан, 2014 июль ойида у фуқаро Р.нинг таклифига кўра унга бир ой муддат ичида Тошкент давлат техника институтининг бакалавр босқичини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни тайёрлаб бериш учун ундан 3.000 АҚШ доллари олган.

Лекин, ушбу пулларни ўз манфаати учун сарфлаб юбориб, фуқаро Р.нинг Тошкент давлат техника институтининг бакалавр босқичини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни тайёрлаш учун эса ҳеч қандай ҳаракатларни амалга оширмаган.

Белгиланган муддат ўтганидан сўнг Р. ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қилган.

- Юқоридаги шахсларнинг қилмишларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **12-масала**

Фуқаролар К. ва 16 ёшли С. олдиндан жиноий тил бириктиришиб, йўл четида кетаётган фуқаро О.нинг орқа тарафидан унга сездирмасдан келишиб, О.нинг кўлида бўлган сумка ичидан 2 дона бриллиант узук, 2 дона кумуш билагузук ва О.нинг онаси Ж.га тегишли бўлган фуқаролик паспортини яширин равишда олишган ва воқеа жойидан яширинишган.

Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида К. ва С. ушланган, улардан О.га тегишли бўлган 2 дона бриллиант узук, 2 дона кумуш билагузук ашёвий далил сифатидан олинган.

О.нинг онаси Ж.га тегишли бўлган фуқаролик паспортини эса К. жиноятни яшириш мақсадида ёқиб юборганлиги аниқланди.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишларини квалификация қилинг.

### **13-масала**

Фуқаро Г. соат 24.00ларда Ички ишлар идораси Навбатчилик қисмига ариза билан мурожаат қилиб, соат 23.00ларда 204-сонли мактабгача таълим муассасаси ёнидан ўтиб кетаётганида эркак жинсига мансуб номаълум шахс, бўйин аъзосининг ҳиқилдоқ қисмига 2 марта мушти билан уриб, кўлидаги нархи 500 АҚШ доллари бўлган уяли алоқа воситасини олиб қочиб кетганлигини билдирган.

Ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, фуқаро Г.га етказилган тан жароҳати соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмайдиган енгил тан жароҳатлари тоифасига киришлиги аниқланган.

Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида ушбу жиноятни фуқаро Л. содир этганлиги аниқланган ва ушланган.

– Юқоридаги шахснинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **14-масала**

Тадбиркор В. Ички ишлар идораси Навбатчилик қисмига ариза билан мурожаат қилиб, ўзи истиқомат қилувчи маҳалла фуқаролар йиғини раиси О. унга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун зарур ҳужжатларни йиғишда ёрдам берганлигини рўқач қилиб, агар ҳар ойда унга маълум миқдорда пул маблағлари бериб турмаса, В.нинг тадбиркорлик фаолияти устидан текширув ўтказиб, фаолиятини тугатиш бўйича судга тақдимнома киритиш билан кўрқитаётганлигини билдириб, фуқаро О.га нисбатан қонуний чора кўришликни сўраган.

– Юқоридаги шахснинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **15-масала**

Фуқаро З. ўртоғи Х.га тегишли бўлган “Lacetti” русумли автомашинани икки йил муддатга ижара шартномаси асосида олиб, йўловчи ташиш билан шуғулланган.

Орадан бир йил ўтгандан сўнг З. ушбу автомашинани қисмларга ажратиб, автомашиналарнинг эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи фуқаро Б.га сотиб юборган.

Фуқаро Х.З.дан ўзига тегишли бўлган “Lacetti” автомашинаси қаердалигини сўраганида, З. номаълум шахслар уни автомашинасида чегара яқинига алдаб олиб боришганлигини, унга тан жароҳати етказиб, автомашинани Қозоғистон Республикаси чегарасидан олиб ўтиб кетишганлигини билдирган.

З.нинг гапларидан шубҳаланган Х. ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қилган.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **16-масала**

Фуқаро Т. 2011 йил август ойида Тошкент давлат тиббиёт академиясига ўқишга қабул қилинган. Лекин, 2011-2012-ўқув йили давомида ўқув фанларини етарли даражада ўзлаштира олмаганлиги ва имтиҳонларни топшира олмаганлиги натижасида 2012 йил июль ойида Т. талабалар сафидан ўчирилган. Лекин фуқаро Т.ни ўқишдан четлатилганлиги тўғрисидаги хужжатлар масъул шахсларнинг бепарволиги туфайли молия бўлимига топширилмаганлиги сабабли, Т. 2012 йилнинг август ойидан 2014 йилнинг август ойига қадар “қоникарли” баҳога ўзлаштирувчи талабаларга бериладиган миқдордаги стипендияни мунтазам равишда олиб келган.

Масъул идоралар томонидан ўтказилган текширув натижасида юқоридаги ҳолатга чек қўйилди.

– Юқоридаги шахснинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **17-масала**

Фуқаро У. ва М.лар тунги соат 03.00ларда Д.нинг хонадонига орқа эшикдан калит танлаш йўли билан яширин равишда кириб, ошхонадаги стол устида турган хўжалик сумкасида бўлган 7.000.000 сўм ҳамда нархи 1.800.000 сўм бўлган уяли алоқа воситасини олмоқчи бўлишганида хонадон эгаси Д. уйғониб кетиб, уларга қаршилик кўрсатганида М. ошхонадаги стол

устида бўлган хўжалик пичоғини олиб, Д.нинг сон қисмига икки марта зарб билан урган. Д.нинг полга йиқилганлигидан фойдаланган У. ва М.лар унга тегишли бўлган 7.000.000 сўм ҳамда нархи 1.800.000 сўм бўлган уяли алоқа воситасини талон-торож қилиб воқеа жойидан яширинишган.

Фуқаро Д. эса етказилган тан жароҳати натижасида шифохонада вафот этган.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **18-масала**

Фуқаро Н. сайёҳлик фирмаси иш бошқарувчисига ўзини меҳмонхона эгаси сифатида таништириб, унинг ишончини қозониш мақсадида шахсини тасдиқловчи сохта ҳужжатларни тақдим қилди ва унга ушбу фирма йўлланмаси билан келган сайёҳлар учун арзонлаштирилган нархларда меҳмонхона хизмати кўрсатишини билдириб, ҳар икки тараф учун ҳам манфаатли бўлган шартнома тузишни таклиф қилди. Иш бошқарувчи бунга рози бўлиб, шартнома тузиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштираётган вақтида Н. унинг иш билан бандлигидан фойдаланиб фирма кассасида сақланаётган 12.000.000 сўм ва 4.000 АҚШ долларини олиб қўйди. Шартнома тузилганидан сўнг Н. икки кундан сўнг келишини айтиб, уйига кетган. Фирма кассасида сақланаётган пуллар йўқолганлигини сезган иш бошқарувчи Н.га кўнғироқ қилиб, фирма кассасида сақланаётган 12.000.000 сўм ва 4.000 АҚШ доллари йўқолганлигини, ушбу пулларни Н. олган ёки олмаганлигини сўраганида, Н. ушбу пулларни олмаганлигини билдирган. Шундан сўнг иш бошқарувчи ҳудудий ички ишлар органига ариза билан мурожаат қилган.

– Юқоридаги шахснинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **19-масала**

“Matiz” русумли автомашина ҳайдовчиси фуқаро В. йўловчи фуқаро А.га пичоқ ўқталиб, унинг уяли телефони ҳамда 345 минг сўм пулини тортиб олган ва машинадан тушуриб, воқеа жойидан яширинган.

– ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **20-масала**

Фуқаро А. фуқаро Л.нинг уйига ғайриқонуний равишда кириб, унинг 3 000 000 сўмлик нарсаларини ўғирлаб, шундан 2 000 000 сўмлик қисмини яширишга улгурган, лекин қолган 1 000 000 сўмлик буюмларни яширмақчи бўлганида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ушланди.

- фуқаро А.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Ўғирлик жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **21-масала**

Фуқаро В. фуқаро А. нинг сумкасига ўхшаш сумкани олиб келиб, эгасига билдирмасдан, ўзи билан олиб келган ичи бўш сумкани А.га тегишли ичида қимматбаҳо буюмлари бўлган сумка билан алмаштириб олиб кетган. А. ва шу ердаги бошқа шахслар у сумкани олиб кетаётганлигини кўрган бўлсаларда, бироқ айнан бошқа шахс сумкани алмаштириб олиб кетаётганлигини сезмаган.

- фуқаро В.нинг қилмишини квалификация қилинг.
- Ўғирлик ва талончилик жиноятларининг фарқини айтинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **22-масала**

Фуқаролар А., Б. ва Г. тўқувчилик корхонасида ишчи бўлиб ишлаб, тунги навбатчиликда бўлганларида ўзаро тил бириктириб, корхонанинг 3 000 000 сўмлик ипларини яширин равишда талон-торож қилиб олиб кетганлар.

- фуқаролар А., Б. ва Г.нинг қилмишларини квалификация қилинг.
- Корхона, муассаса ёки ташкилотларнинг мол-мулкани талон-торож қилганлик билан боғлиқ ҳаракатларни квалификация қилишнинг қандай ўзига хос жиҳатлари бор?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **23-масала**

Фуқаро А. муқаддам босқинчилик жиноятини содир этганлиги учун судланиб, жазони ижро этиб чиққандан сўнг, тунда Баҳор кўчасида ишдан қайтаётган фуқаро Б.нинг йўлини тўсиб, унинг қўлидаги сумкасини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинди.

Уни ҳеч ким таъқиб қилмаётганлигига ишонч ҳосил қилгач сумкани очиб қараганида унинг ичида фуқаро Б.нинг фуқаролик паспорти ва пластик карточкаси борлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг фуқаро А. пластик карточкани олиб, фуқаролик паспорти ва сумкани ташлаб юборди.

- фуқаро А.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.
- Юридик таҳлил қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **24-масала**

Фуқаро А. бекатда автобус кутиб, уяли телефонда гаплашиб турган Б.ни олдига келди ва унга дўсти кутиб турганлигини ва дарҳол дўстига кўнғирок қилиши зарурлигини айтиб, Б.дан уяли телефонини бериб туришини сўради. Б.А.га телефонини берди.

А. ўзини телефонда гаплашаётгандек кўрсатиб, яширинишга ҳаракат қилди, шунда Б.А.ни телефонни олиб қочмоқчилигини сезиб қолди ва ундан телефонини қайтариб беришини сўради. Бунга жавобан А.Б.га уяли телефонини қайтармасдан, уни чалғитиб воқеа жойидан яширинди.

– Содир қилинган қилмишни квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **25-масала**

Фуқаро А. ўзининг таниши фуқаро Б.дан 1.000.000 сўм пулни бир ой муддат ичида қайтариш шарти билан қарзга олди.

Бироқ, А. қарзини белгиланган муддатдан икки ой ўтгандан сўнг қайтарганида Б. ўтган икки ой учун фоиз талаб қилди ва икки ойда қарзга берган 1.000.000 сўмига ҳар ойда 10 фоиздан, яъни 100.000 сўмдан кўшилганлигини ва жами 200.000 сўм кўшилганини билдириб, А.га икки кун ичида яна 200.000 сўм бермасанг сени ўлдираман деб кўрқитди.

– Содир қилинган қилмишни квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **26-масала**

Фуқаро А. кўшниси фуқаро Б. билан жиноий тил бириктириб, тунда ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла ҳудудида жойлашган «Sovplastital» корхонасига яширин равишда кириб у ердан жами қиймати 1.000.000 сўмлик турли хилдаги болалар ўйинчоқларини олиб воқеа жойидан яшириндилар.

Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида фуқаро А. ва Б.лар ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ушландилар.

– фуқаро А. ва Б.ларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– Юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **27-масала**

Фармацевтика компанияси раҳбари Д. чет элдан фойдаланиш муддати ўтиб кетган кўп миқдордаги сифатсиз дори воситаларини божхона назоратини четлаб ўтиб олиб келди.

Сўнгра ходимлари С. ва И.лар билан биргаликда ушбу дори воситаларининг амал қилиш муддатларини қайтадан ўзгартириб чиқишди.



Фуқаро Б. ушбу компанияга тегишли дорихонадан шифокор рецепти асосида олган дори воситасини истеъмол қилган ва ўткир захарланиш натижасида ҳаётдан кўз юмди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **28-масала**

Озиқ-овқат дўкони сотувчиси П.нинг олдида таниши Р. келиб, назорат-касса машиналари фискаль хотираси хизмати дастурига ноқонуний ўзгартириш киритиш йўли билан даромад (фойда)ни яшириш мумкинлигини, агар ҳар ойда яширилган даромад (фойда)нинг ўн фоизини беришга рози бўлса, назорат-касса машиналари фискаль хотираси хизмати дастурига ноқонуний ўзгартириш киритиш йўли билан олинган даромад (фойда) миқдорини камайтириб беришини, буни ҳеч ким аниқлай олмаслигини билдирди. П. ушбу таклифга рози бўлди ва Р.га бир йил давомида яшириб қолинган даромад (фойда)нинг ўн фоизини бериб келди.

Юқори солиқ идораси томонидан ўтказилган тадбир вақтида ушбу ҳолат аниқланиб, унга чек қўйилди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **29-масала**

Масъул лавозимда ишловчи А. хизмат юзасидан ўзи раҳбарлигида ўтказилган текширувларнинг бирида савдо-сотик билан шуғулланувчи компаниянинг келгусида ишлаб чиқариш истиқболлари ва савдо ҳажмини ошириш борасидаги режаси билан танишиб қолди.

Яқин қариндоши Ф.нинг шу соҳада фаолият кўрсатувчи фирмаси борлигини билган А. ушбу маълумотларни Ф.га берди.

Кейинчалик ушбу ҳолатдан хабар топган компания вакиллари А. ва Ф.га нисбатан қонуний чора кўрилишини сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **30-масала**

Д. Ф.дан икки йил муддатга қайтариш шарти билан 10.000.000 сўм қарз олган эди. Д. бу орада Ф.нинг йўл-транспорт ҳодисаси натижасида кўзи ожиз бўлиб қолганлигидан фойдаланиб, уни алдаш мақсадида келишилган вақтда 10.000.000 сўм ўрнига сувенир учун тайёрланган 10.000.000 сўмни Ф.га берди.

Ф. қўшниси О.га Д. берган пулларни қўрсатганида у ушбу валюта кимматликлари сувенир учун мўлжалланиб тайёрланганлигини билдирди. Шундан сўнг Ф. ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қилди.

– Юқоридаги шахснинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **31-масала**

А. О. томонидан содир қилинган ўғирликнинг гувоҳи бўлиб қолди. А. ушбу вазиятдан ўз манфаати учун фойдаланиш мақсадида О.дан ўғирланган буюмлардан унга ҳам ҳисса беришини талаб қилди. Агарда рад жавоби бўлса, содир қилинган қилмиш ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига дарҳол хабар беришини билдирди. О. эса жавобгарликка тортилишдан қўрқиб, 5.000.000 сўм миқдоридаги тилла тақинчоқларни А.га берди. Ўзи эса 15.000.000 сўм миқдоридаги тилла тақинчоқларни таниши В. орқали сотиб юборди ва кейинчалик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлга олинди.– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **32-масала**

Тунда гиёҳвандлик кассаллигига чалинган Б. навбатчи дорихонага кириб, сотувчининг бўйнига пичоқ тираб, таркибида гиёҳвандлик воситаси бор бирон-бир дорини беришни талаб қилди. Сотувчи дорихонада наркотик моддаси бор препаратларнинг йўқлигини билар эди, бироқ ўзини хаётидан хавфсираб Б.га таркибида гиёҳвандлик воситаси бор препарат сифатида, аслида оддий тинчлантирувчи воситани бериб юборди.

– Б.нинг ҳаракаларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **33-масала**

Фуқаро В. ва Ф.лар гиёҳвандлик воситаларни қўлга киритиш мақсадида, фарматевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корxonанинг деворидан ошиб корхона худудига киришди ва у ердан кўп миқдорда гиёҳвандлик воситаларни эггаллаб, корхона худудидан чиқиб кетишаётганда уларни корхона қоровули тўхтатди.

В. ёнида бўлган пичоқ билан қоровулнинг баданига бир неча маротаба зарб берди ва улар воқеа жойидан ғойиб бўлишди. Корхона қоровули етказилган шикастлар натижасида воқеа жойида вафот этди.

– В. ва Ф.ларнинг жавобгарлик масаласини хал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **34-масала**

Фуқаро Р. ўзининг кўп қаватли уйдаги хонадонини «ижарага» бериб юрадиган А. исмли шахс билан танишиб қолиб, унга одатдагидан кўра анча кўп бўлган миқдорда пул бериб, хонадонини ижарага олишини маълум қилди, лекин хонадонга кўп одам келиб-кетишини, лекин бу билан унинг иши бўлмаслигини айтди. Фуқаро А. ушбу шартларга рози бўлиб, ўзининг хонадонини Р.га бериб турди. Фуқаро Р. эса ушбу хонадонда қиморхона ташкил этганлиги учун қўлга олинганда у хонадон ўзиники эмаслигини, қиморхонанинг «эгаси» А. исмли шахс эканлигини маълум қилди.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро Р. ва А.ларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **35-масала**

Фуқаро Ф. кечкурун маст ҳолда қўшниси А.нинг уйига кириб, агар у билан жинсий алоқа қилмаса, А.нинг хонадонини ёқиб юбориш билан кўрқитди. Сўзининг исботи сифатида Ф. А.нинг жами қиймати 50.000.000 сўмлик қимматбаҳо кийимлари ва ноёб буюмлари сақланаётган сандикни ёқиб юборди. Шундан сўнг А. Ф. билан табиий жинсий алоқа қилишга рози бўлди.

– Юқоридаги шахснинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **36-масала**

Қозоғистон Республикаси фуқароси С. ўзини уч нафар таниши билан тўрт дона “КИА” русумли, Германияда ишлаб чиқарилган енгил автомобилларни яширин равишда талон-торож қилиб, сўнгра уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини айланма йўллар орқали четлаб олиб ўтиб, енгил автомобиллар олди-сотдиси билан шуғулланувчи фуқаролар М., Н. ва Р.ларга ҳар бир автомобилни 14.000 АҚШ долларига қалбакилаштирилган ҳужжатлар асосида сотаётганида қўлга олинди.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **37-масала**

Фуқаро Н. ва К.лар қуролли босқинчилик натижасида топилган жами қиймати 170.000.000 сўмлик тилла тақинчоқларни турмуш ўртоқлари С. ва М.ларга совға қилишди.

С. ва М.лар ушбу тақинчоқлар қуролли босқинчилик натижасида қўлга киритилганлигини билишар эди. С. ҳар эҳтимолга қарши тилла

тақинчоқлардан фақат зеб-зийнат сифатида фойдаланган бўлса, М. ушбу тақинчоқларни сотиб, улардан тушган фойда ҳисобига хусусий гўзаллик салон очди. Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида Н. ва К.лар қўлга олинди.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **38-масала**

В. ва Й.лар узоқ кузатувлар натижасида заргарлик дўкони қоровули И. кундуз кунлари ўғирлик жинойтлари кам содир этилиши, бундан ташқари заргарлик дўкони бозорнинг марказий қисмида жойлашганлиги сабабли ҳар якшанба кундаги навбатчиликда соат 14.00 дан 16.30 қадар ўз жойида бўлмаслигини аниқлашди. Якшанба куни улар заргарлик дўконига танлаш йўли билан кираётганларида дўкон ичида бўлган қоровул И. сезиб қолиб, уларга қаршилиқ кўрсатганида В. ва Й.лар И.нинг бош қисмига ёғоч тўқмоқ билан уришиб, қўл-оёғини боғлаб, жами қиймати 450.000.000 сўмлик қимматбаҳо тақинчоқларни олиб кетишган.Олиб борилган тезкор суриштирув ишлари натижасида В. ва Й.лар қўлга олинди.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **39-масала**

Т. ўзига номаълум бўлган фирмада экспедитор бўлиб ишловчи У.дан бозордагидан анча арзон нархда транспорт воситасининг эҳтиёт қисмларини сотиб олди. Т. ушбу эҳтиёт қисмларда қандайдир инвентаризация белгилари борлигини кўриб қолди ва бу ҳақда У.га билдирганида, у шунинг учун ҳам арзон нархда сотаётганлигини, бирорта чилангарга айтса, ушбу белгиларни йўқотиб бериши мумкинлигини айтди. Т. ушбу эҳтиёт қисмларни сотиб олди ва икки кундан сўнг чилангарлик устахонасида инвентаризация белгилари ўчирилган эҳтиёт қисмларини олиб кетиш учун келганида ушланди.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **40-масала**

А. О. томонидан содир қилинган ўғирликнинг гувоҳи бўлиб қолди. А. ушбу вазиятдан ўз манфаати учун фойдаланиш мақсадида О.дан ўғирланган буюмлардан унга ҳам ҳисса беришини талаб қилди.

Агарда рад жавоби бўлса, содир қилинган қилмиш ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига дарҳол хабар беришини билдирди.

О. эса жавобгарликка тортилишдан кўрқиб, 5.000.000 сўм миқдоридаги тилла тақинчоқларни А.га берди.

Ўзи эса 15.000.000 сўм миқдоридаги тилла тақинчоқларни таниши В. орқали сотиб юборди ва кейинчалик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлга олинди.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **41-масала**

Фуқаро Н. ўзаро жанжал оқибатида таниши К.нинг юзига қўли билан уриб, унга тан жароҳати етказди. К. эса Н.га кучи етмаслигини билиб, тунда Н.нинг кўчада қолдирилган “Malibu” автомашинасини ёқиб юборди. Ўтказилган суд-тиббий экспертизаси К.нинг юзидаги тан жароҳати ўртача оғирликдаги тан жароҳати тоифасига киришлиги тўғрисида хулоса берди.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **42-масала**

Фуқаро С. таниши П.га тегишли бўлган “Lacetti” русумли автомашинани уч йил муддатга ижара шартномаси асосида олиб, йўловчи ташиш билан шуғулланган.

Лекин турли хил баҳоналар билан ижара шартномаси асосида П.га берилиши лозим бўлган пул суммасини бермасдан юрган. Ижара шартномаси тугаганидан сўнг эса автомашинани П. йўқлигида уйининг олдига ташлаб кетган.

Бундан хабар топган П. ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қилди.

– Юқоридаги шахснинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **43-масала**

М. йўловчи ташиш билан шуғулланиш автомашина сотиб олмоқчи бўлиб, бу ҳақда таниши Р.дан қарз сўраганида, у ўзида бунча пул йўқлигини, лекин рангли принтерда қалбаки пул тайёрлай олишини билдирди. Шундан сўнг улар қалбаки пул тайёрлаш учун зарур бўлган нарсаларни сотиб олишиб, тайёрланган 10.000 АҚШ долларига фуқаро А.дан унга тегишли бўлган автомашинани сотиб олишаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **44-масала**

Д. фуқаро Ф.дан икки йил муддатга қайтариш шарти билан 10.000.000 сўм қарз олган эди. Д. бу орада Ф.нинг йўл-транспорт ҳодисаси натижасида кўзи ожиз бўлиб қолганлигидан фойдаланиб, уни алдаш мақсадида келишилган вақтда 10.000.000 сўм ўрнига сувенир учун тайёрланган 10.000.000 сўмни Ф.га берди.

Ф. кўшниси О.га Д. берган пулларни қўрсатганида у ушбу валюта қимматликлари сувенир учун мўлжалланиб тайёрланганлигини билдирди.

Шундан сўнг Ф. ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қилди.

– Юқоридаги шахснинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **45-масала**

Фуқаро Н. ва С.лар уюшган гуруҳ аъзолари бўлгани ҳолда кўп миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтишган. Дастлабки тергов давомида ушбу шахсларнинг қилмишлари Жиноят кодексининг 182-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди бўйича квалификация қилинган. Лекин прокурор томонидан жиноят иши нотўғри квалификация қилинган деб топилиб, қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилди.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **46-масала**

Фуқаро С. ва Б.лар чет элда ишлаб чиқарилган кийим-кечакларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш мақсадида олдиндан тил бириктириб, бир ой давомида уч маротаба божхона чегарасидан жами анча миқдордаги товарларни олиб ўтишган. Сўнгра қўлга тушиб қолишдан хавфсираб, ўзларининг ушбу фаолиятларини тўхтатишган.

Суриштирув органлари томонидан уларнинг юқорида содир этган қилмишлари аниқланиб, уларга нисбатан Жиноят кодексининг 182-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди бўйича жиноят иши қўзғатилган. Лекин С. ва Б.ларнинг ҳимоячиси унинг ҳимоясидаги шахслар асоссиз равишда жавобгарликка тортилаётганлигини билдириб, прокурор номига шикоят ёзган.

– Юқоридаги шахслар ва суриштирув органларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **47-масала**

Меҳмонхона хизматчилари У. ва Х.лар чет эл фуқароси Ж.га тегишли бўлган 9.000 АҚШ долларини унинг розилиги билан қонунга хилоф равишда валюта айирбошлаш билан шуғулланувчи Т.дан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмга алмаштириб олаётганларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

– Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **48-масала**

З. мактаб ўқувчилари учун кийим-бош ишлаб чиқарувчи корхона сифатида рўйхатдан ўтди, лекин ишлаб чиқариш билан шуғулланмасдан чет элдан келтирилган кийим-кечакларни олиб-сотиш билан шуғулланди. Солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширув вақтида ушбу ҳолат аниқланди ва унинг фаолиятига чек қўйилди.

– Юқоридаги шахснинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **49-масала**

И. уюшган гуруҳ аъзоси бўлгани ҳолда жуда кўп миқдордаги товарларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш билан боғлиқ равишда кўп миқдордаги давлат божи тариқасидаги солиқларни тўлашдан ҳам бўйин товлаган. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида И. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

– Юқоридаги шахснинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **50-масала**

Фуқаро Б. ахборот тизимига рухсати бўла туриб рақобатдош фирмага зиён етказиш мақсадида Д. томонидан тайёрланган компьютер вирусини ахборот тизимига киритди. Унинг ҳаракатлари натижасида барча ахборот тизими ўзининг фаолиятини тўхтатди.

– Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 51-масала

Гиёҳвандлик воситалари таъсири остида бўлган У. кўчада аёлларга тегожоғлиқ қилиб, уларни хар-хил уят сўзлар билан ҳақоратлаб юрганлиги учун маҳалла профилактика инспектори томонидан ушланиб, уни ИИОга олиб келаётган пайтида фуқаро У. профилактика инспекторига қаршилик кўрсатиб, унинг баданига енгил шикаст етказиб, қочиб кетди. Орадан бир кун ўтганидан кейин фуқаро У. қўлга олинди.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро П.нинг қилмишини Жиноят кодекси 277-м. 3-қ. «г» б. (жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган безорилик) сифатида квалификация қилиш мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 52-масала

Фуқаро В. саноат моллари бозорида ҳеч қандай сабабсиз фуқаро А.ни уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, унинг чинни идишларини синдириб, унга 1 400 000 сўмлик моддий зарар етказган.

– фуқаро Д.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Моддий зарар миқдори қай тартибда аниқланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 53-масала

Муқаддам валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган фуқаро С. анча миқдорда валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда сотганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖК 177-моддасининг биринчи қисми билан айбланган. Иш суд мажлисида кўрилган вақтида энг кам ойлик иш ҳақининг белгиланган миқдори ўзгариб, С. қонунга хилоф равишда сотган валюта қимматликлар анча миқдорни ташкил қилмаганлиги сабабли суд иш бўйича уни оқлаш тўғрисида ҳукм чиқарган.

– Суд томонидан тўғри қарор қабул қилинганми?

– “Анча миқдор” атамасининг ҳуқуқий маъносини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 54-масала

Фуқаро Х. жабрланувчиларни алдаш йўли билан уларнинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиб, ўзлаштирганлиги учун, тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан айбланган. Суд тергови давомида судланувчи томонидан



келтирилган моддий зарар тўлиқ қопланган. Суд томонидан Х. ЖК 168-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

– Суд хукмини қонуний деб ҳисоблайсизми?

– “Жуда кўп миқдор” атамасининг ҳуқуқий маъносини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **55-масала**

Бозорда арча савдо-сотик ишлари билан шуғулланувчи фуқаро А. янги йил арафасида фуқаро В.га ноқонуний бойлик орттиришни, яъни фуқаро В.га ўрмонга бориб арча кесиб олиб келса, А. ушбу арчаларни сотиб олишини, сўнг қалбаки ҳужжат тайёрлаб ушбу арчаларни сотишини таклиф қилди. Фуқаро В. ўзининг юк машинасида шу куни тунда ўрмон хўжалигининг янги йил бозорида сотиш учун махсус етиштирилаётган арчалар экилган ҳудудига келди ва машинаси фаралари ёруғлигида 20 та баландлиги 1.5 ва 2 метр бўлган арчаларни кесиб олиб келиб фуқаро А.га сотиб юборди. Фуқаро В. ўрмон хўжалигининг қайси қисмидан арча кесганлиги фуқаро А.га маълум бўлмаган.

– Қилмишга ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **56-масала**

Озиқ-овқат дўкони сотувчиси П.нинг олдига таниши Р. келиб, назорат-касса машиналари фискаль хотираси хизмати дастурига ноқонуний ўзгартириш киритиш йўли билан даромад (фойда)ни яшириш мумкинлигини, агар ҳар ойда яширилган даромад (фойда)нинг ўн фоизини беришга рози бўлса, назорат-касса машиналари фискаль хотираси хизмати дастурига ноқонуний ўзгартириш киритиш йўли билан олинган даромад (фойда) миқдорини камайтириб беришини, буни ҳеч ким аниқлай олмаслигини билдирди. П. ушбу таклифга рози бўлди ва Р.га бир йил давомида яшириб қолинган даромад (фойда)нинг ўн фоизини бериб келди. Юқори солиқ идораси томонидан ўтказилган тадбир вақтида ушбу ҳолат аниқланиб, унга чек қўйилди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **57-масала**

Якка тартибдаги тадбиркор В. тўловга қобилиятсизлиги ҳамда ушбу ҳолат барқарор иқтисодий ночорлигига (банкротлигига) олиб келганлиги сабабли ўзини банкрот деб эълон қилди. Ўтказилган суриштирув

натижаларига кўра В. асосий фаолияти бўлмиш хизматлар кўрсатишга жалб этилган активларининг 50 фоиздан ортиғини таниши Б.га бериб юборганлиги аниқланди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **58-масала**

Паррандачилик фабрикаси раҳбари Л. харажатларни камайтириш мақсадида фабрика газ тармоғини фабрика яқинидан ўтган магистрал газ қувирига ўзбошимчалик билан улашни буюрди.

Ўзбошимчалик билан уланиш кўп миқдордаги газ маҳсулотларидан фойдаланиш билан бир қаторда газ қувирининг нормал ишлаши бузилишига олиб келди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **59-масала**

Фирма директори марказий газеталардан бирининг муҳбирига интервью бериш жараёнида била туриб рақобатдош фирма маҳсулотлари ва уларнинг ишлаб чиқарилиш шароити тўғрисида ёлғон ва бузиб кўрсатилган маълумотларни айтиб ўтди.

Ушбу маълумотлар газетада босиб чиқарилиши натижасида рақобатчи фирманинг обрўсига путур етди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **60-масала**

Масъул лавозимда ишловчи А. хизмат юзасидан ўзи раҳбарлигида ўтказилган текширувларнинг бирида савдо-сотик билан шуғулланувчи компаниянинг келгусида ишлаб чиқариш истиқболлари ва савдо ҳажмини ошириш борасидаги режаси билан танишиб қолди. Яқин қариндоши Ф.нинг шу соҳада фаолият кўрсатувчи фирмаси борлигини билган А. ушбу маълумотларни Ф.га берди.

Кейинчалик ушбу ҳолатдан хабар топган компания вакиллари А. ва Ф.га нисбатан қонуний чора кўрилишини сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **61-масала**

Фармацевтика компанияси раҳбари Д. чет элдан фойдаланиш муддати ўтиб кетган кўп миқдордаги сифатсиз дори воситаларини божхона назоратини четлаб ўтиб олиб келди. Сўнгра ходимлари С. ва И.лар билан биргаликда ушбу дори воситаларининг амал қилиш муддатларини қайтадан ўзгартириб чиқишди. Фуқаро Б. ушбу компанияга тегишли дорихонадан шифокор рецепти асосида олган дори воситасини истеъмол қилган ва ўткир захарланиш натижасида ҳаётдан кўз юмди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **62-масала**

Масъул мансабдор шахс Т. укаси М. томонидан қонунга хилоф равишда кўп миқдорда этил спирти ишлаб чиқарилиши ва муомалага киритилишини молиялаштириб келган. Олиб борилган ва ўтказилган суриштирув ишлари натижасида уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **63-масала**

Фуқаро Ж. қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлиги учун унга нисбатан ЖКнинг 188-моддаси билан кўзгатишган жиноят иши прокурорга юборилди.

Прокурор эса ишни қўшимча терговга қайтариб, бунга сабаб сифатида терговчи Ж.нинг фақат қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлигига ҳуқуқий баҳо берганлигини, қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган даромаддан солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлиги ҳолатига эса эътибор қаратмаганлигини кўрсатган.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

### **64-масала**

Фуқаро Д. даромад олиш мақсадида қонунга хилоф равишда психотроп моддалар савдоси билан шуғулланган. Олиб борилган ва ўтказилган суриштирув ишлари натижасида унинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилиб, унга нисбатан ЖКнинг 188 ва 184-моддалари билан жиноят иши кўзгатишган.

Дастлабки тергов давомида фуқаро Д. фақат даромад олиш мақсадида қонунга хилоф равишда психотроп моддалар савдоси билан шуғулланганлигини, лекин тўланмаган солиқлар миқдори анча миқдордалигини билдириб, айбловдан ЖКнинг 184-моддасини чиқаришни сўраган.

- Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **65-масала**

Б. ўзига нисбатан илгари савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузганлиги учун нисбатан маъмурий жазо қўлланилганлигига қарамасдан, хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлиги аниқланди.

- Юқоридаги шахснинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

### **66-масала**

Фермер хўжалиги раҳбари Т. пахта чигитидан ёғ ишлаб ишлаб чиқариш мақсадида яширин цех ташкил қилди. Сўнгра таниши О. билан бирга ушбу цехда тайёрланган, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган ёғ маҳсулотларини фуқароларга арзон нархларда сота бошлади.

Ушбу ҳолат бўйича олиб борилган суриштирув ишлари жараёнида ўтказилган экспертиза хулосасига кўра, цехда тайёрланган ёғ маҳсулотлари, истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

- Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **67-масала**

Фуқаро Й. лицензия олинмиши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан шуғулланганлиги учун унга нисбатан иш кўриляётган вақтда унинг айна пайтда рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товлаганлиги аниқланди.

Й.га нисбатан илгари савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган.

- Юқоридаги шахснинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **68-масала**

Фуқаро У. этил спирти ва алкоғолли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан шуғулланганлиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди. Олиб борилган суриштирув ишлари жараёнида У.га нисбатан илгари шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилмаганлиги аниқланди.

- Юқоридаги шахснинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

### **69-масала**

Айбдор Г. босқинчилик қилиш мақсадида Ж.нинг турар жойига унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб кириб ўзга мулкини эгаллаган.

– айбдор Г.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– айбдор Г.нинг қилмиши Жиноят кодекси 142-моддаси билан қўшимча квалификация қилинадими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **70-масала**

Босқинчилик жинояти содир этилишида ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрkitилган бўлса, айбдор қилмиши қандай квалификация қилинади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорига асосланиб беринг.

### **71-масала**

Терговчи томондан ўғрилик содир этган Ф.нинг қилмиши квалификация қилиш жараёнида, ушбу жиноят предмети бўлган мулкнинг қийматини аниқланмасдан ЖК 169-модда 1-қисми бўйича жавобгарликка тортган.

– терговчининг ҳаракати тўғрими?

– талон-тарож жиноятларини квалификация қилишда жиноят предмети бўлган мулкнинг қиймати қай тарзда аниқланишини кўрсатинг:

1) предметнинг мулкдор томонидан қай йўсинда сотиб олинганлигига қараб;

2) жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган чакана нархлардан келиб чиқиб;

3) жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бозор нархлардан келиб чиқиб;

4) жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган комиссия нархлардан келиб чиқиб;

5) мулк қиймати эксперт хулосасига асосан аниқланади;

6) барчаси тўғри.

### **72-масала**

Фуқаро Л. томондан жабрланувчи Д.нинг соғлиғининг йигирма бир кундан ортиқ бузилишига сабаб бўлган даражада баданга шикаст етказилди.

– айбдор Л. ҳаракатларини квалификация қилинг;

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

Вариант: агарда шундай жароҳат етказиш хавфини туғдирувчи ҳаракатлар содир этилса фуқаро Л.нинг ҳаракатлари қандай квалификация қилинади?

### 73-масала

Почта контейнерларини юклаш бўлимида оддий ишчи сифатида ишловчи фуқаро Д. контейнерладан бирини очади ва ундаги моддий қимматликларни эгаллайди.

– фуқаро Д.нинг ҳаракатида ЖК 143-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби борми?

### 74-масала

Айбдор Г. баданга шикаст етказишни ният қилмаган ҳолда ёлғондакам қуролдан (тўппонча макетидан) фойдаланиб, жабрланувчи З.нинг мулкини эгаллади.

– айбдор Г.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– қилмишни ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаганида, уни қуролли босқинчилик сифатида баҳолаш мумкинми?

– босқинчилик жараёнида айбдор томонидан рухсатнома талаб қилинадиган ўқотар қурол ишлатилганда ҳамда қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни (портловчи, заҳарли моддаларни ва ҳ.к.) ишлатиб босқинчилик содир этилганда унинг ҳаракатлари қандай квалификация қилинади?

– пневматик милтиқ, сигнал, газ пистолетлари ёки газ балонлари, ракетницалар ва бошқа имитация-пиротехник ёки ёритгич воситалари қурол жумласига қирадимми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 75-масала

Фуқаро О. мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан корхонага тегишли ўзга мулкни ўзлаштириш йули билан талон-торож қилди.

– айбдор О.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– айбдор О.нинг ҳаракатларини ЖК 192<sup>11</sup> ёки 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилиниши керакми?

– қайси ҳолатларда мансабдор шахснинг ҳаракатлари ўзганинг мулкини талон-торож қилиш билан бирга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишни (масалан, ЖК 167 ва 205-моддаларида ёки 192<sup>11</sup>-моддалари) назарда тутган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак?

### 76-масала

Фуқаро В. унга қарздор бўлган Ф.дан қарзни талаб қилиб, уйига борди. Қарздор Ф. фуқаро В. устидан ички ишлар идораларига ҳабар берди.

– фуқаро Л.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– агарда қилмишда қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар тўлаш бўйича олдиндан келишув бўлмаган бўлса, берилган қарз учун фоиз талаб қилиш қандай жиноят таркибини ташкил қилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **77-масала**

Ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини содир этган айбдор П. қўлга тушишдан қутилиш мақсадида, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб қочмоқчи бўлган. Лекин, бошқа фуқаролар ёрдамида П. қўлга тушган.

– фуқаро П.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– қайси ҳолатларда бундай ҳолатда зўрлик ишлатиш фақат ўғирлик деб баҳоланиши лозим?

– қайси ҳолатларда ўғирлик жиноятлар мажмуи бўйича тавсифланиши лозим?

### **78-масала**

Айбдор Ж. ички ишлар идоралари кийимини кийиб қалбаки ҳужжатларни намойиш қилган ҳолда жабрланувчи Х.нинг хонадонида тинтув ўтказди ва муайян қимматликларга эга бўлган мулкларни олиб, мулкни олиб қўйиш тўғрисида баённома тузади ҳамда воқеа жойидан яширинади.

– айбдор Ж.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– фирибгарлик жиноятдан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш жинояти (ЖК 170-моддаси) нимада фарқланади?

### **79-масала**

Айбдор Э. фирибгарлик мақсадида қалбаки ҳужжатдан фойдаланган. Бироқ унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, ўзганинг мулкани ололмайд қолган.

– айбдор Э.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

–фирибгарлик жиноятини қайси ҳолатларда жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилиниши лозим?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **80-масала**

Йўловчи вокзалда оғир чемоданни муайян вақтга қаровсиз қолдириб, ошхонага бориб келган вақт мобайнида, мазкур чемоданни бегона Х. Исмли шахс томонидан эгалланди.

– фуқаро Х.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– йўқотилган мулкни ўзлаштириб олиш жиноий жавобгарликни тақозо этадими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **81-масала**

Давлатга тегишли корхона директори У. корхона томондан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот етказиб бериш баҳосининг аниқ пасайтирилган ҳолда хорижий давлат фирмаси билан шартнома тўзди.

– корхона директори У.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **82-масала**

Фуқаро Б. журналдан янги пулнинг намуна нусхаларини қирқиб олиб, уларни ёпиштириб сотишга уринган.

– фуқаро Б.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– қайси ҳолатларда қалбаки купюралар ЖК 176-модданинг жиноят предмети бўла олмайди?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **83-масала**

Айбдор С. валюта қимматликларини босқинчилик йўли билан талон-торож қилган.

– айбдор С.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– валюта қимматликларида толон-торож қилиш жиноятларини, ЖКнинг 177-моддаси билан қўшимча тавсифлаш талаб қилинадими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **84-масала**

Фуқаро Ю. қалбакилигини билмагани ҳолда қалбаки 5000 доллар миқдорини ташкил этган валюта қимматликларини сотиб олган ва ички ишлар идоралари ходимлари томондан қўлга олинган.

– фуқаро Ю.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **85-масала**

Маълумки, шахснинг ҳаракатларини ЖК 184-модда (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) бўйича тўғри квалификация қилиш учун суриштирув, тергов органлари ва судлар, барча



ҳолларда, солиқлар тўланмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар миқдорини синчиклаб аниқлашлари лозим.

– айтингчи, Жиноят кодекси 184-моддаси бўйича жавобгарликни белгилашда, шахс томонидан яширилган ёки камайтириб кўрсатилган солиқ солинадиган объекти катталиги (қиймати) аҳамиятга эгами?

### **86-масала**

Фуқаро Ж. ўзганинг мулкани бевосита олиб қўймасдан ва унга нисбатан ҳуқуққа эга бўлмасдан, қонунга (шартномага) кўра, мулкдор эгалиги ёки тасарруфига ўтишга лозим бўлган товар-пул қимматликларини ўзлаштиради ва улар ҳисобига бойийди.

– айбдор Ж.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

### **87-масала**

Фуқаро Ҳ. мулкий хусусиятдаги ғайриқонуний фойда олиш мақсадида, қонунчиликда белгиланган тўловларни тўлашдан озод этувчи қалбаки ҳужжатларни тақдим этди.

– айбдор Ҳ.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **88-масала**

Фуқаро З. ўғирлик йўли билан корхонага тегишли 200 000 сумлик радиоприёмникни ноқонуний уйига олиб кетгани учун маъмурий жавобгарликка тортилди. Бир йил ўтмасдан туриб фуқаро З. қайта корхонага тегишли 300 000 сўмлик мулкни эгаллаб олди.

– айбдор Қ.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– оз миқдорда талон-торож неча марта содир этилганлиги аҳамият касб этмайди?

### **89-масала**

Айбдор В.нинг қасди ўзганинг мулкани фирибгарлик билан жуда кўп миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноят охиригача етказилмади.

– айбдор В.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– талон-торож қилинган мулк қиймати фирибгарликни квалификация қилиш учун аҳамиятга эгами?

– тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **90-масала**

Айбдор Ў. фирибгарлик йўли билан бойиш мақсадида, Ўзбекистон пул бирлигини ясаб, уларни ўтказишга ҳаракат қилганида қўлга тушган.

- айбдор Ў.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **91-масала**

Айбдор Ч. 10 долларли пул купюрасига яна битта нол рақамини қўшиб ёзиб, алдаш ва мулкий фойда олиш учун фуқаро Г.га сотган. Фуқаро Г. пулнинг сохта эканлигини билиб, ички ишлар идораларига мурожаат этган.

- фуқаро Ч. ва Г.нинг ҳаркатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

### **92-масала**

Фуқаро В. қонунни бузган ҳолда акциз маркаларисиз савдо фаолиятини амалга ошириб келган.

- айбдор В.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **93-масала**

Фуқаро Л. товарлар учун ўрнатилган бож туловлардан бош тортиш мақсадида, товарларни божхона назоратини четлаб ўтиб Ўзбекистон ҳудудига олиб кирган пайти қулга олинди.

- айбдор Л.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **94-масала**

Фуқаро Ш. товарларни божхона назоратидан яшириш мақсадида, уларга бошқа товарларнинг коробкаларига жойлаштирган. Бироқ, божхона назорати пункти ходимлари томондан Ш. қилмиши фош бўлди.

- айбдор Ш.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси] // Ишонч. – 2017. – 17 янв.

4. Ш.М. Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.

5. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дустона ҳамкорлик эса тараққиётнинг қафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

#### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 524 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: (2015 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр (Иккинчи нашр) – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2015. – 432 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2017 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2017. – 560 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2014. – 296 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (Янги таҳрири): Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат»,

2016. – 576 б.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 2012 йил 24 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2012. – № 39. – 446-м.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги 2012 йил 17 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2012. – № 51. – 575-м.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2015 йил 20 августдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 9-сонли қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бирлашган таҳририяти, 2011. – 26 б.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Maxsus qism: Darslik / R. Kabulov, A. Otajonov va boshq. Mas'ul muharrir Sh.T. Ikramov. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 824 б.

2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 260 б.

3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. Т. 4: Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2011. – 424 б.

4. Kabulov R., Otajonov A. A. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar: O'quv qo'llanma. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2013. – 154 б.

5. Рустамбаев М.Х., Ахраров Б.Ж. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни квалификация қилиш муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 228 б.

6. Абдуқодиров Ш. Товламачилик жинояти: уни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик асослари // Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. – 2012. – № 1. – 17–19-б.

7. Отажонов А.А. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишнинг жиноят-ҳуқуқий белгиларига оид айрим мулоҳазалар // ТДЮИ ахборотномаси. – 2010. – № 2. – 130–132-б.

#### IV-БЎЛИМ. ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

##### **Топширик:**

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 40, 79-моддаси тўртинчи қисмининг иккинчи, тўртинчи хатбошилари, 80-моддаси, 90-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи, тўртинчи хатбошилари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 41-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунининг 13, 21-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 18, 22, 24-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасининг иккинчи қисми, 26-моддаси, 27-моддасининг учинчи қисми, 28-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 15, 17-моддасининг иккинчи қисми, 21, 28, 29-моддалари, 32-моддаси иккинчи қисмини биринчи, бешинчи хатбошиси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонуни 24-моддаси, 33-моддасининг иккинчи қисми, 34-моддасининг иккинчи қисми, 47-моддасининг иккинчи қисми, 50, 51-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 17, 18, 19, 21, 42-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунининг 33-40<sup>1</sup>, 43-моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонуни 8-моддасининг бешинчи қисми;
- Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни 17-моддаси биринчи қисмининг ўн олтинчи хатбошиси;

– Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни (Янги таҳрири);

– Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг IV бўлими («Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга тушириш»);

– Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддаси;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрдаги ПФ-1005-сонли «Экинларнинг пайҳон этилишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони;

– «Ўзбекистон Республикаси ўрмонларида ёнғин хавфсизлиги» қоидалари;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги низом ва «Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги низом, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш» қоидалари (рўйхат рақами 1569, 02.05.2006 й.);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида»ги низом.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 36-сонли «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 3-сонли «Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сонли «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисида»ги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги (2017 йил 29 ноябрдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 1996 йил 20 декабрдаги 36-сонли қарори.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2013 йил 31 майдаги 09-сонли қарори.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 29 ноябрдаги 46-сонли қарори.

**Муаммоли саволлар:**

1. Экология соҳасидаги жиноятларга тушунча беринг.
2. Экология соҳасидаги жиноятларнинг турдош объектини аниқланг.
3. Экология соҳасидаги жиноятларнинг предметини нима ташкил қилади?
4. Экология соҳасидаги жиноятларнинг объектив томони белгиларини санаб ўтинг.
5. Экология соҳасидаги жиноятлар содир этилганда етказилган зарар миқдорини қандай аниқлаш мумкин?
6. Нима учун ЖКда экология соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи моддаларнинг диспозициялари бланкет хусусиятига эга?
7. Экология соҳасидаги жиноятларни содир этишда мотив қандай аҳамиятга эга?
8. Экология соҳасидаги жиноятларни субъектини аниқланг.
9. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги экология соҳасидаги жиноятларни қандай турларга ажратади?
10. Экология соҳасидаги жиноятларнинг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлардан фарқи нимада?
11. Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузишни қандай қилмишлар ташкил этади?
12. Атроф табиий муҳитни ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш деганда нима тушунилади?
13. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик деганда нима тушунилади (ЖК 195-м.)?
14. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик учун жиноий жавобгарликка тортишнинг қандай шартлари мавжуд (ЖК 195-м.)?
15. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш тушунчасини аниқланг (ЖК 196-м.).
16. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш (ЖК 196-м.). Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмасликдан (ЖК 195-м.) фарқи нимада?

17. Қандай ҳаракатлар ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишни ташкил этади? (ЖК 197-м.)

18. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишнинг субъектини аниқланг.

19. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш деганда нима тушунилади (ЖК 198-м.)?

20. Қандай ҳаракатлар экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларни пайҳон қилишни ташкил этади?

21. Қандай ҳаракатлар ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузишни ташкил этади (ЖК 199-м.)?

22. Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузишда жиноий жавобгарликни вужудга келиши шarti қандай?

23. Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш нималарда намоён бўлади (ЖК 200-м.)?

24. Эпизоотия ўзида нимани назарда тутати?

25. Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузишдан (ЖК 200-м.) ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузишни (ЖК 199-м.) фарқи нимада?

26. Қандай ҳаракатлар зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузишни ташкил этади (ЖК 201-м.)?

27. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш деганда нима тушунилади (ЖК 202-м.)?

28. Қандай ҳаракатлар сув ёки сув хавзаларидан фойдаланиш шартларини бузишни ташкил қилади (ЖК 203-м.)?

29. Қандай ҳудудлар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил қилади?

### **1-масала**

Фуқаро Д.. 2013 йил 31 октябрь куни Т. ва А.лар билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, Тошкент вилояти Ангрен туманига қарашли арча ўрмонидан умумий қиймати 75.452.950 сўмлик 25 дона диаметри 50, 60, 60 см бўлган “ясень” дарахтини ноқонуний равишда кесиб кетаётган вақтида Ички ишлар идоралари ходимларти томонидан ушланган.

– Айбдорларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби борми?

– Агарда жиноят таркиби бўлса, унинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

### **2-масала**

Фуқаро С. ва В. ов қилиш мақсадида қўриқхона ҳудудига ғайриқонуний кириб, у ерда ноёб ҳисобланган ҳайвонлар, яъни 2 та кийик, 3 та каклик ва кўпгина қушларни ов қилишган. Бунинг оқибатида давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказилган.



- С. ва В.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **3-масала**

Кимё заводининг бош мухандиси Б. 2 та ишчиси С. ва А.ларга тозалаш курилмасининг носозлигини тузатишларини буюрди, аммо уларнинг ишини назорат қилмади. Сифатсиз таъмирлаш натижасида дарёга меъёридан анча ортиқ зарарли моддалар келиб тушди.

Бунинг натижасида ишлаб чиқариш чиқиндилари келиб тушган дарёнинг анча қисмида балиқларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлди.

- Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **4-масала**

Муддатли ҳарбий хизматчи В. чегара яқинида жойлашган дала ҳовлида овчилик билан шуғулланувчи фуқаро Т. билан учрашиб қолди. В. Т.га агар ҳеч кимга айтмаса, ҳарбий қисмдан ўғирланган 10 жуфт ҳарбий этик билан бирга эскирган, ҳарбий қисмга тегишли бўлган тўппончани 10 та ўқи билан сотишини билдирди.

Шунда Т. В.дан анча арзон нархда 10 жуфт ҳарбий этик билан бирга эскирган, ҳарбий қисмга тегишли бўлган тўппончани 10 та ўқи билан сотиб олди.

- Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **5-масала**

Фуқаро М. ва П.лар ов мавсуми бошланмаганлигига қарамасдан, Сирдарё дарёсидан кўп миқдорда балиқлар ва ёввойи паррандаларни овлаб, “Тилла балиқ” ошхонаси раҳбари Д.га ушбу балиқ ва ёввойи паррандалар Сирдарё дарёсидан янги овланганлигини билдиришиб, арзон нархда бўлса ҳам сотиб олишини таклиф қилишган.

Д. уларга ҳозир ов мавсуми эмаслигини, лекин М. ва П.ларга раҳми келганлигини ва овланган балиқ, ёввойи паррандалар нархини яна озроқ туширишса сотиб олишини айтган ва улардан анча арзон нархда қонунга хилоф равишда овланган балиқ ва ёввойи паррандаларни сотиб олган.

- Юқоридаги шахсларнинг қилмишини квалификация қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **6-масала**

Одилов ва Неъматовлар балиқ овлаш учун захарли моддалардан фойдаландилар. Айнан улар дарёга бир челақ хлор қоришмасини тўкишган, бунинг оқибатида 2 км масофадаги балиқ ва сув ҳайвонлари захарланган.

– Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **7-масала**

Қорақалпоғистон Республикаси Устюрт платасида жойлашган “Уммон” нефть-газ корхонасининг раҳбари Б. ва унинг ўринбосари Д.лар раҳбарлиги остида корхона ишчилари нефть маҳсулотларини қазиб ишлари олиб борилаётганида, ер остида сақланаётган портлаш ва ёнғин келиб чиқиш хавфи мумкин бўлган нефть-газ маҳсулотларининг мунтазам равишда назорат қилинмаганлиги ва эҳтиёткорлик чоралари кўрилмаганлиги сабабли портлаш ва ёнғин юзага келди. Портлаш ва ёнғиндан юзага келган захарли газларнинг тарқалиши оқибатида корхонага яқин жойлашган “Бўстон” кишлоғида оммавий тарзда аҳолининг касалланишига сабаб бўлди.

– Айбдор шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **8-масала**

Вилоят ҳокимининг сув ва қишлоқ хўжалик масалалари бўйича ўринбосари вилоят ҳудудида ўсимликлар зараркундалари ва касалликларига қарши кураш зарур чораларини кўрмаслик оқибатида вилоят ҳудудининг катта майдонини чўл чегиртакаси босиб кетиши натижасида 10 минг гектарга яқин ўсимликларга жудда катта миқдорда зарар келтирилди.

– Ушбу мансабдор шахснинг ҳаракатларини жиноят таркиби бўйича квалификация қилинг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **9-масала**

Жиззах вилоят давлат ветеринария хизмати вилоятда ҳайвонлар юқумли касалликларини олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Шу белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Арнасой туман ветеринария хизмати инспектори туманда чорва моллари орасида юқумли касалликларни олдини олиш учун Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган сертификати бўлмаган вакцинани ветеринария дўконларига тарқатиб юбориши натижасида 25 мингдан зиёд қўй нобуд бўлди.

- Қилмишга ҳуқуқий баҳо беринг?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **10-масала**

Фуқаролар К. ва С. ов қилиш таъқиқланган даврда 400 кг. сазан балиғини овлаш орқали кўп миқдорда зарар етказишди.

- Жиноятни квалификация қилишга жиноят содир қилиш вақти аҳамиятга эгами?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **11-масала**

Бозорда арча савдо-сотик ишлари билан шуғулланувчи фуқаро А. янги йил арафасида фуқаро В.га ноқонуний бойлик орттиришни, яъни фуқаро В.га ўрмонга бориб арча кесиб олиб келса, А. ушбу арчаларни сотиб олишини, сўнг қалбаки ҳужжат тайёрлаб ушбу арчаларни сотишини таклиф қилди. Фуқаро В. ўзининг юк машинасида шу куни тунда ўрмон хўжалигининг янги йил бозорида сотиш учун махсус етиштирилаётган арчалар экилган ҳудудига келди ва машинаси фаралари ёруғлигида 20 та баландлиги 1.5 ва 2 метр бўлган арчаларни кесиб олиб келиб фуқаро А.га сотиб юборди. Фуқаро В. ўрмон хўжалигининг қайси қисмидан арча кесганлиги фуқаро А.га маълум бўлмаган.

- Қилмишга ҳуқуқий баҳо беринг?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **12-масала**

«Зарафшон» жамоа хўжалигининг ҳайдовчиси Д. пахта йиғим-терими мобайнида автоцистерналарда дефолиантларни ташиш пайтида, зарарли кимёвий воситаларни ташиш талабларини қўпол равишда бузди. Бунинг натижасида 1,5 тонна миқдорида бўлган юкнинг ҳаммаси «БЎЗ-СУВ» каналига тўкилиб, ер ости сувининг ва яқин атрофдаги сув ҳавзаларининг заҳарланишига олиб келди. Заҳарланган сувларни истеъмол қилганлик оқибатида эса одамларнинг ва ҳайвонларнинг оммавий касалланишига сабаб бўлди.

- Айбдор шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **13-масала**

Тошкент вилояти Олмалик туманидаги кимё-саноат заводининг кимёвий моддаларни сақлаш ва ташиш бўйича масъул ходимлари Г. ва Д.лар симоб сақланаётган омборхонадан кимёвий моддаларнинг назоратдан ўтказиш пунктига олиб боришда хавфсизлик чораларини кўрмаганлиги сабабли симоб сақланаётган идишларни синдириб юборди. Натижада завод ва унга яқин жойлашган ҳудудлар захарланиб, аҳолининг оммавий касалланди. Кимё-саноат заводига яқин жойлашган қишлоқ аҳолиси аҳоли зудлик билан бошқа жойларга кўчирилди.

– Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **14-масала**

Фуқаролар В. ва Л. тегишли рухсатномаси бўлмасда балиқ овига чиқиб, Сирдарё дарёсидан тўр билан 250 кг. балиқ овлашди ва Чиноз туманидаги бозорга олиб келиб сотаётган пайтда қўлга тушди.

– В. ва Л. ҳаракатларида экология соҳасига оид жиноят белгиси мавжудми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **15-масала**

Х. ва С., Х.га тегишли юк автомашинасида қўйқхона ҳудудига кириб у ердаги бир нечата дарахтни кесиб, майдалаб юк машинасига ортиб келиб, қишлоқда яшовчи аҳолига сотишди, натижада ўрмон хўжалигига 12 млн. сўм миқдорида зарар етказилди.

– Х. ва С.лар жиноий жавобгарликка тортиладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### **16-масала**

Табиат қўйнида дам олишга келган Б. тоғ ён бағридаги дарахтлар соясида дам олиб, овқат қилиш учун гулхан ёқди, лекин шу пайт эсаётган шамол оловни шу ерда ўсаётган дарахтга олиб кетиб, бир неча туп дарахт ёниб кетди ва фақат ўт ўчирувчи экипаж ёрдамида олов ўчирилди, натижада атроф-муҳитга жиддий зарар етказилди.

– Б.нинг ҳаракатларида экология соҳасидаги жиноят таркиби борми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### 17-масала

Нурота кўриқхонаси худудига дам олишга келган С. ов милтиғи билан шу ердаги ёввойи тўғизни отиб ўлдирди ва уни гўтини машинасига ортаётган пайтда кўриқхона ходимлари томонидан ушланди. Б. кўриқхона ходимларига тўғиз унга ҳужум қилганлиги учун отганини айтди.

- С. жавобгарликка тортиладими?
- С.нинг ҳаракатларида жиноят таркиби борми?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

### 18-масала

Профилактика нозир капитан Зиёев махалла фаолларидан, кўп қаватли уйлар орасидаги майдонда коммунал хўжалик идораси ишчилари томонидан кузда йтирилган хозонларни ёқиб атрофдагиларни захарлаётганлиги ҳақидаги тушган аризани кўриб чиқишни рад этиб, бу масала юзасидан ҳокимиятга мурожаат қилишни тавсия этди.

- Профилактика инспектори Зиёев ҳақида?
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ва тегишли қонунларга асосланиб беринг.

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Раҳбарий адабиётлар

1. Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси] // Ишонч. – 2017. – 17 янв.

4. Ш.М. Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига

бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.

5. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дустона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

#### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (2012 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2012. – 200 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 524 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2017 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2017. – 560 б.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Maxsus qism: Darslik / R. Kabulov, A. Otajonov va boshq. Mas'ul muharrir Sh.T. Ikramov. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 824 b.
2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 260 b.
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. Т. 4: Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2011. – 424 б.

## **V-БЎЛИМ. ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

### **Топширик:**

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 14, 15-моддалари ва 26-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми, 57-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисми;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси ва 2-боби («Жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва улар фаолиятининг тўхтатилиши»);
- Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунининг III («Нодавлат ноижорат ташкилотини тузиш тартиби») ва IV бўлимлари («Нодавлат ноижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби»);
- Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни 3-моддаси, 5-моддасининг учинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари, 11-моддасининг еттинчи қисми, 14-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси, 10-моддасининг иккинчи қисми;
- Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасининг бешинчи қисми;
- Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида камокда сақлаш тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 51-моддаси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги Қонунининг 10-14-моддалари;

– Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-344-сон «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 17-моддаси биринчи қисмининг биринчи, олтинчи хатбошилари

– «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуннинг 10, 12, 15-моддалари;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сонли қарори билан тасдиқланган «Хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президенти билан махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахсларнинг» рўйхати, «Хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахсларнинг» рўйхати, «Хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президенти девони тегишли хизматлари билан махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахсларнинг» рўйхати;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши» тартибининг III бўлими («Чет элга бориш ҳуқуқидаги чеклашлар»).

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли қарори билан тасдиқланган «Оммавий тадбирларни ўтказиш» қоидалари;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартиби»;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби»;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарори билан тасдиқланган «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари» қоидалари;

– Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 1 майдаги 72-сон буйруғи билан тасдиқланган «Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисида Йўриқнома»;

– Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги Қонуни, «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларида маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами: 1135, 07.05.2002 й.);



– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари»;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги 7-сонли «Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори 11-бандининг тўртинчи хатбошиси;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сонли «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 4-банди, 6-8-бандлари, 13-банди, 14-бандининг иккинчи хатбошиси, 16 ва 18-бандлари;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги 7-сонли «Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори 9-бандининг биринчи хатбошиси;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 5-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 11-бандининг биринчи хатбошиси;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 07-сонли «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарорининг 2-банди, 17-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 13-сонли «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги қарорининг 2-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 22-сонли «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 1-банди;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг қўшма 1996 йил 20 декабрдаги 1/60-сонли «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги қўшма қарори 3-бандининг биринчи хатбошиси;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 29 ноябрдаги 46-сонли қарори.

**Муаммоли саволлар:**

1. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятларнинг қагдай турлари мавжуд?

2. Мансабдор шахс деганда нима тушунилади?

3. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш қайси белгиларига кўра ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишдан фарқ қилади?

4. Порахўрлик билан боғлиқ жиноятларнинг хизматчини пора эвазига оғдириш жиноятидан фарқи нимада?

5. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш жиноятининг тушунчасини ва жавобгарлик шартлари нимадан иборат?

6. Мансабга совуққонлик билан қараш жиноятининг тушунчасини ва жавобгарлик шартлари нимадан иборат?

7. Пора олиш жиноятининг тушунчасини ва жавобгарлик шартлари нимадан иборат?

8. Хизматчини пора эвазига оғдириш жиноятининг тушунчасини ва жавобгарлик шартлари нимадан иборат?

9. «Пора олиш-беришда воситачилик қилиш» тушунчаси нимани англатади?

10. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш қайси белгиларига кўра талон-торожнинг шакли бўлган товламачиликдан фарқ қилади?

11. Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш жиноятининг жиноятининг тушунчаси ва жавобгарлик шартлари нимадан иборат?

12. «Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш» тушунчаси нимани англатади?

13. ЖКнинг 223-моддаси (Қонунга хилоф равишда чет елга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш)да назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланаётган шахс қайси ҳолатларда жиноий жавобгарликдан озод қилинади?

14. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш жиноятининг тушунчаси ва жавобгарлик шартлари нимадан иборат?

15. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судялар томонидан содир этиладиган одил судловга қарши жиноятлар деганда нима тушунилади ва унинг қандай турлари мавжуд?

16. Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш жиноятининг тугалланиш вақтини аниқланг. Турлари.

17.Адолатсиз хукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш жиноятнинг тушунчаси ва жавобгарлик шартлари нимадан иборат?

18.Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш жиноятнинг тушунчаси ва жавобгарлик шартлари нимадан иборат?

19.Қайси ҳолатда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш ноқонуний ҳисобланади?

20.Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятнинг тушунчаси ва жавобгарлик шартлари нимадан иборат?

21.Одил судловни амалга оширишга кўмаклашишга мажбур шахслар томонидан содир этиладиган одил судловга қарши жиноятларнинг тушунчаси аниқланг ва унинг қандай турлари мавжуд?

22.Ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг тушунчаси ва жавобгарликка тортиш шартлари нимадан иборат?

23.Кўрсатув беришдан бош тортган гувоҳнинг ҳаракатлари қандай квалификация қилинади?

24.Қайси ҳолатларда гувоҳни кўрсатув бериш учун тергов идораларига келишга тўсқинлик қилганлиги учун жиноий жавобгарлик вужудга келади?

25.Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш жиноятининг тушунчаси ва жавобгарликка тортиш шартлари нимадан иборат?

26.Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиб жиноятининг тушунчаси ва жавобгарликка тортиш шартлари нимадан иборат?

27.Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлашни ёлғон гувоҳлик бериш жиноятидан фарқини аниқлаш.

28.Ёлғон хабар бериш, тухматдан қандай белгиларига кўра фарқ қилади?

29. Қайси ҳолатларда айбдор ҳаракатлари тегишлича ЖК 167 ва 209-моддаларида ёки ЖК 167 ва 228-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади?

30. Агар мансабдор шахс ўз вазифаларини лозим даражада бажариш учун реал имкониятларга эга бўлмаса, бундай ҳолларда унинг ҳаракатларини мансабга совуққонлик билан қараш деб баҳолаб бўладими?

### **1-масала**

Фуқаро У. “Шевролет экспорт” кўп тармоқли хусусий фирма раҳбари лавозимида ишлаб келиб, ўзи раҳбарлик қилаётган фирманинг 22-сонли йўналиш бўйича йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатувчи транспорт автомашиналари фаолияти устидан назорат юритиш ҳуқуқидан фойдаланиб, М.га “УАЗ-452” русумли автомашинаси техник жиҳатдан носоз эканлигини, унинг якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун лицензияга эга эмаслигини айтиб, йўловчи ташиш хизматидан четлатиб, 2 000 000 сўм

берган такдирда автомашинасини йўналишга қўшишини айтиб, пул талаб қилган. М. унга 500 000 сўм пулни бераётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинган. Дастлабки тергов органи томонидан У.нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси иккинчи қисми “в” банди, яъни тамагирлик йўли билан пора олиш сифатида квалификация қилинган.

– Дастлабки тергов органи томонидан У.нинг қилмиши тўғри квалификация қилинганми?

– “Тамагирлик йўли билан” пора олиш тушунчасини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 2-масала

Фуқаро С. олди-сотди шартномасини ҳужжатлаштиришни тезлаштириш учун нотариал идора бошлиғи Т.га 100 АҚШ долларини берди. Нотариус Т. ўз ўрнида барча ишларини четга қўйиб, олди-сотди шартномасини расмийлаштирди ва тасдиқлаб берди.

Орадан икки ҳафта ўтгач С., нотариус Т. пора олаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинганлигини эшитиб қолди ва ўзининг пора берганлигини фош этилишидан қўрқиб, Т. ундан пора беришни талаб қилганлиги ҳақида прокуратурага ариза билан мурожаат қилди.

Дастлабки тергов жараёнида С. ЖКнинг 211-моддасининг 4-қисмига мувофиқ жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

– С. ва Т.ларнинг ҳаракатларига жиноий-ҳуқуқий баҳо беринг.

– С.ни жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги қарор тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 3-масала

Муқаддам уч маротаба талончилик ва безорилик учун судланган Қ., озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтиб ҳам тўғри йўлга қирмай, спиртли ичимликларни ичишни, оилада жанжал қилишни ва жамоат тартибini бузишни давом эттираверди.

Назорат ўрнатилганлигига қарамай, қарорда белгиланган вақтда Ички ишлар органига келиб туришдан бўйин товлаган, тақиқланган вақтда шаҳарда юрган ва бунинг учун ички ишлар органлари томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Шундан сўнг ҳам ички ишлар органларининг рухсатисиз бошқа шаҳарга кетиб қолган ва у ерда қўлга олинган.

– Қ.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### 4-масала

Тошкент шаҳар ЙХХ хизматининг навбатчилик қисмига йўл ҳаракати хавфсизлик қоидаларини бузганлиги учун фуқаро Т. олиб келинди.

Навбатчилик қисми бошлиғи капитан Ш. Т.ни навбатчининг хонасида бир суткага яқин вақт ичида ушлаб турди. Т. унинг иши бўйича аниқлик киритиб ва уни қўйиб юборишни талаб қилганида, Ш. унинг бошига пистолетнинг орқа томони билан урди. Т.га соғлиғининг қисқа муддатга ёмонлашуви билан боғлиқ енгил шикаст етказилди.

Аниқланишича, Т. маст ҳолатда транспорт воситасини бошқарган экан.

– Ш.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### 5-масала

Терговчи А. Жиноят кодексининг 164-моддаси бўйича фуқаро Қ.га нисбатан кўзгатишган жиноят ишни кўраётган вақтда Қ. А.га жиноят ишини Жиноят кодексининг 164-моддасидан 166-моддасига ўзгартирса унга «хизмат ҳақи» эвазига 1000 АҚШ доллари беришини билдирди.

Т. бу ҳақда бошлиғига билдирди ва бошлиғини розилигини олиб, жиноят ишини Жиноят кодексининг 164-моддасидан 166-моддасига қайта квалификация қилиш тўғрисида қарор чиқарди ва Қ.га Жиноят кодексининг 166-моддаси билан айб эълон қилди.

Қ. терговчи А.га келишилган 1000 АҚШ долларини келтириб берди.

Туман прокурори мазкур жиноят иши билан танишиб чиқаётганда қилмиш нотўғри квалификация қилинганлигини аниқлади ва терговчи А. айблов хулосасига прокурор имзо қўйиши учун унга Қ.дан олган 1000 АҚШ долларидан 500 АҚШ долларини берди ва қолган пулларни бошлиғи билан тенг тақсимлаб олишди.

– Содир этилган қилмишни квалификация қилинг ва жиноий-ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### 6-масала

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 117-моддаси 2-қисми билан 2 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташга ҳукм қилинган О., жазони ижро этиш жойларига олиб борилаётганда, йўлда қўриқчилардан бирига енгил шикаст етказиб, уларнинг назоратидан қочиб кетди.

Орадан 2 ҳафта ўтгач, юқори инстанция суд органи, О.нинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 117-моддасида кўрсатилган жиноят таркибининг йўқлиги сабабли ҳукми бекор қилди.

– О.нинг ҳаракатларида жиноят таркиби борми?

– Агарда жиноят таркиби бўлса, унинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **7-масала**

Корхона директори А. қурилишга алоқаси бўлмаган 23 нафар ишчисини бир қатор объектларни капитал таъмирлаганликлари ва ўз вақтида топширганликлари учун мукофотлади.

Мукофотланганларнинг кўпчилиги «керакли одамлар» ва А.нинг қариндошларидан иборат эди.

Бунинг натижасида давлатга жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилди.

– Алиевнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **8-масала**

Фуқаролар Х. ва Б. олдиндан тил бириктириб Ў.га тегишли бўлган сигирни молхонанинг деворини тешиб олиб кетганликда айбланганлар.

Дастлабки тергов вақтида Х. ўзининг айбини тан олмади, унинг айтишича, қизини Ў.га турмушга берганида сепга қўшиб сигир ҳам берганлигини, лекин қизи Ў. билан ажрашиб отасиникига қайтиб келганидан сўнг, бир неча бор сигирни қайтиб бериш талабига Ў. рад жавобини берган.

Х. қўшниси Б. ёрдамида ўз хоҳишича сигирни олган.

– Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **9-масала**

Корхона раҳбари П. чет элдаги ҳамкорлари билан шартнома тузиш учун БААнинг Дубай шаҳрига чиқиш визасини расмийлаштирди. Бир ҳафтадан сўнг у Дубайга бориб, ҳамкорлари билан учрашди.

Учрашувда Дубайлик ҳамкорлари у томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларга Испания ва Италия давлатларидан жуда кўп миқдорда таклиф тушаётганлигини ва бу ҳақда келишиб олиш учун мазкур давлатларга бориб, шартнома тузиш лозимлигини баён қилишди.

П. ушбу таклифга рози бўлди ва Дубайлик ҳамкорлари билан Испания ва Италия давлатларига ташриф буюриб, уларга ҳам товар етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоланди.

Шундан сўнг П. Дубай орқали тошкентга қайтиб келганида Тошкент аэропортида ушланди.

– фуқаро П.нинг ҳаракатларига жиноий-ҳуқуқий баҳо беринг.

### **10-масала**

Терговчи Т. Жиноят кодексининг 169-моддаси бўйича фуқаро С. ва А.ларга нисбатан кўзғатилган жиноят ишни кўраётган вақтда А. Т.га жиноят ишини унга нисбатан қасмини бекор қилиш ҳақида қарор чиқариб берса, «хизмат ҳақи» эвазига 2000 АҚШ доллари беришини билдирди.

Т. бу ҳақда бошлиғига ва туман прокурорига билдирди ва уларни розилигини олиб, А.га нисбатан жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақида қарор чиқарди ва А.дан 2000 АҚШ долларини олган вақтида қўлга олинди.

– Содир этилган қилмишни квалификация қилинг ва жиноий-ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **11-масала**

Фуқаро И. маст ҳолатда дўконнинг ёпилиш вақтида келиб, бир шиша ароқ олди, бироқ дўкондан чиқмади.

ИИО ходими С.нинг дўконни тарк этиш тўғрисидаги таклифига жавобан унга кўлидаги шиша билан хужум қилди.

С. кўли билан чап бериб улгурди, натижада зарба тирсагига тегди ва улар биргалашиб ерга йиқилиб тушдилар.

Улар ўртасида курашбозлик бошланиб кетди. С.га шиша зарбидан енгил шикаст етказилган.

– И.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **12-масала**

Фуқаро М. 2013 йил 7 октябрдан 08 октябрга ўтар кечаси тахминан тунги соат 01:45ларда мастлик ҳолатида давлат рақами 01V 958BA “Нексия” русумли автомашинасини номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганлиги тўғрисида Тошкент шаҳар Миробод тумани Ички ишлар бўлимига телефон орқали хабар беради.

Лекин суриштирув вақтида фуқаро М.га тегишли бўлган давлат рақами 01V 958BA “Нексия” русумли автомашинасини маст ҳолда бошқариб келаётганида, ЙХХ ходимлари томонидан тўхтатилиб жарима майдонида кўйилганлиги аниқланди.

– Фуқаро М.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг?

### **13-масала**

Судланувчи Б. судда кўрсатув беришдан бош тортди. Мазкур жиноят ишини кўраётган судья судланувчи Б.нинг кўрсатув беришдан бош тортганлиги ҳақида далолатнома тузиб, ишни кўришни давом эттирди.

- Судланувчи Б.ни кўрсатув беришдан бош торганлиги учун жавобгарликка тортиш мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **14-масала**

Фуқаро У. 2000 йилдан буён фуқаро М. билан қонуний никоҳдан ўтмасдан бирга яшаб келиб, ўз шахсий жамғармасига, яъни 45.000.000 сўмга 2012 йил 16 март куни М.ни номига «Ўзсаноатқурилиш» банкига тегишли Юнусобод туманидаги «Шаҳристон» бўлимидан, кредитга давлат белгиси 01А 754 АА бўлган «Нексия русумли» автоуловни сотиб олган.

Гарчан автоулов М. номига расмийлаштирилган бўлсада, У. ўзи фойдаланиб келиб, ҳар ойлик 140.000 сўм тўловларини ўз маблағидан амалга ошириб келган.

Фуқаро У. 2014 йил 29 август куни соат тахминан 09.00ларда М. билан уришиб қолганлиги сабабли, у билан келажакда муносабатларини тўхтатиш ва автоуловни ўзида олиб қолиш мақсадида, ўз бошқарувида бўлган ушбу автоуловни 2014 йил 28 август куни соат тахминан 22.00 ва 23.00лар оралиғида “Кўйлик” бозори олдидаги автостоянкага қўйиб, М.га тегишли бўлган мулкни уни розилигисиз ўзбошимчалик билан яшириб қўйган.

Бундан ташқари, У. ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириб, 2014 йил 29 август куни соат 17.00дан 18.00 гача бўлган вақт оралиғида Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ тергов бўлимининг хизмат хонасида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган вақтда, у била туриб давлат рақами 01А 754 АА «Нексия» русумли автоуловни 2014 йил 28 август куни соат тахминан 23.00дан 29 август куни соат 09.00гача бўлган вақт оралиғида номаълум шахслар томонидан ўзини уйини олдидан олиб қочиб кетишди деб кўрсатмалар берган.

– Айбдорнинг ҳаракатларида жиноят таркиби борми?

– Агарда жиноят таркиби бўлса, унинг қилмишини квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **15-масала**

Терговчи А. жиноят ишини белгиланган муддатда тугатишга интилиб, ишда етарлича далиллар бўлмаслигига қарамасдан Т.га Жиноят кодексининг 164-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир қилишда айблаб, айблов қарорини эълон қилди.

– Айбдорнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.



### 16-масала

Тожикистон Республикаси фуқароси А. Ўзбекистон чегара худудидан айланма йўллар билан ўтиб, чегара темир йўл ишчиси Ўзбекистон Республикаси фуқароси Б.дан шу туман касалхонасига қандай боришлигини сўрайди. Фуқаро Б. фуқаро А.га йўлни кўрсатиб юборади.

Орадан бир ой ўтгандан сўнг туман ДХХ терговчиси фуқаро Б.ни фуқаро А.га чегарадан ноқонуний ўтишда яқиндан ёрдам берганликда айбдор деб топиб, жиноий жавобгарликка тортди.

– ДХХ терговчисининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 17-масала

Фуқаро Б. уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотидан захарланиб, туман шифохонасида вафот этди.

Суриштирув жараёнида консерва маҳсулотини Б.нинг қайнсинглиси Т. тайёрлагани маълум бўлди.

Туман терговчиси Т.ни айбсизлигини била туриб, уни ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «и» банди билан айдор деб топиб, жиноий жавобгарликка тортди.

– Терговчининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 18-масала

Судья жиноят ишини кўриб, ҳукм эълон қилганидан кейин, маҳкумнинг яқин қариндошлари ариза билан мурожаат қилиб, маҳкум билан учрашиш учун рухсат беришини илтимос қилдилар.

Судья улар томондан кўрсатма бермаганлиги сабабли уларга илтимосини рад қилди.

-Судьянинг ҳаракати тўғрими?

-Яқин қариндошлар кўрсатма беришдан воз кечишга ҳақлими?

-ЖК бўйича кимлар яқин қариндош тоифасига киради?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 19-масала

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинаётган судланувчи А.нинг онаси судда ўғлининг содир этган жинояти ҳақида кўрсатма беради.

Судланувчи А.нинг онаси судда берган мазкур кўрсатмаси ҳақиқатга тўғри келмаслиги ва ёлғон кўрсатмалиги аниқланди.

– Айбдорнинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг?

## 20-масала

А.ни Жиноят кодексининг 164-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни ҳақиқатдан ҳам содир қилганлиги аниқ эди, бироқ у жиноят иши бўйича далилий ашёларнинг қаерга яширилганлигини кўрсатмасдан, бу ишга алоқадорлигини яшириб, кескин рад қиларди.

Жиноят ишининг судга оширилиш муддати яқинлашганлиги сабабли туман прокурор Р. терговчи М.ни ўз олдига чақириб, унга А.дан айбига иқрорлик кўрсатмаларни олиш ва далилий ашёларни топиш учун барча чораларни кўришни тайинлайди.

Терговчи гумонланувчи шахс А.га адвокати ва яқин қариндошлари билан учрашишга йўл қўймас эди, А. билан бир камерада сақланаётган «шахслар» эса унга ухлашга беришмас ва уни азоблашар эди.

Юқоридаги ҳаракатларга чидай олмасдан А. жиноят содир қилганлигига иқрор бўлди ва далилий ашёларнинг қаерга яширилганлигини кўрсатди.

– Айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 21-масала

“Соадат” МЧЖ корхонаси ишчилари Қ. ва М.лар 2 ой давомида ўзаро жанжаллашиб келар эди.

Корхона ишчиси М. Қ.нинг турли хил камситишлари ва ҳақоратларига чидай олмай, Қ.ни ўлдиришга қарор қилди.

Бу ҳақда унинг яқин дўсти С. билиб қолди ва уни бу йўлдан қайтарди.

Бир неча кун ўтгач, М. Қ.ни кечаси ишдан қайтишини пойлаб турганлиги ва ўлдирганлигига С. гувоҳ бўлди.

Дастлабки тергов давомида С. М.нинг содир этган қотиллик жиноятини содир этганлиги ҳақида билганлигини қатъиян рад қилди.

– Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 22-масала

Фарғона вилояти Қўқон шаҳар жиноят ишлари бўйича суди томонидан «Юлдуз» МЧЖ корхонасининг ишчиси Т.ни турмуш ўртоғи М. билан ажрашгалиги сабабли, унинг ойлик мошининг тўртдан бир қисмини давлат фойдасига ушлаб қолиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқди.

Лекин 3 ойу 5 кундан кейин мазкур қарор ижросини таъминлаш учун келган суд ижрочиларига қаршилик кўрсатиб, уларнинг танасининг турли жойларига ўртacha оғир шикаст етказди.

– Айбдорнинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг ва юридик таҳлил қилинг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **23-масала**

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани жиноят ишлари бўйича суди «Адолат» Акционерлик жамияти бирлашмасининг ишчиси Б.ни ойлик иш ҳақининг 33 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш билан алимент тўлашга ҳукм қилди.

Ҳукм почта орқали буюртма-хат тариқасида «Адолат» Акционерлик жамияти бирлашмасига юборилди ва иш юритувчи котиба Н. уни қабул қилиб олди.

Лекин «Адолат» Акционерлик жамияти бирлашмаси ишчиси Б. котиба Н.га 250.000 сўмлик NOKIA уяли телефони совға қилиши эвазига мазкур ҳукмни рўйхатдан ўтказмади.

Натижада ҳукм ижроси таъминланмади.

– Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

–жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **24-масала**

Фуқаро С. ва Ҳ.лар биргаликда безорилик жинояти содир етганликлари учун муқаддам судланганлар. Улар ушбу судланганлик ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимидан ўчириб ташлаш мақсадида, бу турдаги маълумотлар сақланадиган Республика ИИБ Ахборот марказида хизмат олиб бораётган Ш. билан ўзаро тил бириктиришади.

Натижада Ш. Ахборот марказининг ахборот маълумотлар тизимидан С. ва Ҳ.ларнинг судланганлик тўғрисидаги маълумотларни ўчириб ташлади.

– юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

–жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **25-масала**

Фуқаро Ғ. давлат чегараси режими талабларига очикдан-очик бўйсунмасдан, ходимни ўзининг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилиб, божхона ходимига енгил тан жароҳати етказиб, давлат чегарасини ёриб ўтди.

– айбдор Ғ.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

Вариант: айбдор Ғ. божхона ходимига ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиб, давлат чегарасини ёриб ўтди.

Вариант: айбдор Ғ. божхона ходимига оғир тан жароҳати етказиб, давлат чегарасини ёриб ўтди.

### **26-масала**

Фуқаро Ю. давлат чегарасини қўриқлашга доир техник воситаларни нобуд қилиб, давлат чегарасини ёриб ўтди.

- айбдор Р.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **27-масала**

Божхона назоратидан яширин равишда товарларни ўтказиш мақсадида, фуқаро Г. божхона назорати пункти ходимларига 100 АҚШ долларини бермоқчи бўлганида, давлат хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан қулга олинди.

- айбдор Г.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **28-масала**

Фуқаро С. хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиб, қариндоши бўлган фуқаро Т.га ноқонуний равишда мулкӣ бойликларни олиб киришга шароит яратган.

- айбдор С. ва Т.ларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
- тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **29-масала**

Фуқаро Ю. ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни божхона органларига ҳақиқӣ ҳужжат сифатида тақдим этди.

- айбдор Ю.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- айбдор Ю.нинг қилмиши ЖК 228-модда квалификация қилинадими?

### **30-масала**

Экология назорати соҳасида ишлаётган мансабдор шахс Х. табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузувчилар С. ва У.лар билан жиноӣ тил бириктириб, уларга тақиқланган вақтда ов қилишга руҳсат берган.

- айбдор Х., С. ва У.ларнинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.
- тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **31-масала**

Мансабдор шахс Т. унга пора берилаётган вақтда жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан қулга олинди. Бироқ, Т. томондан пора сифатида олинган чет эл валютаси сохта бўлиб чиққан.

- фуқаро Т.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **32-масала**

Мансабдор шахс Ж.нинг топшириғи бўйича унинг таниши Ч. фуқаро С.дан порани олиши ва Ж.га олиб келиши режалаштирилган эди. Ч. томондан пора олинди. Бироқ, мансабдор шахс Ж. пора олишдан бош тортишни истаб, пора берган С.га телефон орқали пора олишдан бош тортганлигини маълум қилди. Унга, С. Порани қайтариб олмаслигини, мансабдор ваъда қилган ишини охиригача етказишини талаб қилди.

- юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг;
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

4. Ш.М. Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.

5. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дустона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (2012 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2012. – 200 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 524 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2018 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 288 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2017 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2017. – 560 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (Янги тахрири): Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2016. – 576 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси: (2015 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2014. – 152 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2014 йил 24 июндаги 127-ум сонли буйруғи билан тасдиқланган “Адлия органлари ходимлари томондан мансаб ваколатини суиистимол қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг олдини олиш тартиби тўғрисида”ги Низом.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралда қабул қилинган, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Ф-4849-сонли фармойиши.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5024 фармойиши.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрь ЎРҚ-503-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни.

16. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 2014 йил 3 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 49. – 578-м.

17. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) 2012 йил 24 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2012. – № 52. – 583-м.

18. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 2012 йил 25 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2012. – № 52. – 585-м.

19. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги 2014 йил 5 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 19. – 209-м.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги «Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлash ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 7-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қўшма қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бирлашган таҳририяти, 2009. – 40 б.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Maxsus qism: Darslik / R. Kabulov, A. Otajonov va boshq. Mas’ul muharrir Sh.T. Ikramov. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 824 b.

2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta’lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 260 b.

3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. Т. 4: Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2011. – 424 б.

4. Кабулов Р., Отажонов А. Одил судловга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 72 б.
5. Рустамбаев М.Х., Ахраров Б. Ж. Бошқарув тартибига қарши жиноятларни квалификация қилиш: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2006. –134 б.
6. Соттиев И.А., Ҳамроев С.И. Коррупция билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 72 б.



## VI-БЎЛИМ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### Топширик:

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

– «Бактериологик (биологик) ва токсик қурол-яроғларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва тўплашни ман этиш ҳамда уларни тугатиш тугатиш тўғрисидаги Конвенция» (Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 185-I-сонли «Бактериологик (биологик) ва токсик қурол-яроғларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва тўплашни ман этиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги қарор билан тасдиқланган);

– Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XIII боби («Меҳнатни муҳофаза қилиш»), Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни.

– Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 17 ва 18-моддалари,

– Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддаси;

– Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддаси;

– Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг 2,3,4-қисмлари;

– Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасининг олтинчи қисми;

– Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг учинчи хатбошиси;

– Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонунининг 5-боби («Автомобиль йўлларида фойдаланиш»);

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 мартдаги ПҚ-608-сонли «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сонли «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва

улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, «Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами: 1491, 08.07.2005 й.), «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материалларни автомобиль транспортида ташиш» қоидалари (рўйхат рақами: 1492, 08.07.2005 й.) ва «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материалларни темир йўл транспортида ташиш» қоидалари (рўйхат рақами: 1493, 08.07.2005 й.).

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги 234-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги 109-сонли қарори билан тасдиқланган «Яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолият лицензияланиши керак бўлган портловчи ва захарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек портлатиш воситалари» рўйхати;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 августдаги 231-сонли қарори билан тасдиқланган «Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги низом, «Ядровий материаллар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги низом;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 апрелдаги 98-сонли қарори билан тасдиқланган «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш» қоидалари;

– Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» Бош директорининг 2014 йил 26 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Аҳоли пунктларидаги сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш тизимларидан фойдаланишда ишлар хавфсизлиги Қоидалари»нинг 5-параграфи;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 10-сонли «Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 10-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом»;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 10-сон қарори билан тасдиқланган «Диний мазмундаги материалларни давлат диншунослик экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом»;

– Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги 179-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш Қоидалари»;

– Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 29 июндаги 15 ва 9-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»;

– Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 10 июлдаги 118-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом»;

– Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 30 июндаги 105-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган Ягона талаблар»;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 октябрдаги 349-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида авиация парвозининг асосий қоидалари», Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидалари»;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сонли қарори билан тасдиқланган «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламент

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 августдаги 176-сонли «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари»;

– Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2014 йил 22 апрелдаги 22-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Автомобилда ташувчи томонидан ҳайдовчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича йўл-йўриқлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом»;

– Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг 2016 йил 22 мартдаги 13/16-сонли

қарори билан тасдиқланган «Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорлари».

– Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунининг II («Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият»), III («Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш шартлари»), IV бўлимлари («Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш») ва «Гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш шартлари тўғрисида»ги низом(рўйхат рақами: 1090, 29.12.2001 й.).

– Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 37-сонли «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида» қарори.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 38-сонли «Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги 10-сонли «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 6-8, 10 ва 11-бандлари;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўллари минтақасида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш қоидалари»;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 38-сонли «Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида»ги қарори 1-бандининг «а» кичик банди,

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 16-банди,

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 12-банди.

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги 3-сонли «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги 10-сонли «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори;

**Муаммоли саволлар:**

1.Оммавий тартибсизликлар жиноятининг субъекти ким?

2.Қайси белгиларига кўра оммавий тартибсизликлар жинояти безорилик жиноятдан фарқ қилади?

3. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятининг одам ўғирлашдан фарқи нимада?

4. Қайси белгиларига кўра контрабанда жинояти божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятдан фарқ қилади?

5.Ўқотар қуролнинг таркибий бўлаклари ва айрим қисмларини қонунга хилоф равишда эгаллаш кейинчалик отишга яроқли бўлган қуролни йиғиш учун зарур бўлган етишмайдиган қисмларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар қандай квалификация қилинади?

6. Маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш жиноятининг субъекти ким ҳисобланади?

7. Транспорт воситаларини техник ҳолатига маъсул шахслар қаторига кимлар киради?

8. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти учун жавобгарлик шартлари қандай?

9. Қайси белгиларига кўра транспорт воситасини олиб қочиш жинояти талон-торож жиноятларидан фарқ қилади?

10.Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш жиноятининг субъекти ким бўла олади?

11.Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятининг объектив томонини қандай ҳаракатлар ташкил қилади?

12. Гиёҳванд воситалари ёки психотроп моддаларни «ўтказиш» деганда нима тушунилади?

13. Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятининг субъекти бўлиб кимлар ҳисобланади?

14. Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш характлари уларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки сотиш билан боғлиқ бўлган харакатлар қандай квалификация қилинади?

15. Безорилик жинояти қайси белгиларига кўра шахсга қарши жиноятлардан фарқ қилади?

16. Жиноий-ҳуқуқий безориликнинг маъмурий безориликдан фарқини кўрсатинг.

17. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинган безориликнинг оммавий тартибсизликлардан фарқи нимада?

18. «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш» тушунчасининг мазмунини ёритиб беринг.

19. «Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик» тушунчаси нимани англатади?

20. Компьютер саботажидеганда нима тушунилади?

21. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш (ЖК 278<sup>б</sup>-м.) деганда нимани тушуниш лозим?

22. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш жинояти объектив томонини аниқланг.

23. ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят қайси пайтдан бошлаб тамомланган ҳисобланади?

### 1-масала

Ж. уюшган қуролли гуруҳнинг ташкилотчиси «ўзининг» одамларидан уларнинг икки ой давомида тайёргарлик кўраётган жиноятлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг назорати остида эканлигини билиб қолди.

Ушбу вақт мобайнида бу гуруҳнинг аъзолари «ПМ» тўппончасини ўғирлашди ва бошқа ҳеч қандай ижтимоий хавфли қилмиш содир этмаганлар.

Ҳош бўлиб қолишдан кўрққан Ж. гуруҳ аъзоларига ҳеч қандай жиноят содир этмасликларини буюрди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 2-масала

Қ. хотини Л. ва ўғиллари А. Ё. лар билан биргаликда самолётга пластик бомбани олиб киришди ва экипаж командиридан уларга 1 млн. АҚШ доллари ҳамда Исроилга учиб кетишларига имконият беришларини талаб қилишди. Акс ҳолда улар самолёт ичидаги 100 нафар катта ёшдаги ва 20 нафар вояга етмаган йўловчини портлатиб юборишларини билдиришди. Жиноятчилар билан ўтказилган музокаралар уларнинг ҳушёрлигини чалғитди ва 30 дақиқа ичида уларни қўлга олишга эришилди.

– ушбу оиланинг ҳаракатлари қандай квалификация қилинади?

– Қилмишни юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 3-масала

Германияга доимий яшашга чиқиб кетмоқчи бўлган Э.нинг оиласи капсулаларга дори деб илон заҳарларини жойлаштирдилар. Капсулалардаги кулранг суюқликни текшираётган вақтда эҳтиётсизлик оқибатида экспертлардан бири қўлини кесиб олди ва заҳарланди. Натижада экспертнинг ўлими юз берди.

– Э.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 4-масала

Ўзбекистон фуқароси Б. бошқарувидаги “КамАЗ” автомашинасига 176 дона “Калашников” автомати патронлари юкланган бўлиб, қоидабузар бу юкни Ўзбекистонга олиб ўтмоқчи бўлганда божхона ходимлари томонидан ушланган.

– ЖКнинг тегишли нормалари асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

## 5-масала

Б. ва М.лар «Лочин» Акционерлик Бирлашмаси товар сақлаш омборхонасининг қўриқчисини ёнига бориб, унга нисбатан газ балончасини ишлатиб ҳушидан кетказди ва ов милтиғини олиб кетишди.

Қуролни улар катта юк машиналари ҳайдовчиларига нисбатан bosқинчилик ҳужумларини уюштириш учун олишган, бироқ орадан уч кун ўтгач улар қўлга олиндилар.

– Б. ва М.лар томонидан содир қилинган қилмишларни квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **6-масала**

М. ва Ш. исмли шахслар “Чорсу” бозори олдида қаровсиз турган “Ласетти” русумли автомашинани миниб олиб қочишди ва шаҳардан ташқардаги далаховлига яширишди.

М. исмли шахс Ш.га автомашинани бўлакларга бўлиб сотишни таклиф қилди. Ш. исмли шахс эса ўзининг натариус бўлиб ишловчи таниши борлигини ва илтимос қилса автомашинани сотишга қалбаки ишончнома килиб беришини таъкидлади.

Шундан сўнг улар қалбаки ишончнома орқали автомашинани сотиб фойдани ўртадан бўлиб олишди.

– Юқоридаги шахсларни жавобгарликка тортишни ЖКнинг 243-моддага асосан ҳал қилса бўладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **7-масала**

О. исмли шахс ва унинг дўстлари оммавий тартибсизликларнинг ташкилотчилари ва иштирокчилари, бироқ уларнинг ҳаракатлари жамоат тартибини бузсада лекин қирғинлар қилиш, вайронагарчиликлар, ўт кўйишлар ва бошқа шу каби ҳаракатлар билан биргаликда содир этилмаган.

– Шахсларни жавобгарлик масаласини ҳал этинг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **8-масала**

К. исмли шахс ўқ дори сақланадиган омборда омборчи лавозимида хизмат қилади. Кунларнинг бирида у қурол ярқ омборидан С. исмли дўстининг илтимосига кўра ўқ-дорининг бўлаги бўлган гранатанинг запалини олиб чиқиб кетаётганида қўлга олинди. Терговчи бу масала юзасидан К. исмли шахсга нисбатан ЖКнинг 248-моддаси билан иш кўзгатди.

– Терговчини ҳаракатлари қонунийми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **9-масала**

Ш. исмли шахс портлатиш қурилмасини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказаётганда қўлга олинди.

– Шахсни жавобгарлик масаласини ҳал этинг.



– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **10-масала**

У. исмли шахс қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кираётганда божхона назоратидан яшириб жуда кўп миқдорда дори воситаларини олиб ўтаётиб қўлга олинди.

– Шахснинг ҳаракатларини квалификация қилинг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **11-масала**

Г. исмли шахс ўзи божхонада ишлашига қарамай, жуда кўп миқдорда товарларни ўз хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказган.

– Г.ни ҳаракатларини юридик баҳоланг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **12-масала**

Фуқаро Н. «Nexia» русумли автомашинасини 65 км-соат тезликда бошқариб кетаётганда йўл чеккасида турган «Мерседес» юк автомашинасини айланиб ўтаётиб, ундан 2,5 метрлар масофада йўлдан югуриб ўтаётган К. ва С. исмли ўсмирларни кўриб қолди.

Ўсмирларни босиб қўймаслик мақсадида у дарҳол рулни чап томонга, яъни қарама-қарши ҳаракат йўлига бурди ва машинани тўхтатишга уринганда, қарама-қарши йўналишдан келаётган «Opel» автомашинаси билан тўкнашди ва оқибатда ушбу автомашинанинг ҳайдовчиси воқеа жойида ўлди.

– Н. К. ва С.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **13-масала**

Фуқаро Н. «Nexia» русумли автомашинасини йўл ҳаракати қоидалоарининг барча талабларига амал қилган ҳолда бошқариб кетаётганда йўлда кетаётган пиёда Р.ни уриб юборди.

Ушбу воқеадан саросимага тушган ҳайдовчи Н. пиёда Р.га ҳеч қандай ёрдам кўрсатмасдан воқеа жойидан кетиб қолди.

Пиёда олган тан жароҳатлар натижасида касалхонада вафот этди.

– Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **14-масала**

25-19 автокорхонаси бошлиғи Б.нинг хайдовчиси Д. бошлиқни мехмондорчиликдан олиб кетиш учун келди. Бошлиқ Б. маст холда автомашина олдига келиб хайдовчи Д.га мухими ишлар билан кетаётганлигини ва кеч қайтиши мумкунлигини айтиб автомашинани олиб кетди ва йўлда кетаётганда йўлда пиёдани уриб юборди.

Пиёда олган тан жароҳатлари натижасида вафот этди.

– мазкур холат юзасидан шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

#### **15-масала**

Божхона ходимлари фуқаро К.ни холислар иштирокида шахсий кўриқдан ўтказганда, унинг оёқ кийимига яширилган 7 грамм оғирликдаги героин гиёванд моддасини ноқонуний олиб ўтаётганлиги аниқланди.

– К.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **16-масала**

25-19 автокорхонасининг транспорт воситасининг техник ҳолати ва ундан фойдаланиш учун масъул бўлган катта механик В. техник носос холдалигини билган холда матиз русумли автомашинани бошлиқ О.нинг буйруғига асосан хизматга хайдовчи Р. билан чиқариб юборди, лекин хайдовчига носозлигини айтмади.

Хайдовчи Р. автомашинани бошқариб кетаётганда техник носолик туфайли ЙТХ содир этди. ЙТХ натижасида хайдовчи Р. енгил шикастланди.

– мазкур холат юзасидан шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **17-масала**

22-23 автокорхонасининг хайдовчиси Д. бошлиқни хизмат жойидан олиб кетиш учун келганида бошлиқ томонидан айтилган вақтдан 20 дақиқа кеч қолиб келди.

Шу баҳона қилиб шу захоти хайдовчини ишдан бўшатиб юборди ва ўзи маст холда бўлишига қарамай автотранспортга ўтириб уйига кетди.

Бошлиқнинг мастлиги юқори бўлганлиги учун йўл ҳаракати қоидалари бузиб ЙТХ содир этди. ЙТХ натижасида К.исмли чет эл фуқароси оғир тан жароҳати олди.

– мазкур холат юзасидан шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **18-масала**

28-88 автокорхонасининг хайдовчиси Д. ўзига бириктирилган авто транспортининг тормоз тизими яхши ишламаслигига қарамасдан хизматга чиқиб йўл ҳаракати қоидаларига амал қилган ҳолда бошқариб кетди ва йўлни кесиб ўтаётган пиёда Ж. ни уриб юборди.

Шунинг натижасида пиёда оғир тан жароҳати олди. Дастлабки тергов жараёнда аниқланишича хайдовчи Д. автомашинани тормоз тизими соз ҳолда бошқарган тақдирда ҳам ушбу пиёдани уриб юбориши аниқланди.

– мазкур ҳолат юзасидан Д.ни ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **19-масала**

И.исмли шахс жиноят содир этиб яшириниш мақсадида югуриб кетаётган вақтида дўкон олдида ёқих ҳолда турган фуқаро Л.га тегишли бўлган МАТИЗ автомашинани кўрди.

Воқеа жойидан тезроқ кетиш мақсадида ушбу атомашинага ўтириб уни бошқариб кетди.

– мазкур ҳолат юзасидан И.ни ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **20-масала**

Фуқаро И. автотранспортни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари бўлмаслигига қарамасдан ўзининг турмаш ўртоғига тегишли бўлган ВАЗ 2106 русумли автомашинани йўл ҳаракат қоидаларига амал қилган ҳолда бошқариб кетаётиб бошқа автомашина билан тўқнашиб кетди.

Натижада ушбу тўқнашувдан И. оғир тан жароҳати олиб шифохонага ётқизилди.

– мазкур ҳолат юзасидан И.ни ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **21-масала**

Фуқаро Я.ни автотранспортни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси бўлмасида ўзига тегишли КАПТИВА русумли автомашинани 100 км/с тезлигида бошқариб кетаётган вақтда турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб кўчага чиққан Ф. Я.ни бошқарувидаги автомашинани олдида ўзини отди.

Бироқ фуқаро Ф. автомашинани орқа ён эшигига урилиб ерга йиқилди ва оғир тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

– мазкур ҳолат юзасидан шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **22-масала**

Фуқаро Г. ўзининг томорқасида жўяқлар орасида наркотик «наша» моддасини экиб етиштирар эди.

Унинг кўшниси Х. ушбу наркотик моддаларни Тошкент шаҳрига олиб келиб, таниши Қ.га топширар эди. Қ. наркотик моддасини папирос шаклида ўраб сотар эди.

Қўлга киритилган даромад улар орасида тенг бўлинар эди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **23-масала**

Фуқаро Д. ўзига тегшли бўлган 30 м<sup>2</sup> катталиқдаги ер майдонида кўкнори экинини экди.

Хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг экинларни йўқ қилиш тўғрисидаги талабларига жавобан, Д. экинларни кулинария ишлари учун ва шунингдек оиласига шифобахш малҳам сифатида ишлатишини таъкидлади.

– Д.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **24-масала**

Чет эл фуқаролари Ф. ва С.лар яширин тарзда Ўзбекистон Республикасига прекурсор моддаларни олиб кирар едилар. Ўзбекистонда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари В. ва М.лар билан минифабрика ташкил қилиб, олиб келинган прекурсорлардан тайёр гиёҳвандлик воситалар ишлаб чиқаришарди.

– Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатлари қандай квалификация қилинади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **25-масала**

Б. ва М.лар товар сақлаш омборхонаси кўриқчисини ёнига бориб, унга нисбатан газ балончасини ишлатиб ҳушидан кетказишди ва табель қуролини олиб кетишди. Қуролни улар катта юк машиналари ҳайдовчиларига нисбатан

босқинчилик хужумларини уюштириш учун олишган, бироқ орадан уч кун ўтгач улар қўлга олиндилар.

– Б. ва М.лар томонидан содир қилинган қилмишларни квалификация ва юридик таҳлил қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **26-масала**

Тунда гиёҳвандлик кассаллигига чалинган Б. навбатчи дорихонага кириб, сотувчининг бўйнига пичоқ тираб, таркибида гиёҳвандлик воситаси бор бирон-бир дорини беришни талаб қилди.

Сотувчи дорихонада наркотик моддаси бор препаратларнинг йўқлигини билар эди, бироқ ўзини хаётидан хавфсираб Б. га таркибида гиёҳвандлик воситаси бор препарат сифатида, аслида оддий тинчлантирувчи воситани бериб юборди.

– Б.нинг ҳаракаларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **27-масала**

Ўта хавфли рецидивист деб топилган Ж. қўшниси бўлган 18 ёшлик А. ва унинг укаси 16 ёшлик З.ларга марихуана номли гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишларини таклиф қилди. А. рози бўлиб, марихуанани истеъмол қилиб кўрди, унинг укаси З. эса истеъмол қилишни хохламади.

– Содир этилган қилмишга ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **28-масала**

Аэропортда Россия Федерациясидан келаётган фуқаро Н.нинг қўл юки кўздан кечирилаётганда оз бўлмаган миқдорда «кокаин» наркотик моддаси топилди.

Аниқланишича, Н. ушбу моддани ўзининг эҳтиёжлари учун олиб келган.

– Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **29-масала**

Фуқаро Д. гиёҳвандликка чалинган Х.га 1 гр. миқдорда «героин» моддасини сотди. Орадан маълум вақт ўтгач Х. Д.нинг олдига келиб, сотиб олинган героиннинг таъсир кучини мақтаб, ундан яна 10 грамм ўша героиндан сотишини илтимос қилди.

Д. героин ўрнига 10 грамм миқдорда шакар кукунини Х. сотиб юборди.

- фуқаро Д. ва Х. ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **30-масала**

Р. К.нинг номусига тегиш мақсадида таниши У.дан кучли наркотик моддасини сотиб олди.

Сунг К. ни ўз уйига меҳмонга таклиф қилиб, унинг шарбатига сотиб олган наркотик моддасини кўшиб берди.

Наркотик моддасининг таъсири бошланганда Р. К.нинг мастлигидан фойдаланиб, бир неча маротаба унинг номусига тегиб, ёнида ухлаб қолди. Эрталаб уйғонганда К.нинг вафот этганлигини билиб қолди ва мурдани дарёда чўктирмоқчи бўлганда ички ишлар идоралари ходилари томонидан қўлган олинди.

Экспертиза хулосасига кўра К. нинг ўлими кучли наркотик моддасининг таъсири натижасида келиб чиққанлиги аниқланди.

- Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **31-масала**

Фуқаро В. ва Ф.лар гиёҳвандлик воситаларни қўлга киритиш мақсадида, фарматевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхонанинг деворидан ошиб корхона худудига киришди ва у ердан кўп миқдорда гиёҳвандлик воситаларни эггаллаб, корхона худудидан чиқиб кетишаётганда уларни корхона қоровули тўхтатди.

В. ёнида бўлган пичоқ билан қоровулнинг баданига бир неча маротаба зарб берди ва улар воқеа жойидан ғойиб бўлишди. Корхона қоровули етказилган шикастлар натижасида воқеа жойида вафот этди.

- В. ва Ф.ларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.
- жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **32-масала**

Фуқаро А. оғир кассалиги туфайли шифокор Б. томонидан унга таркибида «Глютетимид» гиёҳвандлик воситаси бўлган 20 та таблетка сотиб олиш учун махсус рецепт берди.

Шу рецептга асосан А. дорихонадан 20 та таблетка сотиб олди. Орадан бир ҳафта ўтгач олиб борилган муолажаларга қарамасдан фуқаро А. вафот этди.

- Унинг укаси Г. қолган таблеткаларни фуқаро С.га сотиб юборди.
- Юқоридаги шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **33-масала**

Фуқаро У. маст ҳолатда кўчада қўшнилари эр-хотин П.ларга тегажўғлик қила бошлади.

Уларни ўлдириш билан қўрқитиб, ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб, йўл четида ётган белкуракни олиб уларга қарата отди, лекин белкурак ҳеч кимга тегмади.

Маҳалла профилактика инспектори унинг ҳаракатларини тўхтатмоқчи бўлганида, фуқаро У. у томонга қарата белкуракни отди ва унинг баданига соғлиғининг бузилишига олиб келмаган енгил шикаст етказди.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро У.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **34-масала**

Фуқаро П. маст ҳолатда ётоқхонанинг йўлагиди яланғоч ҳолда югуриб юрган вақтида, ётоқхонада яшовчилар томонидан тўхтатилди, бунга жавобан П. уларни ножўя сўзлар билан ҳақоратлади.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро П.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **35-масала**

Фуқаро П. маст ҳолатда ётоқхонанинг йўлагиди яланғоч ҳолда югуриб юрган вақтида, ётоқхонада яшовчилар томонидан тўхтатилди, бунга жавобан П. уларни ножўя сўзлар билан ҳақоратлади.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро П.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **36-масала**

Фуқаро Д. ҳақиқий қуролга ўхшатиб ясалган тўппончаси билан ўзига нотаниш бўлган С.ни қўрқитиб, уни уриб-дўппослаб, кўчада ёлонғоч ҳолатда юришга мажбур қилди ва бу ҳолатларнинг барчасини ўзининг телефони орқали видеотасмага суръатга олди ва бошқа фуқароларнинг аралашуви билан фуқаро Д. қўлга олиниб, ИИОга олиб келинди.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро П.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **37-масала**

Гиёҳвандлик воситалари таъсири остида бўлган У. кўчада аёлларга теғожоғлиқ қилиб, уларни хар-хил уят сўзлар билан ҳақоратлаб юрганлиги учун маҳалла профилактика инспектори томонидан ушланиб, уни ИИОга олиб келаётган пайтида фуқаро У. профилактика инспекторига қаршилик кўрсатиб, унинг баданига енгил шикаст етказиб, қочиб кетди. Орадан бир кун ўтганидан кейин фуқаро У. қўлга олинди.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро П.нинг қилмишини Жиноят кодекси 277-м. 3-қ. «г» б. (жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган безорилик) сифатида квалификация қилиш мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **38-масала**

Фуқаро Ш. бир неча маротаба вояга етмаган Б. ва И.ларни спиртли ичимликлар ичишга жалб қилди.

Спиртли ичимликларни ичгандан сўнг Ш. уларни қимор ўйнашга ўргатди.

Бундан ташқари Ш. бир неча маротаба турли шахсларга ўзининг яшаш хоналаридан бирини қимор ўйнаш учун тақдим қилган.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро П.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **39-масала**

Фуқаро Р. ўзининг кўп қаватли уйдаги хонадонини «ижарага» бериб юрадиган А. исмли шахс билан танишиб қолиб, унга одатдагидан кўра анча кўп бўлган миқдорда пул бериб, хонадонини ижарага олишини маълум қилди, лекин хонадонга кўп одам келиб-кетишини, лекин бу билан унинг иши бўлмаслигини айтди.

Фуқаро А. ушбу шартларга рози бўлиб, ўзининг хонадонини Р.га бериб турди.

Фуқаро Р. эса ушбу хонадонда қиморхона ташкил этганлиги учун қўлга олинганда у хонадон ўзиники эмаслигини, қиморхонанинг «эгаси» А. исмли шахс эканлигини маълум қилди.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро Р. ва А.ларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.



– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **40-масала**

Давлат тест маркази масъул ходими Р. ахбортлаштириш қоидаларига, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда, марказий компютеридаги мавжуд тест базасига ишлов бериш жараёнида жиддий зиён етказди.

– Р.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **41-масала**

Ахборот технологиялари университети собиқ талабалари Б., Т.лар олдиндан тил бириктириб, қонунга хилоф равишда университет ахборот таълим порталидаги мавжуд ахборотлардан нусха олиш вақтида ахборот таълим портали тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлди.

– Б. ва Т.ларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **42-масала**

Фуқаро Қ. махсус ҳимояланган компьютер тизимидан рухсатсиз фойдаланиш учун ўтказиш мақсадида давлат тест марказида масъул ходим бўлиб ишловчи таниши М. махсус дастурни ҳақ эвазига бериб юборди.

– Қ. ва М.ларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

#### **43-масала**

Туман ғазнаси бош бухгалтери бўлиб ишловчи Т. туманнинг йиллик молиявий статистик маълумотлари базасига белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ишлов бериши натижасида туман ғазнасига кўп миқдорда зарар етказди.

– Бош бухгалтер Т.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **44-масала**

Республика марказий банкида етакчи мутахассис бўлиб ишловчи Ф. жиноий гуруҳ билан олдиндан тил бириктирган ҳолда ҳимояланган махсус компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш учун жиноий гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурларни Марказий банкда ишловчи ходимларга тарқатиб чиқди.

– Ф.нинг ва жиноий гуруҳнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **45-масала**

“Қишлоққурилишбанк” ходими Б. жиноий қилмишларини юқотиш мақсадида, таниши Д. томонидан ишлаб чиқилган дастур билан компьютер тизимида сақланаётган маълумотларга шикаст етказиши натижасида давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказди.

– Б. ва Д. ларнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **46-масала**

“Асакабанк”дан жуда катта миқдорда нақд пулда кредит олган Р. кредитини ёпиш мақсадида шу банкнинг бош мутахассиси Ж. билан тил бириктириб, хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини ишдан чиқарди.

– Р. ва Ж. ларнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **47-масала**

Давлат тест марказида тест жавобларини текшириш гуруҳида масъул бўлиб ишловчи П. Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари Р. ва Л.лар билан тил бириктириб, ахборот-ҳисоблаш тизимида рухсатсиз кириб, 25 нафар абитуриентларнинг тест жавобларини сунъий равишда кўтариб қўйди.

– П., Р. ва Л.ларнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **48-масала**

Омма олдида автомобилни тез юришини мақтанмоқчи бўлиб, фуқаро О. тезликни оширди.

Светофор яқинида автомобилни тўхтатмоқчи бўлганида автомобилнинг тормоз тизими ишламади.

Бунинг натижасида йўл транспорт тўқнашуви содир бўлди. Фуқаро О.нинг ёнида ўтирган таниши З.га оғир шикаст йетди.

– мазкур ҳолат бўйича фуқаро О.нинг келиб чиққан оқибатларга нисбатан муносабатини аниқланг.

– хайдовчи О.нинг қилмиши Жиноят кодексининг 266-моддасининг қайси қисмига тегишли?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **49-масала**

Олиб борилган тезкор-қидирув ишлари натижасида фуқаро С. томорқасида бир туп наша ўсимлигини экиб, парваришлаб, келгусида сотиш мақсадини кўзламай, ўзи истеъмол қилиши учун ўз уйида сақлаб келганлиги аниқланган.

– фуқаро С.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Экиб, парваришланган тақиқланган экинларнинг миқдори қандай аниқланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **50-масала**

Фуқаро А кўшниси Х.нинг гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш ниятини билиб қолди.

Уни алдамоқчи бўлиб, қоғозга ўралган қуритилган, оддий бодом дарахти барглари гиёҳвандлик воситаси деб 450.000 сўмга сотди. Ҳакимов алданганини билиб қолиб пулни қайтаришни сўради.

А. агар пулни талаб қилсанг ички ишлар органларига сени қилмишингни етказаман деб кўрқитди.

– мазкур ҳолат бўйича айбдорларнинг қилмишини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **51-Масала**

Фуқаро Ў. 2014 йил 26 декабрь куни Жиззах шаҳридаги “Зебо” савдо маркази олдида турган фуқаро Л.га тегишли бўлган ВАЗ-2109 русумли автомашинани олиб қочиш мақсадида калит танлаш йўли билан автомашина салонига кириб, ўт олдириб, Пахтакор туман йўналиши бўйлаб бошқариб кетган.

Йўлда кетаётиб унда шу автомашина эҳтиёт қисмларини ечиб олиш фикри туғилиб, шу мақсадда Учтепа даҳасидан ўтиб, хилват жойга машинани бошқариб бориб, умумий баҳоси 1 000 000 сўм бўлган тўртта ғилдирагини ҳамда баҳоси 100 000 сўмлик бир дона аккумуляторини ечиб олиб, Пахтакор туманига олиб бориб сотиб юборган.

– фуқаро Ў.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Транспорт воситасини олиб қочиш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **52-масала**

2014 йил 5 ноябрь куни фуқаро М. таниши Н. га тегишли МТЗ-80 русумли тракторни бошқариб кетаётганида йўл-патруль хизмати ходими томонидан тўхтатилиб, тегишли ҳужжатларсиз бошқарганлиги учун трактор жарима майдончасига қўйилган.

Орадан бир оз вақт ўтгач фуқаро М. тракторни олиб кетмоқчи бўлганида хизмат вазифасини бажараётган йўл-патруль хизмати ходими уни тўхтатиб қолган.

Бироқ М. унга фаол қаршилик қилиб, унга тегишли 1 800 000 сўмлик радиоалоқа воситасини синдириб воқеа жойидан қочиб кетган.

– фуқаро М.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– 1 800 000 сўмлик зарар, атамалар ҳуқуқий маъносига кўра қандай миқдорни ташкил қилади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **53-масала**

Муқаддам судланмаган А. жамиятга ҳурматсизлик кўрсатиб, кўчадан ўтиб бораётган фуқаро М.ни сабабсиз уриб, унинг баданига ўртача оғирликдаги жароҳат етказганлиги учун суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг иккинчи қисми “а” банди билан айбдор деб топилиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони умумий тартибли колонияда ўташи белгиланган.

– Суд томонидан хатоликка йўл қўйилганми?

– Безорилик жинояти билан қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг фарқини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **54-масала**

Вояга етган фуқаро П. пиротехника буюмларидан фойдаланиб жабрланувчи А.га эҳтиётсизлик орқасида баданига ўртача оғир шикаст етказди.

– айбдор П.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг;

– қайси ҳолатларда айбдорнинг қилмиши эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст (ЖК 111-модда) жиноятини назарда тутувчи модда билан квалификация қилинади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **55-масала**

Фуқаро Д. ўзганинг мулкини талон-торож қилиш натижасида топилган мулкка қонуний эгаллик кўриниши берилмаётган бўлса (масалан, техник

паспорт ёки ўғирланган автомобилни сотиш учун бериладиган ишончнома қалбакилаштирилган) унинг ҳаракатлари даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-моддаси) таркибини ташкил этадими?

– айбдор Д.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **56-масала**

Фуқаро Э. жиноий фаолият натижасида топилган мулкни легаллаштиришни хоҳлаб фуқаро С. билан сохта олди-сотди шартномаси тузди.

Бунда уларнинг икаласи ҳам мазкур мулкка қонуний тус бериш мақсади борлигини англаган ҳолда содир этмоқда бўлсалар.

– мулк олувчи Э.нинг ҳаракатлари қандай квалификация қилинади?

– жавобни тегишли Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосан беринг.

#### **57-масала**

Нотариус Х. томонидан ўз мансаб ваколатларидан пул маблағларини легаллаштиришга қаратилган битимни ўзи била туриб тасдиқлаш учун фойдаланилиши қанда баҳоланиши лозим?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд

Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **58-масала**

Фуқаро П. ички ишлар идорасининг қурол аслаҳа омборига ўз ҳизмат қуролини топшираётганида ёғида турган ходимнинг шахсий ўқотар қуролни ўғирлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаган.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида мазкур ўқотар қурол П.нинг уйдан топилди.

– айбдор П.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **59-масала**

Фуқаро Х. ўқ-дориларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилганда божхона ходимлари томондан қулга олинди.

– айбдор Х.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг;

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **60-масала**

Олийгоҳ талабалари Б. ва Ғ.лар йил давомида уй шароитида кучли таъсир этувчи сунъий гиёҳванд моддасини тайёрлардилар.

Улар ушбу гиёҳванд моддани фақат ўзлари истеъмол қилиб, бошқа ҳеч кимга тарқатмас едилар.

Фақатгина Г.нинг вояга етмаган укасини гиёҳванд моддасини истеъмол қилишга ўргатишди.

- Юқоридаги шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **61-масала**

Озодликдан махрум этиш жазосини ўтаётган Н., Т. ва С.ни гиёҳванд воситасини истеъмол қилишга жалб қилди.

- Н.нинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **62-масала**

У. маст ҳолатда кўчада қўшнилари ер-хотин Полинларга тегажонлик қила бошлади.

Уларни ўлдириш билан кўрқитиб, ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб, йўлда ётган ломни олиб уларни урмоқчи бўлди.

Лекин лом ҳеч кимга тегмади.

Профилактика инспектори унинг ҳаракатларини тўхтатмоқчи бўлганида, У. у томонга қарата ломни отди, бироқ лом тегмади.

- У.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **63-масала**

С. ва А.лар маст ҳолатда кўприк устида уларга нотаниш бўлган Волковага тэгажонлик қилдилар.

Уни ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб, тиз чўкиб кечирим сўрашга мажбур қилдилар.

- С. ва А.нинг жавобгарлиги ҳақидаги масалани ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **64-масала**

Тижорат дўконида маст ҳолатда бўлган Ёдгоров, ножўя сўзлар билан бақириб дўкон ойнасини синдирди. Харидорлар билан муштлашиб, жанжал чиқарди.

Уни тинчлантирмоқчи бўлган П.га Ё. синган шишанинг ўткир қисми билан зарба етказмоқчи бўлди.

- Ё.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **65-масала**

А., ўзининг хизматдоши С.нинг оғир бетоблиги сабабли хизмат жойида йўқлигидан фойдаланиб, унинг хизмат хонасига рухсатиз киради ва хизмат хонасида мавжуд бўлган компьютер ускунасини ишга тушириб, компьютердан ўзига керак бўлган маълумотларни ва компьютер дастурларни кўчириб олади.

Шундан сўнг А. ушбу маълумот ва дастурлардан кейинчалик С.нинг фойдаланиш имкониятларидан маҳрум қилиш мақсадида уларни компьютер ускунасидан ўчириб юборади.

- А.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **66-масала**

Фуқаро В. мотоциклининг орқа ўриндиғига ўғлини ўтказиб далаховлиси томон йўлга чиқишди.

Йўлда кетишаётганда ўғли ўриндиқдан силтаниш натижасида тушиб кетди ва шу жойнинг ўзида ўлди.

- фуқаро В.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **67-масала**

Шанхай шахрининг фуқаролари Ф. ва С.лар ўзлари яшайдиган давлат нарқобизнеси вакиллари билан тил бириктириб, ўзларининг ошқозон бўшлиғига яширилган наркотик моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кирар едилар.

Сўнгра улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган В. ва М.лар билан минифабрика ташкил қилиб, пахтанинг ғузапояси хом ашёдан тайёр мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бошладилар.

- Юқоридаги шахсларнинг ҳаракати қандай квалификация қилинади?

#### **68-масала**

«Оброн» кишлоғида яшовчи фуқаро Д. ўзининг қарамоғида бўлган 200 м<sup>2</sup> ерга кўкнори экинини эқди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг экинларни йўқ қилиш тўғрисидаги талабларига амал қилмади.

Д. экинларни кулинария ишлари учун ва шунингдек оиласига шифобахш малҳам сифатида ишлатишини таъкидлади.

- айбдор Д.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### **69-масала**

Шаҳар касалхонасининг санитари В. катта ҳамширанинг хонасидаги шкафнинг ичида 10 та ампула морфий моддаси борлигини билиб қолди.

Навбатчилик қилаётган куни, тунда у катта ҳамширанинг хонасига кирди ва шкаф қулфини синдириб унинг ичида бўлган морфий моддасини сотиш мақсадида олиб кетди.

- айбдор санитар В.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### **70-масала**

Фуқаро А.нинг шахсий автомашинаси божхона кўригидан ўтказилаётган вақтда наркотик моддаларини топишга ўргатилган хизмат кучуги ўзини безовта ҳис қила бошлади. Автомобилни синчиклаб кўздан кечирганда машинанинг шиналарида 3 кг наркотик модда яширилганлиги аниқланди.

- фуқаро А.нинг жавобгарлиги ҳақидаги масалани ҳал қилинг.

### **71-масала**

Фуқаро А. маст ҳолатда жамоат жойида фуқароларни ҳақоратлади ва унинг қилмишини олдини олишга ҳаракат қилган ҳокимият вакилига фаол қаршилиқ кўрсатди ва енгил тан жароҳати етказди.

– айбдор А.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.



3. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

4. Ш.М. Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.

5. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дустона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

#### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 524 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2017 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2017. – 560 б.

6. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (Янги тахрири): Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2016. – 576 б.

7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 424 б.

8. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси: (2015 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2014. – 152 б.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 2004 йил 26 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2004. – №43. – 451-м.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 9-сонли қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бирлашган таҳририяти, 2011. – 26 б.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 9. – 210-м.

12. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Maxsus qism: Darslik / R. Kabulov, A. Otajonov va boshq. Mas'ul muharrir Sh.T. Ikramov. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 824 б.

2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 260 б.

3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. Т. 5: Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2011. – 312 б.

4. Пайзиев Д.Ю. Контрабанда жинояти предметини аниқлашга доир баъзи фикрлар // Миллий кадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. – 285–288-б.

## **VII-БЎЛИМ. ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

### **Топширик:**

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш:

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори.

### **Муаммоли саволлар:**

1. Ҳарбий хизматни уташ тартибига қарши жиноятлар тушунчаси беринг.
2. Ҳарбий хизматни уташ тартибига қарши жиноятларнинг турдош объектини аниқланг.
3. Ким ҳарбий хизматни уташ тартибига қарши жиноятлар субъекти бўлиши мумкин?
4. Ҳарбий хизматни уташ тартибига қарши жиноятларидан ЖКда назарда тутилган бошқа жиноятлардан фарқи нимада?
5. Қандай жиноий ҳаракатлар буйсуниш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятларни ташкил қилади?
6. Буйсунмаслик деганда нима тушунилади?
7. Буйсунмаслик билан бошлиққа қаршилик курсатиш ёки уни хизмат мажбуриятларини бузишга мажбур қилишдан фарқи нимада?
8. «Мародёрлик» тушунчаси аниқланг ва унинг узганинг мулкни талон-торож қилишдан фарқи нимада?
9. Ҳарбий қисмни хизмат жойини узбошимчалик билан ташлаб кетиш ва дезертирлик уртасидаги фарқни аниқланг.
10. Узининг бирон аъзосини майиб қилиш йули билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан буйин товланинг дезертирликдан фарқи нимада?
11. Узининг бирон аъзосини майиб қилиш деганда нима тушунилади?
12. Қандай жиноий ҳаракатлар ҳарбий хизматни уташ тартибига қарши жиноятларни ташкил қилади?
13. ЖК 294-моддасида назарда тутилган қонуга хилоф равишда чегарадан утиш деганда нима тушунилади?
14. Қандай жиноий ҳаракатлар ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятларни ташкил қилади?
15. Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш деганда нима тушунилади?
16. Қайси ҳолатда ҳарбий мулкни нобуд қилиш ён ута шикаст етказиш учун жиноий жавобгарлик килиб чиқади?
17. Машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 298-моддаси)дан ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноятдан фарқи нимадан иборат?
18. Қайси ҳолатларда учиш ёки учишга тайёргарлик куриш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик келиб чиқади?

19. Ҳарбий хизматни уташ тартибига қарши жиноятлар кузда тутилган жанговар вазият деганда нима тушунилади?

20. Ҳизмат совуққонлик билан қараш тушунчаси аниқлаб беринг?

21. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига мувофиқ ҳарбий жиноятларнинг субъекти сифатида кимлар бўлиши мумкин?

### **1-масала**

Ҳарбий хизматни ўтаётган постда турган Н.нинг ёнига унинг рота командири келди ва бошқа объектни кўриқлаш учун туришига буйруқ берди. Н. буйруқни бажаришни қатъий рад қилди.

– Н. жинойий жавобгарликка тортиладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **2-масала**

Оддий аскарлар Х. ва В.лар ўз бошлиғи Р.нинг шавқатсизликларидан жаҳллари чиқиб, уни дўппосламоқчи бўлишди.

Улар юзларига ниқоб кийган ҳолда бошлиғини дўппослашди.

Х. учун кутилмаганда В. пичоқ чиқариб Р.нинг сон қисмига урди ва кўп қон йўқотиш оқибатида Р. вафот этди.

– Х. ва В.ларнинг жавобгарлиги ҳақидаги масалани ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **3-масала**

Муддатли ҳарбий хизматчини бошлиғи олдин интизомий жазо олганлигига қарамай хаммани олдида турли кўринишда ҳақорат қилди. Бундан жахли чиққан муддатли ҳарбий хизматчи постда хизматни ўташ пайтида қуроли борлигидан фойдаланиб, бошлиғини ўлдириш билан кўрқитди.

– Шахсларни жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **4-масала**

Бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар дала ўқув палигонидида мушғулотлар ўтаётган пайтда уларга бириктирилган ҳарбий жанговар мошинадан олов чиқиб ёна бошлади гуруҳ бошлиғи уни дарҳол ўчиришни буюрди аммо ҳарбий хизматчилар бир овоздан унга рад жавобини бердилар.

Оқибатда ҳарбий мошина ёниб тиклаб бўлмас даражага келди.

– Ҳарбий хизматчиларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **5-масала**

Ҳарбий хизматчи навбатдаги рухсатдан кеч қолиб келди. Бунга жавобан бошлиғи унга учта наряд эълон қилди.

Нарядга тушган ҳарбий хизматчи бошлиғи томонидан яна қўшимча берилган топшириқларни бажаришдан бош тортиб уни хамминг олдида ҳақорат қилди.

– Ҳарбий хизматчини жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **6-масала**

Ҳарбий хизматчи Афғон уриши пайтида жанг майдонида ҳалок бўлганларнинг буюмларини ўзлаштирганлиги аниқланди. Аммо уриш тугаганлигига 20 йилдан ошганди.

– Ҳарбий хизматчиларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **7-масала**

Ҳарбий хизматга янги қабул қилинган муддатли ҳарбий хизматчи 6 ой илгари қабул қилинган муддатли ҳарбий хизматчилар билан муросаси келишмай ўзаро жанжал чиқиб янги қабул қилинган муддатли ҳарбий хизматчи олинган тан жароҳатларидан касалхонада вафот этди.

– Жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **8-масала**

Бошлиғидан қасди бўлган ҳарбий хизматчи жанговор постда турганида унга берилган 10 донга ўқ ва ўқдонни ечиб, машғулотларда яшириб қолган ўқни АКМга жойлаб махсус нишон ёрдамида 1 км масофадан ўз бошлиғини оёқ қисмига яралади ва тергов жараёнида фош бўлди.

– Жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **9-масала**

Навбатдаги таътилда бўлган ҳарбий хизматчи бошлиғини пойлаб юриб уни ҳарбий горнизон ташқарисида ушлаб олди ва шу ҳолат учун тайёрлаб қўйган пичоғини уни томоғига тираб сўйиб ташлаш билан қўрқитиб, хизматга қайтганидан сўнг унга умуман буйриқлар бермаслигини тайинлади.

– Шахсни ҳаракатларига юридик баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **10-масала**

Н. исмли шахс бошлиғининг буйруғини эҳтиётсизлик натижасида бажара олмади бунинг натижасида ҳарбий қисмга жиддий зарар етказилди. Терговчи Н.га нисбатан ЖКнинг 279-моддаси билан жиноий иш қўзғади.

– Терговчи ҳаракатлари тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **11-масала**

Муддатли ҳарбий хизматчи А. қулоғининг батамом эшитмаслигини баҳона қилиб, хизматни давом эттиришдан бўйин товлади.

Шу сабабдан унга нисбатан Жиноят кодекси 290-моддасининг 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Дастлабки терговда жараёнида аниқланишича, А. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига асосан унинг акаси ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳалок бўлганлиги сабабли ҳарбий хизматдан озод қилинар экан.

– А.нинг жавобгарлиги ҳақидаги масалани ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **12-масала**

Оддий ҳарбий хизматчи Т. ўзининг хизматдош ҳамкасблари билан ўзаро муносабатлари келишмади. Хизматдошлари уни урар, қийнашар ва ҳақорат қилишарди.

Ушбу ҳолатлардан қийналиб кетган ва хизматни давом эттириш уни ўлимига олиб келиши мумкинлигини англаб, у ҳарбий хизматдан бўйин товлаган ҳолда ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетди.

– Т.нинг ҳаракатларига жиноий-ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **13-масала**

Ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш мақсадида навбатдаги чақирувдан ва тиббий кўрикдан олдин хизматга чақирилувчи А. ўзига оғир шикаст етказди.

Тиббий комиссия уни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топди.

– А.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **14-масала**

Оддий ҳарбий хизматчи А. навбатчилик постини топширди ва кечаси билан ухламанлиги сабабли ҳарбий қисм ёнида жойлашган уйига ҳеч кимга айтмасдан ҳарбий қисмни ташлаб кетди ва уйида дам олиб 12 соатдан сўнг ҳарбий қисмга қайтаётганида қўлга олинди.

– Шахсни жавобгарлик масаласини ҳал этинг?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **15-масала**

С. исмли муддатли ҳарбий хизматчи 3 ой хизматдан сўнг, ўзига ҳарбий хизматни тўғри келмаслигини англаб, охириги бир hafta давомида ҳарбий қисмдан қочиб кетиш режасини тузди.

Режа тайёр бўлгач, шахсий вақт берилишидан фойдаланиб, ҳарбий қисм четидаги ахлатхонага борди ва ўзининг ҳарбий кийимини ёқиб юборди ва шу ерга яширилган фуқаролик кийимини кийиб ҳарбий қисм деворидан ошиб ўтганида қўлга олинди.

– шахсни жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **16-масала**

Н. исмли муддатли ҳарбий хизматчи 1 ой хизматдан сўнг, ўзига ҳарбий хизматни тўғри келмаслигини англаб, қабул комиссиясидан ўтаётганида ҳарбий хизматга бориш учун атайлаб яширган юрак касалини янада кучайтириб хизматдан буйин товламоқчи бўлди.

Бунинг учун у юрак касаллиги мавжуд шахсларга тақақланган дорини ичди. Бунинг натижасида касалхонага тушиб қолди.

– шахсни жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **17-масала**

П. исмли шахс муддатли ҳарбий хизматга қабул қилинди. Хизматни 7 ойдан ортиқ муддатини ўтаётган пайтда эрталабки нонушта пайтида эпилепсия тутқаноқ хурж бериши оқибатида касалхонага ётказилди ва ҳарбий тиббий комиссияни хулосасига кўра Муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилади.

– шахсни жавобгарликка тортиш мумкинми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **18-масала**

Муддатли ҳарбий хизматчи хизматни ҳарбий кемада ўтаётган бир пайтда бошқа давлат кемаси билан отишма бошланди. Шу вазиятда муддатли ҳарбий хизматчи қурқиб кетиб ёрдамчи катерга миниб кемани ташлаб қочди.

– шахсни жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

### **19-масала**

Ўқ дорилар сақланадиган омборни қўриқлаш постига турган соқчи тишини оғиётганлиги сабаб постни ташлаб, ҳеч кимни огоҳлантирмасдан кетган бир пайтда қурол аслаҳа омбори номалум кимсалар томонидан бузимиб 1 та ПМ ва 2 дона АКМ қуроллари олиб кетилган.

– шахсни жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **20-масала**

Чегара нарядига бириктирилган ҳарбий хизматчи бир кун олдин бўлиб ўтган тревога чақирувидан чарчаганлиги сабабли чегара постини назоратсиз қолдиб бир панада ухлаб қолди. Натижада чегарадан икки номалум шахс ўтиб кетди.

– шахсларни жавобгарлик масаласини ҳал этинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **21-масала**

Муддатли ҳарбий хизматчи оддий аскар С. ўзига фойдаланиш учун берилган ҳарбий кийимни уни ёнига келган яқин қариндоши Б.га фойдаланиш учун бериб юборади.

– С.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **22-масала**

Ҳарбий қисм озик-овкат омборининг бошлиғи Р. ҳарбий қисмга келтирилган жами 2 млн. сўмлик картошкани омборларга киритмасдан тегишли тартибда сақлаш қоидаларини бузиб, очик ҳолатда ҳарбий қисм ҳудудида сақлайди.

Бунинг оқибатида картошканинг ярми истеъмолга яроқсиз ҳолатга келади.

– Р.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.



### **23-масала**

Оддий аскар В. шартнома бўйича ҳарбий хизматни ҳайдовчи лавозимида ўтаётиб, ҳарбий қисм ҳудудидан ташқари ўзига бириктирилган автомашинани қаровсиз қолдирганлиги оқибатида мазкур автомашинанинг қисмлари ўгирланишига йўл қўйган. Ҳарбий суд В.нинг ҳаракатини ЖК 167-моддасининг 3-қисми билан квалификация қилган.

– суднинг ҳулосаси тўғрими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **24-масала**

Оддий ҳарбий хизматчи У. томонидан Ф-1 гранатаси билан ишлаш қоидаларининг бузганлиги натижасида портлаш вужудга келди. У. ва яна 2 та ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди.

Дастлабки тергов жараёнида аниқланишича, ҳарбий хизматчилар билан ҳарбий тайёргарлик машғулотлари лозим даражада олиб борилмас экан.

У. хизмат қилган ротанинг командири Д.ни ЖКнинг 302 моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилди.

– ушбу ҳаракатлар тўғрими?

– агарда тўғри бўлса, унда жавобингизни асослаб беринг.

### **25-масала**

Қоровул хизматини олиб бориш пайтида оддий аскар П. ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ўзига бириктирилган АКМ автомати билан хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетди. Бир неча кун яқин атрофда жойлашган ўрмонда яширинди.

Уни оддий аскарлигини ҳеч ким билиб қолмаслиги учун ўзининг ҳарбий кийимини ёкиб юборди, автоматни эса, бўлақларга бўлиб дарёга чўктириб юборди.

– П.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

### **26-масала**

Ҳарбий қисм ҳайдовчиси, шартнома бўйича эркин ёлланган фуқаро Т. ҳарбий қисмга тегишли бўлган махсус машинани бошқараётганда йўл ҳаракати хавфсизлиги қондасини бузиш натижасида фуқаро Г.нинг баданига оғир шикаст етказилди.

– фуқаро Т.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

### **27-масала**

Ҳарбий қисм кийим-кечак омбори бошлиғи М. марказий омбордан автомашинага 2 млн. сўмлик юкни юклаб олиб

У.нинг бошқарувидаги автомашинасида ҳарбий қисмга жўнатиб юборади. Ўзи эса уйда қолади. У. автомашинадан 300.000 сўм бўлган кийим-кечакни ўзида олиб қолиб, қолган юкни қисм омборига топширади.

– содир этилган жиноятни квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **28-масала**

Жанговар ўқув машғулотларидан 5 кундан сўнг муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари А.нинг чўнтагидан 4 дона гильза топилади. А. бу гилзаларни сувенир тариқасида сақлаш учун олганлигини айтади.

– А.нинг бу ҳаракати уни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладими?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **29-масала**

Қоровул хизматини ўтаётган муддатли ҳарбий хизматчи Н. хизмат жойида ухлаб қолди. Буни кўриб қолган оддий аскар Д. Н.га бириктирилган АКМ автоматини Н.га билдирмган холда олиб кетди ва кейинчалик сотиш мақсадида яшириб қўйди.

– айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **30-масала**

Ҳарбий қисмнинг муддатли ҳарбий хизматчиси А. хизматдоши оддий аскар В.га жанговар машинанинг 700.000 сўм турадиган эҳтиёт қисмини кўрсатиб, уни автопаркдан ўғирлаганлигини айтади.

Оддий аскар В. оддий аскар А.нинг гапига эътибор бермай бу хабарни ҳеч кимга айтмайди.

– айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини хал этинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **31-масала**

Н. ҳарбий госпиталда жаррох бўлиб хизмат қилиб 2013 йил 21 апрелда оддий аскар Г.ни операция қилади.

2013 йил 22 апрелда ҳамширалар оддий аскар Г.нинг аҳволи оғирлашгани ҳақида Н.га хабар беришади.

Н. оддий аскар Г.нинг аҳволи оғирлашганлигини билсада, унга тиббий ёрдам кўрсатмайди. Натижада оддий аскар Г. шу куни вафот этади.

– Н.нинг ҳаракатлари ЖК 302-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинган. Н.нинг ҳаракатлари тўғри квалификация қилинганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **32-масала**

Лейтенант Л. вилоят божхона пости бошлиғи лавозимида хизмат қилиб, масъул мансабдор шахс бўлиб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда фуқаро З.дан 500 минг сўм пулларни пора тариқасида олиб, ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирмаган автомашиналарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тўлдириб, транспорт воситаларини қабул қилиш далолатномаларидаги шахсларнинг имзоларини фуқаролар У. ва Э.лар томонидан сохталаштиришда иштирок этган.

Унинг ҳаракатлари ЖК 210-моддаси 3-қисмининг "б" банди ва 28, 209-моддаси 2-қисмининг "а" банди ва 205-моддаси 2-қисмининг "в" банди билан тавсифланган.

– Л.нинг ҳаракатлари тўғри квалификация қилинганми?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **33-масала**

Ҳарбий қисм озиқ-овқат омбори бошлиғи сержант Э. ўзига ишониб топширилган ҳарбий қисмнинг озиқ-овқат омборидан умумий нархи 39.750.000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади ва ҳарбий қисмга моддий зарар етказди.

Тергов органи томонидан Э.нинг жиноий ҳаракати ЖК 167-моддаси 2-қисмининг "а" ва "г" бандлари ва 301-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинган.

– унинг жиноий ҳаракати тўғри квалификация қилинганми ?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **34-масала**

Рота командири Э. мунтазам равишда ўзига буйсунувчи оддий аскар Ш., Г. ва К.ларни ҳақоратлаб, шаъни қадр-қимматини камситиб, уриб-дўппослар эди.

Кунларнинг бирида бундай муносабатга чида олмай, оддий аскар Г. ўзини осиб юборди.

– рота командири Э.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **35-масала**

45-405 ҳарбий қисм навбатчиси сержант И. ўзига бириктирилган автотранспорт воситасини бошқариб кетаётганида йўл ҳаракати қоидаларини бузиб ЙТХ содир этди.

Бунинг натижасида икки пиёдани уриб юборди. Пиёдаларнинг бирига оғир иккинчисига ўртача оғир шикаст етди.

– мазкур ҳолат юзасидан И.ни ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **36-масала**

Лейтенант О. Бошчилигида спорт машқларини бажараётган аскарлардан бири яъни оддий аскар Б. чарчаганлигини, боши айланаётганлигини айтганида ҳам лейтенант О., Б.га машқни давом эттиришга буйруқ беради. Машқни бажараётган Б. турникдан боши билан йиқилиб тушади ва соғлигини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати олади.

– лейтенант О.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **37-масала**

Рота командири М. чегара ҳудуди ёнида қўй боқиб юрган фуқаро Ш.нинг илтимосига кўра, фуқаро Ш.нинг чегарадан ўтиб кетган 4 бош қўйини чегара ҳудудидан ўтиб қайтариб келишни оддий аскар Д.га буюради, бироқ, буни эвазига фуқаро Ш.дан ҳеч нарса олмайди.

– М. ва Д.ларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **38-масала**

Ҳарбий билим юрти курс командири майор И. фуқаро Б.ни билим юртига ўқишга киритиш учун келишиб, ундан 8 000 АҚШ доллари миқдорда пулини олиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборди.

– ушбу қилмишни квалификация қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### **39-масала**

Ҳарбий қисм молия бўлими бошлиғи подполковник И. ҳарбий қисм молия бўлинмасидан 2 млн. сўм пулни олиб ўз манфаатлари йўлида ишлатиб, 1 ойдан сўнг олинган пулни қайтариб жойга қўйди.

– ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **40-масала**

Мудофаа вазирлиги қурилиш бошқармасининг бўлим бошлиғи, майор П. бир қатор объектларни капитал таъмирлаганликлари ва ўз вақтида топширганликлари учун таъмирлаш ишларига алоқаси бўлмаган 21 нафар ишчисини мукофотлади.

Мукофотланганларнинг кўпчилиги «керакли одамлар» ва П.нинг қариндошларидан иборат эди.

Бунинг натижасида давлатга жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилди.

– П.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **41-масала**

Тошкент гарнизон ХАН хизматининг навбатчилик қисмига йўл ҳаракати хавфсизлик қоидаларини бузганлиги учун сержант Т. олиб келинди.

Навбатчилик қисми бошлиғи капитан Ш. Т.ни навбатчининг хонасида бир суткага яқин вақт ичида ушлаб турди.

Т. унинг иши бўйича аниқлик киритиб ва уни қўйиб юборишни талаб қилганида, Ш. унинг бошига пистолетнинг орқа томони билан урди.

Т.га соғлиғининг қисқа муддатга ёмонлашуви билан боғлиқ енгил шикаст етказилди.

Аниқланишича, сержант Т. маст ҳолатда транспорт воситасини бошқарган экан.

– капитан Ш.нинг жавобгарлик масаласини ҳал қилинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **42-масала**

Лейтенант М. ўзининг таниши бўлган фуқаро С.нинг уйига туғилган кунни нишонлаш учун бориб, С. уйда бўлмаса-да, кириш эшиклари очиқлиги учун уйга кириб, қолган меҳмонларни кута бошлайди.

Хонада ёлғиз қолганлигидан фойдаланиб, М. хонадаги 100 000 сўмлик соатни ўғирлаб, чўнтагига солиб қўйган.

Бироқ уй эгаси унинг соатни олганлигини сезиб қолади ва М. меҳмондорчиликдан кетаётганида уй эгаси томонидан ушлаб олинган.

– лейтенант М.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жиноят содир этган ҳарбийларга нисбатан қандай жазо турлари тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **43-масала**

Ҳарбий суднинг ҳукмига кўра, озиқ-овқат омбори бошлиғи лейтенант П. ҳарбий қисмнинг мулкани ўзлаштирганликда айбланган. У ўз вақтида келтирилган зарарни қоплаган.

– Бу ҳолатда судланувчига қандай жазо тайинлаш мумкин?

– Ўзлаштириш ва растарата қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш тушунчалари фарқини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **44-масала**

Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи ҳукмда белгиланган жазо муддати тугагунига қадар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларда муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган.

– бундай ҳолатда жазони ўталмай қолган қисми қандай ижро этилади?

– жинойт ҳуқуқидаги махсус субъект тушунчаси нимани англатади?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **45-масала**

Унвони ва лавозими тенг бўлган ҳарбий хизматчилар А. ва У. ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарида спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, шахсий адоват доирасида жанжаллашиб қолиб, А. У.ни уриб, унга соғлиғини қисқа муддат бузилишига сабабчи бўлган тан жароҳати етказган.

– А.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– жинойт содир этган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қандай жазо турлари тайинланиши мумкин?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **46-масала**

Вақтинчалик гуруҳ командири этиб тайинланган оддий аскар Ғ. ўзи билан бир гуруҳда хизмат қиладиган оддий аскар К.ни сув олиб келмаганини баҳона қилиб, уриб унга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.

– оддий аскар Ғ.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– мазкур жинойт ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жинойтлар таснифига киради?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### 47-масала

Ҳарбий қисмнинг муддатли ҳарбий хизматчиси А. қуролдош дўсти оддий аскар В.га жанговар машинанинг 700 000 сўмлик эҳтиёт қисмларини кўрсатиб, уларни автопаркдан ўғирлаганлигини айтган.

Оддий аскар В. оддий аскар А.нинг гапига эътибор бермай, бу хабарни ҳеч кимга айтмайди.

– А. ва В.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– Жиноятга дахлдорлик тушунчасини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### 48-масала

Ҳарбий хизматчилар А. ва Ю. ҳарбий қисм ҳудудида ўзаро жанжаллашиб, А. Ю.ни итариб юбориши натижасида ойна синади ва синган ойна билан Ю.ни қорин қисмига уриб, унга ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказган.

Ҳарбий қисм командирлари келиб қолганлиги учун А. ўзининг жиноий ҳаракатини охирига етказа олмаган.

Тергов органи томонидан унга безорилик оқибатида Ю.ни ўлдиришга суиқасд қилганликда айб эълон қилинган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, А. воқеа жойидан кетиб қолмасдан, унга ёрдам берганлиги аниқланган.

– А.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– Қасддан содир этилган жиноят босқичларини тушунтириб ўтинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### 49-масала

Оддий аскар С. бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид низом қоидаларини бузиб, ўзи билан бирга хизмат қилаётган Т. билан жанжаллашиб қолиб, ерда турган темир билан унинг бошига уриб соғлиғини бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказган.

Оддий аскар С.нинг жиноий қилмиши тергов органи ва суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 285-моддасининг иккинчи қисми “б” банди билан квалификация қилинган.

– Суднинг ушбу хулосасига ҳуқуқий баҳо беринг.

– мазкур жиноят ижтимоий хавfliлик даражасига кўра қандай жиноятлар таснифига киради?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 50-масала

Ҳарбий билим юртининг взвод командири лейтенант И. фуқаро Б.ни билим юртига ўқишга киргизиб қўйиш учун келишиб, ундан 20 000 000 сўм пул олиб, ушбу пулларнинг ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

– Лейтенант И.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

– мазкур жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жиноятлар таснифига киради?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 51-масала

Оддий аскарлар А. ва Э. қоровул нарядида турган Я.нинг ухлаб қолганлигидан фойдаланиб, ҳарбий қисм кийим-кечак омборига кириб, 6 000 000 сўмлик аскар этикларини ўғирлаб, фуқаро Г. билан келишиб унинг уйига яшириб қўйишади.

Қилмишлари фош бўлишидан қўрққан аскарлар ўғирланган этикларни ҳарбий қисмга қайтариб олиб келаётганларида тезкор ходимлар томонидан қўлга олинган.

– оддий аскарлар А., Э.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– қасддан содир этилган жиноят босқичларини тушунтириб ўтинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 52-масала

Лейтенант О. бошчилигида спорт машқларини бажараётган аскарлардан бири оддий аскар Б. чарчаганлигини, боши айланаётганлигини айтганига қарамасдан лейтенант О. унга машқни давом эттириш ҳақида буйруқ берган.

Машқни бажараётган Б. турникдан ерга боши билан йиқилиб тушиб, соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати олган.

– Лейтенант О.нинг ҳаракатини квалификация қилинг.

– Ижтимоий хавфли қилмиш тушунчасини айтинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

### 53-масала

Оддий аскар Й. ҳарбий қисм молия бўлинмасидан 20 000 000 сўм пулни ўғирлаб, ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган. Ўғирланган пулларни ўз манфаатлари йўлида ишлатиб, 6 ойдан сўнг ҳарбий қисмга ўз ихтиёри билан қайтиб бориб, молия бўлиmidан ўғирлаган 20 000 000 сўм пулни қайтариб берган.

– Оддий аскар Й.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

– Жиноятга суиқасд қилиш билан жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг фарқи нимада?



– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **54-масала**

Ҳарбий хизматчи Г. оилавий жанжал вақтида турмуш ўртоғини қўрқитмоқчи бўлди. Шу мақсадда у сохта ғазаб билан, ўқланмаган деб ўйлаган тўппончасини хотинига қаратган. Г. учун кутилмаганда тўппонча отилади, аммо ўқ турмуш ўртоғига тегмаган.

Г.нинг қайнонаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига мурожаат қилиб, куёви қизининг ҳаётига суиқасд қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишни сўраган.

– фуқаро Г.нинг қилмишини квалификация қилинг.

– Айб шакллари ва уларнинг тарифини айтиб беринг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **55-масала**

Кийим-кечак омбори бошлиғи лейтенант С. Ҳарбий суднинг ҳукмига кўра, асосий жазодан ташқари, муайян ҳуқуқдан, яъни моддий жавобгарлик билан боғлиқ вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан 4 йил муддатга маҳрум қилинган.

– Ҳарбий суд томонидан С.га тайинланган қўшимча жазонинг қонунийлигига баҳо беринг.

– Ҳарбий хизматчиларга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган асосий ва қўшимча жазоларни айтиб ўтинг.

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **56-масала**

Дезертирлик жиноятини содир этганлиги учун муддатли ҳарбий хизматчи оддий аскар Р.га ҳарбий суд томонидан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

– Суднинг қарори қонунийми?

– мазкур жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қандай жиноятлар таснифига киради?

– жавобни тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорига асосланиб беринг.

#### **57-масала**

Ҳақиқатда соғ бўла туриб, ҳарбий хизмат мажбуриятларини ўташдан озод бўлиш мақсадида ҳарбий хизматчи Э. ўзини ёлғондан касалга солиб, икки кун ўз ҳарбий бурчларини бажармаган.

– ҳарбий хизматчи Э.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **58-масала**

Ҳарбий батальон бошлиғи Қ. ўзига тобе бўлган офицерларга нисбатан уларнинг ноустав ҳаракатларини била тўриб, уларга барҳам бериш учун чора кўрмаган. Бу ҳолат юқори турган раҳбариятга етиб борган. Ўтказилган хизмат текшируви натижасида, бу ҳолат ўз тасдиғини топган.

– ҳарбий батальон бошлиғи Қ.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **59-масала**

Ҳарбий қисм бошлиғи Ф. шахсий автомашинасида йўл ҳаракати қоидаларини бузиш натижасида фуқаро О.га оғир тан жароҳати етказган.

– ҳарбий қисм бошлиғи Ф.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

### **60-масала**

Ҳарбий хизматчи Ж.нинг жанговор, махсус машинасини бошқаришда фойдаланиш қоидаларини бузиши натижасида, икки нафар одам ҳалок бўлди.

– ҳарбий хизматчи Ж.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беринг.

– тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жавобни беринг.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР, АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

2. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

4. Ш.М. Мирзиёев. Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2018. – 1 сент. – Б. 1,2.

5. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод келажакнинг, табдиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дустона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги] // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек. – Б. 1,2.

#### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2018.-40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 536 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018. – 864 б.

#### **Дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар**

1. Jinoyat huquqi. Maxsus qism: Darslik / R. Kabulov, A. Otajonov va boshq. Mas’ul muharrir Sh.T. Ikramov. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 824 b.

2. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta’lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, I. A. Sottiyev va boshq. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 260 b.

3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. Т. 5: Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2011. – 312 б.

**ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД  
МАСАЛАЛАР  
ТЎПЛАМИ**

**Ф.Э.МУХАМЕДОВ, Ғ.А.АЛИМОВ,  
Р.Р.ШАКУРОВ, А.А.РАСУЛЕВ**

**ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ НОРМАЛАРИНИ  
ҚЎЛЛАШГА ОИД МАСАЛАЛАР  
ТЎПЛАМИ**

Компьютерда  
саҳифаловчи:

*Г.Икрамова*

